

**ЎЗБЕКИСТОН  
ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ  
АХБОРОТИ**

**\* \* \***

**ИЗВЕСТИЯ  
ГЕОГРАФИЧЕСКОГО  
ОБЩЕСТВА УЗБЕКИСТАНА**

---

**49 – жилд**

---

**Тошкент-2017**

**Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 49-жилд.**

Илмий журнал. - Тошкент, 2017 йил. – 211 бет.

“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журнаlining 49-жилдида табиий география, геозология ва табиатдан фойдаланиш, иқтисодий ва ижтимоий география, топонимика ва география ўқитиш методикаси, куруклик гидрологияси, метеорология ва иқлимшунослик ҳамда геодезия ва картографияга тааллуқли мақолалар, таниқли географларнинг юбилей ва хотираларига оид лавҳалар жой олган.

**Таъсисчи:** Ўзбекистон География жамияти

**“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журнаlining таҳрир хайъати:**

*г.ф.д., профессор*  
*г.ф.д., профессор*  
*г.ф.д., профессор*  
*г.ф.д., профессор*  
*тех. фанлари доктори*  
*г.ф.д., профессор*  
*г.ф.н., доцент*

*г.ф.н., доцент*  
*г.ф.н., доцент*

*Техник котиблар:*

**Ф.Х.Хикматов** (*бош муҳаррир*)

**А.Қ.Абдуллаев**

**М.М.Маматкулов**

**А.Н.Нигматов**

**Э.Ю.Сафаров**

**А.А.Қаюмов**

**А.Э.Эгамбердиев**

(*масъул котиб*)

**М.Т.Миракмалов**

**М.И.Назаров**

**Ш.Б.Қурбонов**

**В.Н.Федорко**

Федорко В.Н.\*

**ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ТРУДА И.А.КАРИМОВА «УЗБЕКИСТАН НА ПОРОГЕ XXI ВЕКА: УГРОЗЫ БЕЗОПАСНОСТИ, УСЛОВИЯ И ГАРАНТИИ ПРОГРЕССА»**

**Аннотация:** В статье рассматриваются географические аспекты содержания работы первого Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова «Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса», в частности, положение нашей страны в геополитическом пространстве Евразии, геостратегические условия социально-экономического развития Узбекистана и эколого-географические проблемы устойчивого развития республики.

**Ключевые слова:** И.А.Каримов, Республика Узбекистан, геополитическое положение, факторы развития, геостратегический потенциал, природные ресурсы, эколого-географические проблемы.

**И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарининг географик жиҳатлари**

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиётнинг омил ва кафолатлари” асари мазмун-моҳиятидаги географик жиҳатлар, жумладан, мамлакатимизнинг Евросиё геосиёсий маконидаги ўрни, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг геостратегик шароитлари ва республикамиз барқарор ривожланишининг экологик-географик муаммолари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** И.А.Каримов, Ўзбекистон Республикаси, геосиёсий ўрин, ривожланиш омиллари, геостратегик салоҳият, табиий ресурслар, экологик-географик муаммолар.

**Geographical aspects of the work of I.A.Karimov "Uzbekistan on the threshold of XXI century: security threats, conditions and warranties of progress"**

**Abstract:** The article deals with the geographic aspects of the work of the first President of the Republic of Uzbekistan Islam Karimov "Uzbekistan on the threshold of the XXI century: threats to security, conditions and guarantees of progress", in particular, the position of the country in the geopolitical space of the Eurasia, geostrategic terms of socio-economic development of Uzbekistan and eco-geographical problems of sustainable development of the republic.

**Keywords:** I.A.Karimov, Republic of Uzbekistan, geopolitical situation, the factors of development, geo-strategic potential, natural resources, ecological and geographical problems

**Введение.** 2 сентября 2016 года вошло в историю нашего Отечества как скорбная дата – день смерти первого Президента Республики Узбекистан, отца и вдохновителя нашей Независимости Ислама Абдуганиевича Каримова. Творческое и методологическое наследие первого Президента Узбекистана на долгие годы сохранит своё научно-практическое значение. Труды И.А.Каримова уже давно обрели знаковый смысл в контексте философского осмысления пути, пройденного нашей Родиной в её новейшей истории. Образцом глубокого и всестороннего теоретического анализа условий, процессов и проблем развития нашей республики в новых геополитических условиях стала книга Ислама Абдуганиевича «Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса», увидевшая свет в 1997 году.

В рамках содержания этой работы можно выделить несколько ключевых географических аспектов, в том числе:

---

\* Федорко В.Н. - учитель географии в школе №233 г.Ташкента, самостоятельный соискатель кафедры географии НУУз.

- 1) анализ геополитического положения Республики Узбекистан и геополитических процессов в окружающем республику пространстве;
- 2) оценка географических и геостратегических факторов и предпосылок социально-экономического развития нашей страны;
- 3) рассмотрение экологических проблем устойчивого развития Республики Узбекистан.

Проанализировав рассматриваемое произведение первого Главы нашего государства и выделив в качестве наиболее «географичных» вышеперечисленные грани содержания книги, мы считаем целесообразным подробнее остановиться на каждом из этих вопросов.

**Основная часть. Геополитические условия развития независимого Узбекистана.** В характеризуемой книге Ислам Абдуганиевич Каримов дал обстоятельную оценку условий и процессов геополитического развития Республики Узбекистан. Первый Президент нашей страны обращает внимание на то, что Узбекистан, как и Центральная Азия в целом, расположен на стыке, в фокусе *сталкивающихся геополитических и геоэкономических интересов* стран Запада, Российской Федерации, Китая, Индии, крупнейших стран исламского мира – Турции, Пакистана, Ирана и Саудовской Аравии. Подобное положение дел, среди прочих причин, во многом обусловлено нахождением нашей республики *в центре полукольца крупнейших нефтегазовых ресурсов планеты*, включающего Персидский залив, Каспийское море, Таримский бассейн. Это создаёт серьёзные угрозы геополитической безопасности страны.

В таких условиях осуществление *независимой внешней политики*, исходящей из собственных интересов нашей страны, нашего народа и стремлений к взаимному согласию, взаимодействию и сотрудничеству с соседними странами и со всем мировым сообществом на равноправной основе, становится очень непростой задачей. В связи с этим, постоянное преодоление противоречащих друг другу интересов различных участников мировой геополитической арены за влияние в странах Центральной Азии и, особенно в Узбекистане, занимающем в этом регионе специфическое узловое положение, играет стратегическую роль в укреплении подлинной независимости республики и становлении её в качестве полноправного субъекта международных отношений.

Среди прочих предпосылок напряжённой региональной геополитической обстановки в Центральной Азии и на прилегающих к ней территориях особое место занимает *этнорелигиозный фактор*. Трансграничный характер расселения этносов региона, несовпадение этнических и государственных границ нередко используется реакционными силами в целях эскалации военных конфликтов в Центральноазиатском пространстве. Призывы к объединению того или иного этноса в рамках единого государства и переделу под знаменем соответствующих лозунгов узаконенных международными соглашениями и иными правовыми документами государственных границ стран региона являются, вне всякого сомнения, *безосновательными и преступными*.

**Географические предпосылки социально-экономического развития Республики Узбекистан.** В рассматриваемой книге первый Президент Узбекистана много места уделяет анализу географических факторов, имеющих большое значение для социально-экономического развития нашей республики. И.А.Каримов подчёркивает, что Узбекистан занимает срединное, узловое положение во всём Центральноазиатском регионе, играет особую роль в осуществлении экономических отношений пограничных стран с внешним миром. Это следует расценивать как одну из благоприятных сторон географического потенциала нашей страны. Вместе с тем, стране объективно необходимо получить надёжный, по возможности короткий и мобильный, доступ к портам Мирового океана. Это активизирует в существенной мере внешнеторговые связи нашей страны. Для

достижения соответствующих целей необходимо участие Узбекистана в крупных международных проектах по созданию современной трансконтинентальной транспортной инфраструктуры. Кроме того, следует укреплять внутреннюю сеть дорог республики, формировать транспортную целостность и независимость Узбекистана. Огромное экономическое и политическое значение в этой связи имеет строительство в период Независимости железных дорог Ташгузар-Байсун-Кумкуртан, Учкудук-Султанувайс-Нукус, Ангрэн-Пап, завершаемое на настоящем этапе сооружение железной дороги Канимех-Мискин, а также ввод в эксплуатацию скоростных поездов по маршрутам Ташкент-Самарканд, Ташкент-Бухара и Ташкент-Карши, модернизация автомагистрали Ташкент-Коканд через перевал Камчик и другие инфраструктурные проекты.

Существенным фактором интенсивного социально-экономического развития Узбекистана является богатый минерально-сырьевой потенциал нашей страны. При этом он примечателен не только количественными, но и качественными характеристиками. В частности, обращает внимание разнообразие полезных ископаемых, разведанных в пределах республики, крупность многих месторождений, их комплексность, территориальное сочетание, наличие в составе рудоносных пород ценнейших редких элементов, возможность открытой разработки залежей, расположение ряда месторождений в районах с высокоразвитой транспортной и социальной инфраструктурой. Всё это говорит о больших возможностях Республики Узбекистан в развитии горнодобывающей, топливной, химической, металлургической промышленности, о перспективности формирования крупных территориально-производственных комплексов в различных частях нашего государства на базе минерально-сырьевых ресурсов. Этот фактор способствует упрочению экономической безопасности нашей страны.

Помимо вышеотмеченных благоприятных географических предпосылок, Узбекистан располагает значительным производственным (особенно агропромышленным), демографическим, интеллектуальным, творческим, культурным потенциалом. Всё это в той или иной степени имеет регионально-географические аспекты, учёт которых необходим для рационального использования факторов социально-экономического развития.

**Эколого-географические проблемы устойчивого развития Республики Узбекистан.** В ранге одного из наиболее существенных препятствий стабильного и интенсивного развития нашей республики И.А.Каримов в своём произведении рассматривает экологические проблемы. Подчёркивая актуальность решения многочисленных эколого-географических проблем на территории республики, первый Президент страны обращает внимание на то, что генезис соответствующих природно-экономических реалий связан, прежде всего, с нерациональностью природопользования, пренебрежением научными основами последнего. Следовательно, коренное изменение экологической ситуации в стране возможно лишь в результате трансформации методов и подходов к взаимодействию хозяйства с природной средой, технологической модернизации производственных процессов, совершенствования практики управления природопользованием.

Необходимо отметить, что в данной работе И.А.Каримов пишет о многих экологических проблемах республики более подробно, раскрывая их масштабы, многообразие форм проявления и намечая магистральные пути их разрешения. Много места на страницах своей книги он отводит проблемам рационализации использования земельных ресурсов республики. В Узбекистане, как отмечает первый Президент, резко сокращается обеспеченность населения земельными угодьями (в пересчёте на душу населения) в связи с ростом демографической нагрузки на земельный фонд и резкой ограниченностью возможностей освоения новых земель, обусловленной главным образом

дефицитом воды в Узбекистане. Соответствующий анализ хорошо проиллюстрирован и обоснован статистическими данными по этому вопросу.

Также в этом произведении И.А.Каримова имеется немало ценной информации о проблемах вторичного засоления сельскохозяйственных угодий и загрязнения их химикатами и прочими отравляющими веществами. Говоря о территориальной дифференциации подобных эколого-экономических явлений, первый глава нашего государства подчёркивает особую степень их актуальности в пределах дельтовых равнин низовьев Амударьи, Зарафшана и других рек страны, что связано с особенностями их эколого-географического положения в замыкающих створах бассейновых систем природопользования.

Наряду с проблемами землепользования, И.А.Каримовым много внимания уделено проблемам рационального использования и охраны водных ресурсов Республики Узбекистан. Им подчёркивается насущная необходимость строгой комплексной охраны водной среды, особенно защиты рек, каналов, озёр и водохранилищ от различных классов токсичных стоков. Первый глава государства пишет также о необходимости рационализации водопользования в системе общественного производства, в первую очередь, в орошаемой земледелии, являющемся ведущим потребителем водных ресурсов в Узбекистане и соседних странах Центральной Азии, указывает на некоторые меры по осуществлению этих мероприятий.

Важным, на наш взгляд, выводом из данного раздела книги является мысль о том, что водообеспеченность нашей страны во многом будет зависеть от урегулирования проблем трансграничных водотоков и ирригационных сооружений в странах региона. Практика показала глубокую правоту И.А.Каримова в этом вопросе, так как в настоящее время проблема взаимовыгодной эксплуатации трансграничных водно-энергетических ресурсов в Центральной Азии остаётся одной из ключевых причин нарастания социально-экономической и экологической напряжённости в странах региона и одной из насущных угроз геополитической стабильности последнего.

Особое место в контексте рассмотрения И.А.Каримовым комплекса экологических проблем нашей республики занимает анализ генезиса и современных масштабов катастрофы Арала и Приаралья. Показав глубину и подлинную трагичность сложившейся в районе Аральского моря экологической ситуации, он называет её глобальной проблемой. Это обосновано, как огромным числом людей, пострадавших в той или иной степени от высыхания Арала, так и невозможностью выхода из Аральского кризиса усилиями отдельно взятой страны.

В книге сформулирован ряд предложений по рационализации природопользования и оптимизации геоэкологической обстановки в Узбекистане и во всём Центральноазиатском регионе, в частности:

- 1) прекращение загрязнения токсичными элементами водного и воздушного бассейнов;
- 2) рациональное использование всех видов природных ресурсов с обеспечением расширенного воспроизводства возобновляемых и строго рассчитанное потребление невозобновляемых видов;
- 3) целенаправленное, научно обоснованное преобразование природных условий с целью более эффективного их хозяйственного использования;
- 4) сохранение биологического разнообразия флоры и фауны региона;
- 5) оптимальная планировка населённых мест с учётом эколого-географических факторов;
- 6) привлечение внимания международного сообщества к геоэкологическим проблемам в Центральной Азии.

**Выводы.** Таким образом, книга первого Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова «Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса» содержит в себе заметный географический элемент и очерчивает широкий круг соответствующих вопросов. Это обстоятельство позволяет считать данную работу первого Главы нашего государства важной методологической основой развития отечественной географии, в особенности таких её направлений, как экономическая и социальная география, геополитика, геоэкология и география природопользования.

**Использованная литература:**

1. Каримов И.А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. – Т.: Узбекистан, 1997. – 320 с.

## ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯ, ГЕОЭКОЛОГИЯ ВА ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ

Абдуназаров У.К., Крахмаль К.А.\*

ПАЛЕОПОЧВЫ В ХРОНОСТРАТИГРАФИИ ЧЕТВЕРТИЧНОГО ПЕРИОДА  
БАСЕЙНА РЕКИ ЧИРЧИК

**Аннотация:** В статье рассматриваются палеогеографические особенности и хронологическая последовательность истории эволюционного развития природы исходя из особенностей палеопочвенного покрова разного возраста в пределах долины реки Чирчик, которая является одним из ключевых участков стратиграфического расчленения отложений четвертичного периода Средней Азии.

**Ключевые слова:** хроностратиграфия, генезис, четвертичный период, эволюционное развитие, природная среда, антропогенез, микроморфология, минералогия, палеоботаника, палеозоология, археология.

**Чирчиқ дарёси ҳавзасининг тўртламчи давр қадимги тупроқларининг  
хроностратиграфияси**

**Аннотация:** Мақолада Ўрта Осиёдаги тўртламчи давр ётқизиқларини ўрганишининг таянч ҳудудлардан бири бўлган Чирчиқ дарёси водийсидаги ҳар хил ёшдаги қадимги тупроқларни ўрганиш асосида табиатнинг эволюцион ривожланиш тарихига оид палеогеографик ва хроностратиграфик маълумотлар таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** хроностратиграфия, генезис, тўртламчи давр, эволюцион ривожланиш, табиий муҳит, антропогенез, микроморфология, минералогия, палеоботаника, палеозоология, археология.

**Paleosol in chronostratigraphy Quaternary Chirchik basin**

**Abstract:** This article discusses the features and paleogeographic history of the chronological sequence of evolutionary development of nature based on the characteristics paleosol cover different age groups within the valley of the Chirchik River, which is one of the areas klyuchevykh stratigraphic subdivision of the Quaternary deposits of Central Asia.

**Keywords:** Chronostratigraphy, genesis, quaternary period, evolutionary development, the natural environment, anthropogenesis, micromorphology, mineralogy, paleobotanika, paleozoology, archeology.

**Введение.** В процессе определения хроностратиграфической последовательности истории эволюционного развития природы особое внимание уделяется генезису палеопочвенных покровов, погребенных или находящихся на поверхности на протяжении длительного периода геологического формирования планеты. Почвенный покров во все времена являлся уникальным природным компонентом, без которого невозможно существование всего органического мира. Почва является важнейшим и незаменимым условием жизни всех растений, животных микроорганизмов, обитающих на суше Земного шара. Именно этот, очень тонкий слой земной поверхности, сформировавшийся в определенные периоды геологического развития планеты, и при соответствующих геофизических, палеоклиматических и ряда других условиях, является главным источником и основой производства почти всех продуктов питания и сырья до настоящего времени.

Палеопочвы являются основным индикатором, наиболее детально реагирующих на геофизические, тектонические, палеоклиматические, физико-географические и ряд других изменений в природе, на фоне которых, в четвертичном периоде произошло возникновение и дальнейшее формирование человека как антропологического типа.

\*Абдуназаров У. К.– Национальный университет Узбекистана им. МирзоУлугбека, доцент кафедры географии,  
Крахмаль К. А.– кандидат исторических наук.



В связи с этим, в процессе изучения хроностратиграфической последовательности в истории развития природы, особое внимание сосредоточено на изучении генезиса формирования палеопочвенных покровов на протяжении неоген-четвертичного периода. Изучение особенностей образования палеопочвенного покрова является одним из основных направлений в междисциплинарной разработке вопросов палеогеографии, хроностратиграфии, геологической истории формирования земной поверхности, особенностей развития древнейшей материальной и духовной культуры.

**Основная часть.** Комплексное изучение палеопочвенного покрова, в данном этапе исследований в Узбекистане, направлено на выявление генетических связей эволюционного развития природных процессов в периоды становления человека как антропологического типа и для более полной аргументацией хроностратиграфических выводов по истории развития материальной и духовной культуры. Изучение генезиса палеопочвенного покрова в данном направлении основано на комплексных методах исследования взаимосвязей «человек – окружающая среда», детализации особенностей развития природы, формирования человека как антропологического типа, региональными и локальными особенностями культур каменного века в четвертичном периоде.

Взаимодействие человека и природы, т. е. содержание тех связей, которые соединяют человечество с окружающей его природной средой, представляет собой не только одну из самых актуальных, но и самых сложных проблем современности.

Система связей в данном направлении исследований является чрезвычайно разносторонней и требует синтеза методических подходов различных наук. Поэтому вполне закономерна разработка комплексного междисциплинарного исследования, посвященного вопросам возникновения и развития системы - человек-общество-природная среда в периоды раннего антропогена. Она включает в себя различные научные направления, такие как палеопочвоведение, археология, антропология, палеобиология, палеогеография, геология, геофизика, гидрология и ряд других наук о Земле.

Данное направление составляет также наиболее актуальную экологическую проблему глобального плана. Это объясняется не только всегда существовавшими тесными связями общества с окружающей природой и очевидным всеобщим интересом к этой проблеме, но также и постоянными открытиями новых, неизвестных ранее источников.

На основе синтеза современных знаний, с учетом накопленного фактического материала, разработаны основные положения глобальной и региональной хроностратиграфической шкалы четвертичного периода на территории Узбекистана [3]. Проводится детализация хроностратиграфии антропогена. Так в стратифицированных отложениях пещерной стоянки Сельунгур открыты уникальные археологические находки, включая останки архантропов, обитавших на территории Средней Азии в эпоху эоплейстоцена и последующие периоды. На основе археологических открытий в Тешикташе, Обирахмате, Самаркандской стоянки изучается путь эволюционного развития древнейших гоминид, рассматриваются экологические условия, на фоне которых происходило формирование и дальнейшее взаимодействие общества и природной среды. Палеопочвенные горизонты во все периоды истории человечества являлись неотъемлемой частью природного окружения и в значительной степени определяли региональное и локальное развитие материальной культуры в условиях эволюционных изменений земной поверхности. Поэтому междисциплинарный подход в изучении истории развития палеопочвенных горизонтов, имеет непосредственное отношение к особенностям взаимодействия первобытного общества и окружающей природной среды.

Также необходимо отметить, что, при всей важности изучения хронологических этапов и стратиграфической последовательности развития антропологических, археологических, историко-геологических и физико-географических аспектов проблем

происхождения человека - ее «ключом», является именно проблема взаимоотношения человека и окружающей его среды в периоды раннего антропогенеза. Эта проблема необычайно актуальна для нашего времени и для всего будущего человечества, не смотря на то, что ее исторические корни, без которых нельзя понять настоящее и предсказать будущее, уходят в далекое геологическое прошлое, которое, в результате многолетних исследований все более и более отодвигается вглубь геологического летоисчисления. Черызвычайно богатый материал по данному вопросу накоплен в результате детального изучения лессовых пород Узбекистана, наиболее широко распространённого в предгорной и низкорной зоне Западного Тянь-Шаня.

В силу своего своеобразного состава, свойств, строения и условий распространения лёссовые породы, включающие палеопочвенные горизонты, являются уникальными природными образованиями. В отличие от других континентальных отложений, лёссовые породы отличаются своим своеобразным гранулометрическим, химико-минеральным составом, строением и свойствами. В первую очередь это слабая водоустойчивость и наличие просадочности. Поэтому вопрос образования этих пород и их специфических свойств на протяжении долгого времени является дискуссионным. Несмотря на почти двухсотлетнюю историю изучения лёссовых пород специалистами различных научных направлений (геологов, геоморфологов, почвоведов и т.д.), нет достаточно полной и научно обоснованной гипотезы генезиса этих отложений. Анализ имеющихся к настоящему времени гипотез происхождения лёссовых пород показывает, что каждая из них имеет свои сильные и слабые стороны. Но при этом каждая из них может быть принята при исследовании отдельных горизонтов лёссовых толщ.

Погребенные почвы в лёссах Средней Азии описаны Ю.А. Скворцовым [1]. Он указывал, что для понимания природы лёссов «исключительное значение имела, имеет и будет иметь почвенная гипотеза...» [1, с.11].

В монографии «Погребенные почвы в лёссах средней Азии и их палеогеографическое значение» Степановым И.Н. и Абдуназаровым У.К. была определена роль погребенных палеопочвенных горизонтов в стратиграфическом расчленении лессовых отложениях. Определена систематическая характеристика погребенных палеопочв плейстоцена в лёссовых отложениях. На примере Чарвакской котловины Чаткальского хребта Западного Тянь-Шаня, произведено морфологическое, инженерно-геологическое, геохимическое, минералогическое, возрастное описание погребенных почв и разделяющих их суглинков.

В результате комплексного изучения лёссовой толщи одного из районов Средней Азии - Чарвакской котловины, которая, по определению академика К.К. Маркова является ключом стратиграфического расчленения плейстоцена, авторы выделяют в лёссе целую серию погребенных почв, впервые для Средней Азии подробно изучают их и благодаря этому производят расчленение толщи на ряд разновозрастных горизонтов.

Лёссовые горизонты и разделяющие их погребенные палеопочвы изучались параллельно морфологическими, микроморфологическими, минералогическими, физико-химическими, палеоботаническими, палеозоологическими, археологическими методами и рядом других методов. В результате комплексного изучения генезиса погребенных палеопочв произведена палеогеографическая реконструкция эпох плейстоцена.

В основу классификации современных почв Узбекистана положена концепция о геоморфологической эволюции поверхностей рельефа вследствие новейших тектонических поднятий. При этом почвы проходят единый цикл развития от поймы к древним террасам, поэтапно теряя одни свойства и приобретая другие. Однако свойства современных почв больше определяются климатическими и биологическими факторами, чем возрастом. Свойства современных почв осложняются наложением на них реликтовых признаков, а часто структура современного почвенного покрова мозаична из-за

выклинивания на дневную поверхность склонов, террас и плато древних почв, которые иногда трудно отличать от современных.

Почвы молодых террас и склонов южной, а также восточной экспозиции имеют малую мощность (30-50 см), высокую карбонатность (4-6%  $\text{CO}_2$ ) с глубины 4-40 см, содержание гумуса до 2% (в гор. А), слабо дифференцированный профиль со щебнем и галькой.

Коричневые почвы с развитым профилем обычны на высоких террасах ташкентского эрозионно-аккумулятивного цикла и на плоских вторичных водоразделах. Они имеют ясно выраженный двучленный профиль. Верхние 60-120 см темноокрашенные (содержание гумуса в гор. А 3-6%). Структурные (ореховато-зернистые), бескарбонатные суглинки по четкой прямой линии переходят в карбонатные палево-серые лёссовые породы. Глубина залегания карбонатов обычно связывается со степенью выщелачивания их из верхних горизонтов атмосферными осадками.

По этому признаку почвы делятся на подтипы: слабо-, средне- (типичные) и глубококарбонатные (или выщелоченные). Однако наблюдения показали, что в большинстве случаев верхняя бескарбонатная толща генетически не связана с нижележащей, которая представляет собой выходы древних лёссов и шохов. По этой причине граница между бескарбонатной и карбонатной толщами прямая, четкая, а при внимательном рассмотрении она оказывается денудационной линией. Это свидетельствует о разновозрастности описываемых толщ. Верхней горизонт современной почвы со всеми ее генетическими горизонтами (А, В, С) и нижней - древними суглинками, возникшими в иных условиях, а поэтому не относящихся к горизонтам ВС или С современных почв. Обычно на горных склонах современная почва лежит с незаметным контактом на относительно молодых (голоценовых) карбонатных слоях, создавая впечатление генетически однородного тела. Но часто близко к дневной поверхности залегают древние почвы, сохранившие в течение тысячелетий коричневую окраску и ореховатую структуру, что приводит к ошибочным заключениям об их современном генезисе.

Сравнение современных почв с погребенными показывает, что последние по мере увеличения их возраста становятся более структурными, глинистыми и приобретают буроватую окраску; в подстилающих их суглинках появляются карбонатные конкреции, размеры которых увеличиваются по мере увеличения возраста слоя. Меняются с возрастом и формы конкреций. Все эти признаки позволили различать древние погребенные почвы одна от другой в вертикальном профиле по возрасту. На идеальной схеме строения лёссовой толщи Чарвакской котловины сходные морфологические признаки разновозрастных погребенных почв и разделяющих их суглинков индексированы латинскими буквами, при этом, почвы - заглавными, а суглинки - малыми.

Так, почвы имеют обозначения: А - современная со всеми ее генетическими горизонтами, В - голоценовая, С, D - позднеплейстоценовая, E, F - среднеплейстоценовая и т. д. Комплексы почв и суглинков даются в виде сочетаний: Аа, Вb,

**В заключении** следует отметить, что в дальнейшем, по мере детализации стратиграфической колонки лёссовых толщ, целесообразно новым погребенным почвам и суглинкам давать те же буквенные обозначения, но с индексами.

Однако в природе не всегда можно найти вышеописанную последовательную смену почв от молодых к более древним: А, В, С, D, E и т. п. Иногда почвы голоцена по денудационной линии резко сменяются среднеплейстоценовыми или более древними отложениями. Поэтому, чтобы научиться распознавать разновозрастные почвы, надо обобщить и систематизировать их важнейшие диагностические признаки, а также использовать накопленный опыт сопоставления лёссовых толщ с разновозрастными геоморфологическими уровнями. Для этого необходимо проанализировать связь лёссовых

толщ с ярусностью макрорельефа от предгорий до высокогорий Западного Тянь-Шаня, с географией археологических стоянок, а также сопоставить свойства лёссов на разновозрастных элементах рельефа речных долин в пределах котловины. Такой сопряженный анализ погребенных палеопочв позволить более уверенно решать вопросы хроностратиграфии четвертичного периода.

#### Использованная литература:

1. Скворцов Ю.А. К характеристике среднеазиатских лессов // Труды САГУ. Сер. физическая география. – Т., 1957, вып. 99, кн.10.
2. Степанов И.Н., Абдуназаров У.К. Погребенные почвы в лессах Средней Азии и их палеогеографическое значение. - М.: Недра, 1977.
3. Тойчиев Х.А. Палеомагнитная стратиграфия континентальных четвертичных отложений Узбекистана. Автореф. дисс... докт. геол.-мин. наук. – Т., 1996.

#### Расулов А.Б\*.

### BARQAROR RIVOJLANISH INDIKATORLARI VA ULARNI AMALDA QULLASH MUAMMOLARI

**Аннотация.** Мақолада барқарор ривожланиш индикаторлари ҳамда индекслари атрофлича таърифланган. Барқарор ривожланиш индикаторларига глобал, локал ва регионал эътибор масалалари ҳамда ушбу индикаторларни қўллашга қўйиладиган талаблар ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** барқарор ривожланиш, индикатор, индекс, ижтимоий, иқтисодий, экологик, институциональ.

#### Индикаторы устойчивого развития и проблемы их практического применения

**Аннотация.** В статье описаны индикаторы и индексы устойчивого развития. Рассмотрены индикаторы устойчивого развития глобального, локального и регионального уровня, а также требования, предъявляемые к использованию этих индикаторов.

**Ключевые слова:** устойчивое развитие, индиктор, индекс, социальный, экономический, экологический, институциональный.

#### Sustainable development indicators and problems of their practical application

**Abstract.** Article on sustainable development indicators and indices described in detail. Sustainable development indicators of global, local and regional, as well as the requirements for the use of these indicators are concerned.

**Key words:** sustainable development, indictor, index, social, economic, environmental, institutional

**Қириш.** Ҳар қандай ривожланиш бошқарувнинг қай даражада йўлга қўйилганлигига боғлиқдир. Бошқарув эса турли даражада номоён бўлиши мумкин. Масалан, шахсининг барқарор ривожланиши ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, психологик, экологик, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда институционал нуқтаи назардан бошқариш потенциаллини ёки имкониятини ошира боришни талаб этади. Зеро, ушбу имкониятлардан бирининг ёки барчасининг камая бориши ёки сустлашуви албатта, унинг барқарор ривожланишига таъсир этиши мумкин. Бундай ҳолат жамият, давлат ривожига ҳам тегишлидир. Чунки, ушбу имконият кўрсаткичлари ўзаро боғланган ва узвий алоқадорликдадир. БМТнинг барқарор ривожланиш концепциясининг мазмун ва моҳияти ҳам айнан ушбу имконият кўрсаткичларини умумлаштирилган тарздаги инъикосидир.

---

\*Расулов А.Б. – Тошкент давлат педагогика университети тадқиқотчиси.

БМТнинг Барқарор ривожланиш концепцияси, унинг универсал типдаги ягона халқаро ташкилот бўлганлиги учун ҳам асосан шахс-жамият-давлатнинг глобал миқёсдаги бошқарувига тегишли масалаларни кўтариб чиқади ва ушбу ривожланиш потенциали умумлаштирилган тарзда муайян иқтисодий, ижтимоий, экологик, институционал кўрсаткичлар асосида баҳоланади. Баҳолаш кўрсаткичлари фанда “индиктор”лар деб юритилади.

**“Индикатор”** атамаси латин тилида “indico”, яъни кўрсаткич деган маънони англатади [1. с. 153]. У ҳолат, вазият, шароит ва жараёнларни инсон идрок этадиган қулай шаклда акс эттирувчи қурилмалар орқали баҳоланиш учун аниқланадиган кўрсаткичдир. Индикаторлар визуал (кўриш), акустик (эшитиш), тактил (сезиш, искаш) каби хиллардан иборат. Кишилар ахборотларнинг 90 фоизини кўриб, идрок қилгани учун ҳам индикаторларнинг визуал кўринишдагилари амалда кўп қўлланилади.

Индикаторлар бўйича баҳоланиш бизларга вазият ҳақида нафақат аниқ маълумотларни олиш, балки уни бошқариш имкониятини ҳам яратади [2. с. 91]. Шунинг учун барқарор ривожланишнинг индикаторларини аниқлаш орқали глобал, регионал ва локал миқёсда кишилик жамиятини бошқариш имконияти яратилади. Халқаро миқёсда индикаторлар қуйидаги мақсадларда таснифланди:

- ҳаракат кучига қараб, яъни атроф-муҳитга кишилик жамияти фаолиятининг салбий таъсир кучини аниқлаш;
- босим кучига қараб, яъни атроф-муҳитга антропоген таъсирни аниқлаш;
- ҳолатига қараб, яъни атроф-муҳитни аввалги ҳолатига нисбатан ўзгаришини аниқлаш;
- таъсир кучига қараб, яъни организмларга атроф-муҳит ҳолати ўзгаришининг таъсирини аниқлаш;
- реакциясига қараб, яъни атроф-муҳит масаласига жамоатчиликнинг фикрини аниқлаш.


Индикаторлар билан бир қаторда, амалда “индекс”лар ҳам ишлаб чиқилади ва қўлланилади. **“Индекс”** атамаси латин тилида “index” - кўрсаткич, рўйхат деган маънони англатади [3. 153 б.]. Яъни маълум бир ҳолат ёки кузатилаётган жараённи бир қатор рўйхатга олинган (белгиловчи) индикаторлар асосидаги ҳарфлар ёки рақамлар орқали ифодаланадиган кўрсаткичдир. Индекс индикаторлардан фарқли ўлароқ, аниқ бир миқдорий кўрсаткичга эга бўлади. Индекс аввалги-базавий маълумот индекси билан солиштириш орқали таҳлил қилинади.

Индекс фаннинг турли соҳаларида турлича қўлланиладиган миқдорий бирликлардир. Масалан, тупрокнинг ҳолати унумдорликнинг асосий кўрсаткичларига қараб, индекс - сон жиҳатдан баҳоланади. Иқтисодиётда “Доу Джонс индекси” Нью-Йорк фонд биржасида акциялар нарҳини белгилаб берувчи рақамли индекс бўлиб, у келажакда брокерларнинг бозор ривожланиш тенденциясини аниқловчи маълумотларнинг рўйхатланган кўрсаткичидир. Лекин, ушбу индикатор ва индекслар келажакни юқори аниқликда белгилаб беради, дейиш қийин. Масалан, уларнинг прогнозлаштириш ва оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳамда тегишли чора-тадбирларни тавсия этишга ёрдам бериши муқаррар.

Ер қуррасида глобал миқёсда барқарор ривожланишни таъминлаш ўз-ўзидан локал ва регионал миқёсда, аниқроқ қилиб айтганда маҳаллий, миллий ва минтақавий миқёсда барқарор ривожланишдан келиб чиқади ва айнан шу тарзда тизимлаштирилади.

Барқарор ривожланиш индикаторлари илк бор БМТнинг “Рио-92” конференциясида қабул қилинган “XXI аср кун тартибида” алоҳида бир боб сифатида киритилиб, 4 та гуруҳга ажратилган. Булар: ижтимоий-иқтисодий жиҳатлар, барқарор ривожланиш мақсадларида ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳолининг асосий қатламлари ролини ошириш, қарорларни амалга жорий этиш. Ушбу ҳужжат 40-бобининг “Қарорлар қабул қилиш учун

маълумотлар” бўлимида “Қарорларни қабул қилиш жараёнида ишончли асосларни яратиш ҳамда узвий боғланган экотизимларни ўзини ўзи тартибга солиш имкониятига қўмаклашиш ва тизимли ўсиш учун **барқарор ривожланиш индикторларини** ишлаб чиқиш лозим”, деб кўрсатилган [4, 16 б.]. Турли миқёсда Барқарор ривожланиш концепциясига тегишли бўлган оқилона бошқарув қарорларини қабул қилиш, шубҳасиз, барқарор ривожланишнинг энг бирламчи талабларидан бири бўлиб ҳисобланади.



**1-расм. Барқарор ривожланиш индикторларини ишлаб чиқиш тамойиллари**

Барқарор ривожланиш индикторларини ишлаб чиқиш бўйича халқаро миқёсдаги турли ташкилотлар – БМТ, Жаҳон банки, Атроф-муҳит муаммолари бўйича илмий қўмита каби халқаро идоралар шуғулланмоқдалар. Барқарор ривожланиш турли ном ва йўналишдаги анжуманларнинг муҳокама мавзусига айланиб қолмоқда. Масалан:

➤ 132 та индикторлардан иборат бўлган БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича комиссияси лойиҳаси;

➤ Миллий статистикада экологик омилларни ҳисобга олишга йўналтирилган БМТнинг Статистик бўлими томонидан ишлаб чиқилган “Тизимли интеграллашган экологик ва иқтисодий миллий ҳисоб (System for integrated environmental and economic accounting);

➤ Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган ва ҳисоби юритиладиган “ҳаққоний жамғарма (genuine savings)”;

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш Европа комиссиясининг экологик индикаторлар дастури ва ҳ.к.

Барқарор ривожланиш индикаторларини ишлаб чиқиш жуда мураккаб ва ҳар бир мнтак, ҳудуд учун индивидуал ёндашувни талаб қиладиган жараён бўлиб, унда маълумотларни йиғиш ҳамда уларни ягона бир индексга олиб келишга йўналтирилган ва мажмуали ёндашув талаб этилади. Бу жараёнда, индикаторлар сони қанчалик кўп бўлса, уни ягона бир умумий маҳражга олиб келиш шунчалик қийинлашиб бораверади. Бунда махсус замонавий геоахборот тизимларидан фойдаланиш талаб этилади.

Барқарор ривожланиш индикаторларини танлаш ва уларни ишлаб чиқишда қуйидаги таснифлаш талабларига амал қилиш талаб этилади (1-расм). *Релевантивлик* – индикаторларни танлаш ва тизимлаштиришда ўринли бўлган кўрсаткичларни аниқлаш ва қўйиладиган мақсадга йўналтирилганлик. *Репрезентативлик* – маълум бир ҳудуд учун хос бўлган маълумотларни тўплаш ва индикаторларни (кўрсаткичларни) аниқлаш. *Оддийлик* – индикатор (кўрсаткич) ларни номлаш ва тизимлаштириш содда ва раво баён этилиши керак. *Чекланганлик* – индикаторларнинг сони чекланган бўлиши лозим, акс ҳолда уларни умумлаштириш жуда қийин бўлади. *Аниқлилик* - индикаторлар аниқ кўрсаткичлар ва маълумотлар базасидан иборат бўлиши лозим. *Ҳаммабон ва ишончлилик* – олинган маълумотларнинг ишночли ва оммавий бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Барқарор ривожланиш индикаторларини аниқлашнинг амалий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- ✓ атроф-муҳит ўзгаришини интерпетациялаш;
- ✓ табиатдан фойдаланишдаги камчиликларни аниқлаш;
- ✓ турли тоифадаги фойдаланувчиларга тегишли маълумотлардан фойдаланишни энгаллаштириш;
- ✓ локал, регионал ва глобал миқёсда маълумотларни умумлаштириш ва тегишли чора-тадбирларни режалаштириш;
- ✓ шахс, жамият ва давлат органларининг фаолиятини баҳолаш;
- ✓ бошқарув қарорларини қабул қилишда индикаторларнинг сон ва сифат кўрсаткичлари соддалаштирилган маълумотларга таяниш ва ҳ.к.

**Хулоса** қилиб айтганда, атроф-муҳит ҳақидаги индикаторларни аниқлаш, ишлаб чиқиш, тизимлаштириш орқали уларни амалга қўллаш турли макон ва замонда барқарор ривожланишни таъминлашнинг фундаментал илмий асоси бўлиб хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Индикатор. Краткий словарь иностранных словарей.- М.: «Госизд. Иностранных и национальных словарей»,1952.- С.149. (488 с.).
2. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.- Т.: “ЎЗМЭ ДИН”, 2002. 4-ж. 153-б.
3. Шеховцов А.А.. Экологические индикаторы в Республике Узбекистан: международный опыт, цели, задачи и критерии выбора // Сборник статей «Экологические индикаторы для Узбекистана».-Т.: «Патент-Пресс», 2006.- С.13. (91с.) .
4. Индекс // Краткий словарь иностранных слов. - М.: Гос. изд. Иностранных и национальных словарей, 1952. - С.148.
5. Индекс // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 4-жилд.- Т.: ЎЗМЭ ДИН, 2002. – Б.153.
6. Нигматов А.Н., Шивалдова Н.С., Султанов Р.Н.. Экологические аспекты устойчивого развития: учебный курс лекций. - Т., 2003. - С.15-18.

Нигматов А.Н., Камолов Б.Х. \*

## БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШДА ЭКОТУРИЗМ МУСТАҚИЛ ФАН, ТАЪЛИМ ВА АМАЛИЁТ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА

**Аннотация:** Мақолада барқарор ривожланишда экотуризм – такомиллашиб бораётган, лекин чуқур илмий мулоҳазага муҳтож мустақил фан тармоғи ҳақида сўз юритилиб, ўзига хос компетентлик даражасини белгиловчи таълим йўналиши ва регионал аҳамият касб этувчи амалиёт соҳалари ҳақида таклиф ва тавсиялар кўрсатиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Табиатни муҳофаза қилиш, экотуризм, Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби, экотуристик хизмат, экотуризм мустақил фан, экотуристик амалиёт, экотуризмнинг мақсади ва вазифалари, экотуристик таълим, экотурист, экотизим, экотуристик сиёсат.

### Экотуризм как самостоятельное направление науки, образования и практики в устойчивом развитии

**Аннотация:** В данной статье идёт речь об экотуризме как самостоятельном направлении науки, о его роли в устойчивом развитии и необходимости в глубоком научном анализе. Также даны предложения и рекомендации по развитию экотуризма как направления образования и общественной практики.

**Ключевые слова:** Экотуризм, стабильное развитие, экотуристическая политика, цель, задачи, экотуристический сервис, индивидуальный предмет, экотуристическое обучение, экотурист, экосистема.

### Ecotourism as an independent subject, education and practice in stable development

**Abstract:** In the current article it is mentioned about an independent branch of subject ecotourism which has progress in stable development and its need in deep scientific reflection. It is also given advice and recommendations for specific competence of educational direction and regional significant areas of practice.

**Key words:** Ecotourism, stable development, ecotouristic policy, aim, tasks, ecotouristic service, independent subject, practical area, ecotouristic education, ecotourist, ecosystem.

Табиатни муҳофаза қилиш - “Conservation International” ташкилотининг маълумотларига кўра, кўпгина туризм турлари йилига ўртача 5 фоизга ортиб бораётган бир пайтда, экологик туризм (экотуризм) 20-30 фоизга кўпайиб бормоқда экан. БМТнинг Бутунжаҳон туристик ташкилоти (UN WTO) 2020 йилга бориб, Дунё бўйича экотуристик оқим 2 баробарга кўпайиб, умумий туристик бозорининг 25 %ни ташкил этиши керак деб мўлжал қилишмоқда [1].

Эслатиб ўтиш жоизки, экотуризм бошқа туризм турларига нисбатан янги йўналиш. Унга бор йўғи 30 йил бўлди, холос. Лекин, унинг оммалашуви қолган туристик турларга нисбатан 2-3 баробар жадалроқ кечмоқда. Биргина Ўзбекистоннинг ўзида кейинги 15 йил давомида ўнлаб экотуристик турфирмалар, муассаса ва ташкилотлар фаолият юрита бошлади [2]. 2006 йилдан бошлаб ўқув жараёнига “Экотуризм асослари”, “Экотуристик хизмат”, “Экотуризм” номли ўқув курслари жорий этилди.

Агарда Интернет орқали глобал тармоқлар тизимининг маълумотлар базасига синчковлик билан назар солсангиз, экотуризмга доир на глобал ва на миллий миқёсда аниқ статистик рақамларни оласиз. Зеро “Экотуризм” таркибига “Ов туризми”, “Табиат

---

\* Нигматов А.Н. - Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти “Таълимда бошқарув” кафедраси мудири, г.ф.д., профессор,  
Камолов. Б. Х. - Наманган давлат университети, Экология кафедрасининг катта илмий ходим изланувчиси



туризми” ёки “Табиий туризм”, “Агротуризм”, “Спорт туризми” ва, хаттоки, “Тарихий туризм” каби турлар киритиб юборилган. Ваҳоланки ушбу сайёҳлик турлари экологик функцияларни бажармоқдами, деган ўринли саволлар пайдо бўлади. Масалан, экотуризм номи билан йўлга қўйилган тоғли Химолайда 1965 йилга нисбатан экотуристтик оқим 25 маротаба кўпайган, деб ёзилмоқда. Лекин, нозик тоғ табиати унинг оқибатида салбий кўриниш тус олмоқда. Чунки, энергетик таъминланмаган, ижтимоий муҳофазалмаган ва иктисодий ночор Непал аҳолиси туристлар учун меҳмонхона ва кемпингларни иситиш учун ўрмонларни кесиб ёқилғи сифатида фойдаланиши туристик оқимга монанд равишда 25-27 баробарга кўпайган. Натижада, тоғ ўрмонларининг қуйи чегараси 100-120 метрга тепа томон кўтарилган, иккита алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда биологик хилма-хиллик камайган ва тоғда чўлланиш жараёни кучайган.

Маълумотларга кўра, кейинги 200 йил мобайнида ўсимлик дунёси роппа-роса икки баробарга қисқарган. Ер қуррасида учрайдиган 600 минг турдан ортиқ табиий ўсимлик турларидан Ўзбекистонда бор-йўғи 4,5минг тури учрайди холос. “Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби”га биноан кейинги 24 йил ичида 138 тур ёввойи ўсимликлар ноёб ва йўқолиб кетиш ҳафви остидаги турлар қаторидан жой олган. 1984 йилда уларнинг сони 163 та, 1999 йил – 301 та, 2009 йилда эса 324 тага етди. Агарда 1983 йилда Ўзбекистон Қизил китобига 126 тур ҳайвонот дунёси киритилган бўлса, 2009 йилга келиб, уларнинг сони 184 тагача кўпайган.

Хуллас, экотуризмнинг ривожланиши экотизимлар ҳолатини деградациялашувига олиб келмаслиги, яъни у “табиат кўйнидаги чойхона туризми”га айланиб қолмаслиги керак. Бунинг учун унинг:

➤ *мустақил фан сифатида умумэтироф этилган илмий-назарий асосини замон талабларига мос равишда такомиллаштириш;*

➤ *мустақил таълим сифатида масаланинг туб моҳиятини тушиниб етадиган, тегишли экологик билим, кўникма, малака – компетенцияга эга бўлган кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш;*

➤ *экотуристик амалиётда барча сайёҳларнинг фаолиятларини соф экологик мақсадларга йўналтириш лозим.*

**Экотуристик фан** сифатда унинг назарий, яъни фундаментал илмий асосларини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда йўлга қўйиш талаб этилади. Масалан, экотуризмни ривожлантиришнинг долзарблигини исботлаш, аҳолининг барча қатламларига етказиш йўллари кидириб топиш зарур. Экотуризмнинг фундаментал назарий усқуртмаси – мақсадни аниқлаштириб олиш, унга тегишли бўлган реал вазифаларни иерархик поғоналаш орқали, муайян кетма-кетликда жойлаштириш, объекти ва предметини регионал хусусиятлар нуқтаи назаридан таснифлаш; ўзига хос методологик томонларини ёритиш, методикасини аниқлаш, йўналтирувчи қоидаларини ва ривожлантириш тамойилларини ҳуқуқий-норматив ҳужжат даражасига кўтариш каби масалаларга қаратишга тўғри келади.

Бизнинг тадқиқотларимиз илк бор экотуризмнинг илмий-назарий асосларини яратишдан бошланган [3]. Экотуризмни айнан экологик мақсадларни кўзлаган сайёҳлик эканлигини алоҳида уқтириб ўтмоғимиз лозим.

Аввалги тадқиқотларимизни такомиллаштирган тарзда **экотуризмнинг мақсади** – *ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун экотизимлардан сайёҳлик йўналишида оқилона фойдаланиш. Экотуризмнинг мақсадини амалга ошириш учун туризм қуйидаги вазифаларни бажариши талаб этилади:*

➤ *экотуристик фан, таълим ва амалиётнинг илмий-назарий асосларини яратиш;*

➤ *барқарор ривожланишининг экотуристик жиҳатларини ўрганиш;*

- *экотуризм индустриясини шакллантиришининг илмий асосланган ҳуқуқий асосини яратиши ва ҳуқуқий механизмини ишлаб чиқиши;*
- *глобал, регионал, миллий ва локал миқёсдаги дастур ва режаларни қабул қилиши ва амалга тадбиқ этилиши назоратини олиб бориши методикаси ишлаб чиқиши;*
- *реал шароитдан келиб чиқадиган маҳаллий аҳолининг экологик онги ва маданиятини экотуризм орқали ўстириши технологиясини аниқлаши;*
- *экотуристик таълим ва тарбиянинг илмий асосларини яратиши;*
- *экотуризм бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласини илмий-методик нуқтаи назардан асослаши;*
- *экотуристик объектларни сон ва сифат жиҳатидан баҳолаши ҳамда кадастрини юритиши технологиясини ишлаб чиқиши;*
- *давлат, жамият ва ҳамжамият томонидан олиб бориладиган экотуристик назорат ва мониторингнинг мазмун ва моҳиятини замон талабларига мослаштириши бўйича тадқиқотларни олиб бориши;*
- *экотуризм билан шуғулланувчи, юридик шахс мақомига эга бўлган махсус турдаги субъектлар фаолиятини илмий асослаши;*
- *экотуризмга оид ижобий ҳаракатларни мотивацияловчи механизм қоидаларни ишлаб чиқиши;*
- *иқтисодий жавобгарлик санкцияларини экологик ҳуқуқбузарликларга нисбатан кучайтириши йўллари излаб топиши ва ҳ.к.*

Мазкур тадқиқотларни ўтказишда куйидаги **экотуристик принцип**, яъни экологик муносабатларни туризм орқали тартибга солишга йўналтирилган қоидаларга риоя қилиш даркор:

- *экотуризмнинг муҳофаза қилиши ва қайта тиклаш устуворлиги;*
- *экотуризм - барқарор ривожланиш элементи эканлиги;*
- *экотуризмдан тушган фойданинг аксариятини экотизимларни муҳофаза қилиши ва уларни қайта тиклашга йўналтириши;*
- *экотуризмнинг тарихий, маданий, диний туризм каби бошқа туризм турлари билан узвий боғланганлиги;*
- *экотуристик фан, таълим ва амалиётнинг бирлиги;*
- *экологик инқирозли ва муҳофаза этиладиган ҳудудларга ноэкологик туризмни қатъиан ман этилиши;*
- *маҳаллий, миллий, регионал ва глобал экотуризмнинг ягона тизимда эканлиги;*
- *экотуристик ресурсларидан оқилона фойдаланиши, уларни муҳофаза қилиши ва қайта тиклаш мазмунини экотуристик маршрутларда акс эттириши;*
- *бузилган табиат комплекслари ҳам экотуристик объект эканлиги;*
- *давлат, жамият, маҳаллий бошқарув органларининг экотуризмдан манфаатдорлиги;*
- *экотуризмда экологик-ижтимоий-иқтисодий манфаатдорликнинг ягоналиги;*
- *экотуризмда миллий маънавият ва маърифатни шакллантиришининг бир воситаси эканлиги ва ҳ.к.*

Ҳар бир фан, биринчи навбатда, ўз тадқиқот объектини аниқлаштириб олишдан бошлаши, фалсафанинг фанлар назариясига қўйиладиган талабларидан бири бўлиб ҳисобланади. Объект – (лотинча “objektum” – нарса) субъектга (тадқиқотчи, изланувчи, ўрганувчи) қарама қарши бўлган ҳамда инсонларнинг билиш фаолиятига қаратилган объектив борлиқ [4]. Ҳар қандай инсон фаолияти, албатта, муайян объектга нисбатан қаратилади.

**Экотуризм объекти** экология фанининг объектдан келиб чиққан тарзда – экотизим бўлиб ҳисобланади. Экотизим – тор маънода табиатнинг ўзига хос бир бўлаги, кенг маънода эса тарихан шаклланиб келинган ўзига хос равишда организмалар ўзаро ва

уларни ўраб турувчи атроф табиий муҳити ўртасида алоқадорлик қонуниятларига эга бўлган муҳит.

Экотуризм объекти сайёҳларнинг ўзлари яшаймайдиган, туризм уюштирилиши мумкин бўлган ва уларнинг онгига боғлиқ бўлмаган объектив борлиқ. Экотуристик объектлар икки кўринишда намоён бўлади:

➤ *кишилар фаолияти таъсирига кам учраган ёки антропоген ўзгармаган – табиат ёдгорликлари, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва табиат комплекслари..*

➤ *кишилар фаолияти таъсирига учраш натижасида ўзгарган ёки яратилган – шаклан ўзгартирилган табиат унсурлари, бунёд этилган табиий ҳудудлар, маданийлаштирилган объектлар.*

Экотуризмнинг объекти бўлиши учун экотизимлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- табиий келиб чиққан ҳолда антропоген ўзгарган ёки ўзгармаган;
- сайёҳларни 24 соатдан ортиқ ушлаб туриш имкониятига эгаллиги;
- экотизимдаги модда ва энергия алмашувида қатнашаётганлиги.

Шундай қилиб, **экотуризм объекти** – *экологик мақсадда сайёҳлик уюштирилиши имкониятига эга бўлган табиий келиб чиққан, лекин ўзгармаган ёки антропоген ўзгарган экотизимлар.*

**Экологик туризм субъекти**, яъни унинг қатнашчилари бўлиб жисмоний ва юридик шахслар чиқиши мумкин. Лекин жисмоний шахсларнинг туристик ҳаракатлари аксарият ҳолатларда стихияли равишда кечиши, яъни муайян ташкилий ва бошқарув имкониятининг камлиги билан ажралиб туради. Маълумотларга қараганда [5], экологик туризм билан банд бўлган жисмоний шахслар юридик шахсларга нисбатан 3-4 баробар кўпроқ экотизимларга зарар келтирар экан. Биригина АҚШнинг Луизиана штатида «эркин» ҳолдаги туристлар орқали қунига табиатга 13-16 млн. долларлик талофат келтирилмоқда.

Юридик шахслар, жисмоний шахслардан фарқли, ҳуқуқий мақомига кўра уюшган, махсус руҳсатномага эга бўлган, баланс ва сметасида тегишли туризмга оид ҳаражатларни кўзда тутган, салбий экологик оқибатларга ўзининг мол-мулки билан жавоб бера оладиган ёки даъвогар бўла оладиган шахс ҳисобланади. Бу дегани давлат, нодавлат ва ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан экотуристик ҳаракатларни тартибга солиш имконияти юқорилиги билан ажралиб турадиган экотуризм субъектларидир. Шунинг учун ҳам келажакда махсус тайёргарлик ва жавобгарликка эга бўлган экологик йўналишдаги туристик ташкилотларни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Экотурист бўлиши учун жисмоний ёки юридик шахслар ўзларининг доимий яшаш жойларидан молиявий фаолият билан шуғулланмаган тарзда 24 соатдан то 6 ойгача бўлган узлуксиз муддатга экотизимларга бориб келиши ёки унда камида бир тунни ўтказишлари лозим.

Фан предмети объектни илмий билишга қаратилган ижтимоий фаолият йўналишидир.

**Экотуризм предмети** – *экотуристик объектнинг экологик характердаги сайёҳлик жиҳатларини қамраб олади. Ушбу татқиқот предметида сайёҳлик фаолиятининг қуйидаги жиҳатлари киради:*

- 1) экотизимларни муҳофаза қилиш;
- 2) экотизим объектларидан оқилона фойдаланиш;
- 3) бузилган экотизимларни қайта тиклаш.

Айнан мана шу уч хил сайёҳликка бўлган муносабат экотуристик характерга эгадир. Ушбу экологик муносабат жиҳатларининг биронтасига қаратилмаган сайёҳлик “Табиат туризми”, “Спорт ва ов туризми”, “Дам олиш туризми”, “Чойхона туризми”, “Агротуризм” каби номлар билан аталиши мумкин, лекин экотуризм эмас..

Д.Л.Арманднинг (1975) “хар қандай фан таснифлашдан иборат”, деган фикрига қўшилган ҳолда, экотуристтик таснифлаш орқали унинг таълим соҳалари ва амалиётини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, айнан таснифлаш орқали инсон ўз фаолиятини бирон бир мазмун ва моҳиятга йўналтиради. Экотуризм ҳам бундан истесно эмас. Экотуристтик таснифлашда қайси бир таснифлаш омили ёки кўрсаткичининг олиниши таснифловчининг мақсади ва вазифаси, касбий маҳорати, билим даражаси, ижтимоий-иқтисодий имкониятидан келиб чиққан тарзда амалга оширилади.

Таснифлаш, ўз навбатида, экотуристтик карталарни яратиш ва районларни ажратиш, экотурларни аниқлаб олиш, инфографикаларни тузиш, таълим стандарти ва ўқув-меъёрий хужжатларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Экотуристтик таълим.** Аввалам бор таълим сўзига аниқлик киритиб олиш керак. Зеро, турли адабиётларда таълимга турлича таърифлар берилган [6].

Таълим – кишини ҳаётга, жумладан меҳнатга тайёрлашнинг тизимлашган, муддатли, расмий, тегишли билим, кўникма ва малака – компетенция бериш воситаси. *Экотуристтик таълим* эса кишини экологик характердаги сайёҳликка тайёрлашнинг тизимлашган, муддатли, расмий, тегишли билим, кўникма, малака – компетенция бериш воситасидир.

Экотуристтик таълим ижтимоий категорияга эга бўлиб, у фақатгина кишилик жамиятига хос жараёндир. Ушбу восита орқали киши экологик характердаги сайёҳликка, жумладан меҳнат қилиш фаолиятига тайёрланади. Шунинг учун экологияда экотуристтик йўналишда ўқиганлар билан ўқимаганларнинг фарқи катта. Айниқса ёшлар ўртасида экотуристтик таълим ва тарбия ўзаро узвий боғланганлиги учун ҳам ҳақиқий ўқиган кишининг маънавияти ва маърифати бошқачадир.

Экотуристтик таълим ҳамма давлатларда, жумладан Ўзбекистонда ҳам таълим олувчининг ёши, психологик хусусияти, ўқитишнинг мақсади ва вазифаларига қараб тизимлашгандир:

➤ мактабгача таълим муасасаларида экотуристтик таълим – тарбияланувчиларга катталар ёрдамида экотуристтик сайёҳлик қилишларига доир жуда оддий, ўйинлар ёрдамида бериладиган билим ва кўникмалар;

➤ мактабдаги экотуристтик таълим – ўқувчига экотуристтик кўрсатмаларга амал қилган тарздаги мустақил ёки катталар билан қиладиган сайёҳтларига доир оддий ва мисоллар билан бериладиган билим ва кўникмалар;

➤ ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидаги экотуристтик таълим – ўқувчига экотуристтик кўрсатмаларга ўзининг амал қилиши ва ёнидагиларни шунга амал қилишига ундайдиган мустақил сайёҳтларига доир умумий (академик лицейлар ва КХҚда) ёки касбий (туристик йўналишдаги КХҚда) бериладиган билим, кўникма, малака – компетенция;

➤ олий таълимдаги экотуристтик таълим – талабага экотуристтик кўрсатмаларга нафат ўзининг амал қилиши, балки жамоанинг шунга амал қилишига олиб борувчи сайёҳтларига доир умумий (нотуристтик ОТМда) ёки касбий (туристик ОТМда) бериладиган билим, кўникма, малака – компетенция;

➤ олий таълимдан кейинги экотуристтик таълим – илмий изланувчиларга хар қандай туристик йўналишдаги илмий тадқиқотнинг экотуристтик харкатерини очиб беришга қаратилган билим, кўникма, малака – компетенция;

➤ малака ошириш ва қайта тайёрлашдаги экотуристтик таълим – тингловчиларнинг замонавий экотуристтик таълимга доир билим, кўникма, малака – компетенция беришнинг расмий, муддатли, тегишли воситаси.

Экотуристтик таълим турли жойда турлича муддатга эга. Ўзбекистонда экотуристтик таълим тизими 6 та босқичдан иборат бўлиб, унинг барча босқичлари муайян *муддатга* мўлжаллангандир. Мазкур муддат давомида биз бола, ўқувчи, талаба, магистр, тадқиқотчи

ва тингловчиларга тасдиқланган ДТС, ўқув дастури ва режаси асосида, *расмий* кўринишдаги норматив-ҳужжатлар орқали экотуризмга йўналтирувчи *тегишли* билим, кўникма ва малакаларни бериш билан унинг лаёқат даражаси – *компетентликни* эгаллашига хизмат қиламиз. Билим *бериш* – узлуксизлашган ва узвийлашган жараён демакдир. *Восита* эса кишига билим, кўникма, малака – компетенция беришнинг юқорида акс эттирилган бир йўлидир.

Экотуристлик сиёсат ўз навбатида экологик бошқарувнинг норматив-ҳуқуқий меъёрларини ишлаб чиқишга олиб келиши зарур. Ҳудди шундай кетма-кетлик экотуристлик амалиёт тушунчасида берилган вазифаларни ҳаётга жорий этиш тизимидан иборат. Шундай қилиб *экотуристлик амалиётнинг мақсади* – *экотизимларни муҳофаза қилиш, уларнинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва бузилган экотизимларни қайта тиклаш учун экотизимларнинг сайёҳлик имкониятларидан кенг фойдаланиш.*

Ушбу мақсадга эришмоқ учун, дунё тажрибаси, реал шароит ва имкониятдан, миллий хусусиятлардан келиб чиққан тарзда, куйидаги амалий вазифаларни бажариш лозим:

- *экотуристлик сиёсатни аниқлаб олиш ва уни кенг тарғиб қилиш;*
- *экотуризмнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, борларини эса замон талабларига мос равишда такомиллаштириш;*
- *амалий экотуристлик механизмни ишлаб чиқиш;*
- *экотуристлик фан ва таълимни ривожлантириш орқали кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш;*
- *аҳоли ўртасида экотуризмни ташвиқот ва тарғиботини барча оммавий воситалари орқали олиб бориш;*
- *экотуризмга доир ижобий ва салбий ҳолатларни ошкоралик принципига мувофиқ равишда очиб бериш;*
- *туристик, жумладан экотуристлик фирмаларни очиб, уларнинг амалий фаолиятларини назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш;*
- *экотуристлик фаолиятни унинг мақсадига монанд равишда олиб бормаётган шахслар учун жавобгарлик қўллашнинг муқаррарлигини таъминлаш;*
- *экотуризм билан шугулланаётган жисмоний ва юридик шахсларга намунавий лойиҳа ва бизнес режаларни ишлаб чиқиш, моддий-техника, ахборот-таҳлилий, оператив хизмат кўрсатиш базасини яратиш;*
- *экотуризмга доир анжуман, семинар-тренинг, учрашув, мастер-класс, очик дарс, кўрсатмаларни ташкил этиб бориш ва ҳ.к.*

**Хулоса** қилиб айтганда, экотуризм – такомиллашиб бораётган, лекин чуқур илмий мулоҳазага муҳтож мустақил фан тармоғи, ўзига хос компетентлик даражасини белгиловчи таълим йўналиши ва регионал аҳамият касб этувчи амалиёт соҳасидир.

Бундай соҳани Республикамизнинг барча вилоятларида ривожлантириш ва бу борада кенг кўламли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. *Preview G., Bricker K., Black R. Sustainable Tourism & the millennium development Goals Effecting Positive Change. ISBN-13: 9781449628239. - 352 p.*
2. <http://www.goldenpages.uz>.
3. Нигматов А., Шомуратова Н. Экологик туризм - янги фан соҳаси // Ўзбекистоннинг экологик хабарномаси, 2004. 3-сон. – Б.17-19 .
4. Объект // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-жилд. – Т.: “ЎЗМЭ ДИН”, 2003. – Б. 441.
5. Отчет Межправительственной комиссии по туризму. - Гаага, 1989. - 123 с.
6. Нигматов А. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. - Т.: “Наврўз”, 2016. - 240 б.

Бекмухамедова М.Х., Шарипов Ш.М.\*

## ОҲАНГАРОН ҲАВЗАСИ ГЕОТИЗИМЛАРИНИНГ ГЕОКИМЁВИЙ ШАРОИТИ ВА УНИНГ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИ

*Аннотация:* Ушбу мақолада Оҳангарон дарёси ҳавзаси геотизимларининг геокимёвий шароити ва унинг аҳоли саломатлигига таъсири ёритилган.

*Калит сўзлар:* геотизимлар, табиий ресурслар, карьер, техноген, атроф муҳит, оғир металллар, организм, ички органлар, аккумуляция.

### Геохимические условия геосистем Ахангаранского бассейна и их влияние на здоровье населения

*Аннотация:* В статье рассматриваются геохимические условия геосистем Ахангаранского бассейна и их влияние на здоровье населения

*Ключевые слова:* геосистемы, природные ресурсы, карьер, техноген, окружающая среда, тяжёлые металлы, организм, внутренние органы, аккумуляция

### Geochemical condition of the Akhangaran basin geosystem and its influence to the inhabitants health

*Abstract:* In this statement provides geochemical condition of the Akhangaran basin geosystem and its influence to the inhabitants health

*Key words:* geosystems, natural resources, quarry, technogen, environment, hard(heavy) metal, organism, inside organs, accumulation

**Кириш.** Инсон хўжалик фаолияти натижасида, айниқса, ер пўстининг устки қатламларида жойлашган минерал ресурсларни қазиб олиш натижасида, геотизимлар кучли ўзгармоқда. Минерал ресурслар деганда, хўжаликда кенг ишлатиладиган турли қазилма бойликлари тушунилади.

Маълумки, қазилма бойликлар тугайдиган ва қайта тикланмайдиган табиий ресурсларга киради. Мутахассисларнинг фикрича, қазиб олиш жараёнида, технологиянинг талабга жавоб бермаслиги натижасида, кўмирнинг 45 фоизи, нефтнинг 60 фоизигача, металлларнинг 25 фоизигача қисми ажратиб олинмай қолиб кетади. Металл рудалари бойитилганда, металлнинг бир қисми ва маъдан бўлмаган минераллар ташлаб юборилади. Бундай исрофгарчиликлар конларнинг тезда яроқсиз ҳолатга келишига сабаб бўлади [2]. Минерал хом ашёлар очик (карьер) ва ёпик (шахта) усулларда қазиб чиқарилади. Ўзбекистонда карьерларнинг чуқурлиги 50-350 м, шахталарда эса 100-700 м атрофида бўлиб, уларнинг чуқурлиги охириги йилларда ортиб бормоқда. Очик усулда қазиб олинган маъдан конларидан анча тўлиқ фойдаланиш мумкин. Бунда қазилмаларни йўқотиш 15-25% ни ташкил қилади. Лекин, атроф-муҳитга салбий таъсири ошиб кетади. Конларни шахта усулда қазиб олишда, атроф-муҳитга таъсири кам бўлади, лекин, йўқотиш 40-60% ни ташкил қилади. Ер ости қазилмаларидан исрофгарчилик билан фойдаланиш минерал ресурслар танқислигига сабаб бўлади.

**Асосий қисм.** Табиатдан фойдаланишда техноген таъсирнинг оқибатларини ҳисобга олиш зарурати кун сайин асосий масалага айланмоқда. Оҳангарон ҳавзаси ва унинг ирмоқлари водийларида бой минерал хом ашёлар ҳисобига саноат ишлаб чиқариши ривожланган. Ишлаб чиқариш технологиясининг хусусиятига қараб, саноат корхоналари ва уларнинг мажмуасига кирувчи қўшимча объектлар (карьер, террикон, чиқинди жинслар уюми ва бошқалар) атроф муҳитнинг ифлосланиши манбаи бўлиб қолмоқда. Тоғ дарё водийлари шароитида бу манбаларнинг таъсир доираси янада кенгроқ майдонларга ёйилади. Чунки, ҳаво циркуляцияси (тоғ-водий шамоллари), ер ости ва ер усти сувлари оқимининг тезлиги ва миқдори каттадир. Бундай вазиятда ифлослантирувчи моддаларни тарқатувчи эпицентрларда уларни зарарсизлантириш, ушлаб қолиш ёки фойдали

\* Бекмухамедова М.Х. – ЎзМУ “География” йўналиши 2-курс магистранти,  
Шарипов Ш.М. – ЎзМУ “География” кафедраси доценти в.б., г.ф.н.

элементларни йиғиб олиш жараёнлари жаҳон андозаларига мос келувчи технология асосида амалга оширилиши керак. Берк ёки кам чиқиндиларни технологияни қўллаш орқали табиий муҳит мусаффолигини сақлаб қолиш замон талабига айланмоқда. Чиқинди омборларида тўпланиб қолган саноат хом ашёларидан фойдали элементларни саноат йўли билан олиш, қолганларини эса ботикларга ағдариш, бузилган ерларни рекультивация қилиш ишларида фойдаланиш лозим. Инсон ҳаёти учун хавфли бўлган радиоактив хом-ашёлар қазиб олинган карьерлар, шахталар, радиацияланган жойларни махсус муҳандислик иншоотлари асосида беркитиши ва уларда радиация миқдорининг меъёридан паст бўлишига мунтазам эришиш зарур.

Тоғолди ва тоғ табиатидан фойдаланиш, геотизимларнинг структурали динамик ҳолатининг ниҳоятда мураккаблиги ва шунга мувофиқ экологик мувозанатнинг нозиклиги туфайли, инсондан эҳтиёткорликни талаб қилади. Бунинг учун мавжуд географик қонулар ва қонуниятларни билиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш принципларига мунтазам амал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Табиатдан фойдаланишда худуднинг экологик хусусиятлари, мувозанати, ландшафтларининг структураси ва динамик ҳолати, барқарорлиги, тарихий-анъанавий усуллари каби жиҳатларга алоҳида аҳамият бериш лозим. Шуларга таянган ҳолда, табиий бойликлардан фойдаланишнинг геоэкологик асосларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳавзанинг Олмалиқ тоғ-кон саноати зонаси қисмидаги маъдан конлари ичида мис-порфирли, полиметалли, олтин маъданли ва нодир металли фойдали қазилма конлари турлари учрайди. Тектоник жараёнлар сушлашиши билан турли генетик типдаги маъдан шаклланишининг намоён бўлиши хоссалари орасидаги тўғридан-тўғри боғланиш мис-порфирли конлардан қўрғошин-рух, олтин маъданли ва нодир металли конларга томон ўрнатилиб боради. Турлича генетик турдаги эндоген маъдан конларининг жойлашишида қулай бирликлар ҳосил қилганда, маъдан ётқизиқларини ҳосил килувчи структуравий ва литологик омиллар ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Оғир металлларнинг Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати (ОТМК) таъсири зонаси тупроқларидаги максимал миқдорлари, асосан, уларнинг эрувчанлиги кам бўлган маъданли минераллари ҳамда турли хил таркиб ва тузилишга эга бўлган техноген ҳосилалар билан боғлиқлиги аниқланган. Маъдан элементларининг миқдори юқори бўлган тупроқларда ўсувчи ўсимлик турлари ва уларнинг морфологик хусусиятларининг ўзгариши аниқланган. Баъзи бир ўсимликларнинг ўзида техноген элементларни танлаб тўплай олиш хусусиятлари ўрганилган. Ифлослантирувчи манбалардан узоклашиш даражасига қараб, рудоген элементларнинг концентрацияси бўйича техноген геокимёвий зоналик аниқланган [2].

ОТМКнинг табиий муҳитга таъсири 30-40 км масофагача етиб боради. Бу ҳолда жами таъсир майдони 600 км<sup>2</sup> ни ташкил қилади. Оғир металлларнинг чанг ва газ ҳолда бутун водий бўйлаб тарқалиши тупроқ, ўсимлик ва сув ҳавзаларини ифлослайди, аҳоли яшаш шароитларини мураккаблаштиради. Бу ерда қўрғошин, рух ва мис конларидан фойдаланишда ифлосланган майдон 350 км<sup>2</sup> дан зиёд бўлиб қўрғошиннинг табиий ҳолдаги миқдори кларкдагига қараганда 500-1000 марта, мисники эса 10-200 марта кўп бўлган худуд, ушбу майдоннинг 30-40 фоизини, рухнинг эса 10-100 марта кўп бўлган майдон 50-60 фоизини эгаллайди [2]. Мазкур маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Оҳангарон дарёси ҳавзасида мавжуд бўлган саноат корхоналари атроф-муҳитни турли оғир металллар, техник чанг, кимёвий моддалар билан қисман ифлослаб келмоқда, оқибатда маданий ўсимликлар, яйлов, ҳайвонот дунёси, чорва моллари, инсон саломатлиги сезиларли даражада зарар кўрмоқда. Аҳоли орасида турли касалликлар тарқалган. Айниқса, бу нохуш ҳодисалар саноат корхоналари яқинида (15-20 км масофада) анча яққол номоён бўлади.

Оғир металлларнинг катта миқдордаги заҳарли таъсири одамда ёки чорва молларида организмнинг айрим аъзоларини, чунончи, асаб тизимининг марказий ва периферик, ички секреция, қон ишлаб чиқариш аъзоларининг бузилишига олиб келади. Ифлослантирувчи моддалар умумзаҳарли хусусиятидан ташқари, репродуктив функцияларга таъсири билан ҳам ажралиб туради. Бунда, хавфли ўсмаларнинг вужудга келиши кучаяди ва ирсиятнинг бузилишига олиб келади.

Кимёвий ифлослантирувчи моддалар одамнинг турли органлари ва тўқималарида айланма ҳаракатда бўлиб, айрим органларда тўпланиб боради. Улар, одатда, одамнинг кучли биокимёвий жараёнлар юз берадиган органлари - жигар, буйрак, эндокрин безларида йиғилади. Унинг хавфлилиги шундаки, бу моддалар бир неча йиллардан сўнг ўз салбий таъсирини кўрсатиши мумкин. Аниқланишича, нафас йўллариининг саратон касаллиги билан хасталаниши мис қуювчи корхоналар, тери касалликлари – алюминий, пўлат қуювчи, суперфосфат ишлаб чиқарувчи корхоналар атрофида аномал тарзда намоён бўлади.

Юқоридагилардан шундай **хулоса** қилиш мумкинки, кимёвий элементлар, хусусан оғир металлларнинг одам организмида кўп ёки кам бўлиши турли органларда модда алмашинувини ўзгартириб юборади, ҳаётий зарур жараёнларни бузади ва оқибатда турли касалликларнинг вужудга келишига сабабчи бўлади. Табиатда оғир металлларнинг мувозанати инсон ҳаёти учун қулай, лекин уларнинг кўпайиб ёки камайиб кетиши ҳаёт маромига зарар келтиради, касалликларнинг турлари ортиб боради, инсон умри қисқаради, ёш болалар, қариялар, аёллар орасида оғир тиббий хасталикларни вужудга келиш омили бўлиб қолади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Аманбаева З.А. Оҳангарон дарёси ўрта қисми ҳавзасининг геоэкологик вазияти ва уни оптималлаштириш йўллари. Г.ф.н. илм. дар. олиш учун тақдим эт. дисс. – Т.: 2004. - 154 б.
2. Шукуров Ш. Антропоген жараёнларнинг Оҳангарон дарёси водийси геоэкологик ҳолатига таъсирини баҳолаш. Магистр академик даражасини олиш учун тақдим эт. дисс. Тошкент, 2011.-75 б.

### **Қаландарова Д.Д., Забиева Р.С., Назаров И.Қ.\*; ЕР ТАБИАТИ: ГЕОГРАФИК ҚОНУНИЯТЛАР ВА АМАЛИЁТ (ДАВРИЙЛИК ҚОНУНИ)**

*Аннотация:* Мақолада табиий жараён ва ҳодисаларнинг кунлик, ойлик, йиллик ва кўпйиллик (қуёш активлиги) даврийлиги ёритилган. Даврийлик қонунининг методологик ва амалий аҳамиятига урғу берилган.

*Калит сўзлар:* ой (қамарий) тақвими, қуёш (шамсий) тақвими, қуёш активлиги, ўзгарувчан оралик, муддатли даврийлик

#### **Природа Земли: географические закономерности и практика (закон периодичности)**

*Аннотация:* В статье раскрывается сущность суточной, месячной, годичной и многолетней (солнечная активность) периодичности природных процессов и явлений. Акцентируется методологическое и практическое значения закона периодичности.

*Ключевые слова:* лунный календарь, солнечный календарь, солнечная активность, периодичность с переменным промежутком времени.

---

\* Қаландарова Д. Д. – Бухоро давлат университети “Тупроқшунослик ва география” кафедра ўқитувчиси,  
Забиева Р.С.- Бухоро шаҳар 39-сонли ихтисослаштирилган давлат умутаълим мактабининг олий тоифали география фани ўқитувчиси,  
Назаров И.Қ. – Бухоро давлат университети профессори, г.ф.н.



**The nature of Earth: geographical regularity and practice (law of periodicity)**

*Abstract: In the given article is revealed the essence of daily, monthly, yearly and perennial (solar activity) periodicity of natural processes and phenomenon. Paid attention to methodological and practical importance of the law of periodicity.*

*Key words: lunar calendar, solar calendar, solar activity, periodicity with variable interval of time.*

**Кириш.** Борлиқ, шу жумладан Ер табиати доимо узлуксиз ҳаракатда, ўзгаришда, илгарилама ривожланишда ва такомиллашувдадир. Мазкур жараёнларни ўрганиш натижасида география фанида шундай қонун, назариялар яратилганки, улар биринчидан, география фанининг ривожланиш даражасини билдирса, иккинчи томондан ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Шундай қонунлардан бири Ер табиатига хос бўлган жараён ва ҳодисаларнинг маълум муддатдан сўнг такрорланиши, яъни даврийлигидир. Қайд қилиш жоизки, табиатда қатъий, мутлақо ўхшаш жараён, ҳодисалар содир бўлмайди, балки нисбий ўхшаш, унга яқин воқеликлар кузатилади (Геренчук ва бошқ., 1984, 160 бет). Мазкур жараён ва ҳодисалар Ерга таъсир кўрсатувчи ташқи ва Ернинг ички кучлари туфайли содир бўлади. Ер табиатида (географик қобикда) содир бўладиган жараён ва ҳодисаларнинг даврий такрорланиш муддатлари ва турлари хилма-хил. Кеча ва кундуз, ойлик, мавсумий, йиллик, кўпйиллик, асрий ва ниҳоят узоқ муддатларда такрорланадиган даврий жараёнлар шулар жумласидандир. Даврийликлар мазмун-моҳиятига кўра тектоник, вулканик, сейсмик, стратиграфик (чўкинди жинсларнинг тўпланиши), иқлимий, гидрологик каби турларга эга.

**Асосий қисм. Кеча ва кундузнинг даврийлиги.** Бу Ернинг ўз ўқи атрофида тўлик бир марта айланиши натижасида содир бўлади. Бу ҳодиса ҳар 23 соат 56 минут 4 секундда кузатилади. Кундалиқ ҳаётда бу 24 соат деб қабул қилинган. Кеча ва кундузнинг даврийлиги билан Ердаги органик дунёнинг ривожланиши, ҳаёт тарзи узвий боғланиб кетган. Инсонинг ҳаёти ҳам бундан истисно эмас. Унинг ҳаёт тарзи, ижтимоий фаолияти кеча ва кундуз даврийлиги билан боғлиқ. Айниқса, унинг меҳнат фаолияти ушбу даврийлик билан уйғунлаштирилган ҳолда ташкил қилинган ва бошқарилади. Кун ва тун воқелиги ижтимоий ҳаётнинг табиий асоси бўлиб, у инсоннинг жисмоний, рухий, маънавий ва моддий дунёсида ўз ифодасини топган.

**Ой (қамарий) йили даврийлиги.** Бу Ернинг табиий йўлдоши бўлган ойнинг Ер атрофидан тўлиқ бир марта айланиб чиқиши билан содир бўлади. Мазкур ҳодиса 29.5306 кунга тенг бўлиб, синодик ой, яъни ойнинг бир фазолалари орасидаги даврдир (ЎзБМЭ, 4-жилд). Ушбу даврийликдан қадимги халқлар ҳам вақт ҳисобини олиб боришда фойдаланиб келганлар. Ислоҳ дунёсида ҳижрий-қамарий (ой) тақвими оммалашган. Гап шундаки, Муҳаммад Пайғамбар тақдир тақозоси билан 622 йилнинг 16 июлида Маккадан Мадинага ҳижрат қилган (кўчган, чекинган). Халифа Умарнинг буйруғи билан ҳижрий-қамарий тақвим қабул қилинади ва йил ҳисоби ”Ҳижрат” йилидан бошланади. Ой тақвими бўйича бир йил 354, кабиса йилида эса 355 кунга тенг. Бу Қуёш шамсий тақвимидан 11 кун камдир. Бошқача қилиб айтганда, ҳижрий-қамарий тақвим ҳар 33 йилда Қуёш тақвимига нисбатан бир йил олдинга сурилади. Ислоҳ динида марҳум бўлган кишиларнинг ҳақиқий умрига (қуёш тақвими бўйича) яшаган ёшига қараб 1,2,3 йил кўшиб айтилиши ҳижрий-қамарий тақвим асосига эга. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг (1938-2016) Самарқанд шаҳрида, дафн маросимида (3.IX) қамарий тақвими бўйича унинг 80 ёшга кирганлигини расмий эълон қилиниши бунга мисолдир. Қамарий йил 12 ойдан иборат бўлиб, улар арабча номланган мазкур тақвим бўйича диний маросимлар, жумладан “Рамазон”, “Қурбон” миллий ҳайит байрами тадбирлари ўтказилади. Бундан ташқари халқимиз орасида “янги ой”, “тўлин ой”, “ойнинг охири” каби тушунчалар билан боғлиқ мақол, ривоят, урф-одат, маросимлар борки, улар ойлик ва у билан боғлиқ бўлган қамарий йиллик даврийлигининг амалий ифодасидир.

**Йиллик даврийлик** Ер планетасининг Қуёш атрофидан тўлиқ бир марта айланиб чиқиши билан содир бўлади. Ер аслида Қуёш системасига кирувчи ва ундан Меркурий, Венера сайёраларидан кейин, учинчи ўринда турувчи планетадир. У ўз орбитаси бўйлаб, ўртача 29.8 км/сек тезликда 365.24 кунда (тропик йил) Қуёш атрофида тўлиқ айланиб чиқади (Географич. энцикл. словарь, 1988). Ана шу даврда у Қуёшдан бир мунча узоқлашади (июль) ва яқинлашади (январь). Иккинчидан, Ер Қуёшга нисбатан ўз ҳолатини (қиялигини) ўзгартиради, натижада йил фасллари ҳосил бўлади. Ушбу ўзгаришлар асосида Қуёш тақвими (шамсий) ишлаб чиқилган. Бу ҳозир Григорий (Рим папаси) тақвими (календари) деб аталади. Ернинг кутбий ва экватор кенгликларида ёз ва қиш фасллари аниқ ифода этилган бўлса, ўрта кенгликларда, жумладан Ўзбекистон республикаси ҳудудида йилнинг тўрт фасли тўлиқ намоён бўлади. Йил фасллари жами 12 ойдан иборат бўлиб, уларнинг йиғиндиси 365 кунни ташкил қилади. Ҳар тўрт йилда бир марта кабиса йили жорий қилинган бўлиб, у 366 кунга тенг.

Бундан ташқари, Шарқ мамлакатларида ҳижрий-шамсий (қуёш) тақвими қабул қилинган. Бунга кўра янги йил (“Наврўз”) 22 мартдан бошланади, ойлар эса, бошқача номланади. Аниқроғи, ҳамал ойи 22/III, савр 20/IV, жавзо 21/V, саратон 22/VI, асад 23/VII, сумбула 24/VIII, мезон 22/IX, ақраб 24/X, қавс 23/XI, жадди (катта чилла) 22/XII, далва (кичик чилла) 20/I, ҳут 19/II дан бошланади. Ушбу тақвим йили табиий асосга эга. Чунки, 21 мартда баҳорги тенгкунлик, яъни кеча ва кундузнинг давом этиш муддати бир-бирига тенг бўлади, яъни ҳар бири 12 соат давом этади. Эртаси кундан, яъни 22 мартдан бошлаб кундузнинг давомийлиги аста-секин орта боради. Шу боисдан баҳорги тенгкунлик (21 март) “Наврўз” байрами сифатида Шарқ халқлари томонидан минг йиллар давомида нишонланиб келинмоқда. Бу сана Ўзбекистонда миллий умумхалқ байрами сифатида кенг кўламда нишонланади ва БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти томонидан Бутун жаҳон номоддий мероси рўйхатига киритилган. Бундан ташқари йилнинг 23 сентябрида кузги тенгкунлик Шарқ мамлакатларида ҳосил байрами сифатида тилга олинади. Бу сана Ўзбекистонда “Меҳржон” байрами тарзида қадрланади. Айнан ушбу санада тўлиқ бўлмасида, куз ойларида деҳқончиликнинг турли соҳалари бўйича “Ҳосил” байрами, ярмарка ва сайиллари ўтказилади. Йил мавсумлари, ойлари ҳақида турли ривоят, мақол, эртақлар, урф-одат, маросимлар яратилган, улар миллий қадриятлар сифатида ўзбекистонлик халқларнинг ҳаёт тарзига сингиб кетган.

**Қуёш активлиги даврийлиги.** Қуёш коинотдаги, аниқроғи, Галактикамиздаги (Сомон йўли) юлдузлардан бизга яқин бўлган юлдуздир. У термоядро реакторига ўхшаб кетади, ўта қизиган газлардан (70% водород, 30% гелий) иборат. Қуёш Ердаги ҳаёт учун ёруғлик ва иссиқлик манбаидир. Унинг марказида ҳарорат 10-15 млн. градусга етади, юза қисмида эса 6000 градус атрофида бўлади. Қуёш Галактикада ўз системасини ҳосил қилган бўлиб, унинг марказида туради ва тортиш кучи туфайли 9 та планета, унинг йўлдошлари, кичик планеталар, кометалар ва бошқа космик жисмларни бирлаштиради. Қуёшда содир бўладиган термоядро жараёнларида даврий нодаврий ҳодисалар содир бўлади. Аниқроғи, ўртача ҳар 11 йилда қуёш активлиги, яъни қуёшдан келадиган энергия қувватининг кучайиши содир бўлади. Бу даврда қуёш юзасида қора доғлар, машғалалар пайдо бўлади.

Қуёшдаги мазкур активлик Ер табиатига, айниқса, биосферага сезиларли таъсир кўрсатади. Ушбу жараёнларни ўрганган ва ниҳоят гелиобиология фанига асос солган олимлардан бири А.Л. Чижевскийдир (1897-1964). Олим қуёш активлиги билан боғлиқ бўлган 27 та биологик жараёнларни аниқлайди. Унинг фикрича ҳосилдорлик, вино сифати, дарахтларнинг ўсиши, ҳашаротларнинг кўпайиши, кўчиши, фавқулудда ўлим, жиноятчиликнинг ўсиши, эпидемиялар, ўз-ўзини ўлдириш каби биологик жараёнлар қуёш активлиги билан боғлиқ. Қуёш активлиги даврида инсонларнинг ижодий фаоллиги ортади. А. Эйнштейн ўз кашфиётларини 1915, 1916, 1927, 1938 йилларда яратган.

Композиторларда “ижодий куч”нинг ортиши кузатилган. Куёш активлиги даврида Куёш бетидеги қора доғлар қанча кўп бўлса, туғилган болаларнинг бўйи ва оғирлигининг кам бўлиши кузатилган. А.Л. Чижевский ушбу қатъий хулосалари учун 1942 йилда маълум муддатга қатағон ҳам қилинган. Баъзи олимлар жамиятда содир бўлган ва бўлиши мумкин бўлган ижтимоий-сиёсий воқеаларни куёш активлиги муддатлари билан боғлайдилар. Мазкур даврларда одамларнинг қўзғалувчанлиги, серҳаракатлилиги, асабийлашуви қайд қилинган. Куёш активлиги 1905, 1917, 1928, 1937, 1947, 1958, 1969, 1980, 1991, 2002, 2013 йилларда содир бўлганлиги кузатилган (Филиппов, 1991).

**Хулоса.** Юқорида қайд қилинганлардан ташқари, географик адабиётларда табиий ҳодиса ва жараёнларнинг маълум асрлар, геологик эралардан сўнг такрорланиши (даврийлиги) ҳақида маълумотлар мавжуд. Айниқса, ойлик, йиллик, кўп йиллик даврий табиий жараён ва ҳодисалар моҳиятини мукамал билиш муҳимдир. Бухоро давлат университетининг мустақил тадқиқотчиси Г.С. Ҳалимова тадқиқотлари асосида Марказий Қизилқумда атмосфера ёғинларининг ўзгарувчан муддатли даврийлик қонунияти аниқланди. (Ҳалимова, 2016). Мазкур ҳудудда ёғинларнинг кўп йиллик ўртача миқдори 96-133ммга тенг. Лекин, нисбатан намгарчилик кўп бўлган йиллар (169.0; 247.7 мм/йил) ҳар 4-5 йилда, энг қурғоқчил йиллар эса (34.0; 36.5мм/йил) ўртача ҳар 9-10 йилда такрорланади. Мазкур илмий хулоса, ўз навбатида яйлов чорвачилигини ривожлантириш, чўл зонасининг табиий ресурсларидан самарали фойдаланиш, қатор ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал қилиш учун муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Ер табиатида содир бўлаётган табиий жараён ва ҳодисаларнинг даврийлик қонуниятларини янада мукамал ўрганиш нафақат назарий, энг муҳими, амалий аҳамиятга ҳам эга. Бу, ўз навбатида, география фанининг ижтимоий нуфузини юксалтириш имкониятларини яратади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Географический энциклопедический словарь. –М.: “Советская энциклопедия”, 1988. - 432 с.
2. Геренчук К.И., Боков В.А., Черванов И.Г. Общее землеведение. –М.: «Высшая школа». - 1984.-256 с.
3. Филиппов Е.М. Науки о Земле. –М.: Знание, №10, 1991. - 48 с.
4. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 4-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. - 704 б.
5. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 6-жилд.-Тошкент: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. - 704 б.
6. Halimova G.S. Some distribution regularity of atmospheric precipitation in the ridge Kuljuktai. European Science Review. “EAST-WEST”: Austria, Vienna, 2016. -с. 11-12.

### **Шамуратова Н.Т., Салиева Н.Ш.\***

#### **ЭКОТУРИЗМ ПРИНЦИПЛАРИ**

**Аннотация:** Мақолада экотуризмнинг мақсади ва моҳиятини белгилаб берувчи, экотуризмни ривожлантиришида амал қилиниши керак бўлган тамойиллар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** туризм, экотуризм, принцип, табиатни муҳофаза қилиши, экологик хавфсиз муҳит, экотуристтик марирут.

#### **Принципы экотуризма**

**Аннотация:** В статье проанализированы принципы экотуризма, определяющие его цели и содержания, которым необходимо придерживаться при развитии экотуризма.

\* Шамуратова Н.Т.– ЎзМУ География кафедраси доценти в.б., г.ф.н,  
Салиева Н.Ш. – ЎзМУ Иқтисодийёт факултети 4-курс талабаси

**Ключевые слова:** туризм, экотуризм, принцип, охрана окружающей среды, экологически безопасная среда, экотуристический маршрут.

### Principles of the eco-tourism

**Abstract:** In the article social principles of eco-tourism are analysed qualificatory aims and properties of eco-tourism.

**Keywords:** tourism, eco-tourism, principle, guard of environment, ecologically safe environment, ecotourism route.

**Кириш.** Ҳозирги кунда туризм инсонларнинг эҳтиёжларини қондиришга, аҳолининг турмуш даражасини кўтаришга ва табиий ресурсларнинг камайишига олиб келмайдиган замонавий иқтисодиётнинг энг нуфузли тармоқларидан бирига айланди. Туризм индустрияси кўпгина мамлакатларнинг иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди. Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили бутун дунёда бир миллиарддан зиёд киши саёҳат қилмоқда. Шунингдек, унинг ўсиш суърати йилига 5% ни ташкил этмоқда.

Бутун дунёда туризмнинг экологик йўналиши тобора оммабоп бўлиб бормоқда. Экотуризм мамлакатларнинг барқарор ривожланишини таъминлаб берувчи муҳим омиллардан биридир. Экотуризмнинг мақсади ва моҳиятини белгилаб берувчи асосий қадам – ижтимоий экотуристлик муносабатларда амал қилиниши керак бўлган принциплардир.

**Асосий қисм.** *Экотуризм принципи* – экологик муносабатларни туризм орқали тартибга солишга йўналтирилган қонун-қоида. Экотуризм принциплари умумий туризм принципларини умумий экологик принциплар билан уйғунлаштириш орқали яратилган ҳамда уларнинг аксарияти миллий ва халқаро туристик ҳуқуқ нормаларида ўз аксини топгандир.

Экотуризм принциплари Жаҳон Туризм ташкилоти экспертлари 1997 йилда ишлаб чиққан “Туризмнинг глобал этика кодекси”да ҳамда Швеция атроф муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги қабул қилган 10 та принципларда ўз аксини топган. Шунингдек, Егоренков Л.И. (2003), Сергеева Т.К. (2004), Храбовченко (2003) ишларида ҳам экотуризм принциплари ҳақида маълумотлар берилган. Улар қуйидагилардан иборат.

Экотуризмда табиатни муҳофаза қилиш масаласининг ўстуворлиги принципи, яъни экотуристлик саёҳликдан мақсад – экотуризм орқали маҳаллий, миллий, регионал ва глобал миқёсда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш.

Экотуризм ташкиллаштирилаётган жойда кечаётган барча ҳодиса ва жараёнлар инсон ҳаёти билан узвий боғланган. Шунинг учун ҳам табиатни муҳофаза қилиш кишиларнинг экологик жиҳатдан хавфсиз ҳаёт кечиришлари манбаи ҳисобланади.

Экотуризмдан тушган фойданинг экологик мақсадларга йўналтириши принципи. Мазкур экотуристлик принцип экотуризмдан келаётган даромаднинг бир қисмини экологик мақсадларга, яъни ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсиз муҳитини таъминлашга қаратилганлигидир. Экологик хавфсиз муҳит – организмларнинг қулай шароитда кўпайиши, ўсиши ва ривожланиши учун тоза, соғлом ва қулай атроф табиий муҳит ҳолатидир.

Экотуризмнинг тарихий, маданий, диний туризм каби бошқа туризм турлари билан узвий боғланганлиги принципи. Ўзбекистоннинг Хива, Бухоро, Самарқанд, Шахрисабз, Тошкент, Қўқон каби шаҳарлари ва қишлоқларида 4000 дан зиёд тарихий, маданий, диний ёдгорликлар ҳамда зиёратгоҳлар мавжуд бўлиб, улар миллионлаб фуқаролар ва чет эллик туристларни ўзига жалб қилади. Биргина Самарқанднинг Улуғбек мадрасасига йилига 100 минглаб туристлар келиб кетади. Шунинг учун ҳам тарихий, маданий, диний, спорт каби туризм турлари билан экотуризмни олиб бориш ҳам экотурларга туристларни кўпроқ жалб қилишга, ҳам туристларда Ўзбекистон ҳақида

атрофлича тассавурларга эга бўлишга, ҳам кам ҳаражат орқали кўпроқ фойда кўришга олиб келади.

Туризмнинг барча йўналишларида экотуризм таълимининг мажбурийлиги принципи. Бу дегани, туризм ва сервисга оид барча ўқитиш муассасаларида ўқувчиларнинг ёши, ихтисослиги, мутахассислигидан қатъий назар, уларга экологик таълим билан бир қаторда экотуристлик таълим ҳам берилиши шарт. Акс ҳолда, инсонлар яшаб турган ҳаётий зарур атроф табиий муҳитни сақлаб қолиш қийиндир. Зеро, 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган ва амалдаги Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунининг 4-моддасида экологик ўқувнинг мажбурийлик принципи киритилгандир. Туризм таълимига оид барча меъёрий ҳужжатларда ҳам экотуристлик таълимнинг мажбурийлик принципини киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ноэкологик ҳаракатларнинг қатъиян чекланганлик принципи экотурларнинг барчасида, албатта, табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, бузилган табиат комплексларини қайта тиклаш вазифаларининг туриши лозим. Негаки, ушбу вазифаларни инобатга олмаслик экотуризмни табиий туризм ёки спорт туризмга айланиб кетишига олиб келади. Туризмнинг экологик талабларга мос келмаган ҳаракатлари ноэкологикдир.

Қадамжойларнинг барқарор ривожланишида экотуризмнинг улкан аҳамият касб этиши принципи. Ҳар қандай ҳолатдаги экотуристлик объектда тўғри ташкил этилган экологик сайёҳлик, албатта, ўша жойда яшовчи аҳолининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маърифий ривожланиши учун хизмат қилади. Маълумотларга кўра, Ғарбий Тяньшан резерватига уюштирилган саёҳатлар туфайли Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларида кейинги 10 йил ичида иқтисодий юксалиш 2-2,5 баробарга ошган. Аҳолининг иш билан таъминланганлик даражаси ҳам деярли шу даражага кўпайган.

Маҳаллий аҳолининг экологик онги ва маданиятини кўтаришида экотуризмни жалб қилдириши принципи. Экотуризм ташкил этилган ҳар қандай ҳудудда аҳолининг экологик онги ва маданияти ўз-ўзидан ортади. Чунки, экотуристлар, агарда улар чиндан ҳам шу турдаги туризмга тааллуқли бўлсалар, албатта маҳаллий аҳолининг экологик онги ва маданиятининг ўсишига сабабчи бўладилар. Бунда ҳар қандай муомала лаёқатига эга бўлган инсон ўзи яшаб турган она юрти табиатига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш унинг ўзига, оиласига, қариндош-уруғларига, қишлоқдошларига, юртдошларига, қолаверса, келажак авлодларига фойдадан холи эмаслигини англайди ва тегишли ҳатти-ҳаракатларни бажаришга ундайди.

Табиатдан оқилона фойдаланишни экотуристлик маршрутларда акс эттириши принципи. Кишилиқ жамиятининг ҳар қандай фаолияти атроф табиий муҳитга озми-кўпми таъсир этади. Лекин, ушбу таъсир меъёрида ёки меъёридан ортиқ бўлиши мумкин. Экотуризм ҳам бундан истисно эмас. Чунки, унда ҳам сайёҳлар экотурлар орқали атроф табиий муҳитга таъсир этадилар. Лекин, бу таъсир давлат томонидан ўрнатилган меъёрлардан (РЭМ) ошмаслигини таъминлаш ҳар бир экотуристлик маршрут ташкилотчисининг мажбуриятига киради.

Бузилган табиат комплексларини ҳам экотуризм объекти деб ҳисоблаш принципи. Нафақат гўзал табиат қадамжолари, балки табиий жараён ва ҳодисалар ёки инсонларнинг хўжалиқ фаолияти таъсирида бузилган табиат комплекслари (ландшафтлар ёки жойнинг табиий кўриниши ва ҳолати) ҳам экотуризм объекти бўла олади. Орол ва Оролбўйи каби инкирозли экологик ҳудудларга қизиқувчи сайёҳларнинг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Фақатгина уни экологик нуқтаи назардан тўғри уюштириш лозим.

Давлат, жамият, маҳаллий бошқарув органларининг экологик туризмдан манфаатдорлиги принципи. Экотуризм туризм индустриясида энг даромадли (кам сарф ҳаражат қилиб, кўп фойда оладиган соҳа бўлганлиги сабабли, ундан келиб тушадиган

фойда маҳаллий давлат ва нодавлат органлари ҳамда халқаро ташкилотларнинг сармояларини кўпайтириш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Умуман олаганда, **хулоса** қилиб айтиш мумкинки, экотуризм принциплари жуда хилма-хил ва кенг қамровлидир. Экотуризм принциплари экологик хавфсизликни ушлаб турувчи зарурий ходиса ва жараёнлар туркумига киради. Бундан бир вақтнинг ўзида ҳам сайёҳлик, ҳам табиатни муҳофаза қилиш қоидалари келиб чиқади. Экотуризмга йўналтирилган ҳаракатлар экологик принципларга ёндашган ва чуқур илмий асосланган бўлишни талаб этади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Егоренков Л.И. Экология туризма и сервиса.– М.: Финансы и статистика, 2003.
2. Сергеева Т.К. Экологический туризм. Учебное пособие. - М.: Изд-во МГУ, 2004.
3. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. – Т.:ЎЗМЭ, 2006.
4. Храбовченко В.В. Экологический туризм. – М.: Финансы и статистика, 2003.

#### Эгамов Б.Ю.\*

### “АДИБУС СОНИЙ” ДАРСЛИГИДА ГИДРОЛОГИЯ ВА ИҚЛИМШУНОСЛИККА ОИД ҚАРАШЛАР

**Аннотация:** *Мазкур мақолада Абдурашидхонов Мунавварқори томонидан XX аср бошларида яратилган “Адибус соний” асарининг мазмуни, унда билдирилган гидрология ва иқлимшуносликка оид қарашлар таҳлил қилинган.*

**Калит сўзлар:** *жадидчилик, гидрология, иқлимшунослик, табиий географик ҳодиса, дарслик-мажмуа, фасл.*

#### Гидрологические и климатологические аспекты содержания учебника “Адибус соний”

**Аннотация:** *В статье рассматривается сущность и содержание учебника Мунавваркары Абдурашидханова “Адибус соний”, прежде всего, те аспекты, которые относятся к гидрологии и климатологии.*

**Ключевые слова:** *джадидизм, гидрология, климатология, физико-географические процессы, учебник-комплекс, сезон.*

#### Hydrological and climatological ideas in a textbook “Adibus sony”

**Abstract:** *The article discusses the content of the textbook “Adibus sony” Munavvar Khari Abdurashidkhanov by ideas in the scientific analysis of field hydrology and climatology.*

**Keywords:** *jadids, hydrology, climatology, nature geography in event, textbook complex, season.*

**Қириш.** XIX аср охирларида дунёга келган ва мустамлакачилик сиёсатининг барча азоб-укубатларини бошидан кечирган, рушлаштириш ва диний мутаассиблик авжига чиққан шароитда ижод қилган географлар орасида Мунавварқори Абдурашидхоновнинг салмоқли ўрни бор. Мунавварқори Абдурашидхонов халқимиз бошига тушган чоризм мустамлакачилиги йилларида “Мен-сендамен: сен-мендасен” ҳикматиға мувофиқ, халқимиз онги ва шууриға маърифат ва озодлик уруғини сочиб, миллатнинг маънавий отаси даражасига эришди.

Мунавварқори Абдурашидхонов Ўзбекистон географлари тарихида биринчилардан бўлиб, география фанининг замонавий номи, ўрганиш соҳа ва йўналишлари ҳақида тўлақонли маълумот берган. Биз куйида, Мунавварқори Абдурашидхонов томонидан яратилган “Адибус соний” асари ва унда билдирилган гидрология ва иқлимшуносликка оид қарашлар ҳақида фикр ва таҳлиллариимизни баён этамиз.


\* Эгамов Б.Ю. – Ўзбекистон Миллий университети География кафедраси ўқитувчиси.

**Асосий қисм.** “Адибус соний” (“Иккинчи адиб”) жадид мактаблари учун мўлжалланган ўзбек тилидаги дарслик бўлиб, 1907 йилдан 1916 йилгача беш марта нашр этилган. Бугунги кундаги маълум таҳлил ва тадқиқот натижаларидан аёнки, аксарият жадидшунос олим ва мутахассислар “Адибус соний” асарини ўқиш китоби сифатида эътироф этишади. Аслида эса “Адибус соний” асари мажмуали дарслик (дарслик-мажмуа) бўлиб, ўзининг мазмун-мундарижасига кўра, умумтаълим мактабларининг ҳозирги кундаги ўқиш, атрофимиздаги олам, табиатшунослик ва география дарсликларининг биргаликда олинган мазмунига ўхшашдир.

“Адибус соний” дарслик-мажмуасининг салмоқли қисмини табиий географик билимлар, айниқса гидрология ва иқлимшуносликка оид маълумотлар ташкил этади.

Дарслик-мажмуада география фанининг мақсади, вазифаси ва объекти ҳақида муфассал маълумотлар баён этилган. Айниқса, тақвим, фасллар, дарё, океан, денгиз, ҳайвон ва ўсимликлар ҳамда атмосфера ва ундаги жараёнларга оид қизиқарли ва фактик маълумотлар келтирилган.

Мунавварқори “Адибус соний” дарслигида сана тизимига ҳам алоҳида тўхталиб ўтган. Йил, ой, ҳафта кунлари ҳақида аниқ билимлар манбаини келтириб ўтади. Вақт ўлчови, тақвимларга тааллуқли билимлар тизими содда ва тушунарли тарзда баён қилинган. Масалан, асарда тақвим ҳақида, шундай дейилади: “Йилнинг икки хил ҳисоби бордур. Бир санаи шамсия (Қуёш йили) дейилур. Иккинчиси ойнинг кўринишидан ҳисобланур. Буни санаи қамарий (ой йили) дейилур”.



1-расм. “Адибус соний” дарслик-мажмуасининг титул саҳифаси

Мунавварқори Абдурашидхонов “Адибус соний” асарида бугунги кун география таълимидаги долзарб муаммолардан бири-дунё океани ва уни қисмларга ажратиш масаласига аниқ ва тўғри ёндашган. У дунё океани ҳақида тўхталиб, “Денгизлар беш бўлак бўлиб, Баҳри муҳити Кабир (Тинч), Баҳри муҳити Атлас (Атлантика), Баҳри муҳити Ҳинд (Ҳинд), Баҳри муҳити мунҷамиди Шимолий (Шимолий муз) ва Баҳри муҳити мунҷамиди Жанубий (Жанубий Муз) деб аталур”, дейди. Зеро, дунё океанини бу каби районлаштириш бугунги кунда жаҳоннинг ривожланган давлатлари география таълимида ўз аксини топган. Бу эса муаллифнинг географияга оид хориж адабиётларидан яхши хабардор бўлганлиги ва географик дунёқараши юксак бўлганлигидан далолат беради.

Абдурашидхонов дарё ҳақида ёзар экан, - *“Наҳр деб, тоғлардаги булоқлардан, қор ва ёмғурлардан пайдо бўлиб, бир-бирига қўшилиб, зўрайгон сувларни айтилур”*, дейди. Аслида ҳам шундай, дарёлар тоғлардан бошланиб, манбаи сувайирғичга яқин бўлади. Ўзбекистондаги дарёлар асосан, тоғлардаги қор, музликлардан ҳамда ёмғир сувларидан тўйинади.

“Адибус соний”да йил фасллари ҳақида ҳам билим ва тушунчалар келтирилган. Унда йил фасллари, фаслларнинг қайси ойларга бўлиниши ҳамда баъзи табиий географик жараёнлар ва ўсимликларнинг вегетация даври, атмосфера ёғинларига оид фенологик маълумотлар берилган.

Дарслик-мажмуанинг “Фанний дарслар” бобининг “Ҳаво” деб номланган қисмида, ҳаво ҳақида шундай деб ёзади: *“Дунё юзи “Ҳаво” исмлиқ бир жисм (газлар аралашмаси-Б.Э.) ила тўла бўладур. ...ҳаво ўзи рангсиз, тиниқ, юмиоқ бир жисм бўлгонлиги учун бизим кўзимизга кўринмайду. Ер юзидаги инсонлар, ҳайвонлар ва дарахтларнинг ҳар бирлари шул ҳаво ила тирикдулар”*. Ҳавога нисбатан берилган бу таъриф бугунги кун маълумот ва тавсифларига тўла мос келади. Шунингдек, маскур қисм давомида акс этган маълумотлар мазмуни эса ҳавонинг табиатдаги мавжудликнинг асосини ташкил этишини ҳамда табиий географик комплексларнинг бир-бутунлиги қонуниятини очиб беришга қаратилганлиги билан эътиборга моликдир.

Мунавварқори асарда булутлар ҳақида фикр юритар экан, ҳаводаги сув буғларининг конденсацияланиш (сублимация) жараёнини тушунтиришга уриниш орқали табиатдаги сувнинг катта ва кичик айланма ҳаракатига ҳам эътиборини қаратади. Унга кўра, *“Ер юзидаги денгизлар, кўллар ва дарёларни Қуёш иситган сари, ондаги сувлар буғ бўлиб, кўтарилар экан. Мана шу сувлардан пайдо бўлган буғлар ердан бир неча сокин (масофа) юқорига кўтарилгондан сўнгра бир-бирларига қўшилиб қалинлашдилар.... Биз шул буғ йиғинларини булут деб атаймиз”*, дейди.

**Хулоса.** Биз йирик жаҳид сиймоси Мунавварқори Абдурашидхонов яратган “Адибус соний” асари мисолида жаҳидчилик ҳаракатининг табиий география таълими, фан тарихи ва тараққиётига кўшган ҳиссасини очиб беришга ҳаракат қилдик. Билишимизча, Ўрта Осиё жаҳидларидан қолган меросни ўрганиш фойдадан холи эмас. Чунки, бу муқаддас ва дахлсиз мерос география фани тарихига оид қимматли маълумотларга ҳамда муҳим илмий ва услубий умумлашмаларга бойдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдурашидхонов М. Хотираларимдан. – Т.: Шарқ, 2001.
2. Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2003.
3. Эгамов Б., Ғуломов П. Мунавварқори Абдурашидхоновнинг географик мероси // Ҳозирги замон географияси: назария ва амалиёт. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент., 2006.
4. Холбоев С., Эгамов Б. Туркистон жаҳидчилиги – миллий уйғониш даврида география фани ва таълими. - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010.



**ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ГЕОГРАФИЯ****Азимов Ш.А.\*****ҲУДУДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ**

*Аннотация:* Ушбу мақолада ҳудудларни барқарор ривожлантиришнинг стратегик режаларини асослашнинг хорижий тажрибалари кўриб чиқилган.

*Калим сўзлар:* стратегиялар, диспропорциялар, кластерлар, инвестиция, инфраструктура, PEST-таҳлил, SNW-таҳлил, SWOT-таҳлил, ўсиш марказлари, локомотив ҳудудлар.

**Стратегии территориального развития**

*Аннотация:* в данной статье рассмотрены зарубежные опыты разработки планов стратегии устойчивого территориального развития.

*Ключевые слова:* стратегии, диспропорции, кластеры, инвестиции, инфраструктуры, PEST-анализ, SNW-анализ, SWOT-анализ, центры роста, локомотивные территории.

**Regional development strategies**

*Abstract:* The article deals with foreign experience in justifying strategic plans for sustainable development of regions.

*Key words:* strategies, disproportions, investments, infrastructures, PEST analysis, SNW analysis, SWOT analysis, growth centers.

**Кириш.** Ҳудудий ривожлантириш стратегиялари минтақалар иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожланишини таъминлашнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ҳам, минтақаларни ҳудудий ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишда ҳудудларни барқарор ривожлантиришнинг хорижий тажрибалари билан яқиндан танишиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Хорижий мамлакатлар минтақашунослиги доирасида нафақат миллий минтақаларни ривожлантириш стратегиялари, балки бир вақтнинг ўзида кўшни мамлакатларнинг ёндош ҳудудларини ривожлантириш режаларини ҳам ишлаб чиқиш ва амалга оширишга алоҳида аҳамият берилади. Бу жараён Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳамда Россия Федерациясида бирмунча кенг ривожланган.

**Асосий қисм.** Европа сиёсатчиларининг таъбирича, ҳудудий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, нафақат минтақаларнинг барқарор ва мутаносиб ривожланишига, давлатнинг ҳалқаро рақобатчилигини юксалишига имконият яратади, балки жамиятда ижтимоий бирдамликни таъминлашда ҳам асос бўлиб хизмат қилади [2].

Сўнгги йилларда Европа мамлакатларида кузатилаётган интеграция жараёнлари натижасида алоҳида олинган бир мамлакат доирасидан йирик бўлган иқтисодий минтақалар шакллана бошлади. Бу эса, Европа мамлакатларида “тенглаштириш сиёсати”ни кенг кўламда олиб борилиши учун замин ҳозирлади. Ушбу сиёсат Шарқий ва Ғарбий Европа ҳудудларини барқарор ривожлантириш асосида аҳоли турмуш тарзини мувофиқлаштириш, қишлоқлар ва депрессион ҳудудларни ривожлантиришни бош мақсад қилиб белгилаб олган. Айни пайтда, мазкур ҳудудий ривожлантириш стратегияси хусусий сектор билан давлат ҳамкорлигини кенгайтиришга, атроф муҳитни салбий таъсирлардан ҳимоя қилишга, шунингдек, хорижий инвестициялар учун европа минтақалари жозибadorлигини оширишга асосий эътиборни қаратади.

Хусусан, Германия ҳудудий ривожлантириш стратегияси, биринчи навбатда, жамиятнинг иқтисодий гуллаб яшнашини кўзда тутиб, ҳудудлардан, уларнинг табиий

\* Азимов Ш. А. -Тошкент Молия институти, Минтақавий иқтисодиёт кафедраси доценти, г.ф.н.

ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни белгилаб берувчи тўрт даражада олиб борилади.

Федерал даража “Худудий режалаштириш ҳақида”ги Федерал қонун асосида худудларни макон бўйлаб ривожлантириш шартларини белгилаб беради. Бу борада масъулият шаҳарсозлик ва қурилишни худудий ташкил этиш Федерал Вазирлигига юклатилади.

Федерал худудлар даражасида “Режалаштириш ҳақида”ги қонун асосида федерал худудларни ривожлантириш ва худудий ташкил этиш жиҳатларини қамраб олган муайян худуднинг дастури ишлаб чиқилади.

Минтақавий даража Федерал худудлар таркибидаги муниципал ҳамда худудий даражалар оралиғидаги даража ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси муайян худуд даражасида режалаштириш органлари томонидан шакллантирилган бош мақсадни аниқлаштириш, шунингдек, алоҳида уюшмалар томонидан қабул қилинган қарорларни координация қилишдан иборат. Худудий ривожлантириш стратегиялари минтақавий режалаштириш уюшмалари ёрдамида амалга оширилади.

Маҳаллий даража энг қуйи поғона ҳисобланиб, маҳаллий ўзини – ўзи бошқариш органлари ваколатига киради. Бу даражада муниципал тузилмалар ва шаҳарсозликни истиқболда ривожлантирилиши ўзаро алоҳида-алоҳида белгиланади. Чунки, муниципал бирликларни ривожлантириш режалари, тадбирларни амалга ошириш ваколатларини белгилаб бериш билан бирга, белгиланган вазифаларга мос ҳолда координация ва назоратни кўзда тутди.

Федерация минтақалар инфраструктурасини такомиллаштириш, аграр муаммоларни ҳал этиш, олий ўқув юртларини қуриш ва кенгайтириш, шунингдек, илмий изланишларни қўллаб-қувватлаш каби вазифаларни бажаришда худудларга ўзининг мақсадли тўловларини сафарбар этади.

Айни пайтда мақсадли тўловлар уй-жой қурилиши, болалар тарбияси, таълим, шаҳар ривожланишини рағбатлантириш ва коммунал транспортни ривожлантириш мақсадларига ҳам йўналтирилиши мумкин.

Япониянинг худудий ривожлантириш стратегияси концепцияси қуйидаги тамойилларга таянади:

1. Бозор механизмлари асосида иқтисодий фаолликни рағбатлантириш, қонуний тартибга солиш ва мувофиқлаштириш. Минтақаларни иқтисодий ривожлантириш сиёсатида икки усул мавжуд: бозор иқтисодиёти тамойилларидан фойдаланган ҳолда хусусий корхоналарнинг иқтисодий фаоллигини ошириш усули ҳамда айрим корхоналарнинг эркин иқтисодий фаолиятини чеклаш орқали иқтисодий сиёсат мақсадларига эришиш усули. Бозор тамойиллари доирасида муаммоларни ҳал этиш имконияти бўлмаган вазиятларда қонуний тартибга солиш усулидан фойдаланилади. Бу усул асосан экология, корхоналарнинг ҳаддан зиёд ёки суст мужассамлашуви жараёнларида қўлланилади.

Минтақалараро табақалашув даражасини қисқартириш мақсадида суст ривожланган минтақалар инфраструктурасини ривожлантириш, турли солиқ имтиёзларини жорий этиш ва молиявий ажратмалар орқали улардаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш чоралари қўллаб келинади;

2. Марказий ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органларининг муносабатлари. Ҳукумат асосий ғояни шакллантиради, минтақалар эса аниқ режа ишлаб чиқади. Бу ҳолатда маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органларининг ваколати кенгайиб боради. Худудий диспропорцияларни камайтиришда йирик давлат инвестицияларини инфраструктурани ривожлантиришга жалб этиш бирмунча самарали ҳисобланади. Ҳукумат худудларни мажмуали ривожлантиришнинг асосий режасини ишлаб чиқиш орқали бюджетни худудларни ривожлантиришга тақсимлашнинг устувор тартибларини

белгилаб беради. Япония шароитида минтақа бюджетлари минтақавий солиқлар ҳисобига қопланади;

3. Маҳаллий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. Япониянинг ҳудудий ривожлантириш сиёсатида капитални ташқаридан киритмаслик ва ҳудуднинг ички имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда ривожлантириш жараёни кузатилмоқда. Ички имкониятлар асосида минтақавий ривожланиш усулига технополисларнинг вужудга келиши, мавжуд ишлаб чиқаришнинг фаоллашуви ва юқори технологияларга таянган ҳолда, индустриянинг ривожланиши ва “бир қишлоқ - бир маҳсулот” ҳаракати қабиларни киритиш мумкин.

Индустриал кластерлар минтақаларнинг инновацион салоҳиятини ошириш, халқаро рақобатбардошликни мустаҳкамлаш, янги авлод юқори технологиялари саноатини ривожлантириш воситаси ҳисобланиб, иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан ташкил этилади. Японияда технополислар ташкил қилиш жараёни кластерларни шакллантиришдан бирмунча илгарилаб кетган;

4. Минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришда марказий ҳукуматнинг, минтақавий органлар ва хусусий сектор билан ўзаро муносабатлари, хусусий сектор ривожланишини ҳукумат қўллаб - қувватлаган дастлабки вақтларда марказнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс ҳисобланган. Бугунги кунда эса хусусий сектор жуда кучли ривожланганлиги боис ҳукуматнинг ёрдамига деярли муҳтож эмас. Шу сабабли ҳам ҳозирда ҳукуматнинг аҳамияти хусусий секторни рағбатлантириш билан баробар бўлган қонунчилик асосларини тайёрлаш билан бир қаторда, мамлакатни ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишдан, инфраструктура тўрини такомиллаштиришдан иборатдир.

Россия Федерациясининг ҳудудий ривожлантириш стратегияси 1995 йилнинг 20 июнида қабул қилинган № 115 - ФЗ рақамли “Россия Федерациясини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва давлат прогнозлаштириши ҳақида”ги Қонунига, шунингдек, 2006 йилда қабул қилинган “Россия Федерациясини ўрта муддатли истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури”га (2006 2008) мувофиқ ишлаб чиқилган [4].

Мамлакат миқёсида минтақаларни стратегик ривожлантиришни тартибга солишнинг баъзи функциялари Россия Федерацияси Минтақавий ривожланиш вазирлиги ҳамда Иқтисодий ривожланиш ва Савдо вазирликлари зиммаларига юклатилган. Россия Минтақавий ривожланиш вазирлиги Россия Федерацияси субъектлари ҳисобланган муниципал ҳудудий бирликларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва тартибга солишнинг давлат сиёсатини норматив-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқади. Шу билан бирга давлат минтақавий ва миллий сиёсатини жорий этиш юзасидан мониторинг ва таҳлилий ишларни олиб боради. Иқтисодий ривожланиш ва савдо вазирлиги 2002 йилнинг 17 июнидаги № 170 сонли “Россия Федерацияси субъектларини иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш, тасдиқлаш ва амалга ошириш ҳақида”ги Қарорга мувофиқ минтақавий стратегия ва дастурларнинг сифати юзасидан назорат ишларини таъминлайди.

Россиянинг минтақавий ривожланиш вазирлиги ўз фаолиятини “Россия Федерацияси минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиялари Концепцияси” [3], шунингдек, “Россия Федерацияси субъектлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиялари техник-стандарт талаблари” лойиҳасига асосан олиб боради.

Минтақаларни ривожлантириш стратегияларининг асосий вазифаси рақобатбардошликни таъминлаш ҳисобланади. Мамлакатлар ва минтақалар ўртасидаги рақобат моддий соҳада эмас, балки ғоялар, стратегиялар, лойиҳалар ва

хусусий стандартларни тадбиқ этиш кабиларни қамраб олган қуйидаги уч асосий йўналишда намоён бўлади:

1. Минтақавий ҳокимиятнинг рақобатбардошлиги. Барча ҳокимият структурасини модернизация қилиш орқали маъмурий бошқарувнинг самарали механизмларини жорий этиш ва ҳудуд учун илғор ғоялар базасини шакллантириш назарда тутилади;

2. Жамият ва минтақанинг инсон салоҳияти. Мазкур йўналишда минтақа инсон салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш ва ундан фойдаланиш мақсадида ҳудудий ўзини-ўзи бошқариш усулини тадбиқ этиш лозим. Бунинг учун минтақаларни иқтисодий жозибадорлигини таъминлаш, ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш орқали аҳолининг турмуш ва асосан таълим ҳамда соғлиқни сақлаш даражасини ошириш стратегияси ишлаб чиқилиши талаб этилади;

3. Минтақада хўжалиқни ташкил этиш тизими ва бизнес. Асосий эътибор бизнес ва инновацион ривожланиш соҳаларининг максимал даражадаги рақобатбардош ҳисобланган (ихтисослашган) йўналишларни аниқлашга, унинг бошқа минтақаларга ва жаҳон бозорига чиқишига, шунингдек, устувор миллий лойиҳаларни амалга оширишда минтақавий бизнес структураларининг жалб этилишига қаратилади.

Ҳудудларни ривожлантиришнинг турли туман иқтисодий усуллари ҳамда омиллари, бевосита кутбий ривожланиш ва ўсиш марказлари назарияларини, урбанизация ва инфраструктурани ривожлантириш концепцияларини амалга оширишнинг амалий шакллари намоён этади.

Қозоғистон Республикасида вилоятлар ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш 2006 йилда республика Ҳукумати томонидан қабул қилинган Қозоғистонни 2015 йилга қадар ҳудудий ривожлантириш стратегиясини амалга оширишнинг тайёргарлик босқичи (2006 - 2008 йй.) тадбирлари режасининг бир қисми ҳисобланади [5].

Тадбирлар 4 гуруҳга ажратилади. Булар мамлакатни ва аҳоли жойлашувини самарали ҳудудий ташкил этилишини шакллантириш, ҳудудларни иқтисодий ташкил этиш, ҳудудларнинг экологик ҳолатини яхшилаш, ҳудудий ривожланишнинг институтчионал чора-тадбирларини таъминлашдан иборат. Ушбу режани амалга оширишда асосий ўрин вилоятларнинг ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишга масъул ҳисобланган маҳаллий органларга (ҳокимиятларга) берилади. Қозоғистон Республикаси Президентининг 2006 йилнинг 28 августида тасдиқлаган Фармойишига кўра, Қозоғистон Республикаси ҳудудий ривожланиш стратегиясининг бош мақсади мамлакатни барқарор ривожланишини таъминлаш, минтақавий ва жаҳон иқтисодиётида рақобатбардош ихтисосликларни шакллантириш асосида аҳоли турмуши, шунингдек, иқтисодий салоҳиятни ва аҳоли жойлашувини ҳудудий оқилона ташкил этиш учун қулай шароитларни яратишдан иборат.

Қозоғистон Республикаси ҳудудий ривожланиш стратегияси иқтисодий макон ва аҳоли жойлашувини шакллантиришни, айна пайтда кластерлар ташкил этиш билан уйғун тарзда, ҳудудлар инфраструктурасини ривожлантириш йўналишларини қамраб олади [6].

Мамлакат ҳудудий ривожлантириш Стратегиясининг асосий устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат ҳисобланади:

- мамлакатдаги иқтисодий фаолликни ўзида тўплаган ва мамлакатнинг бошқа ҳудудлари учун “локоматив” вазифасини ўтовчи ўсиш қутубларини шакллантириш;

- Марказий Осиё савдо-иқтисодий ва технологик сервис маркази сифатида Қозоғистон иқтисодий маконини жаҳон хўжалигига интеграциялашуви;

- мамлакат ҳудудларини оқилона ўзлаштириш мақсадида иқтисодий жиҳатдан истиқболли ва ҳаёт фаолияти учун қулай бўлган ҳудудларда иқтисодий ва меҳнат ресурсларини мужассамлаштириш;

- кластер механизмларини жорий этган ҳолда минтақаларнинг ўз-ўзини бошқаруви ва ички ресурслар асосида ривжланишида рақобатбардошликни ошириш [1].

*1-жадвал*

**Стратегиянинг сифат ва самарадорлигини тавсифловчи асосий жиҳатлари**

<b>Минтақанинг аҳамиятини аниқлаш</b> - минтақанинг мамлакат миқёсидаги аҳамияти ва ўрнини белгилаб берувчи умумий тамойиллар, бошқа ижтимоий-иқтисодий субъектлар билан алоқадорлиги.
<b>Мақсадларни аниқлаш</b> - стратегияни амалга ошириш натижасида минтақада шаклланидиган ҳолатни тавсифлаш.
<b>Стратегиянинг вазифаларини белгилаш</b> - минтақанинг турли йўналишдаги фаолиятида мақсадга етказувчи тадбирлар мажмуаси.
<b>Ташқи муҳит таҳлили (PEST таҳлил, рақобатчилар таҳлили ва ҳ.к.)</b> - ташқи муҳитда шаклланидиган стратегик шароитлар диагностикаси.
<b>Минтақанинг амалдаги ҳолати ва имкониятлари таҳлили (SW таҳлил)</b> - минтақа ривожланишининг ички омиллари таҳлили ва классификацияси.
<b>SWOT таҳлил</b> - стратегик муқобил вариантларни ишлаб чиқиш минтақанинг кучли ва кучсиз томонларини, шунингдек имконият ва хавфларини баҳолашга асосланади.
<b>Аниқ стратегик муқобилларни танлаш</b> - минтақа ёки област ривожланишининг у ёки бу сценарийсини амалга ошириш эҳтимоллари баҳоланади. Шундан сўнг амалга ошириш эҳтимоли юқори бўлган сценарий асосида минтақанинг аниқ ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилади ва бу минтақани стратегик ривожланишининг якуний натижаси ҳисобланади

Куйидагилар жаҳон ва минтақавий даражада мамлакат ва унинг ҳудудлари мавқеини оширишни, рақобатчилик муҳитини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

1. Давлат минерал хом ашё, дон маҳсулотларини йирик ишлаб чиқарувчиси ва етказиб берувчи сифатида. Қозоғистон углеводород хом ашёси, уран, металлургия маҳсулотлари ва буғдой етказиб беришда жаҳон бозорида қулай ўринга эга. Истиқболда ҳам айнан шу маҳсулотлар Қозоғистон Республикасининг жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган асосий товарлари бўлиб қолаверади;

2. Қозоғистон, Европа, Осиё-Тинч океани ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги трансконтинентал иқтисодий кўприк сифатида. Мамлакатнинг қулай географик ўрни, икки континент (Европа ва Осиё) кесишган ҳудудда жойлашганлиги нафақат маҳсулотларни транзит қилишдан келган фойда ҳисобига, балки истиқболда Евроосиё маконида ривожланиб бораётган савдо иқтисодий интеграция жараёнларидан ҳам фойдаланишига имконият яратади;

3. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва минтақавий даражада саноат ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришнинг кенгайиши. Мавжуд минерал хом ашё ҳамда аграр салоҳияти хорижий инвестиция ва технологияларни жалб этиш орқали минтақавий бозорда, қолаверса, жаҳон бозорида ўрта ва юқори технологияларга асосланган сифат жиҳатидан янги, рақобатбардош саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш имкониятини беради;

4. Мавжуд салоҳият ва қулай географик ўриндан фойдаланган ҳолда Қозоғистонни минтақанинг халқаро стандартлар даражасида кенг доирада хизматлар кўрсата оладиган, ривожланган сервис марказига айлантириш;

5. Ҳозирги замон жаҳон иқтисодиётида инновацион жараёнлар аҳамиятининг ортиб бораётганлигига мос ҳолда, мамлакатнинг ички ва ташқи бозорларида илғор технологик ишланмаларни сафарбар этиш мақсадида мамлакатни минтақанинг инновацион марказига айлантириш.

Хорижий мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш Стратегияларида аниқланган иқтисодиётни барқарор ривожланишига эришишга йўналтирилган асосий механизмлар 1-жадвалда келтирилган.

**Хулоса.** Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг минтақавий стратегияларини ишлаб чиқишда хорижий мамлакатларнинг ҳудудий стратегияларини қуйидаги йўналишларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш. “Мамлакатни узок муддатли истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Стратегияси” ва “Мамлакатни ҳудудий ривожланишининг Бош схемаси”ни ишлаб чиқиш зарур;

2. Мамлакатни иқтисодий фаоллиги мужассамланган ўсиш кутбларини шакллантиришни янада кенгайтириш;

3. Минтақалар рақобатбардошлигини кучайтириш. Минтақавий кластерларни ташкил этиш, муайян бир маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган ўзаро боғлиқ бўлган корхона ва ташкилотларни, шунингдек, олий ўқув юрлари, илмий тадқиқот ва лойиҳа институтларини мужассамлаштириш;

4. Иқтисодиётни ривожлантиришда давлат, минтақавий органлар ва хусусий секторнинг ўзаро муносабатлари. Хусусий секторларга давлат билан ҳамкорлик қилиш масалаларида, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда (ишсизларга ва ногиронларга иш ўринларини ташкил этишда, интеллектуал ва касбий маҳоратни оширишда, хусусий бизнесни ташкил этишда) кўмак беришга йўналтирилган ижтимоий тадбиркорлик корпорацияларини (солиқ имтиёзларини, аниқ лойиҳалар учун грантлар олишда ёрдам ва маслаҳат берувчи муассасаларни) шакллантириш.

5. Суст ривожланган ҳудудларга хусусий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш. Хорижий корхоналарнинг бевосита инвестициялари нафақат капитални, балки менежмент соҳасидаги ноу-хау ва янги технологияларни олиб кириш билан бир қаторда, жаҳон бозорига ҳам йўл очиб беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Горохова М.В. Казахстан: вопросы эффективной реализации новой модели региональной политики. Центр анализа общественных проблем. 2007.

2. Гранберг А.Г. Региональное развитие: опыт России и Европейского союза. – М.: «Экономика», 2000. - С.88-137.

3. Концепция стратегии социально-экономического развития регионов Российской Федерации. Министерство регионального развития Российской Федерации. 1995.

4. Николаев И.А., Точилкина О.С. Аналитический доклад «Стратегии и программы развития регионов». Аудиторско-консалтинговая компания ФБК. Департамент стратегического анализа. - Москва, 2006.

5. План мероприятий на 2006–2008 годы по реализации стратегии территориального развития Республики Казахстан до 2015 г. (подготовительный этап), утвержденный Постановлением Правительства Республики Казахстан от 29 сентября 2009 г. № 942.

6. Стратегия территориального развития Республики Казахстан до 2015 г., утверждена Указом Президента Республики Казахстан от 28 августа 2006 г. № 167.

**Федорко В.Н., Курбанов Ш.Б\* .**  
**МЕТОДИКА РЕЙТИНГОВОЙ ОЦЕНКИ УРОВНЯ**  
**ЭКОНОМИЧЕСКОГО И СОЦИАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ РЕГИОНОВ**  
**РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

*Аннотация.* В статье, на основе комплекса статистических показателей, произведена сравнительная рейтинговая оценка уровня экономического и социального развития регионов Узбекистана – Республики Каракалпакстан, 12 областей и города Ташкента. Результаты анализа представлены в табличной и графической формах.

*Ключевые слова:* экономическое развитие, социальное развитие, показатели, рейтинг, место, интегральный показатель.

**Ўзбекистон Республикаси минтақаларининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасини рейтинг баҳолаш услубиёти**

*Аннотация.* Мақолада, статистик кўрсаткичлар мажмуи асосида, Ўзбекистон минтақалари – Қорақалпоғистон Республикаси, 12 вилоят ва Тошкент шаҳрининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасларининг солиштирма рейтинг баҳолаши амалга оширилган. Таҳлил натижалари жадвал ва график тарзда келтирилган.

*Калит сўзлар:* иқтисодий ривожланиш, ижтимоий ривожланиш, кўрсаткичлар, рейтинг, ўрин, интеграл кўрсаткич.

**Method of assessment rating level economic and social development  
of regions of Uzbekistan**

*Abstract.* The article based on a set of statistical indicators produced by the comparative rating of the level of economic and social development of the regions of Uzbekistan - Republic of Karakalpakstan, 12 regions and Tashkent city. The analysis results are presented in tabular and graphical forms.

*Keywords:* economic development, social development, performance, rating, location, integral index.

**Введение.** Сравнительная оценка уровня экономического и социального развития территорий является значимой научно-практической задачей региональных исследований, как в общественной географии, так и в региональной экономике. Покомпонентный анализ уровня экономического и социального развития регионов позволяет выявить проблемные параметры (аспекты) регионов-лидеров и относительно благоприятные условия общественного развития регионов-аутсайдеров. Особый интерес представляет сопоставление уровней экономического и социального развития территорий, их корреляционный анализ, на основе чего выявляются регионы, сравнительно большой экономический потенциал которых не отражается должным образом на параметрах их социального развития, и территории, где социальные показатели выглядят благополучнее на фоне индикаторов хозяйственного развития. В связи с этим разработка методики рейтинговой оценки уровня экономического и социального развития регионов Республики Узбекистана представляется актуальной научно-практической проблемой. В рассматриваемом направлении известны методические разработки А.М.Садыкова [1]. Однако предлагаемая нами методика основана на оригинальном подходе – рейтинговой (позиционной) оценке уровня экономического и социального развития регионов. Также следует отметить, что авторами большое внимание уделяется корреляционному анализу уровней экономического и социального развития территорий.

---

\* **Федорко В.Н.** - учитель географии в школе №233 г.Ташкента, самостоятельный соискатель кафедры географии НУУз,

**Курбанов Ш.Б.** - преподаватель кафедры географии НУУз.


**Цель и задачи.** Целью исследования является выполнение комплексной рейтинговой оценки уровня экономического и социального развития регионов Республики Узбекистан на основе ряда статистических показателей. Для этого необходимо решить следующие задачи: 1) отобрать ряд статистических показателей, интегральный анализ которых позволит в первом приближении выявить объективный уровень экономического и социального развития регионов страны; 2) на основе официальных статистических итогов 2014 года произвести покомпонентную и интегральную (среднюю) рейтинговую оценку уровня экономического и социального развития регионов; 3) проанализировать межрегиональные контрасты в экономическом и социальном развитии; 4) сопоставить уровни экономического и социального развития регионов Узбекистана, выявив имеющиеся несоответствия производственного потенциала и социальных показателей в территориальном разрезе.

**Результаты и их обсуждение.** Для оценки уровня экономического развития регионов Узбекистана нами был отобран следующий ряд статистических показателей:

- 1) Объём ВРП (млрд. сумов);
- 2) ВРП на душу населения (тыс. сумов);
- 3) Экспорт на душу населения (долл. США);
- 4) Число субъектов малого бизнеса на 1000 жителей;
- 5) Инвестиции в основной капитал на душу населения (млн. сумов);
- 6) Инвестиции в новое строительство на душу населения (млн. сумов);
- 7) Валовая промышленная продукция на душу населения (млн. сумов);
- 8) Доля промышленности в ВРП (%);
- 9) Розничный товарооборот на душу населения (тыс. сумов);
- 10) Число действующих совместных предприятий;
- 11) Доходы регионального бюджета на душу населения (тыс. сумов);
- 12) Соотношение доходной и расходной частей регионального бюджета.

Вышеперечисленные параметры, по мнению авторов, в комплексе отражают экономический потенциал регионов на современной стадии развития и целенаправленного реформирования отраслевой и территориальной структуры национальной экономики.

По каждому параметру взяты статистические данные Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике по итогам 2014 года, на основе которых построен рейтинг мест регионов страны. Если у двух регионов показатели равны, то их рейтинговые места, соответственно, одинаковы. Затем для каждого региона было высчитано среднее арифметическое значение рейтинговой позиции, на основе чего был выведен интегральный рейтинговый показатель (место) территории по уровню экономического развития. Эти данные представлены в таблице 1.



**Рис.1. Интегральные рейтинговые места регионов Узбекистана по уровню их экономического развития (на основе интегрального анализа 12 показателей, 2014 г.)**



Таблица 1


Рейтинговая оценка уровня экономического развития регионов Республики Узбекистан (по итогам 2014 г.)

№	Регионы Узбекистана	Показатели уровня экономического развития												Средний показатель места регионов	Интегральный рейтинг регионов по 12 показателям уровня экономического развития (место)
		Объём ВРП		ВРП на душу населения		Экспорт на душу населения		Число субъектов малого бизнеса на 1000 жителей		Инвестиции в основной капитал на душу нас.		Инвестиции в новое строительство на душу нас.			
		млрд. сум	место	тыс.сум	место	долл. США	место	единиц	место	млн.сум	место	млн.сум	место		
1	Респ. Каракалпакстан	3632,1	12	2075,6	14	62	12	6,0	8	2,18	2	1,75	1		
2	Андижанская обл.	9226,3	5	3258,6	7	233	5	8,0	3	0,49	14	0,29	14		
3	Бухарская обл.	8090,7	7	4569,2	4	191	6	6,9	6	1,85	3	1,33	2		
4	Джизакская обл.	3297	13	2662,1	10	78	11	6,9	6	0,82	8	0,48	8		
5	Кашкадарьинская обл.	10509,2	3	3589,2	5	87	10	5,9	9	1,33	5	0,84	5		
6	Навоийская обл.	7575,8	8	8349,9	2	445	3	7,4	5	1,69	4	1,02	3		
7	Наманганская обл.	6073,3	10	2401,5	13	44	14	5,9	9	0,63	10	0,45	9		
8	Самаркандская обл.	9198,1	6	2643	11	46	13	4,3	12	0,62	11	0,40	10		
9	Сурхандарьинская обл.	6077	9	2604,1	12	100	8	4,8	11	0,58	12	0,31	11		
10	Сырдарьинская обл.	2691,8	14	3493,6	6	287	4	9,1	2	1,18	7	0,72	7		
11	Ташкентская обл.	14150,8	2	5160,6	3	763	2	7,9	4	1,32	6	0,83	6		
12	Ферганская обл.	9722,2	4	2846,2	8	133	7	5,2	10	0,57	13	0,29	13		
13	Хорезмская обл.	4736,3	11	2786,4	9	93	9	6,3	7	0,71	9	0,31	12		
14	г.Ташкент	21326,3	1	9027,8	1	1639	1	18,2	1	2,38	1	0,84	4		
№	Регионы Узбекистана	Показатели уровня экономического развития													
		Валовая промыш. продукция на душу населения		Доля промышленности в ВРП		Розничный товарооборот на душу населения		Число действующих совм. предприятий		Доходы регионального бюдж. на душу нас.		Соотн. дох. и расх. частей рег. бюджета			
		млн.сум	место	%	место	тыс.сум	место	единиц	место	тыс.сум	место		место		
1	Респ. Каракалпакстан	0,80	11	12,7	10	1085,2	14	46	12	316,28	11	0,47	14	10,1	11
2	Андижанская обл.	3,36	4	21	5	1613,2	6	75	5	287,89	13	0,60	11	7,7	6
3	Бухарская обл.	1,91	7	15,2	8	2063,1	4	67	6	494,85	7	0,89	6	5,5	4
4	Джизакская обл.	0,79	12	10,1	13	1573,3	7	61	7	552,10	4	0,88	7	8,8	9
5	Кашкадарьинская обл.	2,19	6	33,7	2	1485,1	9	44	13	510,52	5	0,98	3	6,3	5
6	Навоийская обл.	8,36	1	45	1	2701,7	2	49	11	682,47	2	0,96	4	3,8	3
7	Наманганская обл.	0,77	13	10,7	12	1372,8	11	60	8	436,37	9	0,84	8	10,5	12
8	Самаркандская обл.	1,21	9	13,3	9	1387,1	10	226	3	251,49	14	0,49	13	10,1	11
9	Сурхандарьинская обл.	0,59	14	8,2	14	1681,1	5	54	10	496,72	6	0,91	5	9,8	10
10	Сырдарьинская обл.	2,67	5	19,5	6	1320,4	13	59	9	409,46	10	0,60	10	7,8	7
11	Ташкентская обл.	4,13	3	29,2	3	2228,5	3	482	2	558,17	3	1,10	2	3,3	2
12	Ферганская обл.	1,67	8	17,7	7	1493,9	8	124	4	437,31	8	0,83	9	8,3	8
13	Хорезмская обл.	0,96	10	11,9	11	1364,7	12	28	14	310,32	12	0,55	12	10,7	13
14	г.Ташкент	5,78	2	21,8	4	5314,5	1	3028	1	744,55	1	1,19	1	1,6	1

Интегральные рейтинговые позиции регионов страны по уровню экономического развития в виде диаграммы изображены на рисунке 1.

Как показывает анализ таблицы 1 и рисунка 1, тройку регионов-лидеров по уровню экономического развития образуют город Ташкент, Ташкентская и Навоийская области. Особенно впечатляют рейтинговые показатели столицы, которая по 9 из 12 параметров занимает первые позиции среди регионов страны. Минимальные позиции у Ташкента отмечены по инвестициям в новое строительство на душу населения и доле промышленности в ВРП (по обоим индикаторам 4-место). В Ташкентской же и, особенно, в Навоийской областях контраст в рейтинговых позициях в разрезе 12 показателей более существенен, чем в столице. Также в первой пятёрке рейтинга регионов страны по уровню экономического развития значатся Бухарская (4-место) и Кашкадарьинская (5-место) области. Очевидно, что такая позиционная расстановка регионов обусловлена размещением стратегически значимых крупных индустриальных объектов, а также интенсивностью развития аграрного сектора региональной экономики


Средние позиции в рейтинге регионов по уровню экономического развития занимают Андижанская (6-место), Сырдарьинская (7-), Ферганская (8-) и Джизакская (9-место) области. Наиболее же проблемными регионами в отношении экономического развития выступают Сурхандарьинская область (10-место), Республика Каракалпакстан, Самаркандская (оба региона на 11-позиции), Наманганская (12-место) и Хорезмская (13-место) области.



**Рис. 2. Рейтинговые показатели экономического развития областей Зарафшанского экономического района Узбекистана (по итогам 2014 г.)**

Привлекает внимание факт нахождения Самаркандской области в замыкающей части рейтинга, что связано, главным образом, с низкими значениями душевых показателей среди критериев рейтинга регионов. Другими словами, экономическое развитие Самаркандской области неадекватно её демографическому потенциалу и требует интенсификации и модернизации, в частности, большого внимания к индустриализации, так как индикаторы промышленного сектора экономики региона особенно скромны (рис. 2). Подобный дисбаланс демографического и производственного потенциала характерен для Наманганской области, традиционно отстающей по

многим параметрам хозяйственного развития от сопредельных областей Ферганского экономического района (рис. 3).



**Рис. 3. Рейтинговые показатели экономического развития областей Ферганского экономического района Узбекистана (по итогам 2014 г.)**

В тесной связи с экономическими индикаторами нами были проанализированы межрегиональные контрасты в уровне социального развития. Для оценки последнего нами был отобран следующий ряд статистических показателей, которые, на наш взгляд, с разных ракурсов отражают уровень и качество жизни социума, общественное благосостояние в регионах современного Узбекистана:

- 1) Средний совокупный доход на душу населения (тыс. сумов);
- 2) Средний размер начисленной заработной платы (тыс. сумов);
- 3) Средняя начисленная пенсия (тыс. сумов);
- 4) Доля занятых в материальном производстве (%);
- 5) Объём платных услуг на душу населения (тыс. сумов);
- 6) Соотношение занятых и незанятых;
- 7) Жилищные условия (м<sup>2</sup> на душу населения);
- 8) Обеспеченность больничными койками (на 1000 жителей);
- 9) Доступ к централизованной системе водоснабжения (%);
- 10) Охват детей дошкольными образовательными учреждениями (%);
- 11) Доля педагогов с высшим образованием среди учителей школ (%);
- 12) Количество правонарушений на 1000 жителей.

В таблице 2 приведены значения вышеперечисленных параметров по итогам 2014 года в соответствии с официальными данными государственной статистики. Методика факторной и интегральной рейтинговой оценки уровня социального развития регионов при этом идентична алгоритму проанализированного выше рейтинга экономического содержания. Интегральные рейтинговые позиции регионов страны по уровню социального развития графически показаны на рисунке 4.

**Рейтинговая оценка уровня социального развития регионов Республики Узбекистан (по итогам 2014 г.)**

№	Регионы Узбекистана	Показатели уровня социального развития												Средний показатель места регионов	Интегральный рейтинг регионов по 12 показателям уровня социального развития (место)
		Средний совокупный доход на душу насел.		Средний размер начисленной зар. платы		Средняя начисленная пенсия		Доля занятых в материальном производстве		Объём платных услуг на душу населения		Соотношение занятых и незанятых			
		тыс. сум	место	тыс. сум	место	тыс. сум	место	%	место	тыс. сум	место		место		
1	Респ. Каракалпакстан	2538	14	1221,6	7	414,3	5	64,20	13	499,64	10	0,54	12		
2	Андижанская обл.	3291	7	1352,3	5	352,3	13	71,50	6	740,54	3	0,77	5		
3	Бухарская обл.	4310	3	1359,8	4	401,9	6	71,70	5	708,29	4	0,86	2		
4	Джизакская обл.	2573,6	13	1112,7	10	364,7	11	71,20	7	429,49	12	0,52	13		
5	Кашкадарьинская обл.	2939,4	11	1275,4	6	368,7	10	66,90	10	434,92	11	0,60	10		
6	Навоийская обл.	5785,5	2	1787,9	2	534,3	1	68,30	9	786,94	2	0,85	3		
7	Наманганская обл.	2736,4	12	1038,6	14	351,5	14	60,80	14	542,71	9	0,58	11		
8	Самаркандская обл.	3123,4	8	1039,9	13	391,5	7	66,80	11	645,31	5	0,66	7		
9	Сурхандарьинская обл.	2941,3	10	1096,4	11	390,6	8	74,20	2	405,69	13	0,62	9		
10	Сырдарьинская обл.	3687,5	5	1124,9	9	421,8	4	74,90	1	392,88	14	0,82	4		
11	Ташкентская обл.	3928,4	4	1499,3	3	430,3	3	72,40	4	545,91	8	0,86	2		
12	Ферганская обл.	2970,1	9	1195,8	8	363,9	12	70,30	8	615,76	6	0,74	6		
13	Хорезмская обл.	3483,3	6	1092,6	12	385,4	9	67,00	12	561,66	7	0,65	8		
14	г.Ташкент	7305,1	1	1850,7	1	522,1	2	73,80	3	2182,50	1	0,97	1		
№	Регионы Узбекистана	Показатели уровня социального развития												Средний показатель места регионов	Интегральный рейтинг регионов по 12 показателям уровня социального развития (место)
		Жилищные условия		Обеспеченность больничными койками		Доступ к централизованному водоснабжению		Охват детей дошкольными учреждениями		Доля педагогов с высшим образованием среди учителей школ		Правонарушения (преступления) на 1000 жителей			
		м <sup>2</sup> . на 1 чел.	место	на 1000 жит.	место	%	место	%	место	%	место	случаев	место		
1	Респ. Каракалпакстан	16,5	4	42,5	4	65,3	12	24,4	2	72,7	11	1,8	1	7,9	7
2	Андижанская обл.	10,1	13	43	3	85,4	3	21	8	77,3	8	2	2	6,3	5
3	Бухарская обл.	14,6	8	39,8	7	62,1	14	20,3	9	79,5	5	2,5	5	6,0	4
4	Джизакская обл.	13,9	10	37,1	10	72,2	9	21,6	6	81,1	4	2,1	3	9,0	9
5	Кашкадарьинская обл.	14,2	9	36,1	12	82,2	5	17,6	11	58,9	14	2	2	9,3	10
6	Навоийская обл.	19,9	2	41	6	79,1	6	23,4	4	82,8	3	3,7	8	4,0	2
7	Наманганская обл.	16,2	5	41,4	5	77,4	8	15,1	13	78,6	6	2,2	4	9,6	11
8	Самаркандская обл.	14,2	9	36,4	11	83,8	4	23,7	3	68,8	12	2,2	4	7,8	6
9	Сурхандарьинская обл.	13,2	11	32	14	66,2	11	12	14	59,4	13	1,8	1	9,8	12
10	Сырдарьинская обл.	15,8	6	48,7	2	77,9	7	23,2	5	88,5	2	5	9	5,7	3
11	Ташкентская обл.	15,1	7	34,6	13	71,7	10	21,2	7	77,4	7	3,5	7	6,3	5
12	Ферганская обл.	13	12	37,8	9	88,4	2	16,9	12	76,4	9	2,8	6	8,3	8
13	Хорезмская обл.	23,6	1	38,6	8	62,5	13	19,2	10	74,7	10	2,2	4	8,3	8
14	г.Ташкент	19,7	3	77,2	1	100	1	65	1	91,1	1	7,9	10	2,2	1



**Рис.4. Интегральные рейтинговые места регионов Узбекистана по уровню их социального развития (на основе интегрального анализа 12 показателей, 2014 г.)**


Анализ рейтинга регионов по уровню социального развития показывает, что тройка лидеров в этом рейтинге, так же, как и в регионально-экономическом рейтинге, образована такими регионами, как город Ташкент (1-место), Навоийская (2-) и Сырдарьинская (3-место) области. Обращает внимание присутствие в этом перечне Сырдарьинской области, опережающей занимающую второе место в экономическом рейтинге регионов страны столичную область на 2 позиции. Это свидетельствует о некотором дисбалансе между экономическим и социальным развитием Ташкентской области. 4-место в социальном рейтинге регионов Узбекистана занимает Бухарская область, 5-место разделили Ташкентская и Андижанская области.

6- и 7-места занимают, соответственно, Самаркандская область и Республика Каракалпакстан, которые ранее были диагностированы как проблемные (отстающие) в экономическом плане регионы Узбекистана. Средними также можно признать рейтинговые позиции Ферганской и Хорезмской области (8-место у обоих регионов).


Замыкающие рейтинговые позиции отмечены у таких регионов, как Джизакская (9-место), Кашкадарьинская (10-), Наманганская (11-) и Сурхандарьинская (12-место) области. Очевидно явное отставание в уровне социального развития регионов Южного Узбекистана, в том числе Кашкадарьинской области, которая обладает весьма положительными показателями производственного потенциала. Сравнительный анализ диаграмм а и б на рисунке 5 позволяет сделать вывод о том, что Кашкадарьинская область, опережая Сурандарьинскую по большинству регионально-экономических индикаторов, существенно сближается с ней практически по всем социальным критериям, а по некоторым из них Сурхандарья даже опережает своего северо-западного соседа.

Именно случай с показателями экономического и социального развития регионов Южного Узбекистана красноречиво свидетельствует о том, что при безусловной значимости производственного развития территории как фактора социального прогресса региона, экономический фактор уровня и качества жизни населения не является единственно значимым. Впрочем, явное опережение параметров социального развития Сырдарьинской, Самаркандской областей и Каракалпакстана, отмеченное несколько ранее, также отражает сложную многофакторную природу социального развития территории. Большое значение, наряду с производственным развитием, имеют, по всей

видимости, такие факторы, как выгоды экономико-географического положения, обеспеченность транспортной и социальной инфраструктурой, исторические особенности формирования хозяйственного и селитебного комплекса регионов.



а)




б)

Рис. 5. Рейтинговые позиции Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей по уровню экономического (а) и социального (б) развития (по итогам 2014 г.)

Тем не менее корреляция рейтинговых позиций регионов по уровню их экономического и социального развития существенна, так как коэффициент корреляции

между ними равен 0,67. Сопоставление рейтинговых мест регионов Узбекистана по уровням их экономического и социального развития отображены на едином графическом поле рисунка 6.



**Рис.6. Соотношение рейтинговых показателей регионов Узбекистана по уровню экономического (горизонтальная ось, первая цифра на графике) и социального (вертикальная ось, вторая цифра на графике) развития (2014 г.)**

На рисунке 6 горизонтальная ось координат образована рейтинговыми позициями регионов республики по уровню их экономического развития, а вертикальную ось составляют интегральные рейтинговые места территорий по уровню их социального развития. Линия тренда показывает, что в среднем уровень социального благополучия регионов тем выше, чем лучше их позиции по уровню экономического (производственного) развития. К ряду регионов, где рейтинговые позиции по двум анализируемым измерениям совпадают или различаются только на один пункт, относятся г.Ташкент, Бухарская, Навоийская, Андижанская, Ферганская, Джизакская и Наманганская области. Сырдарьинская, Самаркандская, Хорезмская области и Республика Каракалпакстан выгодно выделяются показателями социального развития в сопоставлении с хозяйственными критериями, тогда как такие регионы, как Ташкентская, Сурхандарьинская и, особенно, Кашкадарьинская область характеризуются явным отставанием социального развития от экономического потенциала.

**Выводы.** Изложенная в статье методика регионально-диагностических исследований и выполненный на её основе сравнительно-географический анализ даёт основание сделать следующие выводы:

- однозначным лидером среди регионов страны, как в экономическом, так и в социальном плане является столица – город Ташкент, показатели которого практически по всем критериям существенно опережают остальные территории страны;

- хорошими параметрами, как экономического, так и социального развития выделяются Навоийская, Бухарская, Ташкентская, Андижанская и Сырдарьинская области, что обусловлено сочетанием факторов производственно-экономического,

ресурсного, инфраструктурного порядка, особенностями экономико-географического положения и истории формирования и развития хозяйственно-селитебного комплекса этих регионов;

- явно аутсайдерскими рейтинговыми показателями в обоих измерениях характеризуются Сурхандарьинская, Хорезмская и Наманганская области, территориально-экономические системы которых базируются на аграрном секторе;

- в таких регионах, как Ташкентская, Сурхандарьинская и Кашкадарьинская области уровень социального развития явно отстаёт от экономического потенциала территории, что требует концентрации внимания на социальных аспектах регионального развития и управления;

- такие регионы, как Республика Каракалпакстан, Хорезмская, Самаркандская и Сырдарьинская области характеризуются более выгодными позициями в социальном отношении, нежели чем в территориально-производственном ракурсе;

- уровни экономического и социального развития регионов при достаточно существенном коэффициенте корреляции, равном, по нашим подсчётам, 0,67, не демонстрируют, однако, связи в виде жёсткой однозначной детерминации. Это свидетельствует о сложной многофакторной природе социального развития территорий.

#### **Использованная литература:**

1. Садыков А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика. – Т.: Иқтисод – Молия, 2005. – 280 с.

**Усманов З.К.\***

### **ЎЗБЕКИСТОНДА ТРАНСПОРТ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИ ВА УНИНГ ХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

*Аннотация:* Ушбу мақолада миллий иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан бири – транспорт тизимининг ривожланганлик даражаси ва унинг ҳудудий хусусиятлари, хусусан, автомобиль ва темир йўл транспортида юк ва йўловчи ташиш ҳажми, транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга киритилаётган инвестиция ҳажми таҳлил этилган. Шу билан бирга ялли ички маҳсулот таркибида транспорт ва алоқа тармогининг улуши ҳамда ялли ҳудудий маҳсулотнинг транспортсигимкорлиги тадқиқ этилган ва ушбу тизимнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклиф, тавсиялар ишлаб чиқилган.

*Калит сўзлар:* транспорт, транспортсигимкорлиги, автомобиль транспорти, темир йўл транспорти, ҳудудий ички маҳсулот, инвестиция, минтақа, тизим, инфратузилма.

#### **Уровень развития транспортной системы в Узбекистане и её территориальные особенности**

*Аннотация:* в статье проведён анализ уровня развития одного из важных отраслей национальной экономики - транспортной системы и её территориальные особенности, в частности, объёмы перевозок грузов и пассажиров на автомобильном и железнодорожном транспорте, объёмы инвестиций, привлекаемые на развитие инфраструктуры. Также исследованы доля транспорта и связи в валовом продукте и транспортёмкость валового регионального продукта, разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию этой системы.

---

\*Усманов З.К. - ТДИУ хузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” ИТМ кичик илмий ходими.



*Ключевые слова:* транспорт, транспортёмкость, отрасль, автомобильный транспорт, железнодорожный транспорт, валовый внутренний продукт, инвестиции, регион, система, инфраструктура

### **Level of development of the transport system in Uzbekistan and its territorial features**

*Abstract:* This article provides analysis of the level of development of one of the most important sectors of the national economy - the transport system and its territorial characteristics, in particular, the volume of freight and passenger traffic on the road and rail transport, investment volumes attracted to infrastructure development. Also, from a scientific point of view investigated share of transport and communication in gross domestic product and transport capacity gross regional product, developed proposals and recommendations to improve the system.

*Keywords:* transportation, transport capacity, industry, road transport, railway transport, the gross domestic product, investment, region, system infrastructure

**Кириш.** Иқтисодийни модернизациялаштириш шароитида халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларидан бири – транспорт инфратузилмасини ривожлантириш билан алоқадор минтақавий муаммоларни тадқиқ этиш ва уларни ижобий ҳал этиш, минтақалар орасида ижтимоий-иқтисодий тафовутларни бартараф этиш масалаларини ўрганиш долзарб аҳамиятга эга.

Миллий иқтисодийнинг энг муҳим тармоғи – транспортни, айниқса, унинг инфратузилмасини ривожлантиришда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш объектив заруриятдир. Чунки, ишлаб чиқариш кучларини самарали жойлаштиришда транспорт омили муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар томонлама ривожланган транспорт тизими мамлакат ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва жойлашишида, ички ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди. Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг бугунги даражадаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишида транспорт тизими ва инфратузилмасининг ўрни ва аҳамияти ошиб бормоқда.

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Иқтисодийни модернизациялаш шароитида транспорт тизимининг ривожланганлик даражаси ва унинг ҳудудий хусусиятларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш ва таклиф, тавсиялар бериш ушбу ишнинг **мақсади** ҳисобланади. Мақсаддан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги **вазифалар** белгиланди ва таҳлил этилди: транспортда юк ва йўловчи ташиш ҳажмини, транспорт соҳасига киритилаётган инвестиция ҳажмини, ялпи ички маҳсулот таркибида транспорт ва алоқа тармоғининг улушини таҳлил этиш, минтақалар бўйича автомобиль ва темир йўллар зичлиги кўрсаткичларини аниқлаш ва уни гуруҳларга ажртиш ҳамда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг транспорт сифимкорлигини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш ва таклиф, тавсиялар бериш.


**Асосий қисм.** Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда ва такомиллаштиришда ишлаб чиқариш инфратузилмаси (транспорт ва бошқалар) омиллари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси миллий ва минтақавий иқтисодийнинг асосий инфратузилмаларидан бири ҳисобланиб, унинг ҳолатига қараб минтақанинг иқтисодий ривожланиши даражасига ва ўрнига баҳо берилади [1]. Шу билан бирга, инфратузилмавий лойиҳаларнинг амалга оширилиши қисқа муддатда янги ишчи ўринларни яратиш, узоқ муддатда эса меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятларига эга [2]. Шу жумладан, Индонезия ҳукумати ҳам ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш орқали ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва ҳудудлар орасида номуаносибликни бартараф этиш сиёсатини амалга оширмоқда ва унга кўра ишлаб чиқариш инфратузилманинг асосий тўртта элементларидан бири, яъни транспорт тизимини ривожлантиришга устувор равишда қарамоқда [3]. Минтақаларда транспорт тизимини ривожлантирмасдан, ягона транспорт тизимини шакллантирмасдан туриб, минтақаларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш жуда

мураккаб вазифа. Жаҳон Банкнинг статистик маълумотларига кўра, транспорт инфратузилмасининг қониқарсиз аҳволдалиги 1990 йилларда Хитой Халқ Республикаси ялпи ички маҳсулотининг ўртача ўсиш суръатларини 1%га камайишига олиб келган ва маҳсулот таннархида транспорт харажатларининг қиймати 20%га тенг бўлган, ваҳоланки, ушбу кўрсаткич АҚШ ва бошқа ривожланган давлатларда 5-10%ни ташкил этган [4].

Кейинги йилларда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти таркибида транспорт ва алоқа тармоғининг улуши муттасил равишда ошиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида транспорт ва алоқанинг улуши 7,7%ни ташкил қилган бўлса, 2014 йилга келиб, бу кўрсаткич 11,4%ни ташкил этди [5]. Ушбу кўрсаткич 2014 йилда Россия Федерациясида 8,7%ни [6], 2012 йилда Хитой Халқ Республикасида 4,7% [7] ни ташкил этган.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида (айниқса 2005 йилдан) транспорт тизимида юк ташиш ҳажми барқарор равишда ўсиб бормоқда. 2014 йил республикада юк ташиш ҳажми 1458,9 млн. тоннани ташкил этди ва бу кўрсаткич 1991 йилга нисбатан 3,5 бараварга ошди. Шунингдек, 2005 йилдан бошлаб йўловчи ташиш сони ҳам анча ортди. Хусусан, 2014 йилда йўловчи ташиш сони 7335,3 млн. кишини ташкил этди [5]. Бу 1991 йил кўрсаткичига нисбатан 2,4 бараварга кўп демакдир. Бундай ҳолатни иқтисодий тизимдаги иқтисодий ўсиш суръатларининг ошиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Транспорт тизими кўрсаткичларининг юқори суръатларда ўсиши, транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга киритилаётган инвестиция ҳажмининг ошиб бораётганлигида намоён бўлади. 2015 йил 6 мартда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг “2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникациялар ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш” дастури ҳақидаги фармойишига биноан 2015-2019 йилларда ушбу тармоқларга 6818,6 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестицияларни йўналтириш режалаштирилган [8].



1-расм. Минтақалар кесимида ЯХМнинг транспортсификорлиги, минг сўм т/км, 2014 йил [5]

Мавжуд маблағларнинг 4120,1 млн. АҚШ доллари (60,4%) автотранспорт тизимига, 2080,8 млн. АҚШ доллари (30,5%) темир йўл тизимига, 617,7 млн. АҚШ доллари (9,0%) ҳаво транспортини ривожлантиришга мўлжалланган. Транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган бундай катта ҳажмдаги инвестицияларнинг киритилиши натижасида ушбу тизимда жиддий ўзгаришлар юзага келишини, бу эса ҳар бир

минтақаларнинг мажмуали ва тизимли ижтимоий-иқтисодий ривожланишига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилишини прогноз қилиш мумкин.

Шу билан бирга, транспорт инфратузилмаси ривожланишининг ҳудудий хусусиятларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, минтақаларда ушбу инфратузилманинг ривожланиш даражаси турлича бўлиб, бу ҳолат ҳудудларнинг ишлаб чиқариш кучларини такомиллаштиришга, иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан жадал ёки секин ривожланишига ҳам турли даражада таъсир кўрсатади. Майдони йирик бўлган, қаттиқ қопламали автомобиль ва темир йўллارнинг зичлиги паст бўлган минтақаларда ялпи ҳудудий маҳсулотининг транспорт сиғимкорлиги анча юқори бўлиб, бу эса ўз навбатида минтақаларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий таркибини такомиллаштириш ва самарали равишда жойлаштиришга салбий таъсирини кўрсатади.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ)нинг транспорт сиғимкорлиги натижаларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, транспортсиғимкорлигининг энг юқори кўрсаткичлари Тошкент (7,78 т/км), Навоий (6,60 т/км), Қашқадарё (2,72 т/км), Бухоро (1,57 т/км) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига (1,76 т/км) тегишлидир (1-расм). Шу билан бирга ЯХМ транспортсиғимкорлигининг энг паст кўрсаткичлари Тошкент шаҳри (0,005 т/км), Андижон (0,02 т/км), Сирдарё (0,04 т/км) ва Хоразм (0,07 т/км) вилоятларига тегишли. Кўрсаткичлари юқори бўлган баъзи минтақаларга иқтисодий омил, яъни иқтисодий жиҳатдан анча ривожланганлиги (Тошкент, Навоий, Қашқадарё ва Бухоро) таъсир кўрсатса, аксинча, Қорақалпоғистон Республикасининг бундай кўрсаткичларга эга бўлиши табиий (ҳудудининг катталиги) ва иқтисодий (иқтисодий жиҳатдан депрессив) омиллар таъсири жуда катта.

**Хулоса.** Минтақаларда қаттиқ қопламали автомобиль йўллари асосий қисмининг талабга жавоб бермаслиги, темир йўллар тармоғи зичлигининг пастлиги, минтақалар ялпи ҳудудий маҳсулотининг транспортсиғимкорлиги юқори бўлишига олиб келмоқда. Бундай ҳолатлар минтақаларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда, улар орасидаги мавжуд тафовутларни бартараф этишда муаммолар келтириб чиқармоқда. Келтирилган хулосаларга кўра, ушбу муаммоларни бартараф этиш учун қуйидагиларни тақлиф қилиш мумкин:

- инфратузилмани модернизациялашга киритилаётган инвестицияларнинг асосий қисмини ҳудуди кичик бўлган вилоятларга ажратиш, бундай йўналиш кам ҳаражат талаб қилиши билан бирга тез самара беради. Бундан ташқари, ушбу минтақаларда машинасозлик тармоғини жадал ривожлантириш имкониятлари мавжуд бўлиб, машинасозликни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири - бу ривожланган транспорт инфратузилмаси мавжудлигидир;

- майдони кичик ва нисбатан кичик бўлган минтақаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, қайта ишлаш саноатини янада такомиллаштириш, ўз навбатида аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий соҳалар ва ижтимоий инфратузилмани жадал суръатларда ривожлантириш имконини беради;

- майдони катта бўлган минтақаларда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг транспорт сиғимкорлиги юқори бўлганлиги, темир йўл транспортининг мавжудлиги сабабли йирик (тоғ-кон, қурилиш моллари, металлургия ва ҳ.к.) корхоналарни қуриш, ўсиш нуқталарини шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Тихонов Н. Б. Теоретические аспекты совершенствования управления производственной инфраструктурой в регионе // Вестник Оренбургского государственного университета. Выпуск № 8 (169), 2014. с.138.

2. MKinsey & Company Project Syndicate, 2016 [www. http://ca-news.org/category:12/16.06.2016](http://ca-news.org/category:12/16.06.2016)

3. Arif Wismadi, Mark Brussell, Mark Zuidgeest and Martin van Maarseveen, Equitable distribution of growth for utilitarian and non-utilitarian infrastructure planning, Infrastructure Complexity, December 2015, 2:8, Wismadi et al. Infrastructure Complexity (2015) 2:8 DOI 10.1186/s40551-015-0011-x, 1 p.

4. www.ru.wikipedia.org

5. www.stat.uz

6. www.newsru.ru

7. www.kaig.ru

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги ПҚ-2313-сонли “2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги Қарори.

**Янчук С.Л. \***

## **МЕХАНИЗМ ФОРМИРОВАНИЯ ПОЛЮСОВ, ЛИНИЙ И КОРИДОРОВ РОСТА**

*Аннотация:* В статье анализируется механизм поляризованного развития в хозяйственных системах, показаны разные схемы передачи импульса роста от полюсов и линий роста.

*Ключевые слова:* полюс роста, линия роста, коридор роста, импульс роста, поляризованный ландшафт.

**Ўсиш қутблари, чизиқлари ва йўлакларининг шаклланиш механизми**

*Аннотация:* Мақолада турли хўжалик тизимларида қутбий ривожланиш механизмлари таҳлил қилинган, ўсиш қутби ва линияларидан тарқалувчи турли ўсиш импульслари схемалари кўрсатилган.

*Калим сўзлар:* қутбий ўсиш, қутбий чизиқ, қутбий йўлақлар, қутбий импульс, қутбий ландшафт.

**The mechanism of formation of growth poles, growth lines and growth corridors**

*Abstract:* In the article is analyzed the mechanism of the polarized development in economic systems, shown the different schemes of transfer of an impulse of growth from poles and growth.

*Keywords:* the growth pole, the growth line, the growth corridor, the growth impulse, the polarized landscape.


**Введение.** В условиях формирующейся глобальной экономической системы развитие хозяйства отдельных стран и регионов отличается неравномерностью. Кроме того, наблюдается тесно связанная с модернизацией отраслевой структуры экономики общемировая тенденция центрально- и линейностремительной концентрации производства, капитала и населения, соответственно, в городах, особенно крупных, и вдоль главных дорог. Узлы, линии и прилегающие к ним зоны с убывающими по мере удаления от крупных городов и главных дорог интенсивностью хозяйственной деятельности и плотностью населения образуют своеобразную линейно-узлово-ареальную структуру хозяйственных систем, своего рода экономический ландшафт, если использовать термин последователя В.Кристаллера А.Лёша (однако последний включал в это понятие лишь сети центральных мест и дорог).

**Основная часть.** Структуру экономического ландшафта неплохо объясняет идея И.М.Маергойза о «триединой» территориальной структуре хозяйства [1]. При рассмотрении развития линейных элементов подобной структуры, на наш взгляд, необходимо учитывать также структуру опорного каркаса расселения [2]. В условиях неравномерной динамики структурных подсистем и элементов экономического

\* Янчук С.Л. - и.о. доцента кафедры географии НУУз имени МирзоУлугбека.

ландшафта опережающий рост отдельных подсистем и элементов передаёт импульсы роста другим, что и лежит в основе феномена поляризованного развития. При этом формируются полюса, линии и коридоры роста.

*Полюса роста* представляют собой пространственные ареалы с ярко выраженным фокусом, характеризующиеся опережающими темпами социально-экономического роста. *Линии роста* и *коридоры роста*, соответственно, – вновь построенные либо быстрорастущие инфраструктурные оси и зоны обусловленной линейным агломерационным эффектом концентрации производства и населения вблизи линий роста (подробнее о критериях их выделения см. [4]).




**Рисунок 1. Передача импульса роста по схеме «центр-периферия»**

**а) внутри однородного экономического, информационного, культурного и политического пространства; б) при наличии в непосредственной близости от центра роста границы (например, государственной) со 100%-ной барьерной функцией.**

Импульсы роста, обычно связанные с внедрением нововведений, передаются, во-первых, непосредственно от центра роста окружающей территории. Новое предприятие (либо подвергшееся реконструкции старое) уже своим возникновением обеспечивает (чисто статистически) рост производства в данном регионе. Если рассматривать ситуацию с точки зрения поведенческого подхода, то можно утверждать, что, принимая решения о закупке ресурсов, необходимых для функционирования этого производства, менеджеры

берут в расчет и дистанционные затраты. При этом, как известно, с точки зрения нормативного подхода, максимизация прибыли достигается при покупке ресурса в той географической точке, где предельные издержки на ресурс, включающие дистанционные затраты, равны предельному продукту ресурса в денежном выражении.




**Рисунок 2а. Передача импульса роста в системе расселения от крупного города вниз по иерархии населенных пунктов. При этом наблюдаются и встречные импульсы (на схеме частично показаны на периферии системы расселения) и затухающие ответные импульсы от малых поселений к более крупным (на схеме не показаны).**

Даже учитывая трудность принятия верных решений менеджерами в условиях неопределенности, несомненно, что вероятная величина спроса на ресурсы со стороны растущего производства убывает с увеличением расстояния от полюса роста внутри однородного экономического, информационного, культурного и политического пространства (рис 1а). Высокие транспортные издержки, а также административные и иные границы еще больше увеличивают дистанционные затраты, в самом крайнем случае – создают непреодолимый барьер для экономических связей, как показано на рис.1б.

С точки зрения рынка продуктов воздействие полюса роста на экономическое развитие региона будет тем более эффективным, чем большая доля спроса на товары либо услуги, производимые предприятием, будет приходиться на рынки других регионов или зарубежных стран. Если большая часть ресурсов поставляется, например, из-за границы, а основная часть продукции реализовывается в регионе, где расположено новое предприятие, воздействие последнего на динамику экономического роста в своем районе


возможно (но не обязательно, учитывая специфику продукта или услуги) будет отрицательным.



**Рисунок 2б.** Передача импульса роста в системе расселения в случае, если центром роста является малое поселение (обозначено звездочкой - \*). На схеме показаны и встречные импульсы, которые могут привести к повышению статуса населенного пункта – центра роста – в иерархии поселений.

Во-вторых, необходимо анализировать экономическое взаимодействие различных центров в системе расселения, которой соответствует каркасно-кровеносная (питательно-распределительная) структура хозяйства [1]. Известно, например, что узловая концентрация производства, капитала и населения, тесно связанная с линейной, обеспечивает внутреннюю и внешнюю экономию масштаба.

Согласно классическим представлениям теории поляризованного развития, импульсы роста, обычно связанные с внедрением нововведений, передаются от крупных городов средним и малым, а от них, в свою очередь, сельским поселениям, т.е. вниз по иерархии в системе расселения, что иллюстрирует рис. 2а. Такая схема особенно характерна для развивающихся стран, в которых крупные, в том числе столичные, города первыми воспринимают технологические, производственные и потребительские нововведения, генерируемые в индустриально развитых странах. Но центром роста может стать и малое поселение, как показано на рис. 2б.




**Рисунок 3. Передача импульса роста через внутрифирменные каналы предприятию-смежнику, находящемуся в значительном географическом удалении, а от предприятия-смежника – окружающей территории по схеме 1.**

В-третьих, спрос как на ресурсы, так и на товары и услуги нового предприятия, давшего стимул росту, передается в том числе и через внутрифирменные каналы, а также, при заимствовании нововведений, конкурентами одной и той же отрасли (рис 3). Здесь мы имеем дело уже с многослойной структурой – соотношением территориальных структур ключевых отраслей национальной экономики страны. Так как для современных транснациональных компаний характерна значительная географическая разбросанность предприятий и филиалов, импульсами роста в этом случае могут обмениваться центры, расположенные порой в разных частях света.

Соединяющие соседние полюса роста либо специально построенные для активизации развития окружающей территории коммуникации транспорта и связи превращаются в линии роста, которые, ускоряя и/или удешевляя процесс доставки товаров и услуг, пассажиров и информации, обеспечивают дополнительную экономию на транспортных и информационных издержках для предприятий, расширяют суточные призмы (понятие Т. Хёгерстранда) для населения в прилегающей к линии роста зоне. Так формируются коридоры роста. На рисунке 4а приведена схема формирования коридора роста на однородной равнине с одинаковыми природными условиями. Величина этой экономии убывает пропорционально удалению предприятия или потенциального пассажира (участника рынка труда и/или покупателя товаров и услуг) от линии роста. Однако чёткую границу коридора роста здесь провести сложно.





**Рисунок 4. Схема формирования коридора роста на основе линии роста:**  
**а) внутри однородного экономического, информационного, культурного и политического пространства без учёта системы расселения;**  
**б) в системе центральных мест.**

В горных территориях размеры коридоров роста сужаются. Для этих областей в прямом смысле слова справедливы слова Б.Б. Родмана: «местные автодороги, пересекающие административные границы, нередко действуют на транспорт подобно хребтам и перевалам, а межобластные магистрали подобны глубоким долинам (межгорным проходам) или тоннелям» [3]. Размеры коридора роста тем уже, чем выше глубина расчленения рельефа. В некоторых случаях, когда линия роста проходит по узкому горному ущелью, коридор роста сужается до нескольких сотен или десятков метров, включая непосредственно примыкающие к дороге небольшие поселения либо

отдельные хозяйства, а на экономически не освоенных участках местности между поселениями и вовсе выклинивается, однако линия роста здесь не прерывается.

Рисунок 4б иллюстрирует механизм передачи импульса роста от линии роста в системе центральных мест при тех же допущениях, что и для рисунка 4а, т.е. на однородной равнине с относительно равномерной хозяйственной освоенностью. В горных территориях эта сеть тоже присутствует, но её рисунок сильно изменён под влиянием рельефа.

В заключение можно отметить, что, на наш взгляд, в перспективе как в мире в целом, так и в Узбекистане в частности, процесс формирования полюсов, линий и коридоров роста будет лишь усиливать отмеченную Б.Б. Родоманом сетевую поляризацию ландшафта.

#### Использованная литература:

1. Маергойз И.М. Территориальная структура хозяйства. – Новосибирск: Наука, Сиб. отделение, 1986.
2. Полян П.М. Методика выделения и анализа опорного каркаса расселения. Часть 2. – М.: ИГАН, 1988.
3. Родоман Б.Б. Территориальные ареалы и сети. Очерки теоретической географии. – Смоленск: Ойкумена, 1999.
4. Янчук С.Л. Предпосылки формирования полюсов, линий и коридоров роста. – М.: ГОУ ВПО “РЭУ им. Г.В.Плеханова”. Выездная сессия в Ташкенте, 2011.

Абдалова З.Т.\*

### МИНТАҚАВИЙ СИЁСАТ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

**Аннотация:** Мақолада мамлакатларнинг ҳудудий ижтимоий иқтисодий муносабат ривожланиши тартибга солишга қаратилган минтақавий сиёсатнинг хорижий давлатлардаги тажрибаси ва Ўзбекистон Республикаси минтақавий иқтисодиётининг асосий стратегик йўналишлари баён этилган.

**Калит сўзлар:** минтақавий сиёсат, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, депрессив минтақалар, диверсификация ва интеграция, инвестиция лойиҳалари.

#### Опыт региональной политики зарубежных стран

**Аннотация:** В статье рассматривается опыт региональной политики зарубежных стран в регулировании сбалансированного территориального социально-экономического развития, в том числе основные стратегические направления региональной политики, осуществляемой в Республике Узбекистан.

**Ключевые слова:** региональная политика, комплексное развитие регионов, депрессивные регионы, диверсификация, интеграция, инвестиционные проекты

#### The experience of regional policy of the foreign countries

**Abstract:** The given article considers the issues of foreign countries regional policy in regulating territory social-economic processes as well as basic strategic directions carried out by the regional policy in the Republic of Uzbekistan.

**Key words:** regional policy, regions complex development, depressive regions, diversification, integration, investment projects

**Қириш.** Жаҳон мамлакатларининг иқтисодий-ижтимоий ривожланишидаги кескин номуносабатлик, ўз навбатида, иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичларда акс этади. Айниқса, аҳолининг даромадларида ва турмуш сифатида салбий таъсир кўрсатади. Ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қолоқ минтақаларда ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши, ишсизликнинг кўпайиши, шаҳар аҳолисининг ҳаддан ташқари ўсиб кетиши,

\* Абдалова З.Т. - ТМИ “Минтақавий иқтисодиёт” кафедраси доценти, г.ф.н.

экологик муаммоларнинг юзага келиши, жаҳоннинг ҳар бир давлатида, минтақавий муаммоларни ҳал этишнинг илмий жиҳатдан асосланган йўллари топишни тақозо этади.

Миллий иқтисодиётнинг ҳудудлар бўйича ижтимоий-иқтисодий, демографик ривожланишидаги номутоносибликка барҳам бериш, ҳудудий имкониятлардан самарали фойдаланиш, ҳудудларни комплекс ривожлантиришда давлат томонидан олиб бориладиган минтақавий сиёсатнинг аҳамияти жуда катта. Минтақавий сиёсат давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг ажралмас қисми бўлиб, ҳуқуқий, маъмурий ва иқтисодий тадбирлар негизида, иқтисодиётни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш кучларини тўғри жойлаштиришни тартибга солиш орқали ҳудудлар ўртасидаги мутоносиб ривожланишни таъминлаб беради. Ҳозирги пайтда, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишга қаратилган минтақавий сиёсатни амалга оширишда минтақавий дастурларнинг аҳамияти катта. Минтақаларни иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник, хўжалик фаолиятини стратегик ривожлантиришни тартибга солиш ва бошқариш турли мақсадли дастурлар орқали амалга оширилади.

**Асосий қисм.** Ривожланган мамлакатларнинг минтақавий сиёсат юргизиш тажрибаси шуни кўрсатадики, жаҳоннинг ҳар бир мамлакати ўзига хос иқтисодий, ижтимоий, экологик хусусиятлари, ички ва ташқи имкониятларидан ва шароитларидан, урф-одатлари, менталитети ва маданиятидан келиб чиққан ҳолда, ўзининг минтақавий сиёсатини олиб бориши лозим. Минтақавий сиёсат, ўз навбатида, моддий ишлаб чиқариш соҳаларини, аҳолининг бандлигини, хизмат кўрсатиш соҳаларини жойлаштиришни, туризмни ривожлантириш муаммоларини ўз ичига қамраб олади. Минтақавий сиёсатнинг асосий мақсади, мазмуни ва моҳияти миллий иқтисодиётнинг ҳудудий таркибидаги ижтимоий ва иқтисодий номутоносибликни ва мамлакат минтақалари бўйича аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати бўйича тафовутларни кескин камайтиришга қаратилади.

Жаҳон иқтисодиётида етакчи мавкега эга бўлган АҚШнинг географик жойлашиши нуқтаи назардан ўзининг Ғарбий-Европа мамлакатларидан узоқда жойлашганлиги, майдонининг катталиги, бой табиий имкониятларга эгаллиги ва бошқа омиллар асосида ўзига хос минтақавий сиёсат юргизиши билан ажралиб туради.

XX асрнинг 60-йилларида АҚШнинг минтақавий сиёсати, федерал ҳукумат даражасида ва штатлар даражасида олиб борилган ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солишнинг асосий функциясига айланган. Амалга оширилаётган минтақавий сиёсат, фақатгина минтақалар ўртасидаги кескин тафовутни камайтиришга эришмасдан, балки, таркибий қайта қуриш натижасида иқтисодий ўсишни барқарор юкори суръатларда бўлишини таъминлайди. АҚШда қабул қилинган минтақавий сиёсат мақсадли ва комплекс бўлиб, ҳудудларни ривожлантириш дастури асосида амалга оширилган, давлат томонидан қабул қилинган ҳудудий дастурлар федерал бюджет томонидан молиялаштирилган. Айниқса, давлат томонидан олиб борилган минтақавий сиёсат, депрессив ва муаммоли минтақаларни ривожлантиришга, ҳудудларни ривожланантириш ва ресурс имкониятларини янги самарали йўллари топишга, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура тизимларини яхшилашга ва бошқа тадбирларни амалга оширишга қаратилган эди.

Буюк Британияда минтақавий сиёсатни олиб бориш, илгарироқ, ўтган асрнинг 20-йилларида бошланган. Депрессив минтақалардан, иқтисодиётда аҳоли бандлигининг пастлиги натижасида, ривожланган минтақаларга аҳоли миграциясининг кескин равишда кучайишига олиб келади. Шу муаммони бартараф этиш мақсадида, давлат томонидан тузилган “Махсус бошқарма” саноат корхоналарини қоқоқ минтақаларга жойлаштириш ва депрессив минтақалардан ишчи кучини ривожланган минтақаларга кўчириш тадбирларини амалга оширади. Ҳозирги пайтда, Буюк Британияда инқирозга учраган муаммоли ва қоқоқ минтақалар давлат томонидан молиявий жиҳатдан қўллаб-

қувватланмоқда. Ривожланган давлатларда олиб борилаётган минтақавий сиёсат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг яхлит қисми бўлиб, қуйидаги йўналишлардан иборат:

1. Минтақанининг ривожланишига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар, ресурс имкониятлари ва устувор томонларни аниқлаш;
2. Қолоқ минтақаларни кўтариш ва янги минтақаларни ва ресурсларни ўзлаштириш;
3. Экологик инкирозли минтақаларнинг муаммолари;
4. Урбанизация муаммолари;
5. Шаҳар агломерациялари ва йирик саноат концентрация районларининг номарказлашуви;
6. Шаҳар атрофида янги саноат тугунларини вужудга келтириш ва ҳоказо.

Режали-иқтисодиётдан бозор иқтисодиёти тизимига ўтиш даврини ўтказётган давлатларда ҳудудий муаммолар ва минтақалар ривожланиши ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича фарқлар янада кескинлашиш ҳолатини кузатиш мумкин.

Бозор нархларининг ўзгариши, айрим саноат маҳсулотларига бўлган талабнинг пасайиши, юқори саноат концентрацияси хос бўлган минтақаларнинг рентабилсизлиги ва самарасизлиги, транспорт харажатларининг кескин кўтарилиши, федерал бюджетдан муаммоли ҳудудларга молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланишининг пасайиши натижасида, Россия Федерациясида минтақалар ўртасида ривожланишдаги номувофиқликни янада кучайтириб юборди.

Россияда Федерациясидаги муаммоли минтақаларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: суи ривожланган, депрессив, экологик хавfli ва чегаравий минтақалар.

Ҳозирги даврда, Россия Федерацияси минтақалари ривожланишининг стратегик йўналишларига ва устувор вазифаларига қуйидагилар киради:

- инвестиция дастурларини амалга ошириш, иқтисодиётни диверсификациялаш ва интеграциялаш, инфратузилмани тизимини модернизация қилиш орқали муаммоли ҳудудларнинг ривожланишини таъминлаш;

- кичик шаҳарларнинг ва қишлоқ жойларининг иқтисодий тикланиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг ташкил этилиши ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланиши орқали, Ноқоратупроқ, Жанубий Урал, Сибир, Узок Шарқ каби районлардаги аграр минтақаларнинг депрессив ҳолатига барҳам бериш;

- хом ашёни қазиб олиш, ўсимлик ва ҳайвонот ресурсларини қайта ишлаш тармоқларига ихтисослашуви асосида, табиий шароити оғир бўлган (Россиянинг шимолий ҳудудлари) минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги барқарорлигини таъминлаш;

- мамлакатнинг шимолий ва шарқий ҳудудларида ишлаб чиқаришни устувор тармоқларини эътиборга олган ҳолда, қазиб олинган хом-ашёни комплекс қайта ишлаш негизида трансмиллий ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини шакллантириш;

- экспортбоп ва импортни ўрнини қоплайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;

- технополисларни, технопаркларни, эркин иқтисодий зоналарни, офшор зоналарни ривожлантириш;

- чегаравий ҳудудлар хўжалигининг қайта ихтисослашуви, уларнинг ўзига хос бўлган ихтисослашув функциясини аниқлаш;

- минтақалараро инфратузилмани, транспорт, алоқа ва информация тизимларини ривожлантириш;

- мамлакатнинг барча минтақалар доирасида аҳолининг турмуш шароитини ва сифатини ягона стандарлар даражасига келтириш.

Ўзбекистон Республикасида минтақалар ўртасидаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланишдаги номуносибликни бартараф этиш, турли даражадаги ҳудудий жараёнларни тартибга солиш ҳамда ҳудудларни комплекс жиҳатдан ривожлантиришда давлат томонидан олиб борилаётган минтақавий сиёсатнинг роли жуда муҳимдир. Шу ўринда айтиш жоизки, республика минтақалари ўртасидаги турли даражадаги иқтисодий ўсиш бевосита аҳолининг ижтимоий ривожланиши бўйича тафовутларни келтириб чиқармоқда. Минтақаларда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни аҳоли жон бошига нисбатан тақсимланишида республика минтақаларида турли даражадаги ривожланишни кузатиш мумкин.

Иқтисодий ислохатларни амалга оширишда, миллий иқтисодиётни ҳудудий таркибини такомиллаштириш ва минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари устувор аҳамиятга эга. Давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислохатлар, ҳудудларнинг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг мослигида ва уйғунлигида олиб борилмоқда.

Ҳозирги даврда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш механизми қуйидаги устувор йўналишлар орқали амалга ошмоқда:

- давлат томонидан қабул қилинган «Маҳаллийлаштириш дастури», маҳаллий хом-ашё ресурслари негизида импорт ўрнини босувчи ва ички бозор талабини зарур истеъмол товарлари ва бутловчи қисмлар билан таъминловчи юқори технологияли рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан иборат. Бу дастурнинг амалга оширилиши ҳудудлар имкониятларидан кенг фойдаланишга ва ҳудудларо саноат кооперациясини кенгайтиришга олиб келади;

- саноатни ривожлантириш бўйича комплекс дастурда республикада замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган қудратли қайта ишлаш саноат корхоналарини барпо этиш негизида, узлуксиз ўсиб бораётган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш, базавий тармоқларни ривожлантириш иқтисодиётнинг тармоқ ва таркибий тузилмасининг такомиллашувига олиб келади;

- корхоналар рақобатбардошлик даражасининг ошишида, минтақа табиий-иқтисодий салоҳиятидан унумли фойдаланилишида, ҳудудларда аҳоли бандлиги масалаларини ҳал этишда ва фаровонлигини оширишда саноатни техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш дастурининг қабул қилиниши жуда катта амалий аҳамиятга эга;

– минтақаларда инвестиция дастури асосида инвестиция лойиҳаларини жалб этиш, минтақаларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг бош омили ҳисобланади. Инвестиция жараёнларининг фаоллиги минтақаларнинг бой табиий-ресурслари имкониятларидан фойдаланишга, ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга ва минтақаларда нефт-газ, химия, рангли металлургия, машинасозлик ва тўқимачилик корхоналарининг ривожланишига олиб келди, шу билан бирга, инвестиция лойиҳаларининг республика транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини такомиллаштиришдаги аҳамияти катта.

- мамлакатимиз ҳудудларининг табиий хом-ашё, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, шаҳар ва туманлар аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириш мақсадида, давлат томонидан қабул қилинган ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастури алоҳида эътиборга эга.

- шунингдек, мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш билан бир қаторда, минтақаларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига бевосита ижобий таъсир кўрсатмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Armstrong M., Taylor J. Regional Economics and Policy: 3<sup>rd</sup> edition. – Pub., 2013.

2. Андреев А.В., Борисова Л.М., Плучевская Э.В. Региональная экономика. – Москва, 2012.

3. Ермошина Г.П., Поздняков В.Я. Региональная экономика. Учебное пособие. – М.: ИНФРА, 2009.

**Комилова Н.Қ., Шомуродова Ш.Ғ.\***  
**АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИДА**  
**ТИББИЙ-ГЕОГРАФИК ҒОЯЛАР**

***Аннотация:** Мақолада Ибн Синонинг бебаҳо илмий меросидаги тиббий-географик мазмун ва моҳиятга эга бўлган асарлар, улардаги ўз даврига нисбатан илгарилаб кетган илмий қарашлар ва мулоҳазалар таҳлил қилинган.*

***Калит сўзлар:** тиббиёт, фалсафа, мантиқ, фалаккиёт, хулқ-атвор, уржсуза*  
**Медико-географические идеи в научном наследии Абу Али ибн Сино**

***Аннотация:** В статье изучены труды великого учёного-энциклопедиста Ибн Сино, имеющие медико-географическое содержание, рассмотрены взгляды и суждения учёного опередившие своё время.*

***Ключевые слова:** медицина, философия, логика, астрономия, поведение, урджуза*  
**Medical-geographical ideas in the scientific heritage of Abu Ali ibn Sina**

***Abstract:** The article analyzes the work of the great scholar scientist Ibn Sina with medical-geographical content, considered views and opinions of the scientist, which ahead of their time.*

***Key words:** medicine, philosophy, logic, astronomy, behavior, urdzhuz*

**Қириш.** Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз” китобида шундай таъкидлайди: “Бу заминда туғилиб камол топган Абу Али ибн Сино, Мухаммад Наршахий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд сингари ўнлаб буюк зотлар билан нафақат халқимиз, балки бутун мусулмон дунёси фахр-ифтихор қилади”. Дарҳақиқат, Марказий Осиё халқлари фани, маданиятининг дунёга танилишида буюк аллома ва мутафаккир, табиб ва табиатшунос олим **Абу Али ибн Сино** (980-1037) нинг ўрни бекиёсдир. Ибн Синонинг тўлиқ номи Абу Али-ал Хусайин Ибн Абдулло ибн Ал-Хасан ибн Али ибн Синодир. У Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилиб, Ҳамадон шаҳрида вафот этган.

Ибн Сино ҳақиқий энциклопедист олим сифатида ўз давридаги фанларнинг деярли ҳаммаси билан муваффақиятли равишда шуғулланган ва уларга оид илмий асарлар яратган. Турли манбаларда унинг 450 дан ортиқ асарлари қайд этилган бўлса ҳам, замонлар ўтиши билан уларнинг кўпи йўқолиб кетган, лекин, бизгача 160 га яқин асари етиб келган ҳалос. У Европада Авиценна номи билан машҳур бўлган. Ибн Сино истеъдодли, хотираси кучли, зехни ўткир бўлганлигидан ўз даврида маълум бўлган илмларни тезда эгаллай бошлади. 10 ёшида Қуръон, тил, адабиёт кейинчалик эса мантиқ, алжабр, ҳисоб, фалаккиёт каби фанларни тўлиқ ўзлаштиради. Буюк аллома тиб илмида тез камол топа бошлайди ва 17 ёшидаёқ Бухоро халқи орасида моҳир табиб сифатида танилади.

Олим ҳозирги замон геология, география, геоморфология, метеорология ва иқлимшунослик фанларида қўлланилаётган бир қатор қонуният ва тушунчаларни яратишга муваффақ бўлган.

---

\***Комилова Н.Қ.** - ЎзМУ, география фанлари доктори,  
**Шомуродова Ш.Ғ.** –ЎзМУ, география кафедраси магистранти.

**Асосий қисм.** Ибн Сино ўзининг кўп тармоқли маҳсулдор ижоди, бой мероси билан жаҳон маданияти тараққиётида катта роль ўйнайди. Ўз ижоди, илмий фаолиятида Ибн Сино Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги юқори маданий кўтаринкилик, маданий “уйғониш”нинг маънавий ютуқларини мужассамлаштира олди, бу билан бутун Шарқ ва Европадаги маърифат, маданият тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Ибн Сино ижодида фаннинг тузилишини текшириш, илмларнинг тартибини аниқлаш, уларни тасниф қилиш масалалари алоҳида ўрин эгаллайди.

Абу Али ибн Сино илм тараққиётига катта ҳисса қўшган, Ўрта Осиё тупроғидан етишиб чиққан буюк алломаларимиздан бири ҳисобланади. Буюк алломанинг фанлар оламида тажриба ўтказмаган ва қалам тебратмаган соҳаси йўқ деса ҳам бўлади. Айниқса, унинг тиббиёт ҳазинасига қўшган улкан ҳиссаси бебаҳодир. Тиббиёт оламида Ибн Синонинг табаррук номи Гиппократ ва Гален каби буюк алломалар билан бир қаторда туради.

Ибн Сино тарбия борасида ҳам муҳим асарлар яратди. Жумладан, “Тадбирул-манзил”, “Уржуза фит-тиб”, “Донишнома” ва бошқа асарларида таълим-тарбияга бағишланган алоҳида боблар мавжуд. Табиб, бола тарбиясини сабр билан йиллаб давом эттириш зарурлиги, бунда атроф-муҳитнинг етакчи аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтганлар.

Инсон акли турли фанларни ўрганиш ёрдамида бойийди, ривож топади. Бунда, хусусан, у мантиқ илмига катта эътибор беради. Ақл ҳар қандай билишнинг ва амалий фаолиятнинг мезони сифатида талқин этилади.

Ибн Сино: “Насихат бобида учмингта сўз ёздим, учмингтадан уч калимани танлаб олдим. Бу учтадан иккитасини эсда сақла ва бирини унутиб юбор: Худони ва ўлим ҳақлигини ёдингда тут, қилган яхшиликларингни унутиб юбор”.

Ибн Сино 17 ёшиданок ёш табиб сифатида Сомонийлар давлатининг бошлиғи Нух ибн Мансурни даволаб, сарой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Мазкур кутубхона ўша даврда Ўрта ва Яқин Шарқдаги энг катта ва бой кутубхоналардан саналарди. Алломанинг фикрича: “Бир неча йил давомида кеча-кундуз тинмай мутолаа қилиш натижасида Ибн Сино ўз билим доирасини мислсиз даражада кенгайтирдиким, у даврда шу қадар билимга эга бўлган бошқа бир кишини топиш мушкул эди”.

Ибн Сино касалликларнинг келиб чиқишида ва уларни даволашда жойларнинг иқлими, паст-баландлиги, тупроқлари, суви, шамоллари ҳақида ҳам нодир фикрлар ёзиб қолдирган. Ибн Сино саккизта дoston ёзган. Булар “Йилнинг тўрт фасли ҳақида уржуза”, “Соғлиқни сақлаш ва гигиена ҳақида уржуза”, “Анатомия ҳақида уржуза”, “Гиппократ васиятлари ҳақида уржуза”, “Табобат ҳақида уржуза”, “Тиббий насихатлар ҳақида уржуза”, “Ахлоқ ҳақида уржуза” ва бошқалардир.

Ибн Сино ўзининг биринчи устози сифатида Иброҳим ал-Нотилийни тан олган. Ҳақиқатдан ҳам Иброҳим ал-Нотилий Берунийнинг кекса замондоши бўлиб, Ибн Синонинг биринчи устози бўлган. У табиий шароитда турли унсурларнинг инсон саломатлигига таъсирини тўғри баҳолай олган. Абу Али ибн Сино касалликларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашда ва даволашда ташқи шароитнинг (иқлим, об-ҳаво, турар-жой, овқатланиш ва ҳ.к.) таъсирига алоҳида эътибор қаратган эди. У баъзи касалликларни даволаш учун иқлимий шароитни ўзгартириш мақсадида денгизларда саёҳат қилиш, мусаффо ҳаволи жойларга боришни тавсия қилган [3].

Ибн Синонинг иқлим, атмосфера ва метеорологик элементлар тўғрисидаги изоҳлари ҳам илмий нуқтаи назардан жуда тўғри бўлиб, ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Олим, ҳавонинг таркиби мураккаб, у ҳақиқий ҳаво (водород ва кислород), сув буғлари, чанг, дуд ва олов бўлакчалари (углерод) аралашмасидан иборат, деб айтиб ўтган. Жойнинг иқлими шаҳарларнинг географик кенглигига, жойларнинг баланд-пастлигига, тоғ ва денгизларга яқинлигига, шамоллар йўлида турганлигига ва тупроққа, яъни ер юзига боғлиқ, деган дадил фикрларни баён этган. Агар замонавий иқлимшунослик фани

асосларига назар солсак, иқлим ҳосил қилувчи омиллар ҳозирги вақтда ҳам айна шу тахлитда изоҳланади.

Абу Али ибн Синонинг энг машҳур китобларидан бири “Китоб ал-қонун фит-тиб” ҳисобланади. Бу асар ўз замонасидаги табобат илмларининг муфассал қомуси сифатида инсон соғлиги ва касалликларга оид бўлган барча муаммоларни мантиқий тартибда тўла мужассам этган.

Ибн Сино ўзининг шоҳ асари бўлмиш “Китоб ал-қонун фит-тиб” (“Тиб қонунлари”) да инсон саломатлиги ва касалликларининг айна жой табиий шароити билан узвий алоқадорлигини қайд қилиб ўтди. У инсон жисмидаги ўзгаришларнинг, жойларнинг географик кенлиги, иқлими, денгизларга узоқ яқинлигини, тупроқ таркиби, рельеф хусусиятлари каби омиллар билан чамбарчас боғлиқлигини изоҳлаб берди.

Олим ҳудудларнинг иқлимий хусусиятларига кўра бир-биридан фарқланишини ва шу билан боғлиқ инсон жисмидаги ўзгаришларга катта эътибор берди. Чунончи, у иссиқ ўлкаларда одам танасининг қорамтирлиги, сочларининг жингалаклиги, кўп буғланиш натижасида ҳавода намликнинг кескин камайиб кетиши инсон жисмининг тез қаришига олиб келишини таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга Ибн Сино совуқ иқлимли ўлкалар аҳолисининг жисмонан кучли бўлишини ҳам қайд этган.

Нам иқлимли ўлкаларда (ёки денгизларга яқин ҳудудлар) эса ёз ўта иссиқ ва қиш қаттиқ совуқ бўлмаслигини, ушбу ҳудудларда узоқ чўзиладиган иситмалар, бовосил, тутқаноқ каби касалликларнинг кенг тарқалганлигини айтиб ўтди.

Табиб баландлик ёки пастликда жойлашган ҳудудлар ҳам ўзига хос иқлимий хусусиятларга эга эканлигини, пастликда жойлашган ҳудудлар аҳолисининг доимий иссиқлик ва димликда яшашлари, бундай ўлкаларда шўрхок ва ботқоқликларнинг кўплиги сабабли, сувлар таркиби ҳам салбий хусусиятларга эга эканлигини батафсил ёритиб берди.

Асарда йил фасллари алмашинуви билан боғлиқ инсон жисмидаги ўзгаришлар ҳам батафсил ёритиб берилган. Муаллиф бу ҳақда шундай дейди: “Билгинки, йил фаслларининг ўзгаришлари ҳар бир иқлимда бирор бир касалликни кўзғатади. Табиб буни ҳар қайси иқлимга нисбатан яхши билиши лозим...”

Инсон танасига ташқи омилларнинг таъсири масаласига катта аҳамият берган Ибн Сино аксарият касалликларнинг сув ёки ҳаво орқали тарқалиши мумкинлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шу ўринда эслатмоқ жоизки, Гиппократ ҳам турли хасталикларнинг ҳар хил ҳудудларда бирдек эмаслигини ва уларнинг энг аввало ўша жойнинг ер-сув, тупроқ, иқлимий шароитлари билан алоқадорлигини уқтирган эди.

Ибн Сино географик қонуниятлар асосида нафақат касалликларнинг келиб чиқиши сабабларини, балки инсоннинг ташқи қиёфаси ва унинг хулқ-атворини ҳам ўзгартириши мумкинлигини аниқлаб берган. Жумладан, у очиқ тошлоқ ерларда ҳаво ёзда жуда иссиқ ва қишда қаттиқ совуқ кетиши туфайли, бу ўлкаларда яшовчиларнинг таналари қаттиқ ва пишиқ бўлиб, ўзлари эса ўжар, урушларда жасур ва сержаҳл бўлишларини қайд этган.

**Хулоса** қилиб айтганда, Ибн Сино илмий меъросини ўрганиш орқали тип илми соҳасидаги жуда кўп масалалар моҳиятини умумгеографик қонуниятлар асосида таҳлил қилиш имконияти туғилади. Бундай илмий ёндашув, маълум даражада, детерминистик тамойилга асосланган бўлиб, у айна пайтда тиббий географиянинг қадимдан мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

“Мен дунёга Абу Али ибн Синодек буюк инсонни тақдим этган қадимги ўзбек ерига таъзим қиламан”, деб ёзган эди АҚШ сенатори Эдвард Кеннеди. Олимга эҳтиром сифатида дунёнинг турли мамлакатларида, жумладан, Бельгиянинг Кортрейк шаҳрида ҳайкал ўрнатилган. Буюк олимнинг қилган хизматларини, жаҳоннинг илм аҳли эъзозлайди. Бу улуғ зотнинг илм-фан соҳасига бахшида этган ҳаёти, у эришган ва бугунги кунда бутун



инсониятни ҳайратга солиб келаётган ютуқлари, ҳеч шубҳасиз, ҳақиқий маънавий жасорат намунаси сифатида таҳсинга лойиқдир.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаравон ҳаёт-пировард мақсадимиз. - Тошкент: "Ўзбекистон", 2000.
2. Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. Ж.1. - Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994.
3. Гадоев Қ., Бердиева С. Жаҳонгашта сайёҳ-олимлар. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2012.
4. Каримов У., Каримова С. Абу Али ибн Сино. Тиббий ўғитлар. - Тошкент: Меҳнат, 1991.

### Жумаханов Ш. З\*

#### ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИ ДАҲЛСИЗЛИГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРДАГИ ГЕОГРАФИК ЁНДАШУВЛАР ҲАҚИДА

*Аннотация:* мақолада халқаро ҳуқуқдаги давлат чегаралари даҳлсизлигини таъминловчи асосий принциплар ва қоидалар географик ёндашув асосида ўрганилган.

*Калит сўзлар:* давлат чегараси, даҳлсизлик, чегара режими, ҳуқуқий ворислик, Вена конвенцияси, халқаро ҳуқуқ.

#### О географических подходах в международных и национальных нормативно-правовых актах, определяющих неприкосновенность государственных границ

*Аннотация:* В статье на основе географических подходов изучены основные принципы и правила, обеспечивающие неприкосновенность государственных границ в международном праве.

*Ключевые слова:* государственная граница, неприкосновенность, режим границы, правовое наследие, Венская конвенция, международное право.

#### About geographical approaches in international and national legal acts determining the integrity of national borders

*Abstract:* On the basis of geographical approaches studied the basic principles and rules to ensure the inviolability of frontiers in international law.

*Keywords:* state border, integrity, border regime, legal heritage, the Vienna Convention, international law.

**Қириш.** Халқаро ҳуқуқда ҳар бир давлат ҳудудининг таркиби давлат чегаралари тўғрисидаги қонун билан белгиланади. Давлат чегаралари муайян давлатнинг ҳудудлари ниҳоясини аниқ белгилаб беради. Давлат чегаралари даҳлсиз ва уларнинг бузилиши давлат суверенитетининг бузилиши ҳисобланади. Ҳар бир давлат ўз чегаралари хавфсизлиги ва даҳлсизлигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш ҳуқуқига эга [2]. Давлат чегарасида қонун орқали давлат томонидан ўрнатиловчи ёки чегарадош давлат билан келишилган ҳолда ўрнатиловчи махсус чегара тартиби мавжуд. Қўшни давлатлар билан чегаралар шартнома ва қонун асосида белгиланади. Давлат чегараларини зўрлик билан ўзгартириш халқаро ҳуқуқ томонидан таъқиқланади.

**Асосий қисм.** Ўтиш жойига кўра давлат чегаралари куруқлик, сув (денгиз, дарё, кўл, сув ости) ҳаво ва куруқлик чегараларига бўлинади. Бу эса давлат чегаралари давлатнинг куруқликдаги, сув ҳудудидаги, ҳаво кенгликларидagi ва ер остидаги

\* Жумаханов Ш.З. - Наманган давлат университети География кафедраси доценти, г.ф.н.  
E-mail: shavkat\_72@mail.ru

суверенитетини чегарасини белгилайди.

Давлат чегаралари таъкидланганидек, курукликдаги, дарё ва кўллардаги, денгиздаги ҳамда ҳаводаги чегараларга бўлинади.

Курукликдаги чегаралар - жой рельефидаги ўзига хос нукталар, буларга тоғ чўққилар ёки географик координаталарнинг муайян нукталари орқали, паралел ва меридианлар орқали ўтадиган чизикларни назарда тутати.

Давлат ҳудудининг ҳаво чегаралари уни ҳаво кенглигининг ён ва юқори сарҳадларидан иборатдир. Ҳаво кенглигининг ён чегараси давлат чегарасининг курукликдаги ва сувдаги чизиклари бўйлаб ўтадиган вертикал сатҳидан иборат бўлиб, ҳаво чегараси ҳар доим ушбу чизикларга амал қилиши боис, ҳаво ён чегаралари юзасидан ҳеч қандай битим тузилмайди [3, б.9].

Ҳаво кенглигини фазо кенглигидан ажратиб турувчи ҳаво ҳудудининг юқори чегараси халқаро ҳуқуқ томонидан шартномавий равишда ҳали ўрнатилганича йўқ. Аммо, одатий тарзда, давлатлар 90-120 км. баландликни тан оладилар. Давлат ҳудудининг юқори чегараси масаласи БМТнинг фазодан тинч мақсадларда фойдаланиш қўмитаси ҳамда Кичик юридик қўмитасида кўриб чиқилмоқда. Ушбу органларнинг кўпгина вакиллари фазо океан сатҳидан 100-110 км. юқоридан бошланади деб тан олиш, аниқ чегараларни давлатлар ўртасида келишиб олиш ва кейинчалик шартнома билан мустаҳкамлашни ёқлаб чиқмоқдалар [4, б.101].

Дарёдаги давлат чегаралари дарёлар бўйича ўтади. Агар халқаро шартномаларда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, кўпинча кема қатнайдиغان дарёлардан - асосий фарватернинг ўртасидан ёки дарёнинг тальвегасидан, яъни энг чуқур жойлари чизигидан давлат чегаралари ҳисобланади. Кемалар қатнамайдиغان дарёлар ёки сойларда эса уларнинг ўртаси ёки дарёнинг асосий ирмоғи ўртасидан ўтувчи чизик чегара саналади.

Кўлларда ва бошқа сув ҳавзаларида давлат чегаралари кўл ёки бошқа сув ҳавзаси қирғоқларига чиқадиган жойларини туташтирувчи тўғри чизик орқали ўтади. Баъзан, агарда кўл чизик шаклига эга бўлиб, қарама-қарши қирғоқлари кўшни давлатларга тегишли бўлса, бу чегара меридиана бўйича ўтказилиши мумкин. Агар чегарадош давлатлар бошқача шартлашмаган бўлсалар, дарё, кўл ёки бошқа сув ҳавзаси бўйича ўтадиган давлат чегаралари уларнинг қирғоқлари ёки сув сатҳи ўзгарганда ҳам, дарё ўзани у ёки бу томонга кўчганда ҳам ўзгармайди.

Агар давлатнинг ҳудудий сув ҳавзаси бошқа давлатларнинг худди шундай сув ҳавзалари билан туташмаган бўлса, ушбу давлатнинг денгиз чегараларини ҳар бир давлат ўз ҳудудий сув ҳавзаларининг ташқи чегараси бўйича мустақил равишда ўрнатади. Агар икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг ҳудудий сув ҳавзалари туташ бўлса, улар ўртасидаги чегара чизиги битим асосида белгиланади [9, б.97].

1970 йилги Халқаро Ҳуқуқнинг принциплари тўғрисидаги декларацияда замонавий халқаро ҳуқуқнинг БМТ Уставида мужассамланган 7 та асосий принципларининг норматив мазмуни давлат халқаро ҳамжамияти томонидан шархлангани ўз ифодасини топган. Жумладан, Декларацияда Уставда мужассамланган принциплар “халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларини” акс эттиради ва “юқорида баён этилган принципланган шархлашда ва қўллашда мазкур принциплар ўзаро боғланган ва бир принцип бошқа принциплар билан алоқадорликда қараб чиқилиши керак” дейилади. Бош Ассамблея барча давлатларни ўз халқаро фаолиятида ушбу принципларга амал қилишга ва уларга қатъий риоя қилиш асосида ўзаро муносабатларини ривожлантиришга чақиради.

Давлат чегараларининг бузилмаслиги принципини халқаро норма ижодкорлигига БМТ Уставида назарда тутилган 7 та умумэътироф этилган принципнинг мантикий давоми сифатида киритилган.

Ушбу ғоя 1970 йил 12 августдаги Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг Германия Федератив Республикаси билан шартномасида, сўнгра эса Польша Халқ

Республикаси, Чехославакия Совет Социалистик Республикаси билан шартномаларида ҳуқуқий расмийлаштирилди, яъни ғарбий Европада урушдан кейинги чегаралар ўрнатилишини юридик мустаҳкамлаб қўйди. Ўша вақтдан бошлаб чегараларнинг бузилмаслиги барча давлатлар учун юридик мажбурият бўлган ҳалқаро ҳуқуқ нормасига айланди.

Чегараларнинг бузилмаслиги принципи 1 август 1975 йилда қабул қилинган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик кенгаши (ЕХХТ) Якунловчи актида ўз ифодасини топди. Унга кўра, “Иштирокчи давлатлар бир-бирларининг чегараларини ҳам, бутун Европадаги давлатларнинг чегараларини ҳам бузилмас деб қабул қиладилар ва шунинг учун ҳозир ва келгусида ушбу чегараларга ҳар қандай тажовузлардан ўзларини тиядилар” [2].

Бу принципни тан олиш ҳар қандай ҳудудий даъволардан воз кечишни англатади, яъни давлат “ҳар қандай иштирокчи - давлат ҳудудининг бир қисмини ёки бутун ҳудудини босиб олишга қаратилган ҳар қандай талаблар ёхуд ҳаракатлардан тегишли тарзда ўзларини тиядилар”. Шундан келиб чиқиб, чегараларнинг бузилмаслиги принципини қуйидаги уч элементдан иборат деб қабул қилиш мумкин:

- 1) амалдаги чегараларни ҳалқаро ҳуқуқга мос равишда юридик ўрнатилган деб тан олиш;
- 2) айна пайтда ёки келажакда ҳар қандай ҳудудий даъволардан воз кечиш;
- 3) куч ишлатиш билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш принципини қўшган ҳолда, ушбу чегараларга ҳар қандай тажовуз қилишлардан воз кечиш [2].

Давлатлар орасида куруклик ва сувдаги чегараларни ўрнатишдан олдин иккита босқич, яъни делимитация ва демаркация тадбирларини ўтказиш зарур. Улар махсус чегара белгилари барпо қилиш йўли билан жойларда давлат чегарасининг ўтишини белгилайди. Демаркация бўйича амалга оширилган барча ҳаракатлар чегара чизигининг ўтиши ва чегара белгиларини батафсил тасвирлаган ҳолда баённомалар тузишдир. Чегара дарёларида чегаралар кема қатнамайдиган дарёнинг ўртасидан ёки чегарадош давлатларнинг битимларида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, кема қатнайидиган дарё фарватеридан ўтади. Бироқ, паралеллар ёки меридианлар бўйича ўрнатилган чегаралар ҳам учраб туради (масалан, АҚШ ва Канада, Жанубий ва Шимолий Корея ўртасидаги чегаралар).

Ўз чегараларининг дахлсизлигини таъминлаш учун давлатлар қонун ҳужжатлари чиқариш ва тегишли ҳалқаро шартномалар тузиш йўли билан маълум чегара режимини ўрнатишади.

Давлат чегараси режими миллий қонунчилик ва ҳалқаро шартномалар билан ўрнатилиб, қуйидаги қоидаларни ўз ичига олади:

- чегарани сақлаш;
- шахслар ва транспорт воситаларини чегарадан ўтиши;
- шахслар ва товарларни чегарадан ўтказиш;
- чегарада хўжалик ва бошқа фаолият юритиш;
- чегарага оид бахсларни ҳал қилиш [4, б.215].

Ўз чегараларини қўриқлашнинг зарур тартибини таъминлаш мақсадида давлат чегара бўйича ҳудудларида чегара ҳудуди режимини ўрнатишади. Бу режимни назорат қилиш давлатда мавжуд бўлган чегарани қўриқлаш махсус органларга юклатилади.

Ҳозирги кунда давлат ҳудудининг тегишлилигини ўзгартиришнинг асосан 2 та усули қўлланилади: **биринчидан**, ҳалқаро ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципини амалга ошириш асосида; **иккинчидан**, тегишли давлат орасидаги келишув бўйича.

Замонавий ҳалқаро ҳуқуқ БМТ Устави қоидаларини бузган ҳолда ҳудудни куч

ишлатиб эгаллаб олишни таъқиқлайди. Бундай эгаллаб олиш ҳар қандай ҳолда ҳам ноқонуний, давлатлар ҳудудининг яхлитлиги принципини бузиш ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, халқаро ҳуқуқда “*uti possidetis*” тамойили мавжуд бўлиб, бу тамойил илгари мустамлака остида ёки бирор давлат таркибида бўлган ҳамда ҳозирда ўз мустақиллигини қўлга киритган давлатнинг ўтмишдан ўзига мерос бўлиб қолган чегараларни сақлаб қолиши лозимлигини англатади [1].

Ушбу тамойил асосида XIX аср бошларида Америка қитъасидаги собиқ испан мустамлакалари ҳамда XX асрнинг 50-60-йилларида Африка давлатлари ўз мустақилликларига эришганларида мустамлака чегараларини давлат чегаралари сифатида сақлаб қолдилар [5, б.168].

Халқаро ҳуқуқда давлат чегараларини кўриб чиқишда, чегарага нисбатан ҳуқуқий ворислик тушинчаси ҳам ишлатилади. Демак, **ҳуқуқий ворислик** - давлатлар ворисийлиги натижасида чегара чизиклари ҳолатига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг меросхўр давлатга ўтишини англатади. Шартномаларга нисбатан давлатлар ҳуқуқий ворислиги тўғрисидаги 1978 йилда қабул қилинган Вена конвенциясига мувофиқ, давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги давлат чегаралари ҳуқуқий тартибига тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда шартномалар билан белгиланган чегараларга дахл қилмайди. Бу, агар давлат ҳуқуқий ворислиги фактининг ўзидан шартномавий ҳуқуқ ва мажбуриятларни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун қандайдир асослар вужудга келса, бундай асослар шартнома билан белгиланган чегаралар ёки чегара режимига тааллуқли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзгартирилишида фойдаланиши мумкин эмаслигини англатади.

Халқаро муносабатларда халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи ўрнатилиши билан барча йирик ва муҳим ҳудудий ўзгаришлар ушбу принцип асосида амалга оширилмоқда ёки амалга оширилиши шарт. Шу маънода ўз тақдирини ўзи белгилаш принципини ҳудудий чегараланишнинг асосий принципи деб ҳисоблаш лозим [3, б.48].

Халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи икки томонга эга: ташқи томони - халқ (миллат)нинг у ёки бу давлат таркибига кириш ёхуд мустақил давлат тузиш ҳуқуқи; ички томонида - ўз ички тузилишини белгилаш ҳуқуқи. Ҳудудий чегараланиш нуқтаи назаридан ташқи томон бирламчи аҳамиятга эга, чунки у ёки бу давлат таркибига кириш ёхуд мустақил давлат тузиш масаласини ҳал қилар экан, ўз тақдирини ўзи белгилаётган халқ ўз ҳудудининг у ёки бу давлатга тегишлилиги масаласини ҳал қилади ёки мустақил давлат тузадиган бўлса, ўз ҳудудининг алоҳида давлат ҳудудига айланиши масаласини ҳал қилади [7, б.103].

Ҳар бир давлатнинг чегаралари муайян мамлакатнинг ҳудудлари ниҳоясини аниқ белгилаб беради. Ҳалқаро ҳуқуқ меъёрларига асосан уларнинг чегаралари дахлсиз ва ушбу меъёрларга амал қилмаслик давлат суверенитетнинг бузилиши ҳисобланади. Шунинг билан бирга ҳар бир давлат ўз чегаралари хавфсизлиги ва бузилмаслигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш ҳуқуқига эгадир.

Умуман олганда, давлат чегараларини белгилаш ва ўзгартириш жараёнларини халқаро-ҳуқуқий манбалар билан асослаш долзарб саналади. Бу борада, БМТ томонидан ишлаб чиқилган халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва ЕХҲТнинг Хельсинки Яқунловчи Ҳужжатида бириктириб куйилган принциплар муҳим аҳамият касб этади. Чунки, маълумки, бугунги кунда давлатларнинг чегараларни ўрнатиш борасидаги қараш ва позициялари бир-биридан кескин фарқ қилади. БМТ қоидалари эса, ўз ўрнида, ушбу давлатлар ўртасида кучлар мувозанатини сақлаб турувчи кучли универсал халқаро-ҳуқуқий механизм сифатида иштирок этади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Бобокулов И.И. Международно-правовые аспекты региональной безопасности: вопросы теории и практики: монография. - Т.: УМЭД. 2010. - С.168.

2. Бобокулов И.И. Этнотерриториальные и пограничные проблемы в Центральной Азии и региональная безопасность (курс лекций по УП-6).
3. Бобокулов И.И. Хавфсизлик атамалари луғати. - Т.: ЖИДУ, 2011. -Б.48.
4. Маккамбаев П.А. Международно-правовые проблемы пограничной безопасности Республики Узбекистан: Монография - Т.: ТГЮИ, 2009. - С.215.
5. Одилқориев Х.Т. Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. – Т.: ЖИДУ. 2002. - Б.101.
6. Уташев Қ.Х. Ўзбекистон-Қирғизистон: давлат чегараларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш муаммоси ва минтақа хавфсизлиги. Магистрлик дисс. - Т., 2004. - Б.9.
7. Юридик энциклопедия. - Т.: “Шарқ”, 2001. - Б.97.

**Турдымамбетов И.Р., Уразимбетова Ю.Х.\***  
**СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ И ДЕМОГРАФИЧЕСКИЕ**  
**ФАКТОРЫ НОЗОГЕОГРАФИЧЕСКОЙ СИТУАЦИИ В РЕСПУБЛИКЕ**  
**КАРАКАЛПАКСТАН**

***Аннотация:** В статье рассматриваются социально-экономические и демографические проблемы Республики Каракалпакстан с точки зрения нозогеографии. Приведены сведения о естественном движении и миграции населения Республики Каракалпакстан. Территория региона разделена на 3 медико-географических района.*

***Ключевые слова:** социально-экономические и демографические показатели, нозогеографическая ситуация, материнская и младенческая смертность, рождаемость, смертность, медико-географический район.*

**Қорақалпоғистон Республикаси нозогеографик вазиятининг ижтимоий-иқтисодий**  
**ва демографик омиллари**

***Аннотация:** Мақолада Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолари нозогеографик нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. Қорақалпоғистон аҳолисининг табиий ҳаракати ва миграцияси бўйича маълумотлар келтирилган. Республика ҳудуди 3 та тиббий-географик районга ажратилган.*

***Калим сўзлар:** ижтимоий-иқтисодий ва демографик кўрсаткичлар, нозогеографик вазият, оналар ва гўдақлар ўлими, туғилиш, ўлим, тиббий-географик район.*

**Socio-economic and demographic situation features nozogeografic Republic of**  
**Karakalpakstan**

***Abstract:** This article focuses on the socio-economic and demographic problems of the Republic of Karakalpakstan, in terms of nozogeography. Data on natural movement and migration of the population of the Republic of Karakalpakstan. The territory of the Republic of Karakalpakstan is isolated by 3 medical-geographical areas.*

***Keywords:** socio-economic and demographic indicators, nozogeographical situation, maternal and infant mortality, fertility, mortality, medical-geographical zone.*

**Введение.** Заболеваемость населения в определенной степени зависит от социально-экономических и демографических факторов. При этом особое значение имеет концентрация предприятий различных отраслей промышленности, автомобильного транспорта и размещение отраслей сельскохозяйственного производства. Республика Каракалпакстан (РК) в настоящее время не выделяется своим промышленным потенциалом. Однако формирующийся газохимический и горнопромышленный

---

\* Турдымамбетов И.Р. – доцент кафедры географии КГУ им. Бердаха, д.г.н,  
 Уразимбетова Ю.Х. – магистрант факультета естествознания КГУ им. Бердаха.

комплексы могут стать в перспективе факторами ухудшения состояния окружающей среды.

**Основная часть.** Экономика РК имеет аграрно-индустриальную направленность. Так, по данным на 2014 г., 9,6% ВРП создано в промышленности, 24,4% - в аграрном секторе, 8,3% - в строительстве [2]. В отраслевой структуре промышленности региона выделяются производство строительных материалов, лёгкая, пищевая и топливная отрасли. Топливная индустрия даёт 11,6% валовой промышленной продукции, лёгкая - 31,6%, пищевая - 20,2%, мукомольно-крупяная - 8,8%. Наблюдается рост в химической и строительной отраслях. В г. Кунграде действует одно из крупнейших предприятий химической индустрии страны – содовый завод. Электроэнергетика представлена Тахиаташской ТЭС, годовая выработка которой составляет 3,1 млрд, кВт/ч электроэнергии [2]. В составе лёгкой промышленности велика доля хлопкоочистительных и текстильных предприятий. В ряде городов и посёлков региона действуют совместные текстильные предприятия (гг. Нукус, Бустан и др.). Масложировая промышленность сконцентрирована в городах Ходжейли, Нукусе, Кунграде, Чимбае и Беруни, а консервная – в Нукусе. Основным производителем муки и комбикормов выступает акционерное общество “Караузьякдон”. Другие мукомольные предприятия работают в Беруни, Чимбае и Турткуле, в Элликкалинском районе открыт новый вино-водочный завод.

Современная специализация промышленного производства региона не оказывает существенного отрицательного влияния на здоровье людей. Но растущие отрасли, прежде всего, нефтегазохимического энергопроводственного цикла могут создать определенные риски для медико-географической обстановки региона [4].

В системе агроэкономики наиболее развиты хлопководство, рисосеяние, мясо-шёрстное животноводство. Такая специализация аграрного сектора региональной экономики обусловлена в большей степени природными условиями территории. Каракалпакстан, наряду с Хорезмской областью, является основным производителем риса в Узбекистане - здесь собирают порядка 100 тыс. тонн этой культуры. В то же время, он считается самой северной хлопкосеющей территорией не только в Узбекистане, но и во всём мире. Посевы хлопчатника преобладают на юге – в Турткульском, Берунийском, Элликкалинском районах, главным районом рисоводства же считается Амударьинский. Эти водоемские отрасли растениеводства одновременно требуют постоянной химизации – использования минеральных удобрений и гербицидов, которые в конечном счете загрязняют почву, а через почву опосредственно могут сказаться и на качестве продуктов питания. Технология выращивания риса также влечет специфические профессиональные заболевания.

В Каракалпакстане животноводство имеет мясо-шерстную специализацию. Здесь имеются значительные площади пустынных пастбищ, на которых развито овцеводство, в частности каракулеводство. По поголовью крупного рогатого скота ведущие позиции занимают Берунийский, Турткульский, Амударьинский и Элликкалинский районы. Поголовьем же овец и коз выделяются Караузьякский, Кунградский, Тахтакупырский, Турткульский и Элликкалинский районы. В ареалах животноводства, как известно, может распространяться свойственная для таких территорий болезнь брющеллёз.

В последние годы в Каракалпакстане достигнуты определенные успехи в развитии сферы услуг. Однако, из общего оборота розничной торговли около 40,0 % падает только на долю столицы республики – г. Нукуса. Эта сфера сравнительно развита также в Турткульском, Ходжейлийском и Берунийском районах. Большое внимание уделяется и инфраструктуре села. Но степень централизованного водоснабжения в Муйнакском, Чимбайском, Кегейлийском, Амударьинском районах невысокая. А в Берунийском, Кегейлийском и Муйнакском районах проблема заключается в улучшении газоснабжения. Степень обеспеченности населения природным газом в регионе в среднем составляет

93,5%. На каждые 10 тысяч жителей приходится 22,3 врача, 98,4 среднего медицинского персонала. Здесь функционируют 186 сельских врачебных пункта, что означает примерно 1 врачебный пункт на каждые 6 сёл. Однако нозогеографическая ситуация в регионе, высокая заболеваемость населения требует дальнейшего расширения сети учреждений здравоохранения [3].

Численность населения Каракалпакстана в 1989-2014 годах выросла с 1211 тыс.чел. до 1763,1 тыс.чел, или на 145,3 процента. Около половины населения региона проживает в городских поселениях, оставшаяся же часть населения – жители 1128 кишлаков и аулов. Плотность населения составляет всего 10,4 чел. на 1 км<sup>2</sup>. Высокий показатель плотности отмечается в пределах Нукусской агломерации, а также в районах интенсивного орошаемого земледелия.

В последние годы рост численности населения несколько замедлился, а в расселении заметно «смещение» в южном направлении. Эта ситуация проявляется, в основном, под воздействием экологического кризиса в Приаралье. За 15 лет число жителей Муйнакского района, составлявшее в 1989 г. 27,4 тыс. чел., выросло всего лишь на 2000 чел., а в Тахтакупырском отмечается систематическое сокращение населения. В то же время, в Ходжейлийском, Кегейлийском и Шуманайском районах наблюдается положительная динамика [3].

Рождаемость в среднем по РК составляет 22,6, а смертность - 4,7 промилле. Межрайонные контрасты в значениях этих демографических показателей невелики. При этом наибольший коэффициент рождаемости отмечен в Нукусском районе, наименьший – в Шуманайском. Коэффициент смертности в том же году варьировал от 3,9 промилле в Шуманайском районе до 5,4 в Кегейлийском.

В целом, показатели смертности несколько выше в восточных районах Каракалпакстана – Кегейлийском, Чимбайском и Тахтакупырском. Они же выделяются и в нозогеографическом плане. Северная группа РК (особенно Муйнакский, Тахтакупырский, Караузьякский, Чимбайский, Кегейлийский, Канлыккульский), наиболее пострадавшая от экологического бедствия, Ходжейлийский и Нукусский районы, также имеет более высокий уровень смертности, чем средние показатели по РК и в целом по РУз.

Известно, что социально-экономическое развитие Каракалпакстана во многом обусловлено особенностями экологической ситуации в Приаралье. Последняя оказывает существенное влияние на миграционную активность населения региона. В частности, в Каракалпакстане выбытие превышает прибытие. Характерно, что значительную часть эмигрантов составляют этнические казахи. В последние годы Муйнакский, Ходжейлийский, Караузьякский, Кунградский и Тахтакупырский сельские районы систематически теряют свое население посредством миграции. Только в 2013 г. отрицательное сальдо миграции в Нукусском районе составило минус 17,7, в Тахтакупырском - минус 15,6 промилле. Значителен этот показатель также в Муйнакском, Караузьякском, Конлыккольском, Ходжейлийском, Чимбайском и Шуманайском районах.

Особенности социально-экономического и демографического развития в значительной мере определяют характер общей медико-географической ситуации. Социально значимые болезни связаны, прежде всего, с состоянием водной и воздушной среды, почвы и других природных компонентов, а собственно демографические показатели – в основном смертность населения - выступают интегральным индикатором общественно-географической ситуации в целом [4].

**Выводы.** Изучение географического распространения заболеваний в РК выявило их неоднородность и тесную связь с общей санитарно-гигиенической ситуацией: в северных районах доминируют группы болезней, связанных с процессами опустынивания, в южных – с загрязнением природной среды. Следовательно, можно считать, что высокий

уровень загрязненности объектов окружающей среды и продуктов питания, возникший в результате экологического кризиса, является ведущей причиной повышенного уровня заболеваемости населения, детской и материнской смертности, высоких показателей болезней органов дыхания, болезней крови, сердечно-сосудистых заболеваний, болезней почек, желчнокаменных болезней, онкологических, острых кишечных заболеваний и врожденных аномалий. С учётом корреляции уровня и структуры заболеваемости населения с географическими, в частности, социально-экономическими и демографическими факторами территория РК разделена нами на 3 медико-географических района: Северный, Центральный и Южный.

*Северный* медико-географический район лидирует по площади территории и больше пострадал в экологическом отношении. Расселение населения и размещение производства здесь имеет очаговый характер, обладает солидным потенциалом пастбищных и горно-химических ресурсов.

Основу *Центрального* медико-географического района составляет город Нукус и складывающаяся на его основе городская агломерация. Стало быть, из-за плотности размещения населения и производства, влияние социально-экономических факторов на геоэкологию района здесь сильнее, чем на других территориях РК.

*Южный* медико-географический район больше освоен и заселен, здесь развивается агропромышленный комплекс, основывающийся на выращивании хлопка, зерна (в основном риса), фруктов и бахчевых культур. Район располагает уникальным сочетанием минерально-сырьевых ресурсов Султан-Увайса. Нозоэкологическая ситуация Южного района формируется под влиянием водного фактора и химизации сельского хозяйства.

#### **Использованная литература:**

1. Здравоохранение Узбекистана. Статистический сборник. – Т., 2015. – 272 с.
2. Солиев А.С. Ўзбекистон географияси (Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси). – Т.: Университет, 2014. – 404 б.
3. Социальное развитие и уровень жизни в Узбекистане. Стат. Сборник. – Т., 2014. – 204 с.
4. Турдымамбетов И.Р. Нозогеографическая и нозоэкологическая ситуация в Республике Каракалпакстан // Теоретические и прикладные проблемы географии. Материалы Межд. науч.-практ. Конф. В 2х ч. Ч.II. – Астана, 2014. – С.34-38.

**Қаюмов А.А., Усманов З.К.\***

### **ЯНГИ ИПАК ЙЎЛИ ИҚТИСОДИЙ КОРИДОРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ҲАМКОРЛИГИ**

*Аннотация:* Мақолада Буюк Ипак Йўли ривожланишининг тарихий хусусиятлари, ушбу йўл бўйлаб иқтисодий коридорнинг тикланиши ва шаклланишининг замонавий аҳамияти, шунингдек, Буюк Ипак Йўлида жойлашган мамлакатларнинг транспорт-транзит салоҳияти таҳлил этилган. Ушбу транспорт коридорини шакллантиришда Ўзбекистон - Хитой ҳамкорлигининг аҳамияти ва унинг имкониятлари акс эттирилган.

*Калит сўзлар:* Буюк Ипак Йўли, иқтисодий коридор, транспорт, транзит, салоҳият, ҳамкорлик, савдо.

---

\*Қаюмов А.А. – ЎзМУ “Иқтисодиёт” факультети, “Минтақавий иқтисодиёт” кафедраси профессори, г.ф.д,  
Усманов З.К. - ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” ИТМ кичик илмий ходими.



### Сотрудничество Узбекистана и Китая в формировании коридора Нового Шёлкового пути

*Аннотация.* В статье проанализированы исторические аспекты развития Великого Шёлкового Пути, современное значение воссоздания и формирования экономического коридора, а также транспортно-транзитный потенциал стран, расположенных в этом регионе. Отражены значение и возможности сотрудничества Узбекистана и Китая в формировании транспортного коридора.

*Ключевые слова:* Великий Шёлковый Путь, экономический коридор, транспорт, транзит, потенциал, сотрудничество, торговля.

#### Cooperation between Uzbekistan and China in shaping the corridor of the New Silk road

*Annotation.* In article historical aspects of development of the Great Silk Way, modern value of a reconstruction and formation of an economic corridor, and also transport and transit capacity of the countries located in this region are analysed. Value and possibilities of cooperation of Uzbekistan and China are reflected in formation of a transport corridor.

*Keywords:* The Great Silk Road, the economic corridor, traffic, transit, and potential cooperation, trade.

**Кириш.** Маълумки, қадимги халқларнинг ҳар томонлама ривожланишида савдо ва транзит йўлларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Кишилиқ жамияти ташкил топиб, ишлаб чиқарувчи хўжалиқлар юзага келиши билан дастлаб қишлоқлараро, сўнгра шаҳарлар ва мамлакатлараро савдо алоқалари ўрнатилган. Бундай ўзаро алоқалар туфайли савдо ва қарвон йўллари шаклланган. Ана шундай савдо ва қарвон йўлларидан бири Буюк Ипак Йўлидир.

Буюк ипак йўли Қадимги Шарқ ва Ўрта Осиё ҳудудларини туташтирган бўлиб, йўлнинг асосий қисми Марказий Осиёдан, хусусан, Ўзбекистон ҳудудидан ўтган [1]. “Буюк ипак йўли”нинг вужудга келишида милоддан аввалги III-II минг йилликларда «Ложувард йўли» деб юритилган савдо йўли асос бўлган. Ушбу йўл қадимда Ўрта ва Яқин Шарқда Бадахшон лаълиси (ложуварди, қизил ёқути)га бўлган эҳтиёж туфайли вужудга келган [2]. Милоддан аввалги II асрда пайдо бўлиб, милоднинг XVI асрига қадар фаолият кўрсатган Буюк ипак йўли шу давр ичида Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг кенг миқёсдаги ўзаро иқтисодий алоқалари тарихида катта аҳамиятга эга бўлди. Бу йўл қадимги халқларнинг ўзаро иқтисодий ҳамкорлиги ва тараққиётига асос бўлиб хизмат қилди.

2013 йилда ана шундай ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорликни қайта тиклашга қаратилган “Битта белбоғ-битта йўл” ташаббусини Халқ Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин илгари сурди [3]. Бундан ташқари, Хитой ҳукумати минтақадаги барча мамлакатлар билан ҳамкорликни назарда тутувчи трансминтақавий интеграцион лойиҳаларни ҳам илгари сурмоқда [4].

**Мақсад ва вазифалари.** Ушбу тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон ва Хитой мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини илмий нуқтаи назардан тадқиқ этиш ва шу асосда илмий амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Ишнинг мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги **вазифалар** белгиланди ва улар ўрганилди: янги мазмун билан бойиб, барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётган Ўзбекистон ва Хитой мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари таҳлил этилди; янги ипак йўли иқтисодий коридорининг тикланиши ва шаклланишининг замонавий аҳамияти аниқланди, шунингдек, ушбу йўлда жойлашган мамлакатларнинг транспорт-транзит салоҳияти таҳлил этилди ва транспорт коридорини шакллантиришда Ўзбекистон-Хитой давлатларининг имкониятлари тадқиқ этилди.

**Асосий қисм.** Хитой раҳбарияти томонидан иқтисодий коридорни қайтадан ташкил қилишга Буюк Ипак Йўлида жойлашган мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий соҳалардаги ҳамкорлик изчил ривожланаётгани, Европа ва Осиё ўртасида савдо

айланмаси ҳажмининг ошиб бораётганлиги (800 млрд. АҚШ доллари) билан асосланди [5].

Хитойни Европа билан боғлайдиган ва бутун Евросиё орқали ўтайдиган ушбу иқтисодий коридорни ташкил этиш учун, Хитой ҳукумати 40 млрд. доллар қийматига эга бўлган махсус фонд ташкил этмоқда [6]. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иқтисодий коридорнинг шаклланиши, айниқса, Марказий Осиё мамлакатларига иқтисодиёт, савдо, таълим, транспорт, маданият, сайёҳлик каби соҳалардаги салоҳиятини тўла ишга солиш учун қулай шароит яратади. Юқорида санаб ўтилган соҳалардан бири транзит салоҳияти ҳам катта аҳамиятга эга. Мутахассислар фикрига кўра, бугун ва яқин келажакда Хитой юқларнинг чексиз манбаи сифатида намоён бўлмоқда. Маълумотларга кўра, сўнгги 20 йил давомида Хитой ва Европа ўртасидаги юк айланмасининг йиллик ўсиш суръати барқарор равишда 7%га ўсиб бормоқда.

2014 йил Хитой ва Жанубий-Шарқий Осиё портларидан Европа Иттифоқи портларига 204 миллионта контейнер етказил. Хитой ва Европа ўртасидаги товар айланмасида электртехника, автотехникаларнинг улуши 35,0%ни ташкил этмоқда [7]. 2015 йилнинг март ойида Боаода ўтган Осиё иқтисодий форумида Хитой раҳбари Си Цзиньпин яқин 5 йил ичида Хитой томонидан хорижий давлатларга киритиладиган инвестициялар ҳажми 500 млрд. долларга етишини ва 2020 йилга қадар 10 трлн. доллар миқдорида турли маҳсулотларни импорт қилишини эълон қилди [8].

Баъзи мутахассисларнинг таъкидлашича, транзит салоҳиятини амалга оширилиши натижасида биргина Қозоғистон давлатининг ўзи бир йилда 3 млрд. доллардан 20 млрд. долларгача даромад олиши мумкинлиги эътироф этилмоқда [9]. Демак, бунга ўхшаш имконият Марказий Осиёнинг барча мамлакатларида ҳам мавжуд эканлигини алоҳида қайд этиш мумкин.

Маълумки, Марказий Осиё давлатлари нафақат географик жиҳатдан ягона ҳудуд ҳисобланади, балки уларнинг иқтисодий тарихи, маданияти ва сиёсий ривожланиши ҳам бир бўлиб, айнан шу жиҳатдан улар олдида самарали иқтисодий тизимларга трансформацияланиш вазифаси кўндаланг турибди. Айнан ушбу масалаларни амалга оширишда, долзарб муаммолардан бири бўлган, жаҳон маҳсулот ва хизматлар бозоридан ажратиб турувчи “иқтисодий масофа” муаммосини бартараф этиш вазифаси долзарб аҳамиятга эга. “Иқтисодий масофа” ўз ичига юкни бирор-бир ташқи бозорга етказишда сарфланадиган вақт ва моддий харажатлар йиғиндисидан иборат бўлиб, маҳсулотлар ҳаракати йўлини оптималлаштириш ва харажатларни камайтириш, шунингдек, таъминловнинг самарали тизимини шакллантириш минтақалардаги барча мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида ҳал қилувчи омил сифатида намоён бўлмоқда [10]. Бундай “иқтисодий масофа”нинг бартараф этилиши Хитойда давом этаётган иқтисодий ўсишнинг Марказий Осиё бўйлаб кенг “ёйилишига” олиб келиши ва ушбу минтақада иқтисодий ўсиш суръатларининг янада тезлашувига олиб келиши мумкин [11].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкам ҳукукий асосга эга бўлиб, ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантиришда мустаҳкам пойдевор сифатида намоён бўлмоқда. Буни биз Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларда Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияси, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация ҳамда бошқа кўплаб ҳужжатлар мисолида кўришимиз мумкин [12].

Бугунги кунда Ўзбекистонда Хитой билан ҳамкорликда ташкил этилган 500га яқин қўшма корхона фаолият юритмоқда. 2014 йил маълумотларига кўра, хорижий мамлакатларнинг республика ташқи савдосидаги улушида Хитой давлати энг юқори кўрсаткични эгаллайди. Хусусан, экспорт операциялари бўйича унинг улши 33,7%,

импорт ҳажмида эса 27,7%ни ташкил этиб, икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 5,5 млрд. АҚШ долларидан ошди [13].

ХХР раисининг 2013 йилда Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи доирасида умумий қиймати 15 млрд. АҚШ долларига тенг инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга оид 31 та ҳужжат имзоланди [1]. Бундай ҳамкорликнинг энг катта кўлами ёқилғи-энергетика мажмуида намоён бўлмоқда. Хитойнинг қатор компаниялари мамлакатимиздаги нефть ва газ конларини қидириш ва ўзлаштиришда фаол иштирок этмоқда. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) нафақат истикболли углеводород конларини топиш ва ўзлаштириш, балки Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш лойиҳасини амалга оширишда ҳам қатнашмоқда. Икки мамлакат ҳам Хитойга узлуксиз табиий газ етказиб беришни таъминловчи “Марказий Осиё – Хитой” газ қувурининг учинчи ва тўртинчи қисмларини қуриш ва ишга туширишни стратегик муҳим аҳамиятга молик лойиҳа деб қарамоқда ва ҳамкорлик қилмоқда [14].

Ундан ташқари, Ўзбекистон ва Хитой ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғини барпо этиш мақсадида иқтисодий стратегик ҳамкорлик изчил давом этмоқда. Ушбу ҳамкорлик натижасида иккита давлат томонидан Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўли қурилиши амалга оширилди. Мазкур йўналишнинг бир қисми бўлган 124 километрлик электрлаштирилган Ангрэн – Поп темир йўли ўз фаолиятини бошлади. Унинг қурилиши 2013 йилда “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик темир йўл компанияси ва Хитойнинг China Railway Tunnel Group компанияси ўртасида келишувга биноан бошланган. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 1,68 миллиард долларни ташкил этган бўлиб, мазкур маблағ халқаро молия институтлари, Хитой Эксимбанки кредитлари ва Ўзбекистон Темир Йўллари акциядорлик компанияси ҳисобидан қопланган. Шунингдек, лойиҳа доирасида Қамчиқ довонидан ўтган “Ангрэн – Поп” темир йўл линиясида узунлиги 19 километр, қиймати 455 миллион доллар бўлган темир йўл туннелининг қурилиши якунланди [14]. Бу лойиҳа қисқа муддатларда Хитойнинг China Railway Tunnel Group компанияси томонидан амалга оширилди. Бу лойиҳанинг амалга оширилиши Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатларига, ундан кейин Жанубий Осиёга чиқишини таъминлайди. Мазкур йўл «Қамчиқ» довони орқали ўтиб, Фарғона водийси (Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари) ва Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларини боғлаш учун хизмат қилади

**Хулоса.** Мустақиллик йилларида мамлакатимизда транспорт ва коммуникация тизимини ривожлантириш бўйича стратегик аҳамиятга молик ишлар амалга оширилди. Республикаимизнинг барча минтақаларини бирлаштирувчи ягона транспорт тизими шакллантирилди. Яратилган бундай тизим республикаимизга халқаро иқтисодий алоқаларни самарали олиб бориш ва жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувига мустаҳакам омил бўлиб хизмат қилмоқда. Айтиш жоизки, юқорида кўрсатиб ўтилган, иқтисодий, транспорт-транзит коридорини ривожлантиришда асосий урғу темир йўл транспортига қаратилмоқда ва Хитой билан Ўзбекистон темир йўл транспортининг моддий-техника базасини такомиллаштиришда техник ва молиявий ҳамкорлик изчил равишда олиб борилмоқда. Бугунги кунга келиб “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятидаги мавжуд локомотивларнинг деярли эллик фоиздан ортиғи янгиланганди ва бу ишлар ҳали давом этмоқда. Электрлаштирилган темир йўллар тармоғининг кенгайиши локомотивлар паркини қатор иқтисодий афзалликларга эга электровозлар билан тўлдириш имконини бермоқда ва бунда асосий ҳамкор сифатида Хитойнинг CNTIC консорциуми – Далянь электровозсозлик заводи бўлмоқда. 2015 йилда мамлакатимизга Хитойда ишлаб чиқарилган 11та замонавий “O'z-ELR” электровозларининг келтирилишини замонавий темир йўл тармоғини барпо этишга қаратилган ислохотларнинг натижаси сифатида қараш мумкин [12].

Шаклланаётган иқтисодий ҳамкорлик натижасида транспорт, айниқса, темир йўл транспорти инфратузилмасини оптимал ҳолатга келтириш, поездлар ҳаракати тезлигини ошириш асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки, глобаллашув ва юқори технологиялар ривожланиши шароитида, халқаро ва маҳаллий транспорт алоқаларида темир йўл транспортида юк ташиш муҳим аҳамият касб этади. Бу нарса ўз навбатида темир йўл транспорти тизимини янада такомиллаштириш масалаларини ҳал қилишни тақозо этади. Ушбу вазифаларни ҳал қилишда куйидаги кўшимча чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

➤ шаклланаётган Янги иқтисодий, транспорт-транзит коридори бўйлаб транзит юқларини кўпайтириш мақсадида темир йўл ва автомобиль транспортида имтиёзли тариф коридорларини ташкил қилиш;

➤ темир йўлларни ривожлантиришда халқаро магистралларни бирлаштирувчи йўналишларда уларни устувор равишда электрлаштиришни изчил давом эттириш. Бундай ёндашув умумий ҳаражатларни камайитиришнинг муҳим шарти ва омили бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва бутун иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширади;

➤ темир йўл транспорти машинасозлигини ривожлантиришнинг кенг қамровли концепциясини ишлаб чиқиш, бунда Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари эҳтиёжларини ҳисобга олиш зарур;

➤ темир йўл транспорти учун турли хил эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарадиган кўшма корхоналарни ташкил этиш, уларга кенг имтиёзлар бериш дастурини ишлаб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ҳошимов Э., Худойназарова Н. Марказий Осиё ва Хитой иқтисодий алоқаларининг ривожланишида “Буюк Ипак иқтисодий коридори” концепциясининг аҳамияти // Иқтисод ва молия, №4, 2015.

2. [www.uz.denemetr.com](http://www.uz.denemetr.com)

3. [www.uz.chineseembassy.org](http://www.uz.chineseembassy.org)

4. Севастьянов С. Интеграционные проекты Китая в АТР и Евразии // Мировая экономика и международные отношения, №4, 2016.

5. Быстрый сектор // Экономическое обозрение, №7, 2008.

6. [www.south-insight.com](http://www.south-insight.com)

7. [www.regnum.ru](http://www.regnum.ru)

8. [www.tass.ru](http://www.tass.ru). Си Цзиньпин: к 2020 году Китай инвестирует \$500 млрд. в экономику других стран.

9. [www.logist.ru](http://www.logist.ru)

10. [www.myuniversity.ru](http://www.myuniversity.ru)

11. Новая экономическая география. Доклад Всемирного Банка о мировом развитии 2009 год.

12. [www.uza.uz](http://www.uza.uz).

13. Ўзбекистон рақамларда 2015. Статистик тўплам. - Тошкент, 2015.

14. [www.logists.by](http://www.logists.by)

**Юлдашев З.Х., Файзуллаев М.А.\***  
**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИН МАЙДОНЛАРИНИ АЖРАТИШ ВА**  
**УЛАРГА РЕСУРСЛАРНИ ТАҚСИМЛАШНИНГ**  
**МАТЕМАТИК МОДЕЛИ**

***Аннотация:** Мақолада муайян қишлоқ хўжалигини юритувчи субъект олдида ҳосил бўладиган муаммолар математик моделлаштириши услубиёти асосида таҳлил қилинган. Жумладан, таклиф этилган математик модел асосида режалаштирилган маҳсулотларга мос майдонларни ажратиши, уларга сув ва минерал ўғит каби ресурсларни тақсимлаш алгоритми келтирилган.*

***Калит сўзлар:** хўжалик юритувчи субъект, агрофирма, ер ресурслари, сув, минерал ўғит, математик модел, формаллаштириши, алгоритм, дастур, технологик карта.*

**Математическая модель распределения посевных площадей и ресурсов в сельском хозяйстве**

***Аннотация:** В статье методом математического моделирования проанализированы проблемы, возникающие перед субъектом, работающим в сельскохозяйственном производстве. В частности, на основе разработанной оптимизационной математической модели, предложен алгоритм планирования земель под посевные культуры и распределения на эти земли водных ресурсов и минеральных удобрений.*

***Ключевые слова:** хозяйствующий субъект, агрофирма, земельные ресурсы, вода, минеральные удобрения, математическая модель, формализация, алгоритм, программа, технологическая карта.*

**A mathematical model of the distribution of acreage and resources in agriculture**

***Abstract:** In article the problems arising with the subject and working in agricultural production are analyzed by method of mathematical modeling. In particular, on the basis of the developed optimization mathematical model, the algorithm of planning of the lands allocated for subcultures used for inoculation and distribution on these lands of water resources and homogeneous fertilizers is offered.*

***Key words:** Economic entity, agriculture company, the land, water, chemical fertilizer, mathematical model, formalization, algorithm, program, process chart.*

**Қириш.** Маълумки, замонавий қишлоқ хўжалигини юритиш назарий асосланган тавсиялар ва амалиётда синалган кўникмаларга таянади. Кенг маънода ҳар бир хўжалик юритувчи субъект (ХЮС) олдида циклик жараённинг дастлабки ва амалга ошириш даврида мавжуд ресурслардан мукамал ёки оптимал тарзда фойдаланиш муаммоси туради [1-3]. Қуйида биз ХЮС деганда, ихтиёрига S катталигига эга ер берилган муайян фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, қишлоқ хўжалиги корхонаси, нисбатан йирик агрофирмаларни тушунамиз. Бундай умумийлик агроиқтисодиётни назарий асослашда математик моделлаш услубиётига таянишни тақозо этади [4-5].

**Асосий қисм.** Фараз қилайлик, ХЮС жорий йилда S катталигидаги майдонга n турдаги маҳсулотларни экиши лозим бўлсин. Маҳсулотларни k-гаси ( $k \leq n$ ) ваколатга эга ҳокимият органлари томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва истеъмол тармоқлари орасида мувозанат ёки балансни таъминлаш мақсадида белгилаб берилган бўлсин. Бунда ХЮС олдида турадиган бирламчи масала – ресурсларни оптимал тақсимлаш масаласи дейиш мумкин.

Табиийки, мукамал тарзда тақсимланиши зарур бўлган бирламчи ресурс – бу ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг уч асосий омилларидан (табиий ресурс, капитал, меҳнат ресурслари) бири, табиий ресурслардан асосийси бўлган ер ресурси ҳисобланади. Аниқроғи, дастлаб ХЮС ихтиёридаги қишлоқ хўжалиги ерларининг таркибини аниқлаш лозим. Муайян деҳқон хўжалигига келсак, “ер эгаси” йил бошида экин майдонини мустақил тақсимлашга ҳаракат қилади, бунда асосан бозор талабини кўпроқ эътиборга олади. Бундай қарор асосида интуиция ва бозордаги вазиятни ибтидоий таҳлили ётади.

\* Юлдашев З.Х. - ЎзМУ Амалий математика ва компьютер таҳлили кафедраси профессори, ф.-м.ф.д.,  
 Файзуллаев М.А. - ЎзМУ География кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси.

Аммо йирик қишлоқ хўжалик ҳудудида (ҚХХ) бундай таваккалчилик оқибатлари кескин тарзда муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Қатор мутахассисларнинг, аввало иқтисодчиларнинг эътирофига кўра, замонавий ишлаб чиқариш даврида анъанавий уч асосий омил қаторига информация (ахборот) омилини қўшиш зарур [6,7]. Аниқроғи, ҳозирги кунда ҳар қандай жараён маълумотларни тўплаш, мос математик моделни танлаш ёки адекват моделни мустақил тарзда синтез қилиш ва мос алгоритм асосида муттасил тарзда “маслаҳат бериб турувчи” компьютер хизматларидан фойдаланиш билан характерланади. Бундай хизматлар доираси ХЮС учун ер ресурсини тақсимлаш билан бир вақтда бошқа ресурсларни ҳам тақсимлаш, жумладан маълум катталиқдаги майдонга қандай қишлоқ хўжалик маҳсулотини (ҚХМ) экишни белгилаш имконига эга бўлиш ва жараённи бошқаришгача кенгайтирилиши мумкин. Қуйида биз уйғунлаштириш усулига асосланиб, қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган математик моделларнинг вариантларини кўриб чиқамиз.

1. **Масаланинг математик модели.** Фараз қилайлик, ХЮС маълум сабабларга кўра ҚХХ да жорий йилда  $n$  турдаги маҳсулотни етиштириш билан шуғулланмоқчи бўлсин. У ҳолда қуйидаги математик моделни таклиф этиш мумкин.

1.1. **Масалани формаллаштириш.** Жараённи математика тилида тавсифлаш учун қуйидаги белгилашларни киритайлик:

$S$  — ҚХХ катталиги;

$n$  — ҚХХда етиштириладиган маҳсулотлар сони;

$S = \sum_{i=1}^n s_i$ ;  $s_i (i=1, \dots, n)$  —  $i$ -нчи маҳсулот тури учун ажратиладиган экин майдони;

$s_i > 0 (i=1, \dots, k)$ ;

$s_i \geq 0 (i=k+1, \dots, n)$ ;

$b_i (i=1, \dots, m)$  —  $i$ -нчи экин майдонининг сифат баҳоси — *бонитет балл* кўрсаткичи;

$v_i (i=1, \dots, m)$  —  $b_i$  маълум бонитет баҳосига эга майдон катталиги (бунда  $v_i$  бир квадрат метрдан кичик эмас),

$$S = \sum_{i=1}^m v_i;$$

$q_i (i=1, \dots, n)$  —  $i$ -нчи маҳсулот бирлигининг харид нархи;

$r_i (i=1, \dots, n)$  —  $i$ -нчи маҳсулот бирлигини етиштириш учун зарур бўлган ўртача харажат;

$c_i (i=1, \dots, n)$  —  $i$ -нчи маҳсулот бирлигини етиштириш учун зарур бўлган сув миқдори;

$c$  — сув бирлигининг нархи;

$C$  — ХЮС олиши мумкин бўлган жами сув миқдори;

$w_i (i=1, \dots, n)$  —  $i$ -нчи маҳсулот бирлигини етиштириш учун зарур бўлган ўртача ўғит миқдори;

$w$  — ўғит бирлигининг ўртача нархи;

$W$  — ХЮС олиши мумкин бўлган жами ўғит миқдори;

$z_j = f_j(s_j, w_j, c_j) (j=1, \dots, n)$  —  $j$ -нчи маҳсулотнинг ҳосилдорлик функцияси.

1.2. **Масаланинг фойдага нисбатан математик модели.** Масалани нисбатан соддалаштириш мақсадида қуйида биз  $r_i (i=1, \dots, n)$  —  $i$ -нчи маҳсулот бирлигини етиштириш учун зарур бўлган ўрталаштирилган харажатлар ичида ёқилғи, минерал ўғит, иш ҳақи ва ижара харажатлари, солиқлар каби типик харажатлар киритилган деб фараз қиламиз. У ҳолда биз юқорида киритилган катталиқлар воситасида ХЮС табиий мақсадини ифодаловчи қуйидаги математик моделни кўриб чиқишимиз мумкин:

$$Q(\bar{S}, \bar{W}, \bar{C}) = \sum_{j=1}^n (s_j f_j(s_j, w_j, c_j) q_j - (cc_j + ww_j + r_j) s_j) \rightarrow \max, (1)$$

$$\sum_{j=1}^n s_j \leq S, (2)$$

$$\sum_{j=1}^n w_j \leq W, (3)$$

$$\sum_{j=1}^n c_j \leq C. (4)$$

1.3. **Масалани ечиш алгоритми.** Бу {(1) - (4)} масала кўп параметрли мукаммалаштириш масаласи бўлиб, уни ечиш учун бир қатор усулларни қўллаш мумкин [3-5]. Аммо ечилаётган масаланинг хосликларига таянган ҳолда, алгоритмни содалаштириш ва муайян ХЮС учун мақбул интерфейс яратиш мақсадида {(1) - (4)} масалани ечиш алгоритмини бир нечта этапларга ажратайлик.

1.3.1. **Ҳосилдорлик функциясини қуриш.**  $z_j = f_j(s_j, w_j, c_j) (j = 1, \dots, n)$  —  $j$ -нчи маҳсулотнинг ҳосилдорлик функцияси сув ва ўғит миқдорига нисбатан қавариқ бўлади, чунки бу факторлар миқдорини ўсиши аввал ҳосилни ўсишига олиб келади ва бу факторларнинг муайян қийматларида максимал ҳосил олинади, аммо ер, сув ёки ўғитни меъёридан ортиқ қабул қила бошласа, аввалига экин ҳосили камаяди ва меъёр критик равишда бузилса ҳосил кескин равишда камаяди ёки нобуд бўлади. Айни вақтда  $z_j$  миқдор майдон катталиги билан тўғри пропорционал боғланади, дейиш мумкин, чунки, экин майдони қанча катта бўлса ва унга текис ишлов берилса, ҳосил шунча катта бўлади.

Демак биз  $z_j = f_j(s_j, w_j, c_j) = s_j \varphi_j(w_j, c_j)$  дейишимиз мумкин.  $\varphi_j(w_j, c_j)$  функцияларни, тажрибалардан олинган маълумотларга таянган ҳолда, бутун ораликда қавариқ парабола ёки сплайн шаклида қуришимиз мумкин. Агар муайян маҳсулот ҳосилининг миқдори  $w_j$  ва  $c_j$  катталикларга боғлиқлиги қонуниятини аниқроқ ўрнатиш имкони бўлса, масалан, буни кўп йиллик тажрибага ёки етарли ҳажмдаги статистик маълумотларга таянган ҳолда амалга ошириш мумкин, бунда биз моделнинг адекватлигини оширган бўламиз. Қуйида моделни синаш (тестлаш) жараёнида  $\varphi_j(w_j, c_j)$  функцияси барча маҳсулот турлари учун икки аргументли параболик функция сифатида олинган:

$$\varphi(x, y) = ax^2 + by^2 + cxy + dx + ey + f, \text{ бунда } a < 0, b < 0, c < 0. (5)$$

Бундай функцияни қуриш учун ҳар мос  $a, b, c, d, e, f$  коэффициентларни статистик маълумотларга таянган ҳолда аниқлаш мумкин.

1.3.2. **Экин майдонлари географиясини белгилаш алгоритми.** Фараз қилайлик, {(1) - (4)} масалани ечиш натижасида  $S(s_1, s_2, \dots, s_n)$  ва  $V(v_1, v_2, \dots, v_n)$  векторлар компонентлари аниқланган бўлсин. Аслида Turbo Pascal, Borland C++ Builder 6 каби замонавий интеграллашган дастурлаш муҳитларининг кутубхоналари ва фаол дастурчилар муттасил равишда мурожаат қиладиган Matlab, Mathematica каби махсус дастурлаш тизимлари воситасида мукаммалаштириш масаласини ечиш қатор ҳолларда қоникарли тарзда ҳал қилиш имконини беради.

Аввал биз  $s_j (j=1, \dots, n)$  —  $j$ -нчи маҳсулот тури учун ажратиладиган экин майдони катталиги ва  $S$  — ҚХХ тузилмасини, аниқроғи, географиясини белгилаб оламиз. Биз қуйидаги алгоритмга мос дастур қайси дастурлаш тилида ёзилишини фойдаланувчини ихтиёрига ҳавола қиламиз.

Умумийликни кескин чекламаган ҳолда  $S$  майдонни узунлиги  $a$ , кенглиги  $b$  бўлган тўғри бурчакли тўртбурчак деб фараз қилайлик. У ҳолда  $S$  майдонни катталиги  $ab$  квадрат метрга тенг бўлади. Координата тизими бошини  $S$  майдонни чапки-пастки бурчагига жойлаштирайлик ва  $(i, j)$  жуфтлик ( $i=1, \dots, a; j=1, \dots, b$ ) воситасида  $ab$  миқдоридаги элементар майдон бирликлари марказларини номлайлик.

Фараз қилайлик, ҳар бир элементар  $(i,j)$  майдонча ҳақида уни тавсифловчи маълумот мос майдонда, масалан,  $A^p$  ( $p=1,2,\dots$ ) турланган матрицаларда жойлашган бўлсин. Масалан,

- $A^1$  матрица ячейкалари  $(i,j)$  майдонча бонитетини сақласин,
- $A^2$  матрица ячейкалари элементар  $(i,j)$  майдончани технологик харитадаги рангини,
- $A^3$  матрица ячейкалари элементар  $(i,j)$  майдонча учун зарур бўлган сув миқдорини,
- $A^4$  матрица ячейкалари элементар  $(i,j)$  майдонча учун зарур бўлган ўғит миқдорини,
- $A^5$  луғавий турдаги матрица ячейкалари элементар  $(i,j)$  майдончага экилган ҚХМ номини сақласин.

$A^p$  ( $p=1,2,\dots$ ) матрицалар жараён авалида бўш, масалан,  $A^2$  матрица ёки тўлдирилган бўлиши мумкин, масалан,  $A^1$  матрица.

Муайян ҚХМ одатда техника воситасида экишни ва белгиланган агромелиоратив тадбирларни амалга оширишни талаб этса, бошқаси оддий ишлов (масалан, лалми ерда бугдой етиштириш, қора тупроқли ерларда картошка экинини етиштириш) – уруғни ерга қадаш ва ҳосилни йиғиб олиш назарда тутилади. Табиийки, бу каби махсус ҳолларда мос  $s_j$  майдонга мувофиқ келувчи  $A^p$  ( $p=1,2,\dots$ ) матрицанинг элементлари, масалан,  $A^3$  ёки  $A^4$  матрицалар элементлари, нолдан иборат бўлади.

Замонавий шароитларда ҚХМ етиштириш нисбатан катгароқ хўжаликларда қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилгани сабабли,  $s_j$  ( $j=1,\dots,n$ ) майдоннинг шаклини тўғри тўртбурчак ёки туташган тўғри тўртбурчаклардан иборат дейишимиз мумкин.

**Алгоритм.** Аввалига барча  $s_j$  майдонларни тўғри бурчакли тўртбурчак кўринишида қураимиз.

- 1)  $A^1$  матрица ячейкаларига мос равишда  $(i,j)$  майдонча бонитетини киритамиз.
- 2) Луғавий  $n$  ўлчовли  $U$  вектор ячейкаларини етиштириладиган маҳсулотлар номлари билан тўлдираимиз.
- 3) Сонли  $n$  ўлчовли  $R$  вектор ячейкаларини бир-биридан фарқли ранглар кодлари билан тўлдираимиз.
- 4) Агар  $A^1(1,1)$  қиймати  $U [1]$  маҳсулотни бонитетидан катта бўлса, мос равишда  $A^2 - A^5$  матрицалар  $(1,1)$  ячейкаларини  $U [1]$  маҳсулотни мос параметрлари билан тўлдираимиз.
- 5) кетма-кет равишда горизонтал сатр ёки вертикал устун бўйича силжиб юқоридаги услуб билан  $A^p$  ( $p=1,2,\dots$ ) матрицаларни тўлдириб борамиз.
- 6) Агар навбатдаги қадамда тўлдирилган ячейкалар сони  $\lceil \sqrt{s_j} \rceil + 1$  га тенг бўлса ва силжиш горизонтал бўйича амалга оширилган бўлса, иккинчи сатрга ўтаимиз, агар силжиш вертикал йўналишда амалга оширилган бўлса, ўнгдаги иккинчи устун билан ишлаймиз.
- 7) Келтирилган усулда барча  $s_j$  ( $j=2,\dots,n$ ) миқдорларни кўриб, мос равишда  $A^p$  ( $p=2,\dots, 5$ ) матрицаларни тўлдириб чиқамиз.
- 8)  $A^2$  матрица асосида кутубхонанинг мос стандарт дастуридан фойдаланамиз ва  $S$  майдонни ташкил қилувчи  $s_j$  ( $j=1, 2,\dots,n$ ) майдонларга ранг берамиз.
- 9) Агар  $A^1 (1,1)$  қиймати  $U [1]$  маҳсулотнинг бонитетидан кичик бўлса, горизонтал, вертикал ёки бош диагональ бўйича силжиб мақбул таянч ячейкани топамиз. Таянч ячейкани бундай йўл билан топиш  $n$ -га нисбатан чизикли мураккабликка эга



бўлади. Агар таянч ячейкани қидириш икки каррали циклда амалга оширилса, мос алгоритмнинг мураккаблиги квадратик бўлади.

**Изох 1:** Агар муайян ҚХМ учун таянч ячейка топилмаса ёки моделга асосан бажарилган ҳисоблашлар катта зарарни башорат қилса, мос маҳсулотни экмаслик мақсадга мувофиқ.

**Изох 2:** Экин майдонларига ресурсларни тақсимлаш, жумладан, қачон ва қайси майдонга сув беришни ёки ўғит билан озиклантиришни, бошқача қилиб айтганда, жараённинг технологик хариталарини тузишда энди тўлдирилган  $A^3$  ва  $A^4$  матрицалардан фойдаланиши мумкин.

**Изох 3:** Аслида  $S$  майдон чегараси эгри чизиқли бўлади. Мос компьютер дастури воситасида  $S$  майдонни ички қисми бирламчи вариантда  $s_j$  катталиқдаги тўғри бурчаклар билан қопланганидан кейин реал вазиятнинг таҳлили асосида бўш қолган соҳаларни дастур воситасида мос келувчи элементар  $(i,j)$  майдончалар билан тўлдириб чиқиш мумкин.

Юқорида келтирилган алгоритмга мос бўлган C++ тилида программа ёзилган ва тегишли маълумотлар асосида таклиф қилинган ёндашув қониқарли даражада адекватлиги тасдиқланган.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. I, II-китоб. – Т.: Молия, 2002, 2003.
2. Шодмонов Ш., Жўраев Т., «Иқтисодиёт назарияси» маъруза матнлари. - Т.: ДИТАР, 2000.
3. Федосеев В.В., Гармош А. и др. Экономико-математические методы и прикладные модели. Учебное пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ, 2002.
4. Самарский А. А., Михайлов А. П. Математическое моделирование: Идеи. Методы. Примеры. – 2-е изд. - М.: Физматлит, 2001.
5. Моисеев Н.Н. Математические задачи системного анализа. – М.: Наука, 1981.
6. Jacoby S.L.S, Kowalik J.S. Mathematical Modelling with Computers. – Englewood Cliffs, N.J.: Prentice Hall, Inc., 1980.
7. [www.center.neic.nsk.su/page\\_rus/bmodel.html](http://www.center.neic.nsk.su/page_rus/bmodel.html).

**Абдуллаев С.И., Жанкабилов И.Х., Назаров М.Г.\***

### САКРАЛ ГЕОГРАФИЯ - ЯНГИ ИНТЕГРАЛ ИЛМИЙ ЙЎНАЛИШ

**Аннотация:** мақола сакрал объектларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва ўрганишга бағишланган. Интеграл илмий йўналиш сифатида сакрал географиянинг мақсади ва вазифалари, шаклланиши, ривожланиши ва ҳозирги ҳолати баён этилган

**Калит сўзлар:** сакрал, сакрал объектлар, сакрал ландшафт, сакрал география

**Сакральная география – новое интегральное научное направление**

**Аннотация:** статья посвящена изучению и выявлению особенностей сакральных объектов. Изложены этапы становления, развития и современное состояние, предмет и задачи сакральной географии как интегрального научного направления.

**Ключевые слова:** сакральные объекты, сакральные ландшафты, сакральная география

**Sacred geography - a new integral scientific direction**

**Abstract:** the article is dedicated to the study and identification of the features of sacral objects. It sets out the formation, development and current state of the object and purposes of sacred geography as an integral scientific direction.

---

\* Абдуллаев С.И. - Қарши давлат университети география кафедраси доценти,  
Жанкабилов И.Х. - Қарши давлат университети география кафедраси к.ўк., г.ф.н,  
Назаров М.Г. - Қарши давлат университети география кафедраси ўқитувчиси.

**Key words:** *Sacral, Sacral objects, Sacral landscape, Sacral geography*

**Кириш.** Жаҳоннинг деярли барча халқларида қадим замонлардан буён муқаддас ва муътабар қадамжолар мақомига эга бўлган объектлар мавжуд. Тарихий жараёнларга ноанъанавий қараш учун илмий муомалага “сакрал” (лот. *sacra* ёки *sakra* - муқаддас, табаррук, ибодат, сиғиниш, маросим, илоҳий, сирли) тушунчаси киритилган. Кенг маънода “сакрал” – одатдаги (профан) нарсалардан, тушунчалардан, ходисалардан фарқ қиладиган, динга, илоҳиётга, мантикий билиб бўлмайдиган (иррационал), ғайритаббий кучларга (мистика, тасаввуф) алоқадор барча нарсаларни англатади. Инсоннинг илмий-назарий ва амалий фаолиятини унинг руҳий-маънавий ҳолати, эҳтиёжлари ва уларни қондириш каби муҳим аҳамиятга эга бўлган жиҳатларини сакрал илмий ёндашувдан фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ва сакрал-географик билимларнинг шаклланиши мисолида ўрганиш мақсадга мувофиқ.

**Мақоланинг мақсади ва вазифалари.** Сўнги йилларда турли табиий ва гуманитар фанлар туташувида илмий изланишнинг кўпгина янги йўналишлари шаклланимоқда. Бундай илмий йўналишларга нисбатан яқинда шаклланиган, инсоннинг онги туфайли (мавжуд ёки тасаввурда) вужудга келган географик объектларни ўрганадиган сакрал география ҳам мансуб. Мазкур мақолада сакрал географиянинг вужудга келиши, ривожланиши, предмети ва вазифалари тўғрисида сўз юритилади.

**Асосий қисм.** Сакраллик тушунчаси қадимдан мавжуд. Бу тушунча Ерда оқил инсоннинг мавжудлиги билан чамбарчас боғлиқ. Сакрал тасаввурлар макро- ва микрокосм бирлигини излаб топиш мақсадида жуда қадим даврлардаёқ вужудга келган. Аждодларимизнинг онги муқаддас ландшафт, “куч жойи” олдида сажда қилишдан оламни бир бутун тушунишга томон тадрижий ривожланди. Табиат билан ҳамжиҳатликда яшаган инсон табиат ходисаларини илоҳийлаштирган, унга сиғина бошлаган, турли маросимлар ўткази бошлаган ва шунда сайёрамизда энергетик жиҳатдан аҳамиятли сакрал жойлар юзага келган. Айрим сакрал жойлар хусусиятларининг сабаблари ҳозирги пайтга қадар олимлар томонидан ўз изоҳини топганича йўқ. Уларнинг вужудга келиши ва қай мақсадда бунёд қилинганлиги тўғрисида фақат гипотеза ва афсоналар фикр юритишга имкон беради (Пасха оролларнинг бутлари, скандинавияликлар ривоятидаги Аскард худолар–асларнинг осмон шаҳри, Наска чўлидаги расмлар, Англиядаги Стоунхенж улкан тош бўлақлари ва б.). Улар илоҳий куч иродаси билан бирор-бир ҳодиса содир бўлган жойлар, барча замонлар ва кўлларнинг буюк авлиёлари ва уларнинг сафдошлари дафн қилинган жойлар, йўқолган динларнинг муқаддас жойлари, кўп йиллик зиёратгоҳлар ва зоҳидлик (тарки дунёчилик) объектлари, шунингдек, куч жойлари деб аталмиш жойларда табиатнинг кўринмас кучлари яратган уникал ландшафтлардир. Сакрал объектлар айрим халқлар томонидан ҳам, алоҳида шахс (индивид) томонидан ҳам қадрланадиган муқаддас жойлардир.

Диндор (художўй) кишилар табаррук деб ҳисоблайдиган ва сиғинадиган жойлар муқаддас жойлар (қадамжолар) дейилади. Жаҳоннинг деярли барча халқларида қадим замонлардан буён муқаддас ва муътабар қадамжолар мақомига эга бўлган объектлар мавжуд. Уларга бунёд қилинган зиёратгоҳлар (диний меъморий объектлар, қабристонлар, ибодат жойлари, эҳромлар, биноларнинг харобалари)дан ташқари кўплаб табиий объектлар - тоғлар, дарахтзорлар, ғорлар, чўлдаги белгилар, сув хавзалари (булоқлар, кўллар, дарёлар), ҳатто айрим дарахтлар ва тошлар ҳам мансуб. Диний жиҳатдан эъзозланадиган муқаддас жойлар ва объектлар мажмуаси халқ қадимий маданиятининг муҳим қисми бўлиб, бундай объектлар сакрал ландшафтлар деб ном олган. Улар муқаддас тарих рамзи бўлиб, сайёрамизнинг одамлар яшайдиган барча ҳудудларидаги маданий, тарихий ландшафтнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Ҳар бир ҳудуднинг маданий ландшафти маданий ва табиий мерос аҳамиятига эга бўлган объект сифатида уникал қийматга эга. Маданий ландшафт – табиат ва инсоннинг

тадрижий ўзаро таъсири, унинг социал-маданий ва хўжалик фаолияти натижасида шаклланган, табиий ва маданий компонентларнинг ўзига хос барқарор компонентларидан ташкил топган ҳамда барқарор ўзаро алоқа ва ўзаро тақозада бўладиган табиий-маданий ҳудудий комплекс. Маданият типига, шунингдек, социал-маданий ва хўжалик фаолиятининг сажиясига боғлиқ ҳолда, жойни маданий ўзлаштиришнинг турлари ва шунга мос ҳолда маданий ландшафтлар, шу жумладан сакрал ландшафтлар шаклланади. Сакрал ландшафтларга маданий қадрияти муқаддас (илоҳий) деб ҳисобланадиган ва қадрлаш (культ) мақсадининг мавжудлиги билан белгиланадиган барча ҳудудий комплекслар киритилади. Маданий ландшафт доирасидаги диний маросимлар (удумлар, расм-русумлар) ўтказиладиган жойлар барча муқаддас ва табаррук жойлар сакрал ландшафтлардир. Улар муайян диний культларни ўтказиш, диний амалларнинг ривожланиши, ибодат маросимларини бажариш туфайли шаклланган ва шу мақсадлар учун мўлжалланган. Фаолиятнинг бу турларининг таъсири нуқтали сакрал жойларнинг мавжудлиги билан чекланади ва бутун комплексни банд этмайди. Бошқа ҳолларда сакрал ландшафт сакрал жойга ўхшаш (Sacred Site) ёки сакрал жойлар бундай ландшафтнинг семантик марказлари бўлиб хизмат қилиши мумкин. Маданий ландшафтан фарқ қилган ҳолда сакрал жой ҳудудий комплекс бўлмаслиги ҳам мумкин ва у сакрал функцияга эга бўлган тош, дарахт, булоқ ва бошқа нуқтасимон объектлар бўлиши мумкин. Бутун географик ҳудудни – тоғни, водийни, дарахтзорни, оролларни, кўллари ва бошқа шунга ўхшашлар сакрал жойларни қамраб олган сакрал ландшафтларга айнан ўхшашдир. Маданий ландшафтнинг семантик майдонининг асосий нуқталари бўлган сакрал жойлар одатда культ амалларининг ва диний фаолликнинг марказларидан иборат бўлади ва улар бутун ландшафт ривожланишини ва унинг морфологик хусусиятларини белгилайди (Кулешова, 2009; Лавренова, 2003).

Сакрал ландшафтлар диний (илоҳий) функцияни бажарадиган табиий-антропоген геосистемалар бўлиб, улар биринчи навбатда инсониятнинг диний эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган, шунингдек, аҳолининг муайян тоифасига мансуб кишиларнинг бундай жойлар билан муносабатда бўлишга интилишига сабаб бўладиган зиёрат қилинадиган объектлардир. Ҳудудий ҳосилаларнинг бундай тоифаси инсоният ривожланишининг ҳар бир босқичида бўлган ”муқаддас жойлар” тушунчасига тўғри келади ва ҳозирги барча динларнинг мухлислари (тарафдорлари) учун мавжуд.

Сайёрамиздаги бундай меросларни ўрганиш ва асраш билан сакрал география (сакральная география, *sacral geography*) шуғуллана бошлади. Муқаддас деб ҳисобланадиган барча жойлар ва нарсалар мавжуд бўлган ландшафтларни ўрганадиган сакрал география секин-аста тадқиқотнинг алоҳида соҳасига айланмоқда ва унга доир тадқиқотлар долзарблашиб бормоқда. Сакрал география – Ер юзасидаги муқаддаслик тоифасидаги муайян объектларнинг ўзаро муносабатини аниқлаш тўғрисидаги билимлар тизими бўлиб, у маконий тасаввурларнинг айрим турларини – диний тизимлардаги маконий тасаввурлар шаклланишининг қонуниятларини ўрганади. Сакрал географияда Ернинг бир хил эмаслиги – “оламнинг маркази”, “маконнинг ўқлари” ва “сакрал зоналар”нинг мавжудлиги тўғрисида сўз юритилади.

Сакрал география турли халқлар ва динларнинг кишилари муқаддас деб ҳисоблайдиган жойлар ва нарсалар мавжуд бўлган сакрал ландшафтларни ўрганиш билан шуғулланади.

Сакрал география табиий, маданий ва тарихий мероснинг алоҳида эъзозланадиган ва муқаддас объектлари тўғрисидаги тарихий-диний билимлар тизимини ўрганадиган фан бўлиб, унда бундай объектларининг ҳар хил турлари, уларнинг жойланиши, пайдо бўлиш тарихи ва халқлар ҳаётидаги аҳамияти, шунингдек улар билан боғлиқ диний-маросим амалларининг тизими ўрганилади.

О.А.Лавренованинг таърифлашича (2003), сакрал география атроф муҳитнинг белги сифатида намоён бўладиган географик объектлар ёки маданий ландшафтнинг элементлари ва уларни кўрсатадиган архитиплар, трансцедент тушунчалар, категориялар ва уларга мос бўлган символарнинг белгилар тизимига айланишини англатади.

Фалсафий – илмий ёндашувларнинг таҳлили ва синтези асосида сакрал география конкрет тарихий ва географик маконда борлиқнинг муқаддас-анъанавий намоён бўлишини ўрганади; сакрал географиянинг умумий объекти ягона сакрал маконнинг таркибий қисми сифатидаги географик қобикдир. Турли кучлар ва уларга мос келадиган жараёнлар, ходисалар ва рухий-маънавий ва ахборот-энергетик сажиядаги муқаддас объектлар сакрал географик тадқиқотнинг предметли ўзига хослигидир (Шуканов, 2012).

Диний ҳаётни ва фаолиятни, умуман олганда, диний соҳани ҳудудий уюштириш сакрал географиянинг предметида. Бундай уюштиришнинг геомаконий шакллари, хусусан, уларнинг мифологияси, мазмуни, генезиси, динамикаси, шаклланишининг омиллари ва қонунлари тадқиқотнинг аниқ реал объектларидир. География фанлари тизимида ривожланаётган сакрал географиянинг вазифаларига муқаддас, алоҳида кадрланадиган жойларни, кишиларнинг муайян ҳамжамияти назарида илоҳий аҳамият касб этадиган диний ёдгорликларни, муайян ҳудудда (мамлакатда) диний вазиятнинг шаклланишини тарихий-географик жиҳатларини, маконий тасаввурларнинг айрим турларини (системаларини) – диний тизимларидаги тасаввурлар шаклланишининг қонуниятларини ўрганиш киради. Диний ҳаётни ва фаолиятни, умуман диний жабҳани ҳудудий ташкил этиш сакрал географиянинг предметини ташкил этади. Сакрал географиянинг муҳим илмий вазифаларини ҳудудий сакрал системалар (ХСС) ривожланиши ва геомаконий уюштириш омилларининг тизимини асослаш, уларнинг шаклланиши, тузилмаси ва мослигининг қонунлари ва қонуниятларини очиқ бериш ва асослаш, тушунчалар-терминологик аппаратни ишлаб чиқиш ташкил этади. Бу шаклларнинг мазмунини ҳудудий сакрал системалар белгилайди (Шаблий, Висотак, 1993).

Сакрал географиянинг вазифалари жумласига, шунингдек, ички зиёрат ва билиш туризмини ривожлантириш, ватанпарварликни тарбиялаш, кишиларнинг саломатлигини ва маънавий ҳаётини яхшилаш киради. Шунингдек, унинг муҳим вазифаларидан бири - ҳар бир мамлакатдаги диний вазиятни шакллантиришнинг географик жиҳатларини ўрганишдан иборат.

Юқорида таъкидланганидек, сакрал география макро- ва микрокосм бирлигини излаб топиш мақсадида жуда қадимдаёқ юзага келган. Географик тадқиқотлар оламнинг табиий-илмий тасвирининг муҳим элементи бўлиб, географиянинг ва умуман фаннинг ҳар бир босқичида тадқиқотнинг турли методлари ва оламни билишнинг методологик ориентирдир. Шундай ёндашувлардан бири географик тадқиқотларни сакрал фани ривожланиши билан қўшиб (биргаликда) олиб боришни тақазо этади. Унинг таркибий қисми тарихан сакрал география бўлиб, субъект ва муқаддас объект ўзаро алоқаси нуқтаи назаридан маконнинг турлича намоён бўлишининг идрок этилишини акс эттиради.

Диний ҳаётнинг географик жиҳатларини ўрганиш мамлакатшунослик бўйича тадқиқотлар каби жуда қадимий бўлиб, Страбон ва Геродот даврларига бориб тақалади. Ҳозирги кунда сакрал географик тадқиқотларнинг самарали ривожланишини тизимли ёндашув асосида амалга ошириш зарур. Бу география фанларининг оламнинг умумий илмий тасвирини шакллантириш тизимидаги интеграцион салоҳиятидан фойдаланишга имкон беради.

Географиянинг йўналишларидан бири бўлган сакрал географиянинг ўрни диннинг жамиятдаги роли билан белгиланади. Сакрал географияга доир ёзилган ишларнинг кўпида, у мазмунига кўра, батамом культурологик соҳа бўлиб, бадиий ижодий, диний санъат ва диний фалсафа, маданий тарихий тадқиқотларни синтез қилади. Зеро, диннинг

Ўзи инсоният маънавий маданиятнинг энг муҳим жабҳаларидан бири ҳисобланади, унинг мавжудлиги (фаолияти) – бу даставвал сакрал хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмоли билан боғлиқ. Шу сабабли фаннинг бу тармоғи маданий география ва хизмат кўрсатиш географияси оралиғида туради.

Собиқ Иттифокда сакрал география бўйича тадқиқотлар ўтказиш идеологик жиҳатдан зарарли деб ҳисобланар эди. Режим тугагач, диннинг ва барча мустақил мамлакатлар аҳолиси динийлигининг қайта тикланиши бошланди. Дин русмга кирди. Диний вазиятдаги, аҳолининг диний ҳаёти ва культ фаолиятидаги миқдор ва сифат ўзгаришлари кўпгина фанлар ва, шу жумладан, география тизимида диний география ёки сакрал географиянинг ривожланиши учун шароитлар мавжуд бўлган география томонидан ҳам англаб етишни талаб қилади.

Ҳозирги пайтда МДХ мамлакатларида - Беларус, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, айниқса, Россия ва Украинада сакрал географияга ва муқаддас жойларга зиёрат қилишга (диний туризмга) қизиқиш кучайган ва бу соҳада тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудида ҳам сакрал жойлар анчагина. Шу сабабли сакрал география бўйича тадқиқотлар ўтказиш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Муқаддас жойлар турли динларга эътиқод қилувчи ҳамма халқларда, кўпгина шаҳар ва мамлакатларда бор. Булар – пайғамбар, шайх, эшон, авлиёлар номи билан боғлиқ ҳисобланган ва зиёратгоҳга айланиб кетган шаҳар, мақбара, чашма, тепалик, ғор ва бошқалардир (ЎЗМЭ, 2003; Сакральная география..., 2005). Ислонда Макка ва Мадина, шиаларда, шунингдек, Карбало ва Нажаф шаҳарлари умумий муқаддас жойлар ҳисобланади ва зиёрат қилинади. Мусулмонлар учун аҳамият касб этадиган зиёратгоҳлар Шарқнинг кўпгина мамлакатларида, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам мавжуд. Ўзбекистонда дунё динларининг бевосита асосчилари ва уларнинг ҳаёти билан боғлиқ жойлар йўқ, аммо халқаро ва ҳатто умумжаҳон, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган юзлаб сакрал жойлар бор. Мамлакатимиздаги кишилар зиёрат қиладиган муқаддас ва табаррук диний жойлар айна пайтда табиат ва маданият феноменларидир. Уларга Абу Мансур Мотуридий, Имом Бухорий, Бурхониддин Марғинович, Исо ва Ҳаким Термизийлар, Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад Қафқол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳрор Валий ва бошқа мусулмон динининг раҳнамолари дафн этилган жойларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Юзлаб зиёратгоҳлар халқимизнинг тарихий-маданий обидалари сифатида сақланиб келинаётир. Бу зиёратгоҳлар бугун нафақат юртимиз, балки, бутун дунё мусулмонларининг муқаддас қадамжолари ҳисобланади. Шунингдек, мамлакатимиз ҳудудида сакрал аҳамиятга эга бўлган юзлаб маҳаллий табиий объектлар (булоқлар, тошлар, қўллар, дарахтлар ва б.) мавжуд. Аммо, уларнинг барчаси тўлиқ рўйхатга олинмаган, хусусиятлари илмий жиҳатдан ўрганилмаган, хариталари тузилмаган. Шу сабабли Ўзбекистон сакрал географиясига доир масалаларни ўрганиш бугунги куннинг муҳим ва долзарб илмий - амалий аҳамиятга эга бўлган масаласидир.

**Хулоса.** Шундай қилиб, сакрал география - географиянинг бошқа фанлар билан туташувида шаклланган янги интеграл илмий йўналиш бўлиб, у фан сифатида географик қобикдаги диний нуктаи назардан муқаддас ҳисобланадиган табиий-антропоген географик объектларни тадқиқ қилади. Бу объектлар маданий ландшафтларнинг таркибий қисми бўлиб, ҳудудий сакрал системаларни ҳосил қилади. Сакрал географик тадқиқотлар ички ва ташқи зиёратчилик туризмини ривожлантиришда, сирли ва муъжизакор табиий сакрал объектларнинг хусусиятларини ўрганишда, улардан турли мақсадларда фойдаланишда ва уларни табиий–диний мерос сифатида муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд. - Т., 2003.

2. Лавренова О.А. Культурный ландшафт: от Земли к Космосу // Биосфера. Электронный научный журнал. – 2003. - № 2. Режим доступа: <http://www.ihst.ru/~biosphere /03-2/Lavren.htm>].
3. Сакральная география. Энциклопедия мест силы и святилищ. - Екатеринбург, 2005.
4. Шаблей О.И., Висотак А.И. Сакральная география: становление и проблемы развития. // Проблемы организации общества. -Пермь, 1993.
5. Шуканов П., Шуканова А. Сакрально-научови основи освитного процессу / Имидж сучасного педагога. – Полтава, 2012. - № 3 (122).

**Эгамбердиева У.Т.\***

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ЕНГИЛ САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

***Аннотация:** Мақолада Ўзбекистонда енгил саноатни ривожлантириш истиқболларига оид маълумотлар таҳлил этилади.*

***Калит сўзлар:** енгил саноат, индустрия, тўқимачилик, тикувчилик, трикотаж, пояфзал, экспорт, импорт, ихтисослашув, комбинациялашув, модернизация, диверсификация.*

### **Перспективы развития легкой промышленности в Узбекистане**

***Аннотация:** В статье проводится анализ материалов о перспективе развития легкой промышленности Узбекистана.*

***Ключевые слова:** легкая промышленность, индустрия, хлопчатобумажная, швейная, трикотажная, обувная, экспорт, импорт, специализация, комбинация, модернизация, диверсификация.*

### **Development Perspectives of light industry in Uzbekistan**

***Abstract:** In the article analysis of the development perspectives of light industry in Uzbekistan is given.*

***Keywords:** light industry, industry, spinning, clothing industry, knitted fabric, shoes making, export, import, specialization, combining, modernization, diversification.*

**Кириш.** Ўзбекистон ихтисодиётининг асосий тармоқларидан бири бўлган енгил саноат қадимий тармоқлардан бўлиб, бой тарихга эга. Буюк ипак йўли гуллаган даврда бежирим ва дабдабали ўзбек матолари - атлас, беқасам, адрас ва бошқалар Европа ҳамда Осиё мамлакатларига олиб чиқилган, у ерларда катта талабга ва обрўга эга бўлган. Енгил саноат дастлаб мануфактура шаклида амалга оширилиб, сўнгра у йирик саноат индустриясига айланган, саноат инқилобига туртки бўлган [1].

Енгил саноат кенг истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи тармоқ ҳисобланади. Унинг маҳсулоти арзон, ишлаб чиқариш жараёнлари катта капитал маблағ талаб қилмайди. Аммо унинг маҳсулотларига бўлган талаб даражаси бошқа тармоқларга нисбатан анча катта ва ранг баранг. Енгил саноатга хос хусусият-маҳсулотлар меҳнат сиғими юқорилиги ва хом ашё базасининг катталиги (*ўсимлик ва ҳайвонот маҳсулотлари, шунингдек, кимёвий толалар*) ҳисобланади.

Енгил саноатнинг жадал ривожланиши ва ҳудудий оқилона жойлашувига хом ашё, истеъмол ва меҳнат ресурслари омиллари ўз таъсирини кўрсатади.

Енгил саноат ўз таркибига тўқимачилик, тикув, трикотаж, пояфзал каби тармоқларни олади. Тўқимачилик енгил саноатнинг асосини ташкил қилади. Ўзбекистонда тўқимачиликни ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд: хом ашё (пахта хом ашёси, жун, пилла) базаси кенг, меҳнат ресурслари бой, ўсиб бораётган аҳолининг эҳтиёжи ҳам юқори. Мазкур саноат тармоғида ишлаш учун маҳаллий халқ бой тажриба ва меҳнат малакасига эга [1]. Шу боис, айтиш мумкинки, миллий ва минтақалар

иктисодётини ривожлантиришда тўқимачилик саноатининг ўрни катта. Жаҳоннинг етакчи индустриал мамлакатларининг ривожланиши асосан айнан шу тармоқ билан боғлиқ бўлган.

**Асосий қисм.** Иттифоқ даврида енгил саноатдаги вазият ўзига хос бўлиб, пахта толаси бошқа республикаларга хом ашё сифатида олиб кетиларди. Республика пахтадан олинадиган фойда ва уни қайта ишлашнинг техник базасини ривожлантириш имкониятларидан маҳрум эди. Мустақиллик бу соҳада туб ўзгаришларни амалга ошириш имкониятларини яратди. Республика ташқи бозорга нафақат хом ашё, балки ундан олинадиган тайёр маҳсулотларни сотишни йўлга қўйди.

Натижада, биринчидан, мамлакатнинг ЯИМи ва енгил саноатдан олинадиган соф фойда даражаси ортди, иккинчидан, соҳанинг ривожланиши янги иш жойларини яратишни рағбатлантирди. Ишсизлик муаммосининг ҳал бўлиши учун мустаҳкам замин яратди. Миллий экспортни хом ашёдан тайёр маҳсулотлар экспортига йўналтирилганлиги енгил саноат тармоғини ривожлантиришнинг янги, истиқболли стратегиясини белгилаб берди. Бу эса ўз навбатида соҳанинг ривожланиши билан боғлиқ долзарб вазифаларни тез ва қисқа вақтда ечишни муҳим вазифа сифатида илгари сурди. Чунки, 90-йилларда енгил саноат маънавий жиҳатдан эскирган ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини бермайдиган техникалар билан жиҳозланган эди. Корхоналарда ўрнатилган технологик жиҳозлар замон талабларига жавоб бермасди. Ишлаб чиқаришда 973,3 минг урчуқ мавжуд бўлиб, улар тахминан республикада ишлаб чиқарилаётган 10 фоиз пахта толасини қайта ишлаш имкониятини берарди. Маҳсулот экспорти ҳажми эса 7,7 млн. АҚШ долларидан ортмасди [2].

Енгил саноат корхоналари 1994 йилдан бошлаб экспортга маҳсулот чиқара бошлади. 1994 - 2015 йиллар мобайнида экспортга маҳсулотлар чиқариш ҳажми деярли 10 баробарга ортди. Бугун тармоқ кенг экспорт ассортиментига эга (калава ипдан тортиб то тикувчилик ва трикотаж буюмларигача) маҳсулотлар ишлаб чиқаради. «Ўзбекенгилсаноат» ДХЖ корхоналари эса ўзининг хорижий мамлакатларидаги иштирокини янада кенгайтириб бормоқда. Бунинг исботи сифатида 2015 йилда тармоқнинг экспорт кўрсаткичларини 1 млрд доллардан ва экспортёр корхоналар миқдорини 260 тадан ортишини мисол келтириш мумкин. Улар экспорти таркибида янги тўқимачилик маҳсулотлари: бамбук, модал ва аралаш иплар, жаккардали ва рингель матолар, янги тур, моделдаги, ўзига хос кўриниш ҳамда бежирилликка эга тайёр тикувчилик ва трикотаж буюмлари мавжуд. 2015 йил якунларига кўра экспорт таркибида юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотлар ҳиссаси 32,2 фоизни ташкил этди [1].

Ҳозирги вақтда, енгил саноат республика саноати ишлаб чиқариш фондларининг 8,5, ялпи маҳсулотининг 13,0 фоизини ташкил қилади. Маҳсулот ҳажмига кўра, ёқилғи, металлургия ва машинасозликдан кейинги 4-чи ўринда туради. Енгил саноатнинг ўрни, айниқса, саноатда банд бўлган ишчи-ходимлар сони бўйича катта – 20,5 % [1].

Мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал суръатда ўсишида енгил саноат, айниқса, тўқимачилик тармоғи алоҳида ўрин тутди. Ҳозирда юртимиз ишлаб чиқарувчилари учун тақдим этилаётган имтиёз ва преференциялар қисқа вақт ичида республикамизда нафақат ип, газлама ва трикотаж полотно, балки тикувчилик-трикотаж саноати учун жаҳон стандартларига жавоб берадиган ҳамда хорижий маҳсулотлар билан бемалол рақобатлаша оладиган тайёр трикотаж буюмлари, шунингдек, ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини бермоқда.

Мазкур йўналишда давлатимиз томонидан яратиб берилган кенг имкониятлар мустаҳкам асос бўлмоқда. Агар 1991 йилда мамлакатимизда пахта толасини қайта ишлаш ҳажми 7 фоиздан ошмаган бўлса, 2014 йилга келиб, бу кўрсаткич 44 фоизни ташкил этмоқда. «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси 2021 йилгача пахта толасини маҳаллий қайта ишлашни 70 фоизга етказишни режалаштирмоқда [6]. Пахта

толасини қайта ишлаш даражасининг ортиб бориши, тармоқнинг экспорт салоҳиятини 130 баробар ошириш, 2016 йил якуни бўйича экспорт ҳажмини 1 миллиард АҚШ доллардан орттириш имкониятини беради.

Енгил саноат корхоналарини техник жиҳатдан модернизация қилиш, тармоққа инвестиция жалб этишни кенгайтириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатни кучайтириш, соҳани ривожлантиришнинг яқин, ўрта ва истиқболдаги йўналишлари концепцияси ишлаб чиқилди. Концепция «Ўзбекенгилсаноат» ДАК, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Унга асосан Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотлари экспортини 800 миллион доллардан 1,5 миллиард долларгача кўпайтиради. Унга кўра ип ишлаб чиқаришни икки баробардан зиёд ва тайёрланаётган ип-газлама ҳажмини қарийб уч баробар ошириш режалаштирилган.

Ўзбекенгилсаноат ДАК 2015—2020 йилларда енгил саноатни ривожлантириш концепциясига мувофиқ, пахта толасини маҳаллий қайта ишлашни кўпайтириш ва унинг экспортини қисқартиришга тахминан 1 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни йўналтиради [6].

Концепцияга кўра, 2020 йилда тармоқда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,97 трлн. сўмдан ортади. Калава ип ишлаб чиқариш ҳажми 218,3 минг тоннадан 562,8 минг тоннага, ип газламалар ишлаб чиқариш 120 млн. кв. метрдан, 340 млн. кв. метрга, трикотаж полотноси ишлаб чиқариш 40,6 минг тоннадан 110,5 минг тоннага, трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш 138,6 млн. донадан 296 млн. донага, тикувчилик буюмлари 6,1 млн. донадан 20,1 млн. донага ортади [3].

Фикримизча, республикада пахта толасини қайта ишлаш даражасининг ортиши жаҳон бозорида пахта толасидан фойдаланиш балансининг қайта тақсимланишига олиб келади ва бу:

– тўқимачилик саноати асосий ишлаб чиқаришлари Ўзбекистонда кўпайишини рағбатлантиришга ва республикага қўшимча инвестициялар жалб этилишига;

– тармоққа кўплаб капитал қўйилмаларнинг жалб этилишига ва ўзлаштирилишига олиб келади, бу республикада тўқимачилик машинасозлигини ривожлантиришга замин яратади, чунки эҳтиёт қисмларга, бутловчи узеллар ва деталларга бўлган ҳар йилги эҳтиёж бир маромда ортиб боради;

– жаҳон бозорида рақобатга бардошли бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда тўқимачилик саноатининг бўёқлар, синтетик толалар ва бошқа ёрдамчи материалларга эҳтиёжи республикада кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун асос бўлади;

Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ва узоқ хорижий мамлакатлар бозорларида тўқимачилик саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича устун мавқени эгаллайди

Дастур маҳаллий корхоналарнинг ва хорижий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестициялари, шунингдек, банklar кредитлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Енгил саноатда ишлаб чиқариш мужассамлашуви пасайиб, ихтисослашув ва комбинатлашув кучайиб бормоқда. Йирик саноат корхоналари ўрнини кичик, замонавий технология билан жиҳозланган кўшма корхоналар эгалламоқда. Шу билан бирга, мазкур саноат тармоғини ривожлантириш ва ҳудудий ташкил этишда айрим муаммолар ҳам мавжуд. Республикада олиб борилаётган саноатлаштириш, саноат ишлаб чиқаришини диверсификация қилиш ва модернизациялаш ҳамда маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш жараёнида бу муаммолар босқичма-босқич ҳал этилиб борилади [1].

**Хулоса.** Қуйидагилар яқин истиқболда енгил саноатни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳисобланади [2]:



– мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб ип-газлама маҳсулотларини аҳоли, иқтисодиётнинг асосий тармоқлари ва соҳалари, мудофаа ва тўқимачилик маҳсулотлари экспортчилари эҳтиёжларини қондириш имконини берадиган ҳажмларда ишлаб чиқаришни таъминлаш;

– тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарини техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштиришни амалга ошириш, маҳаллий хом ашё-пахта толасини чуқур қайта ишлашни кўпайтиришни таъминлайдиган янги, юқори самарали технологияларни жорий этиш;

– маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва унинг турларини кенгайтириш, унинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлилигини ошириш, тармоқнинг экспорт салоҳиятини анча ўстириш;

– тармоқда янги иш ўринлари яратиш, экология жиҳатидан хавфсиз ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, тўқимачилик ва енгил саноат ходимларининг таълим даражасини ва махсус билимларини ошириш;

– ўзаро боғлиқ тармоқлар, шу жумладан кичик бизнесни ривожлантириш учун моддий-техник базани шакллантириш;

– ишлаб чиқаришларни маҳаллийлаштиришни ривожлантиришда енгил саноатнинг тўқимачилик, трикотаж ва тикувчилик тармоқлари корхоналарини кооперациялашга кўмаклашиш, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва улардан фойдаланишга, маҳаллий капитал қўйилмаларни ва хорижий инвестицияларни ўзлаштиришга кўмаклашувчи хўжалик фаолиятини амалга ошириш;

– тармоқда иқтисодий ислохотлар жараёнларини чуқурлаштириш, корхоналарни кенг кўламда акциялаштириш, Давлат акциядорлик компанияси таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари ва корхоналарини бошқаришда, уларнинг фаоллигини оширишда қатнашиш, умумий манфаатларга риоя этиш ва тармоқни сифатли таркибий қайта ўзгартириш жараёнларини жадаллаштириш устидан ягона назоратни амалга ошириш;

– пахта толасини қайта ишлаш, корхоналарни зарур материаллар, техника ресурслари билан таъминлаш, тайёр маҳсулотни экспортга сотиш соҳасида кооперациялашнинг янги ташкилий шаклларини ривожлантириш;

– аҳоли эҳтиёжлари ва талабини шакллантиришнинг ижтимоий аспектларини ишлаб чиқиш, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, аҳоли эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш масалаларини ҳал этишда саноат ва савдонинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

– тўқимачилик саноати маҳсулотларини кўрғазма, реклама, маркетинг фаолиятини самарали амалга оширишни таъминловчи ихтисослаштирилган тузилмалар орқали ҳам ички бозорга, ҳам хорижий мамлакатлар бозорларига фаол киритиш ва бошқалар.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Солиев А.С. Ўзбекистон ижтимоий ва иқтисодий географияси. – Т., 2014.
2. [http://nrm.uz/contentf?doc... ilova\)&products=1\\_zakonodatelstvo\\_ruz](http://nrm.uz/contentf?doc... ilova)&products=1_zakonodatelstvo_ruz)
3. <http://podrobno.uz/cat/economic/koncepciya-razviriya-legkoi-promishlen-nosti/>
4. <http://qwasru.com/uz/uzlidep/Engil-sanoatning-juki-engillashgani-i-1179/>
5. <http://turkistonpress.uz/article/11166>
6. <https://daryo.uz/k/2014/09/07/ozbekistonda-paxtani-qayta-ishlash-hajmini-kopaytirishga-1-mlrd-dollar-yonaltiriladi>.

**Намозов Ж.А.\***

## **САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИ ВА УЛАРНИНГ ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ДИНАМИКАСИ**

***Аннотация.** Мақолада Самарқанд вилоятида фермер хўжаликлари фаолиятининг ҳозирги ҳолати, улар ривожланишининг баъзи жиҳатлари баён этилган. Хўжаликларга бириктирилган ер ресурсларининг ҳудудий хусусиятлари, шунингдек, ҳар бир хўжаликка тўғри келувчи ўртача ер майдони туманлар бўйича таҳлил қилинган.*

***Калим сўзлар:** Хусусийлаштириш, қишлоқ хўжалиги, Самарқанд вилояти, фермер хўжаликлари, сектор, минтақа, оптималлаштириш, туманлар.*

### **Деятельность фермерских хозяйств в Самаркандской области и динамика их землепользования**

***Аннотация.** В статье оценено нынешнее состояние фермерских хозяйств и отдельные аспекты их развития. Рассмотрены территориальные особенности хозяйств и обеспеченность их земельными ресурсами. Анализ осуществлён в отдельности по каждому хозяйству и по районам в целом.*

***Ключевые слова:** приватизация, сельское хозяйство, Самаркандская область, фермерские хозяйства, сектор, регион, оптимизация, районы.*

### **Activity of farms in Samarkand region and their dynamics of land use**

***Abstract.** In this article evaluated the current state of farms and some aspects of their development. And the most detail the territorial characteristics of farms and to ensure their overall separate land. Analysis implemented separately for each farm and in general areas.*

***Keywords:** Inter alia, agriculture, Samarkand region, farming, agriculture, area, optimization, areas.*

**Кириш.** Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида жуда муҳим ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширила бошланди. Хусусан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, ишлаб чиқаришни хусусийлаштириш, унга эркинлик беришга катта эътибор қаратилди. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги махсулотининг 100 фоизга яқини нодавлат секторида яратилмоқда. Бу борада фермер ва деҳқон хўжаликларининг фаолияти ҳам устувор аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда фермер хўжаликлари 1992-йилдан ташкил этила бошланди. Ўтган давр мобайнида фермер хўжаликлари фаолияти, унинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари, иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича қатор қонун ҳамда республика Президентининг фармонлари қабул қилинди. Айниқса, сўнгги йилларда фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Агробизнес, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мана шу мулкчилик турининг муҳим йўналиши, қишлоқ иқтисодиётининг асосий омили ҳисобланади [1].

Фермер хўжаликлари ва умуман, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳати шундаки, улар асосида алоҳида мулкдорлар синфи, аҳолининг ўрта қатлами шаклланади, янги иш ўринлари яратилиб, халқнинг яшаш шароити ва турмуш даражаси яхшиланади. Шу боис, ҳозирги кунда қишлоқ аҳолиси бандлиги муаммосини ҳал қилиш, энг аввало, шу асосда олиб борилмоқда.

2015 йил 1 январь ҳолатида республикаимизда 79 мингдан зиёд фермер хўжаликлари қайд этилган. Фермер хўжаликларини оптималлаштиришдан олдин, яъни 2005-йилда уларнинг сони 125,7 минг, 2008 йилда эса 218,6 мингга ташкил этган. Фермер хўжаликларига бириктирилган жами ер майдонлари эса, асосан, сўнгги 10 йиллар давомида мунтазам равишда ошириб борилди. Мана шу қисқа давр мобайнида улар

\* Намозов Ж.А. - Ўзбекистон Миллий университети География кафедраси катта илмий ходим изланувчиси.  
E-mail: jurabek.n.a@gmail.com.

майдони 2051,5 минг гектарга кўпайган. Масалан, 2005-йилда бу кўрсаткич 3775,3 минг га бўлган, 2013-йилда 5854,3 минг гектарга етган [2].

Мамлакатимиз фермер ва деҳқон хўжаликлари географиясида маълум тафовутлар мавжуд. Бу фарқлар турли жойлар қишлоқ хўжалигининг ихтисослашуви натижасидир, бу эса, ўз навбатида, табиий географик шароитдан келиб чиқади. Шу билан бирга, хўжаликларнинг у ёки бу турининг ривожланишига демографик вазият, яъни аҳоли сони, уларнинг зичлиги ва миллий таркиби ҳам маълум даражада таъсир кўрсатади [1].

Фермер хўжалиklarининг ҳудудий ташкил этилишида қишлоқ хўжалигининг ривожланганлиги асосий рол ўйнайди. Ушбу жиҳат унинг минтакавий хусусиятларида аниқроқ кўринади. Шунинг учун уларнинг энг кўп сони Самарқанд ва Фарғона вилоятларига мос тушади. Умуман олганда, бу ҳудудлар аҳоли сони бўйича ҳам худди шундай мавқени эгаллайди. Уларга мамлакатимиздаги жами фермер хўжалиklarидан 22,8 фоизи ёки 5 тадан бир қисмидан кўпроғи тўғри келади [1].

**Асосий қисм.** Бошқа вилоятларда бўлганидек, Самарқандда ҳам фермер хўжалиklarи ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Вилоят миқёсида фермер хўжалиklarи сони сўнгги ўн йилларда мунтазам равишда ўзгариб турди. Жумладан, уларнинг миқдори 2006 йил 19471 донага етган бўлса, кейинги 2 йил давомида нақд 7722 тага камайди. 2010 йилга келиб эса фермер хўжалиklarининг умумий сони 8804, яна бир йилдан кейин 7723 тагача камайтирилди, яъни атиги 4 йил мобайнида 60 фоизга қисқартирилди. Бироқ сўнгги 2 йил давомида ушбу секторлар сони яна кўпайтирила бошланди. Фермер хўжалиklar фаолиятини оптималлаштириш жараёнида турли саралаш ишлари олиб борилгач, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари, имкониятлари кўзга ташлана бошлади. Шунинг учун уларнинг сони аввалига анча камайтирилган бўлса-да, кейинчалик оз-оздан кўпайиб борди. 2012 йилда 7929 тага етказилган бўлса, кейинги йили унга қўшимча 429 дона хўжалиklar ташкил қилинди ёки тикланди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2014 йилда минтақа бўйича 525 та фермер хўжалиги ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди, ёки бошқаларига қўшиб юборилди. Энг қизиғи, бир йил олдин бу рақам бор - йўғи 22 га тенг бўлган. Ҳудудлар доирасида Жомбой туманида энг кўп (203 та) қисқариш юз берди, Ургут ҳамда Қўшработ туманларида эса ўзгариш деярли кузатилмади.

*1-жадвал*

**Самарқанд вилояти фермер хўжалиklarи ер фондининг динамикаси (2006-2014 йй.)**

№	Туманлар	Бириктирилган ер майдони		2014 йил 2006 йилга нисбатан (% да)	Бир хўжаликка тўғри келувчи ер майдони		2014 йил 2006 йилги нисбатан (% да)
		2006 й.	2014 й.		2006 й.	2014 й.	
1	Булунғур	42810	37818	88,3	15,4	33,5	217,5
2	Жомбой	23476	31874	135,8	22,8	53,6	235,1
3	Иштихон	43000	41296	96,0	24,9	69,2	277,9
4	Каттақўрғон	39958	61364	153,6	34,3	121,3	353,6
5	Нарпай	12000	29983	249,9	10,6	79,3	748,1
6	Нуробод	35900	79611	221,8	65,0	191,4	294,5
7	Оқдарё	21720	24144	111,2	25,0	42,9	171,6
8	Пастдарғом	45970	56682	123,3	17,9	63,5	354,7
9	Пахтачи	12500	24810	198,5	12,9	69,5	538,8
10	Пайарик	55171	59402	107,7	35,9	89,1	248,2
11	Самарқанд	10925	17572	160,8	11,9	36,4	305,9
12	Тайлоқ	41652	12878	30,9	17,5	18,2	104,0
13	Ургут	7922	31596	398,8	7,6	38,1	501,3
14	Қўшработ	16896	18094	107,1	21,8	67,8	311,0
Вилоят бўйича		409900	527124	128,6	21,1	62,8	297,6

*Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари, 2014.*

Туманлар бўйича ушбу ўзгаришлар (мутлақ ва нисбий кўрсаткичларда) ҳар хил бўлди. Масалан, камайиш энг кўп Тайлоқ туманида кузатилиб, бу ерда 8 йил олдингига нисбатан, нақд 1677 та фермер хўжалиги фаолияти тугатилди ёки бирлаштирилиб юборилди. Эътиборлиси, сўнгги бир йил мобайнида, мазкур ҳудуддаги хўжаликлар сони 661 тага қисқарган эди. Нисбий рақамларда ҳисоблаганда қисқартирилишлар 2006 йилга нисбатан 70 фоизга тенг бўлди. Пастдарғом ҳамда Булунғур туманларида ҳам деярли шу ҳолат юз берди ва бу рақам, мос равишда, 1672 ва 1644 ни ташкил этди. Энг кам ўзгариш вилоятнинг энг йирик тумани Нурободда кузатилди, яъни 560 дан 416 тагача камайди. Ваҳоланки 2012 йилда мазкур ҳудудда бор-йўғи 407 та фермер хўжалиги мавжуд эди. Нарпай (66,6 %) ва Қўшработ (65,6 %) туманларида камайиш кўпроқ кузатилди. Минтақанинг тоғли тумани Ургутда эса ўсиш 2006 йил билан солиштирганда 79,5 фоизни ташкил этди. Умуман олганда, вилоятда қисқаришлар 2011 йилгача давом этиб, бир йиллик жимликдан сўнг, 2012-2013 йилларда фермер хўжаликлари сони яна кўпайтириб борилди. Айрим туманларда (Жомбой, Самарқанд) кескин, баъзиларида (Оқдарё, Нуробод) камроқ ўзгариш содир бўлган бўлса, қолганларининг умумий ҳолатларида деярли бир хиллик кузатилди.

Фермер хўжаликлари ер майдонларини кенгайтириш (асосан улар сонининг қисқартирилиши ҳисобига) ва шу орқали кўпроқ самарадорликка эришиш, оптималлаштиришнинг асосий мақсади ҳисобланади. 2014 йил ҳолати бўйича минтақада 527,4 минг гектар ер аграр соҳанинг ушбу секторига тегишли бўлган [3]. 2006 йил билан солиштирганда у 117,2 минг гектарга кўпайтирилганлигини кузатиш мумкин (1 - жадвал). Ҳудудлар миқёсида фермер хўжаликларига бириктирилган умумий ер майдони бўйича Нуробод тумани анча олдинда (80 минг гектарга яқин). Каттақўрғон туманида ҳам нисбатан каттароқ кўрсаткич қайд этилади (62,4 минг га). Ушбу ҳудудлар ер майдонларида сўнгги йилларда ҳеч қандай ўзгариш кузатилмаган. Туманларнинг фермер хўжаликлари улушидаги ерлари 2006 йилга нисбатан мос равишда 223,6 ва 153,6 фоизга ўсган. Энг кўп ўсиш Нарпай туманида кузатилган (250 %). Тайлоқ туманида эса ўзгариш манфий хусусиятга эга (30 %), яъни 70 фоизга қисқарган. Булунғур (88,3 %) ҳамда Иштихон туманлари (96 %) ер майдонларида ҳам оз бўлсада камайиш ҳолатлари юз берди.

Ҳар бир хўжалик ҳисобига 2006 йил маълумоти бўйича ўртача 21,1 гектар ер тўғри келган бўлса, ҳозирда 62,8 гектарни ташкил этмоқда (1-жадвал). Бундан 2 йил олдин бу кўрсаткич 68,3 бирликка тенг эди. Умуман, сўнгги йилларда бу рақам оз - оздан кўпайиб бораётган эди. 2009 йилда эса икки баробардан ортиқроқ ўсиш кузатилган. Туманлар бўйича эса бошқача ҳолат кўзга ташланади. Майдони йирикроқ бўлган Нуробод туманида ҳар бир хўжаликка тўғри келувчи ер миқдори, табиийки, анча кўпроқ, яъни 191,4 гектар. Кейинги ўринда ҳудуди унча катта бўлмаган Каттақўрғон тумани туради (121,3 га). Бу борада энг паст кўрсаткич майдони энг кичик, аҳоли зичлиги эса энг юқори бўлган Тайлоқ туманида кузатилади (18,2 га). Умумий ҳолатда вилоят бўйича бир хўжаликка тўғри келувчи ерлар миқдори барча туманларда кўпайиб борган. Нарпай туманида бу кўрсаткич 2006 йил билан таққослаганда деярли 7,5 мартага ошган. Бир йил олдин эса ҳаттоки 8,5 баробарни ташкил этган эди. Бундан ташқари, Пахтачи (5,4 марта) ва Ургут туманларида ҳам (5 марта) жуда юқори ўсиш ҳолатлари кузатилган. Тайлоқ туманида эса ўзгариш деярли содир бўлмади (104 %), бироқ 2 йил олдин ўсиш 2006 йилга нисбатан 111 фоизга тенг бўлганди. Таҳлил этилаётган йиллар давомида фермер хўжаликларига ажратилган ерлар кўпчилик туманларда камида 2 баробарга кўпайиб борган. Бироқ аҳоли зичлиги юқори бўлган ҳамда ер ресурслари нисбатан кўпроқ саноат, аҳоли эҳтиёжи ва бошқа соҳаларга ажратилган туманларда фермер хўжаликлари ер майдонлари бирмунча камайтирилган. Шу боис, мазкур ҳудудларда хўжаликлар фаолияти интенсив хусусиятга эга бўлиши, мавжуд ердан унумли фойдаланиш чора - тадбирларини кучайтирилиши табиий ҳолдир.

Фермер хўжаликлари вилоят иқтисодиёти, аниқроғи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ўз ўрнига эга бўлиб бораётган муҳим бўғин ҳисобланади. Ушбу сектор деҳқон хўжаликларига қараганда камроқ маҳсулот тайёрласа ҳам, деҳқончиликда, айниқса пахтачилик ва ғаллачиликда унинг ўрни юқорироқ эканини таъкидлаш зарур. Бинобарин, минтақа жами экин майдонининг 80,6 фоизи фермер хўжаликларига тўғри келгани ҳолда, ялпи умумий маҳсулотнинг 35,0 фоизини улар етказиб беради. Бу хўжалиқлар экин майдонида пахта ва ғаллада яққол, бошқа барча техника ва мойли экинлар ҳамда узумчиликда сезиларли даражада устунликка эга. Пахтанинг 100 фоизи мазкур мулкчилик шаклига тўғри келади. Сабзавот ва полиз экинларида, ем-хашак майдонларида нисбатан камроқ, картошка, шунингдек, гўшт, сут, тухум, жун, пилла етиштиришда, чорва моллари сониде деҳқон хўжаликлари асосий ўринни эгаллайди. Қоракўл терисини тайёрлаш эса қишлоқ хўжалиқ корхоналари ва деҳқон хўжаликлари зиммасидадир.

Аҳолини иш билан таъминлашда фермер хўжалиқларининг ўрни унча юқори эмас. Вилоят миқёсида меҳнатга лаёқатли жами аҳолининг атиги 6 фоизи ушбу хўжалиқларда фаолият юритади. Бошқа томондан эса бу ҳолатни табиий ҳол дейиш мумкин. Жаҳон тажрибасида меҳнат ресурсларининг кўпи билан 5 - 6 фоизи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлиши ижобий ҳисобланади. Бироқ, бунинг учун агросаноат мажмуаси (АСМ) ва унга боғлиқ равишда қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш соҳалари юқори даражада ривожланган бўлиши лозим. Умуман олганда, аграр соҳанинг ушбу секторида аҳоли бандлиги 2013 йилга нисбатан 15 фоизга камайган. Туманлар доирасида ҳудудийлик коэффиценти 23,5 минг кишидан (Ургут) 250 кишигача (Кўшработ) фарқ қилади (94 баробар). Қонуният шундан иборатки, аҳоли зичлиги юқори бўлган ҳамда нисбатан яхшироқ, унумлироқ ер ресурсларига эга бўлган ҳудудларда кўпроқ аҳоли фермер хўжалиқларида фаолият юритади. Бу ерларда аҳоли зичлиги одатда бошқа жойларга қараганда юқорироқ бўлади. Бунга сабаб қилиб, кишиларнинг аввалдан мунтазам равишда асосан анъанавий суғорма деҳқончилик билан шуғулланганлигини келтириб ўтиш мумкин. Шунинг учун нисбий кўрсаткичларнинг ўрни ҳам бу ерда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бошқа томондан ушбу кўрсаткичлар аниқроқ маълумот беради, ҳақиқий ҳолатни кўрсатиб туради. Нисбий кўрсаткичлар минтақанинг барча жойларида деярли бир хил ҳолат қайд этилаётганлигини билдиради.

**Хулоса.** Фермер хўжаликлари Самарқанд вилоятида ҳам асосан олдинги жамоа хўжаликлари ўрнида ташкил этилган. Бундан кўзланган мақсад ушбу минтақада ҳам миллий иқтисодиётнинг аграр секторига янгилик олиб кириш ва бу орқали ишлаб чиқаришда самарадорликка эришиш эди. Фермер хўжалиқларининг ташкил этилиши мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг (хусусан деҳқончиликнинг) асосий тармоқлари (пахтачилик, ғаллачилик ва бошқалар) учун жуда фойдали бўлди. Бироқ, таъкидлаш жоизки, уларнинг фаолиятида ютуқлар билан бирга, баъзи камчиликлар ҳам кўзга ташланмоқда.

Мана шундай камчиликлардан бири ердан фойдаланиш жараёнида кузатилади. Бу борада асосий мақсад ер ресурсларининг, унумдор тупроқларнинг таркибий тузилишидаги айрим салбий ўзгаришларга учрашини олдини олишдир. Бундан ташқари сувдан фойдаланишда аниқ бир мезон, қоида бўлиши жуда муҳим. Демак, сувнинг тўғри тақсимланиши, исроф бўлмаслигини давлат ўз зиммасига олиши ва бу борада назоратни ўз қўлида ушлаб туриши лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Солиев А.С. Ўзбекистон географияси (Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси). – Т.: Университет, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, 2015.
3. Ўзбекистон Республикасининг ер фонди. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастр давлат қўмитаси, 2014.

Гопиров М.О.\*

## ВОЗДЕЙСТВИЕ РАЗВИТИЯ АВТОМОБИЛЕСТРОЕНИЯ НА РЕГИОНАЛЬНЫЕ СЕТИ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

*Аннотация:* В статье рассматриваются вопросы влияния автомобильной промышленности на сеть учреждений высшего и среднего специального образования, а также некоторые вопросы совершенствования системы подготовки кадров для автомобильного кластера Узбекистана.

*Ключевые слова:* кластер, квалифицированные кадры, образование, университет, колледж, инновация, научно-технический прогресс.

*Ўзбекистонда автомобилсозлик ривожланишининг таълим муассасалари минтақавий тармоқларига таъсири*

*Резюме:* Мақолада автомобил саноатининг олий ва ўрта-махсус таълим муассасалари тармоғига таъсири ва Ўзбекистон автомобил кластери учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришининг баъзи бир масалалари кўрилган.

*Калим сўзлар:* кластер, малакали кадрлар, таълим, университет, колледж, инновация, фан-техника тараққиёти.

*Impact development of automotive industry on a regional network of educational institutions in Uzbekistan*

*Abstract:* This article discusses the process of the impact of automotive industry on the network of higher and secondary specialized educational institutions and some of the issues of improving the training system for the automotive cluster of Uzbekistan.

*Keywords:* cluster, skills, education, university, college, innovation, scientific and technological progress.

**Введение.** Одним из важных факторов размещения производства в эпоху научно-технического прогресса (далее НТП) становится тяготение к центрам науки и образования. Прежде всего, это обстоятельство определяет географию наукоемких отраслей, а они тяготеют к ведущим научным центрам. Для некоторых стран характерна сильная территориальная концентрация научных исследований, для других, наоборот, рассредоточение их. В эпоху НТП для многих стран Запада характерна интеграция науки и производства. В результате возникают научно-промышленные комплексы, или технополисы. Подобные процессы характерны, в том числе, и для автомобильной промышленности. Эту отрасль трудно представить без широкого внедрения научных разработок.

**Основная часть.** Автомобильная промышленность – одна из ведущих отраслей экономики Ферганского региона и является ядром формирующегося автомобильного кластера с центром в городе Асака. Однако, если индустриальная составляющая этого кластера – сборка автомобилей и производство запасных частей и комплектующих, – а также система сбыта и сервисного обслуживания уже достаточно хорошо представлены на территории Узбекистана, то система подготовки кадров для производства кластера активно формируется. Научно-исследовательские учреждения кластера ещё только предстоит сформировать, как и наладить у нас в стране производство недостающих комплектующих. Развитая научно-техническая база позволит нацелить создаваемый кластер на разработку и внедрение инновационных технологий. Нуждается в совершенствовании и в дальнейшем развитии и система подготовки кадров для предприятий автомобильного кластера.

---

\* Гопиров М.О. - учитель школы общего среднего образования №3 Джалакудукского района Андижанской области.

До строительства автомобильного завода в Узбекистане не было никаких крупных научных центров или учебных заведений по подготовке кадров для сферы автомобилестроения. Поэтому после пуска завода сюда приглашены специалисты, которые работали на развалившихся машиностроительных заводах Андижанской области. Чтобы обеспечить производство квалифицированными кадрами, правительство страны отправляло молодых узбекских ребят на автомобильные заводы Южной Кореи на переквалификацию и получение навыков.

Развитие автомобилестроения в стране способствует росту численности высококвалифицированных кадров специалистов: инженеров, менеджеров, финансистов, рабочих и т.д. С увеличением количества и доли высококвалифицированной рабочей силы в экономике будут меняться, выходить на качественно новый уровень взаимоотношения людей и в семье, и на работе. Перемещение высококвалифицированных специалистов в другие отрасли экономики и государственного управления способствует распространению этого положительного эффекта в хозяйственной системе.

Процессы глобализации в автомобильной промышленности получили наиболее выраженное воплощение: в последние годы в целях обеспечения экономии масштабов производства создаются крупнейшие глобальные автопромышленные альянсы, в том числе для проведения совместных перспективных НИОКР. В настоящее время национальные производители получают существенную финансовую государственную поддержку, направленную на достижение будущих конкурентных преимуществ на глобальном рынке. Вероятность ухудшения внутренней и внешней конъюнктуры, цен на сырье и технологии, высокие проценты по кредитам, последствия мирового финансово-экономического кризиса оказывают существенное негативное воздействие на развитие промышленности [3].

Автомобилестроение «тянет» за собой развитие многих других отраслей, предприятия которых выполняют его многочисленные заказы и, таким образом, возникает мультипликативный эффект в экономике. Инновации, внедряемые в автомобильной промышленности, неминуемо заставляют эти отрасли совершенствоваться и собственное производство. В силу того, что таких отраслей достаточно много, в итоге наблюдается подъем всей промышленности, а, следовательно, и экономики в целом [2].

В годы независимости в стране произошли кардинальные изменения в сфере машиностроительного образования. С 1994 года в Ташкентском автодорожном институте по ряду профессий ведётся подготовка бакалавров и магистров. В 1996 году на факультете дорожного строительства в бакалавриате появилось направление «строительство зданий и сооружений», а в магистратуре — специальности «автомобильные дороги и аэродромы», «мосты и транспортные тоннели». Кроме того, в подготовку профессиональных кадров в этой сфере свою лепту вносят Ташкентский государственный технический университет имени Абу Райхана Беруни, Наманганский инженерно-педагогический институт, Ферганский политехнический институт, Наманганский инженерно-технологический институт, Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности.

Созданная по инициативе первого Президента страны отечественная автомобильная промышленность стала самым внушительным толчком, который привел к созданию машиностроительного института в Андижане. Сегодня институт готовит кадры по таким востребованным специальностям, как «Автоматизация и управление технологическими процессами и производствами» (по отраслям), «Автомобилестроение и тракторостроение», «Материаловедение и технология новых материалов», «Метрология, стандартизация и менеджмент качества продукции» (по отраслям), «Наземные транспортные системы и их эксплуатация» (по видам транспорта), «Экономика» (по отраслям и сферам) «Электротехника, электромеханика и электротехнологии» (по отраслям), «Технологические машины и оборудование» (по отраслям), «Технология

машиностроения и автоматизация машиностроительных производств», «Профессиональное образование: технология машиностроения и автоматизация машиностроительных производств». Туринский политехнический университет в Ташкенте, открывшийся в 2010 году, также готовит высококвалифицированных специалистов промышленного направления.



**Рис. 1. Образовательный кластер автомобильной промышленности.**

Кроме того, только в Асакинском районе вокруг автозавода находятся несколько машиностроительных и промышленных колледжей, таких как Асакинский автопромышленный профессиональный колледж, Асакинский автомобильно-строительный профессиональный колледж, Асакинский профессиональный колледж сервиса, Асакинский профессиональный колледж транспорта и агросервиса. Выпускники этих колледжей трудятся на машиностроительных и других промышленных предприятиях страны.

В Самаркандской области, после запуска автомобильных заводов по производству автобусов и грузового автотранспорта, появился Самаркандский автомобилестроительный профессиональный колледж. Создание автомобильных предприятий в вышеназванных городах, таким образом, повлияло на географию высших и средних учебных заведений в стране. Если рассмотрим рисунок 1, то можно увидеть, что основные вузы и профессиональные колледжи созданы в Ферганской долине и в городе Ташкенте. Но, несмотря на размещение индустриального ядра кластера в Асаке, основным образовательным центром автомобильного кластера должен стать Туринский политехнический университет в городе Ташкенте, который может развивать собственный инжиниринг и НИОКР и выполнять координирующую и интегрирующую функции в системе «вуз – производство». Для этого есть свои причины; во-первых, он находится в центре страны, во-вторых, в Ташкенте есть высоко квалифицированные научные кадры (рис. 1).

Каждое учреждение, входящее в кластер, имеет свои приоритетные направления развития и вносит свой вклад в развитие автомобильного кластера Узбекистана.



Если, с одной стороны, создание образовательного кластера позволит эффективно решать задачи по развитию инновационного образовательного пространства в регионе, то с другой стороны, сам кластер как инновационный центр развития регионального образования позволяет обеспечить эффективность деятельности каждого образовательного учреждения, входящего в него.

В Узбекистане практически отсутствует собственный инжиниринг и НИОКР, соответственно, нет и собственных разработок и технологий в рассматриваемой отрасли экономики. Отрасль остается во многом зависимой от внешних партнеров, их технологий (включая проектирование, модернизацию продуктов) и маркетинговой стратегии. Другим узким местом является сотрудничество только с одним зарубежным партнером в каждом классе автомобилей (Дженерал Моторс – легковые автомобили, Исузу – автобусы и трэки средней вместимости, МАН – большегрузные автомобили). При любом конфликте с партнерами, либо просто принятии ими решения о закрытии своего бизнеса, автомобильная промышленность Узбекистана окажется в зоне высокого риска закрытия производства со всеми вытекающими отсюда последствиями [1]. В связи с этим, в среднесрочной перспективе надо создать в стране современный конструкторский центр и организовать совместные НИОКР в сфере автомобилестроения.

Вузы Узбекистана фокусируются на качестве образовательного процесса, а не на уровне научных исследований и коммерциализации технологий. В условиях постиндустриального общества такая модель образования не успевает адекватно реагировать на высокую динамику технических и технологических инноваций.

Автомобильная промышленность оказала настолько существенное влияние на все сферы образования, что даже в школах ученики на уроках рисования в начальных и средних классах рисуют модели автомобилей, производимых на автозаводах страны, а на уроках черчения чертят новые модели автомобилей. Это дает огромный толчок развитию интеллекта; в некоторых колледжах студентами созданы собственные модели электромобилей. Кроме того, в восьмом классе в календарном плане предмета географии отведен один урок на изучение развития и размещения автомобилестроения.

Таким образом, в связи с созданием автомобильной промышленности изменения произошли не только в экономико-социальной сфере, но и в размещении географии образовательных учреждений и образовательной системе тоже. Расширение географии автомобильных заводов приводит к росту спроса на квалифицированные кадры в этой сфере, и в скором будущем национальные кадры создадут новые национальные модели автомобилей под узбекским брендом. При этом в структуру автомобильного кластера будут входить НИОКР, поэтому их развитие в Узбекистане повысит конкурентоспособность автомобилестроения.

Для совершенствования образовательной составляющей автомобильного кластера должны быть решены следующие основные приоритетные задачи:

1. Необходимо совершенствование существующей системы подготовки кадров в данной сфере, развитие инновационного сотрудничества данной системы с производством;

2. Среднее специальное и профессиональное образование не должно быть оторвано от производства. Учебно-материальная база этих образовательных учреждений должна отвечать современным требованиям. Автомобильные кафедры в вузах страны должны выпускать специалистов, востребованных на рынке труда;

3. Для подготовки высококвалифицированных кадров специалистов, которые в состоянии квалифицированно решать возлагаемые задачи по разработке и производству современной и перспективной продукции, требуется их обучать по многоуровневой программе высшего образования, включающей хорошую фундаментальную подготовку,

достаточные навыки профессиональной работы во время производственной, конструкторской, технологической и преддипломной практики;

4. Необходимо совершенствование профессиональных стандартов (квалификационных требований) по должностям и профессиям специалистов, работающих в автомобильной отрасли, нормативной учебно-программной документации для государственных образовательных стандартов профессионального образования нового поколения, а также формирование скоординированных с предприятиями отрасли программ целевой подготовки и переподготовки кадров.

#### **Использованная литература:**

1. Аналитический доклад 2013/08. Состояние и перспективы развития автомобильной промышленности Республики Узбекистан. – Ташкент, 2013.

2. Злотникова Г.К., Чехлань Е.Ю. Управление рисками в автомобильной промышленности в России // Современные проблемы науки и образования. 2015. №1-1. URL: <http://cyberleninka.ru/article/n/upravlenie-riskami-v-avtomobilnoy-promyshlennosti-v-rossii> (дата обращения: 02.06.2016).

3. Максаковский В.П. Географическая картина мира. Кн. I: Общая характеристика мира. – Москва, Дрофа, 2008.

**Ражабов Ф.Т.\***

### **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЯНГИ МУЛКЧИЛИК ШАКЛЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ ВА ХУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНING НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ**

*Аннотация:* Мақолада қишлоқ хўжалигида янги мулкчилик шакллари ривожланиши ва ҳудудий ташкил этилишининг баъзи бир назарий масалалари тадқиқ қилинган.

*Калим сўзлар:* қишлоқ хўжалиги, деҳқон хўжалиги, фермер хўжалиги, ривожланиши, ҳудудий ташкил этиши.

#### **Theoretical issues of development and territorial organization of new forms of ownership in agriculture**

*Аннотация:* В статье изложены некоторые теоретические вопросы развития и территориальной организации новых форм собственности в сельском хозяйстве.

*Ключевые слова:* сельское хозяйство, деханские хозяйства, фермерские хозяйства, развитие, территориальная организация

#### **Theoretical issues of development and territorial organization of new forms of ownership in agriculture**

*Abstract:* The article presents some theoretical issues of development and territorial organization of new forms of ownership in agriculture.

*Key words:* agriculture, private farms, farms, development, territorial organization

**Қириш.** Маълумки, мамлакатимизда собиқ Иттифоқ даврида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари этиштиришда жамоа хўжаликлари етакчилик қилиб келган. Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришуви натижасида аграр секторда режали иқтисодиёт барҳам топди ва бозор муносабатлари асосида янги мулкчилик шакллари – деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш ва барқарор ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида янги мулкчилик шакллари ташкил этиш ва ривожлантиришининг илк асослари республика мустақилликка эришишидан бироз аввалроқ, яъни 1989 йилда бошланди. Бу вақтда колхоз ва совхозлар фаолиятида ўзгаришлар рўй берди ва улар ерларидан шахсий ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш

\* Ражабов Ф.Т. – ЎЗМУ “География” кафедраси катта илмий ходим-изланувчи.

мақсадида кўшимча ер майдонлари ажратилди. Бундай ерлар 1989 йилда 250 минг гектардан 1990 йилда 400 минг, 1991 йилда 600 минг гектарга кўпайди. Ушбу даврда йирик хўжаликларда ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари ишчилар гуруҳи ёки алоҳида оилаларга ижарага беришни кўзда тутувчи жамоа ҳамда оилавий пудрат услублари ҳам жорий этилди. Уларнинг барчаси иқтисодий инқирозлар кескинлашган вазиятда қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳолатини жиддий яхшилашга шароит яратди.

Бугунги кунга келиб, мамлакатимиз аграр секторида хўжалик юритишнинг асосий уч тури ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг учта тоифаси мавжуд:

1. Деҳқон хўжаликлари; 2. Фермер хўжаликлари; 3. Қишлоқ хўжалик корхоналари.

**Асосий қисм.** Яқин йилларгача жамоа хўжаликлари аграр маҳсулотлар тайёрлашда етакчилик қилиб келган бўлса-да, айни вақтда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг асосий қисми фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Қайд этиш жоизки, агроиқтисодиётнинг учта асосий ташкилий шаклининг ҳар бири учун махсус қонунлар – “Фермер хўжаликлари тўғрисида”, “Деҳқон хўжаликлари тўғрисида” ва “Ширкат хўжаликлари тўғрисида” қонунларнинг қабул қилиниши билан фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалигининг мақоми, уларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва ташкилий-иқтисодий асослари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъекти сифатидаги умумий ва фарқли томонларини аниқ белгилаб берилди.

Фермер хўжаликлари – танлов асосида узок муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъектдир. Унинг мақсади қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотларини етиштириш йўли билан даромад (фойда) олиш, ўзининг ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжларини қондириш ҳисобланади. Вазифалари эса ажратилган ер ва сув ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш, мустақил равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш ва сотиш, шунингдек, хизматлар кўрсатиш, ветеринария қондаларига риоя қилган ҳолда, чорва моллари маҳсулдорлигини оширишдан иборат [15].

Қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва барқарор ривожлантириш, энг аввало республикамиз қишлоқ хўжалигида муайян ер, меҳнат маҳсули ва ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлган мулкдорлар синфини шакллантириш; сифатли ва экологик тоза маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш орқали экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш; агроиқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминлаш; қишлоқ жойларда ижтимоий соҳаларни яхшилаш; қишлоқ хўжалигида сиёсий барқарорликни таъминлаш; аграр сектор фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва такомиллаштириш; қишлоқ хўжалигида ташкилотчи, тадбиркор ва етук мутахассисларни шакллантириш; қишлоқ жойларда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш; тупроқ унумдорлигини ошириш асосида ердан самарали фойдаланиш ва мелиоратив ҳолатни яхшилаш юзасидан зарур эди [17].

Деҳқон хўжаликлари – юридик шахс мақомига эга бўлган ва бўлмаган ҳолдаги майда оилавий хўжалик бўлиб, унга ажратилган ер оила аъзоларининг меҳнати билан кам миқдордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаради ва сотади. Деҳқон хўжаликлари 0,06 ва 0,12 гектаргача бўлган ер участкалари ҳамда уларга умрбод эгалик қилиш ва мерос қилиб қолдириш ҳуқуқига эгадир. Ҳозирги кунда бундай участкалар ҳажми суғориладиган ерларда 0,35, лалмикор ерларда 0,5 гектаргача кенгайтирилиши мумкин [16].

Деҳқон хўжаликларининг фермер хўжаликларига нисбатан асосий устунлигини уларнинг экин турларини эркин танлаш ва жойлаштириш имкониятига эга эканлиги, янги

ва серхосил навлардан фойдаланиш имкониятининг кенглиги, нисбатан унумдор ерларда шаклланганлиги, экиш ва агротехника тадбирларининг ўз тажрибаси ҳамда малакали мутахассислар кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда мустақил амалга ошириши, энг муҳими, етиштирилган маҳсулотларни эркин тасарруф этиши ҳамда молиявий натижа бўйича шахсий жавобгарлик ва манфаатдорликнинг юқорилиги каби омиллар билан изохлаш мумкин.

Дехқон хўжалиги назариясининг асосчиси, таниқли рус олими Александр Васильевич Чаяновнинг фикрига кўра, деҳқон хўжаликлари кичик (майда) ишлаб чиқариш шакли сифатида намоён бўлади ва унинг марказида, энг аввало, оила манфаатлари туради. Ушбу мулкчилик шаклининг ривожланиши оиланинг эҳтиёжи билан белгиланади ва у қишлоқ аҳолисининг ҳаёт кечириш манбаидир. Бундай хўжаликлар тараққиётига ташқи таъсирлар деярли сезилмайди ва шу сабабдан ҳам улар бошқа мулкчилик шаклларига нисбатан турғун бўлади. Шунингдек, олим деҳқон хўжаликлари нафақат иқтисодий, балки ижтимоий, экологик ва маданий аҳамиятга ҳам эга эканлиги, оила мустаҳкам бўлса, мазкур хўжаликлар ҳам барқарор ривожланишини таъкидлайди [18].

Дехқон ва фермер хўжаликлари кўплаб хорижий давлатларда бир хил маънони ифодалайди. Шу сабабдан, айрим давлатларда улар тўғрисидаги қонунларда деҳқон (фермер) хўжаликлари деб юритилади. Аслини олганда, бу икки тушунча орасида турлича ишлаб чиқариш фарқларини кўриш мумкин. Масалан, деҳқон хўжаликлари асосан ўз эҳтиёжини қондиришга маҳсулот етиштиради, фермер хўжаликлари ички ва ташқи бозор учун товар маҳсулот ишлаб чиқаради. Шунингдек, ишчилар сони ва ишлаб чиқариш фондларига кўра ҳам улар бир-биридан фарқланади. Биринчисида оила аъзолари фаолият олиб боришса, иккинчисида, кўп ҳолларда, айниқса, ҳосилни йиғиб олиш мавсумида ёлланма ишчиларга эҳтиёж сезилади. Демак, бу икки хўжалик шакли орасидаги фарқ ишлаб чиқариш ҳажми ва уни реализация қилиш билан белгиланади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари гуруҳлари ўртасидаги тафовутларнинг яна бир муҳим омили – бу давлатнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тузилмаси ва қишлоқ хўжалик экинларининг айрим турлари учун нарх белгилашда фаол иштирок этишидир. Бозор механизмлари ишларига бундай аралашув бугунги кунда Ўзбекистон учун фақат икки стратегик экин – пахта ва буғдойга (фермер хўжаликларига) тегишлидир.

Маълумки, ҳудудий ташкил этиш иқтисодий ва ижтимоий географиянинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, у деярли барча тадқиқотларда қўлланилади. Хусусан, жамиятни [13, 19], ишлаб чиқаришни [1], табиатдан фойдаланишни [8; 12], қишлоқ хўжалигини [1, 2, 4, 7, 9, 10, 11], шу жумладан, ер ресурсларидан фойдаланишни [3], тиббий муассасаларни [6] ҳудудий ташкил этиш борасида тадқиқотлар олиб борилган. Шунингдек, профессор А.Солиев [14] ҳудудий ташкил этишнинг назарий жиҳатлари тўғрисида фикр юритган.

Қишлоқ хўжалигида янги мулкчилик шакллари, яъни деҳқон ва фермер хўжаликларини ҳудудий ташкил этиш масаласи бевосита қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этиш борасида яратилган назарияларга асосланади. Қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этиш – ҳудудий меҳнат тақсимооти жараёнида маълум вазифани бажарувчи, мажмуали табиий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида шаклланган қишлоқ хўжалик корхоналари ва агросаноат мажмуаларининг оптимал жойлаштиришидир [7].

Қишлоқ хўжалигида янги мулкчилик шакллари ҳудудий ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунончи, бугунги кунда фермер ва деҳқон хўжаликлари аграр секторнинг турли маҳсулотларини ишлаб чиқаришда бир-биридан фарқланади ва уларнинг жойлашиши ва ривожланишида ҳам географик тафовутлар кўзга ташланади. Хусусан, деҳқон хўжаликлари кўпроқ чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда устунлик қилса, фермер хўжаликлари асосан стратегик аҳамиятга эга бўлган – пахта, ғалла, мева-узум ва полиз маҳсулотларини етиштириш бўйича етакчи ҳисобланади. Шу

нуктаи назардан ушбу мулкчилик шакллари худудий ташкил этиш, жойлаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Дехқон хўжаликлари ва шахсий ёрдамчи хўжаликларни худудий ташкил этишда қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бинобарин, бундай мулкчилик шакллари бевосита аҳоли истиқомат қилаётган ерлар ва уларнинг яқин атрофида жойлашади. Фермер хўжаликлари эса деҳқон хўжаликларидан кейинги поғонада, бази ҳолларда қишлоқ аҳоли манзилгоҳларидан анча узок масофаларда ҳам жойлаштирилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, мазкур мулкчилик шакллари бир-бирига нисбатан жойлаштирилиши баробарида, ҳар бири алоҳида худудий ташкил этилиш хусусиятига ҳам эга. Хусусан, турли табиий-хўжалик районларда ихтисослашган фермер хўжаликларини худудий ташкил этишда табиий, ижтимоий-иқтисодий шароитлар инobatга олиниши мақсадга мувофиқ. Булар, энг аввало: табиий географик омиллар, яъни жойнинг рельефи (ер усти тузилиши), ер ресурслари ва сув захиралари билан таъминланганлиги, геоэкологик вазияти, агроиклимий ресурслар, жумладан намлик, ҳарорат ва тупроқ қоплами; иқтисодий географик омиллар – шаҳарлар ривожланиши ва урбанизация, транспорт инфратузилмаси; демографик вазият – аҳоли сони, зичлиги, бандлиги, ёш ва миллий таркиби кабилар таъсир кўрсатади.

Қайд этиш лозимки, Н.Н.Колосовский томонидан асос солинган худудий ишлаб чиқариш мажмуалари ғоясини маълум маънода фермер хўжаликларига ҳам қўллаш мумкин. Мазкур илмий ғоянинг моҳияти муайян бир худудда ёки жойда ишлаб чиқариш корхоналарини бир-бири билан боғлиқ ҳолда ривожланиши ва жойланишидан иборат. Бунинг натижасида, яъни ишлаб чиқариш корхоналарининг технологик жиҳатдан мужассамлашувида энг юқори иқтисодий самарага эришилади [5].

Шу нуктаи назардан, фермер хўжаликларини кўп тармоқли шакллантириш масаласига жиддий эътибор қаратиш лозим ва бу борада мамлакатимизда кенг қўламли чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Кўп тармоқли фермерчиликнинг географик хусусияти уларнинг маълум бир худудда бир-бири билан алоқадорликда, мажмуа сифатида ривожланишидир. Чунончи, деҳқончилик маҳсулотлари – ғалла сомони, маккажўҳори пояси, пахтадан олинган шелуха, кунжара каби ем-хашаклар чорва моллари учун озуқа, ва, аксинча, чорва чиқиндилари деҳқончиликда ўғит вазифасини ўташи уларни ўзаро уйғунликда, мужассамлашган ҳолда ташкил этиш иқтисодий жиҳатдан самарали эканлигини кўрсатади. Бу эса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш жараёни билан биргаликда фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш тармоқларининг бирикмасини, мажмуасини шакллантириш имконини беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдуллаев О. Региональные проблемы развития АПК. - Т.: Мехнат, 1988. – 237 с.
2. Акрамов З.М. Проблемы хозяйственного освоения пустынных и горно-предгорных территорий. - Т.: Узбекистан, 1974. – 176 с.
3. Аҳмадалиев Ю.И. Ер ресурсларидан фойдаланиш геоэкологияси. – Т: Fan va technology, 2014. – 340 б.
4. Иванов К.И. Территориальные системы общественного производства. – М.: Мысл, 1975. – 272 с.
5. Колосовский Н.Н. Избранные труды. – Смоленск: Ойкумена, 2006. – 336 с.
6. Комилова Н.Қ. Ўзбекистон тиббий географик шароитининг худудий таҳлили ва аҳоли саломатлиги муаммолари. Геог. фан. док. ... дис. автореф. – Тошкент, 2012. – 46 б.
7. Крючков В.Г. Территориальная организация сельского хозяйства. (Проблемы и методы экономико – географического исследования). – М.: Мысль, 1978. – 268 с.
8. Минц А.А. Экономическая оценка естественных ресурсов.- М.: Мысль, 1972. – 304 с.

9. Ракитников А.Н. География сельского хозяйства. – М.: Мысль, 1970. – 342 с.
10. Ракитников А.Н. Избранные труды /Под ред. В.Г.Крючова. – Смоленск: Ойкумена, 2003. – 472 с.
11. Рузиев А. Территориальная система агропромышленного комплекса. – Т.: Мехнат, 1986. – 144 с.
12. Рунова Т.Г. и др. Территориальная организация природопользования. – М.: Наука, 1993. -208 с.
13. Саушкин Ю.Г. Избранные труды. – Смоленск: Универсум, 2001. – 416 с.
14. Солиев А.С. Худудий мажмуаларнинг назарий асослари. – Т.: Университет, 2007. – 92 б.
15. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги Қонуни. 1998.
16. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. – Т.: Ўзбекистон, - 1998 йил, апрел.
17. Фарманов Т.Ҳ. Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари: Иқтис. фан. док. ... дис. – Тошкент, 2006.
18. Чаянов, А.В. Крестьянское хозяйство: избранные труды. – М.: Экономика, 1989. – 492 с.
19. Чистобаев А.И., Шарыгин М.Д. Экономическая и социальная география: новый этап. - Л.: Наука, 1990. – 320 с.

**Эсанов Б.А.\***

### **ИҚТИСОДИЙ РАЙОНЛАШТИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ (МЕКСИКА, ИНДОНЕЗИЯ ВА ЯПОНИЯ МИСОЛИДА)**

*Аннотация.* Мақолада бир неча хорижий мамлакатларнинг иқтисодий районлаштириши тажрибалари кўриб чиқилган. Шунингдек, иқтисодий районлаштириш орқали ихтисослашувнинг чуқурлашуви ва минтақалар ривожланишининг жадаллашувига эришиши масалалари ўрганилган.

*Калит сўзлар:* иқтисодий район, ишлаб чиқариш кучлари, худудий меҳнат тақсимоти, ихтисослашув, минтақавий сиёсат, барқарор ривожланиш.

#### **Зарубежный опыт экономического районирования (на примере Мексики, Индонезии и Японии)**

*Аннотация.* В статье рассмотрен зарубежный опыт экономического районирования стран. Также изучены вопросы углубления специализации и ускорения развития регионов путем экономического районирования.

*Ключевые слова.* Экономический район, производительные силы, территориальное разделение труда, специализация, региональная политика, устойчивое развитие.

#### **Foreign experience of economic regionalization (the example of Mexico, Indonesia and Japan)**

*Annotation.* This article discusses the foreign experience of economic regionalization of the country. Also studied increasing specialization and acceleration of regional development through the economic regionalization.

*Keywords.* Economic region, the productive forces, the territorial division of labor, specialization, regional policy, sustainable development.

---

\* Эсанов Б.А. - Тошкент Молия институти “Минтақавий иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси.

**Кириш.** Иқтисодий районлар худудий меҳнат тақсимоти ва ихтисослашиш асосида вужудга келади. Иқтисодий районлаштиришдан кўзланган асосий мақсад ишлаб чиқариш кучларини тўғри ташкил этиш, мамлакатнинг иқтисодий сиёсатини самарали олиб боришдан иборат. Шу маънода хорижий мамлакатларда иқтисодий районлаштириш тажрибаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бу мақолада Мексика, Индонезия ва Япониядаги иқтисодий районлаштириш тажрибаларини қисқача таҳлил қилмоқчимиз.

**Асосий қисм.** Мексикада иқтисодий районлаштириш тажрибаларини олиб кўрадиган бўлсак, профессор А.Бассолье Баталья, иқтисодий районлаштириш бўйича мутахассис, Мексикани 8 та иқтисодий районга ажратган ва ушбу районлар таркибида 104та кичик районларни, мамлакатнинг чекка худудларида, яъни аҳолиси зич бўлмаган худудларда эса 4 та махсус районларни белгилаган [3].

Ушбу давлатда расман “иқтисодий зона” номи билан 5 та иқтисодий район ажратилади. Улар қуйидагилар: Шимолий Тинч океани, Шимолий, Марказий, Жанубий Тинч океани ва Мексика қўлтиғи қирғоғи. Бундай районлаштиришдан асосий мақсад статистик маълумотларни тартибга солиш, Мексика ва хориж адабиётларида статистик маълумотлардан қулай фойдаланиш ҳисобланади [1].

Мексика Статистика бош бошқармаси 1933-1937 йилларда турли хил масштабларда иқтисодий районлар тўртини ишлаб чиқиш ишларини олиб борган. Бу районлар тўртини тузишда асосан 15 та кўрсаткич таҳлил қилинган (жойнинг баландлиги, ёғингарчилик миқдори, коммуникация билан таъминланганлик даражаси, саводхонлик даражаси ва б.). Юқоридаги кўрсаткичлар таҳлиллари натижасида 8 та иқтисодий зоналар ажратилган. Мазкур мамлакатнинг иқтисодий районлаштириш ишлари бўйича маълумотлар таниқли Мексика иқтисодчиси Эмилино Аланис-Патиньо ҳисоботида берилган [4].

Худудий меҳнат тақсимотининг ривожланиши асосида мамлакатнинг йирик иқтисодий районлари ўртасида хўжаликнинг фарқланиш жараёни бошланади. Уларнинг маълум қисмларида ихтисослашишнинг чуқурлашиши кузатилади.

Жанубий-шарқий Осиё мамлакатларидан бири - Индонезияда ҳам иқтисодий районлаштириш тажрибалари тўпланган. Бу мамлакатда иқтисодий районлаштириш қуйидаги тартибда амалга оширилган:

I. Ява минтақаси: 1.1. Ғарбий Ява; 1.2. Марказий ява; 1.3. Шарқий Ява.

II. Суматра минтақаси: 2.1. Шимолий Суматра; 2.2. Ғарбий Суматра; 2.3. Шарқий Суматра; 2.4. Жанубий Суматра.

III. Калимантан минтақаси: 3.1. Ғарбий Калимантан; 3.2. Жанубий Калимантан; 3.3. Шарқий Калимантан.

IV. Сулавеси минтақаси: 4.1. Шимолий Сулавеси; 4.2. Жанубий Сулавеси.

V. Молукка ороллари:

VI. Кичик Зонд ороллари:

VII. Ғарбий Ириан.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Индонезияда 7 та йирик 12 та кичик районлар ажратилган. Маълумки, Индонезия ороллардан ташкил топган мамлакат ҳисобланади. Шу боис ҳам ушбу мамлакатда иқтисодий районларни белгилашда ҳар бир йирик орол атрофидаги кичик ороллар билан биргаликда иқтисодий район сифатида қаралган. Албатта, шу билан бирга иқтисодий районлар ажратишда турли хил кўрсаткичлар ҳам асос қилиб олинган.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларидан бири, яъни “катта еттилик” аъзоси Японияда ҳам иқтисодий районлаштириш ва минтақаларда иқтисодий сиёсат олиб бориш масаласи борасида катта тажрибалар тўпланган. Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Японияда барча соҳаларда ислохатлар амалга оширилди. Бу ислохатлар доирасида минтақаларни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган давлат режалар тизими 1962

йилдан бошланди ва бу режа 10 йилга тузилган эди. Ушбу режанинг олдига қўйган мақсади қуйидагилардан иборат эди:

- ишлаб чиқариш кучларини минтақавий жойлаштириш;
- турли иқтисодий районлар ўртасида вужудга келган хўжалик номутаносибликларини юмшатиш;
- мамлакатнинг барча ҳудудларида аҳоли ҳаёт фаолияти учун бир хил шароит яратиш берилишини таъминлаш;
- экологик муҳитни асраш ва яхшилаш.

1962 йилда ҳукумат 1960-1970 йилларга мўлжалланган “Мамлакат ҳудудларини комплекс ривожлантириш бўйича биринчи режа” ни қабул қилди. Асосий мақсад мамлакат иқтисодиётида юқори ўсиш суръатини таъминлашни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий районлар ривожланишидаги номутаносибликларни камайтириш, йирик шаҳарларни тез ўсиш суръатини назорат қилиш ва б. эди.

1969 йилда, тўпланган тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, “мамлакат ҳудудларини комплекс ривожлантиришнинг “Иккинчи (ёки “янги”) режаси” ишлаб чиқилди. Бу режа 1969-1985 йилларга мўлжалланган эди. Учинчи режа 1985 йилдан 2000 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу қабул қилинган дастурлардан кўзланган мақсад - ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришни режали равишда амалга ошириш эди. Қолоқ префектуралар ривожланишини тезлаштириш ва янги саноат районларида фойдали солиқ тизимини жорий этиш орқали ривожланишга эришиш эди.

Мамлакат минтақавий сиёсатида унинг иқтисодий районлаштирилиши муҳим роль ўйнайди. Режалаштириш, турли ишлаб чиқариш кучлари ривожланишини прогноз қилиш мақсадида давлат ва илмий ташкилотлар Японияда 10 та иқтисодий район ажратишган (мамлакатда 47 та префектура мавжуд) [2].

Японияда иқтисодий районлаштириш нафақат иқтисодий таҳлил, шаҳар ва префектураларни ривожлантиришни режалаштириш учун, балки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгилашда муҳим саналади. Бу қуйидаги йирик йўналишларда кўринади:

- иқтисодий районлаштириш ҳукумат томонидан мамлакат ҳудудларини комплекс ривожлантиришнинг узок муддатга мўлжалланган режасини, шунингдек, минтақаларни ривожлантириш бўйича бошқа қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда;

- иқтисодий районлар молиявий, биринчи навбатда, солиқ тизими, ҳудудни ўзини-ўзи молиявий таъминлаш бўйича ҳам чора-тадбирлар белгилайди. Бунда зарар кўриб ишлаётган, қолоқ минтақалар ривожланган районлар ҳисобидан дотация (субсидия) олишади, мисол тариқасида Хокайдо иқтисодий районини келтириб ўтишимиз мумкин;

- районлар бўйича режалаштиришда асосий эътибор аҳолининг ижтимоий муаммоларини, аҳолининг жойлашиши ва ҳаракатини, кредит бериш, солиқ ва бошқа иқтисодий воситалардан фойдаланган ҳолда иқтисодий тартибга солиш орқали ҳал этишга қаратилади.

Мамлакат Парламенти минтақалар муаммолари билан боғлиқ бўлган масалаларни тез-тез эшитади. 1950 йилда “Мамлакат ҳудудларини комплекс ривожлантириш бўйича қонун” қабул қилинган. Бу қонунда давлат ва префектуралар даражасида ҳудудларни ривожлантириш бўйича узок муддатли дастурлар қабул қилиш ва назорат қилиш тартиби аниқлаб берилган. 1961 йилда “Қолоқ районлар ривожланишини тезлаштириш ва рағбатлантириш бўйича қонун” қабул қилинган. 1983 йилда Хокайдо, Кюсю, Сикоку префектуралари бўйича “Юқори технологияли саноат комплекслари асосида минтақаларнинг ривожланишини тезлаштириш қонуни” қабул қилинган ва бошқа шунга ўхшаш минтақалар ривожланиши бўйича қонун ва дастурлар ишлаб чиқилганлигини кўришимиз мумкин [2].



Япония ҳудуди 47 та префектурага бўлинади ва улар асосида 9 та иқтисодий районлар ажратилган. Улар қуйидагилар: 1. Хоккайдо (1 та префектура); 2. Тохоку (6 та префектура); 3. Канто (7 та префектура); 4. Чубу (9 та префектура) 5. Кансай (7 та префектура); 6. Чугоку (5 та префектура); 7. Сикоку (4 та префектура); 8. Кюсю (7 та префектура) ва 9. Окинава (1 та префектурадан иборат). Кюсю ва Окинава районлари жойлашган ўрнига кўра стратегик районлар ҳисобланади, чунки улар Японияни яқин қўшни давлатлар, яъни Корея, Хитой ва бутун Шарқий Осиё билан боғлаб туради [5].

**Хулоса.** Хорижий мамлакатларда иқтисодий районлаштириш тажрибаларини ўрганиш шундан далolat берадики, давлатни районлаштириш орқали маълум минтақаларда ихтисослаштиришнинг чуқурлашуви ва шу орқали миллий иқтисодиёт ривожланишининг жадаллашувига эришиш ҳамда минтақаларда иқтисодий сиёсат олиб бориш орқали ҳудудларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш имкониятлари вужудга келади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Джеймс П. Латинская Америка. Перевод с англ. - М., 1949. - С.145.
2. Мищенко В.В. Экономика региона: учебное пособие. – Барнаул: Изд-во АГУ, 2003. – 288 с.
3. Angel Bassols Batalla. La division economica regional de Mexico. - Mexico, 1967. - p.160.
4. E.Alanis Patino. Las divisiones territoriales segun la geografia economica. Memoria del Segundo Congreso de Ciencias Sociales, vol.IV. Mexico, 1946, pp.63-106.
5. <http://www.eubusinessinjapan.eu/why-japan/regions-prefectures>

### Калонов Б.Х\*.

#### ЗАРАФШОН МИНТАҚАСИДА ПАХТАЧИЛИК МАЖМУАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** Мақолада минтақада пахтачилик мажмуасини ҳудудий ташкил этиши ва уни келажакда ривожлантириши масалаларига асосий эътибор қаратилган. Келажакда пахтачилик мажмуасини такомиллаштиришида интенсив технологияни қўллаш усуллари баён этилган.

**Калит сўзлар:** пахтачилик мажмуаси, ер ресурслари, табиий, иқтисодий ва экологик омиллар, интенсив технология.

#### Вопросы совершенствования хлопкового комплекса Зарафшанского региона

**Аннотация:** В статье основное внимание уделено вопросам изучения территориальной организации и перспективного развития хлопкового комплекса в Зарафшанском экономическом районе. Изложены вопросы использования прогрессивных агротехнологий в сельском хозяйстве региона.

**Ключевые слова:** хлопковый комплекс, земельные ресурсы, природные, экономические и экологические факторы, интенсивная технология.

#### Some questions of developing the complex of cotton-growing in the Zarafshan region

**Abstract:** In this article the author focuses on the issues of organizing the complex of cotton-growing and to develop it in future. It is described to use the ways of developing intensive technology in future.

**Key words:** the complex of cotton-growing, resources of ground, natural, economical and ecological factors, intensive technology.

\* Калонов Б.Х. – Навоий давлат педагогика институти “География ўқитиш методикаси” кафедраси доценти, г.ф.н.

**Кириш.** Мамлакат қишлоқ хўжалигида пахта етиштириш алоҳида аҳамиятга эга. Иқтисодиётнинг бу тармоғида хорижий валютанинг асосий қисми яратилади. Ўзбекистон пахта экспорти бўйича АҚШ дан кейинги иккинчи ўринда туради. Пахтачилик мажмуаси пахта хом ашёсини етиштириш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган мураккаб жараёни ўз ичига олади.

Зарафшон минтақаси таркибига Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари кириб, майдони 168,1 минг км<sup>2</sup>. Мамлакат ҳудудининг 37,4 фоизини ташкил этган ҳолда, майдони бўйича у Ўзбекистонда фақат Қуйи Амударё иқтисодий районидан кейинги ўринда туради. Мамлакат ҳудудий меҳнат тақсимотда Зарафшон минтақаси рангли металлургия, машинасозлик, кимё ва нефт кимёси, енгил ва озиқ овқат саноатига, пахта, жун, қорақўл териси етиштиришга ихтисослашган. 2015 йил якунларига кўра, район улушига мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулотнинг 17,1, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 20,1 фоизи тўғри келган [1].

Минтақанинг иқтисодий жиҳатдан кучли томонлари унинг фойдали қазилмалари ва меҳнат ресурслари, нисбатан қулай транспорт – географик ўрни, заиф жиҳатлари эса сув захираларининг етишмаслигидир.

Зарафшон дарёсининг трансчегаравий хусусиятга эга бўлиб, минтақа унинг ўрта ва қуйи қисмини ўз ичига олади. Табиий географик жиҳатдан унинг аксарият қисми Қизилқум чўлларида иборат. Тоғли ҳудудлар қисман Самарқанд вилоятида, воҳа ва водийлар эса тарқоқ ҳолда жойлашган. Минтақада майдони бўйича Навоий, демографик салоҳиятига кўра эса Самарқанд вилояти ажралиб туради. Бухоро вилояти бу борада ўртача мавқега эга [2].

**Асосий қисм.** Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш ва ихтисослаштириш ер, меҳнат ресурслари, асосий ҳамда айланма фондлардан самарали фойдаланиш имкониятини бериш билан бир қаторда ижтимоий меҳнат самарадорлигини ва ялпи маҳсулот ҳажмининг ортишини жадаллаштиришни таъминлайди. Зарафшон минтақасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ихтисослаштириш бугунги бозор иқтисодиёти шароитида муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида илмий-техника тараққиётига эришиш, фермер хўжаликлари моддий техника таъминотини яхшилаш асосида ялпи маҳсулотни кўпайтириш имкониятлари мавжуддир. Қишлоқ хўжалигида, фан-техника тараққиётини ҳисобга олиб, ишлаб чиқариш жараёнларининг барча элементларини сифат жиҳатдан такомиллаштиришни талаб этади. Қишлоқ хўжалигини саноатлаш ҳозирги босқичда иккита асосий йўналиш - горизонтал ва вертикал йўналишда бормоқда. Биринчи йўналиш деҳқончилик ва чорвачиликда ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштиришни, иккинчи йўналиш эса қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саноат йўли билан қайта ишлашни кўзда тутаяди. Минтақада кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган кўплаб кичик корхоналар қурилган. Бу жараёни, айниқса, кейинги йилларда Самарқанд вилоятидаги кичик ва ўртача катталиқдаги шаҳарларда қурилган кўшма корхоналар мисолида кўриш мумкин. Бу кичик корхоналар қишлоқ жойлардаги ортиқча меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашда катта роль ўйнайди.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни илмий асосланган ҳолда оқилона жойлаштириш, ихтисослашувни такомиллаштириш қатор муҳим социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш имкониятларини беради. Бу, биринчидан, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, табиий, иқтисодий, меҳнат ресурсларидан ва хўжалик бўғинларининг ички имкониятларидан тўла фойдаланишни юзага келтиради. Иккинчидан эса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишни ва унинг ихтисослашувини такомиллаштириш, озиқ-овқат муаммосини ижобий ҳал этади. Шунингдек, ҳисобга олиб, минтақада суғориладиган ерлардан унумли фойдаланган ҳолда, қишлоқ

хўжалиги экинларини мақсадга мувофиқ ихтисослаштириш бугунги кундаги асосий масала ҳисобланади.

Суғориладиган районларда илмий асосланган алмашлаб экишни жорий қилмасдан, тупроқ унумдорлигини оширишга эришиб бўлмайди. Маълумки, бир экинни бир далага мутассил экавериш ернинг толиқишига, ҳосилдорликнинг бош омили бўлган гумус миқдорининг кескин камайиб кетишига, тупроқда ўсимлик учун зарур бўлган моддаларнинг танқислигига, қатламларнинг зичлигига, фойдали микроорганизмлар фаолиятининг хусусиятлари ёмонлаша боришига, тупроқдаги тирик жонзотларнинг қирилиб кетишига, унда касалликлар (вилт, илдиз чириш, гоммос) ва ғўзанинг турли зараркунанда ҳашоратлари (ўргимчаккана, шира, кўсак курти)нинг кўпайишига олиб келади. Тупроқ унумдорлиги пасайган сари, кўп меҳнат ва маблағ сарфланишига қарамасдан, ҳосилдорлик пасайиб, маҳсулот таннархи эса ортиб боради. Алмашлаб экишни амалга ошириш билан бирга ҳамма агротехник ва ташкилий тадбирлар системаси ҳам тупроқ унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва тобора ортиб боришини таъминлашга қаратилиши лозим. Алмашлаб экиш агротехник ва мелиоратив тадбирларнинг самарадроллигини оширадиган асосий восита бўлибгина қолмасдан, хўжаликларга беркитилган барча ерлардан юқори даражада фойдаланилган ҳолда, кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, ҳамма экинлардан мўл ҳосил олиш ва чорва маҳсулотларини кўпайтиришни таъминлайди. Кенг кўламда ўтказилган тажрибалар суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишнинг бирдан-бир тўғри йўли беда-ғўза, ғалла-ғўза алмашлаб экиш системасини тадбиқ этишни тақазо этмоқда.

1-жадвал маълумотидан кўриниб турибдики, минтақада ҳар йили ўртача 700 минг тонна атрофида пахта ҳам ашёси етиштирилмоқда, 240 минг тонна пахта толаси олинмоқда. Суғориладиган ерларнинг ҳажми жиҳатидан Самарқанд вилояти олдинда турсада, пахта экин майдони бўйича Бухоро вилоятидан кейинги ўринда туради. Чунки, Самарқанд вилоятининг табиий географик шароити деҳқончиликда сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари етиштириш ва ундан юқори ҳосил олиш имкониятини беради. Вилоятнинг тоғли ҳудудида жойлашган туманлар, шунингдек, Самарқанд шаҳрига яқин жойлашган туманларнинг суғориладиган ерларида мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган хўжаликлар ташкил этилган.

1-жадвал

**Зарафшон минтақаси қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган  
ер майдони ва экинларнинг ялпи ҳосили (2014 йил)**

т/р	Вилоятлар	Майдони, минг га	Қишлоқ хўжали гида фойдалани- ладиган ерлар, минг га	Шу жумладан суғориладиган ерлар, минг га	Пахта экин майдони, минг га	Пахта ялпи ҳосили минг т.	Бугдой экин майдони, минг га	Бугдой ялпи ҳосили, минг т.
1.	Бухоро	4193,7	2807,4	227,8	110	350	93	554
2.	Навоий	10937,5	8891,9	108	36	110	48,3	235
3.	Самарқанд	1677,3	1295,2	310	92	235	146	781
<b>Жами</b>		<b>16808,5</b>	<b>12994,8</b>	<b>645,8</b>	<b>238</b>	<b>695</b>	<b>287,3</b>	<b>1570</b>

Жадвал ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Минтақада суғориладиган ерларнинг асосий қисми Самарқанд вилоятида Каттақўрғон, Иштихон, Пастдарғом, Нарпай, Пахтачи, Навоий вилоятида - Хатирчи, Кармана, Навбахор, Қизилтепа, Бухоро вилоятида - Ғиждувон, Вобкент, Шофиркон,

Бухоро, Когон, Жондор, Қоракўл туманларида жойлашган бўлиб, асосий пахта, ғалла шу худудларда етиштирилади. Мамлакат пахтачилигидаги далзарб муаммо – унинг ҳосилдорлигини оширишдир. Минтақанинг баъзи туманларида ҳосилдорлик гектаридан 22-24 центнер ва ҳатто ундан ҳам камни ташкил этади. Шўрланиш юқори бўлган худудлар Самарқанд вилоятида - Нарпай, Пахтачи, Навоий вилоятида - Кармана, Қизилтепа, Бухоро вилоятида Когон, Жондор, Қоракўл туманлари ҳисобланади. Бу эса тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини анча пасайтиради. Бинобарин, ирригация ва мелиорация ишларини яхшилаш, пахтанинг янги навларини яратиш ва тўғри районлаштириш, тупроқ эрозияси ва шўрланишга қарши кураш мамлакатимиз пахтачилиги ривожланишининг устувор йўналишларидан бўлиб қолиши керак.

Зарафшон минтақасида Бухоро вилояти пахта экин майдони жихатдан (110 минг га) ва унинг ялпи ҳосили (350 минг тонна) бўйича биринчи ўринда туради. Бу кўрсаткичлар Навоий вилоятида жуда оз. Минтақада кейинги йилларда Бухоро ва Навоий вилоятларида пахта етиштиришда сув танқислиги яққол сезилмоқда. Шуни ҳисобга олиб, минтақада кейинги 20 йил даавомида пахта экин майдонини поғона- поғонама қисман камайтиришни (20 минг га атрофида), пахта ялпи ҳосилини сақлаган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

**Хулоса.** Зарафшон минтақасида пахтачилик мажмуасини такомиллаштириш бўйича қуйидаги тавсияларни берамиз:

-минтақада пахта етиштирадиган туманларда сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, пахта экин майдонлари ҳажмини яқин 20 йил ичида поғонама - поғонама қисман камайтириш, пахта ялпи ҳосилини шу ҳолатда сақлаб туриш;

-ерларнинг мелиоратив ҳолатини доимий яхшилаб бориш, тупроқ шўрланишига қарши курашиш, алмашлаб экишни мунтазам жорий қилиб бориш, қишлоқ хўжалигида юксак деҳқончилик маданиятини шакллантириш, маҳаллий ўғитлардан фойдаланиб, пахта ҳосилдорлигини ошириш;

-қишлоқ аҳоли манзилгоҳларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналарни кўпайтириш, ип йигирув, тўқувчилик ва тикувчилик цехларини қуриш;

-келажакда пахтачиликни такомиллаштиришда интенсив технологияни қўллаш усулларини тадбиқ этиш;

-фермер хўжалиги раҳбарлигига қишлоқ хўжалиги мутахассислигини эгаллаган, олий маълумотли агроном - иқтисодчи, агроном - муҳандис кабиларни тавсия қилиш;

-пахта хом ашёсини жаҳон стандартига тўла жавоб берадиган қилиб, сифатли тайёрлаш ва уни қайта ишлаш.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Солиев А.С., Ахмедов Э.А., Маҳаммадалиев Р.Й., Назаров М.И., Тожиева З.Н., Болтаев М.Ж., Атажанова У.А. Минтақавий иқтисодиёт. - Т.: "Университет", 2003. - Б.231-256.

2. Солиев А., Назаров М., Қурбонов Ш. Ўзбекистон худудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. –Т.: Мумтоз сўз, 2010. – 332 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, 2015.

#### **Рўзметов Д.Р\*.**

### **РЕСПУБЛИКА ЕНГИЛ САНОАТИ КЛАСТЕРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ**

*Аннотация.* Мақолада саноат ишлаб чиқаришини худудий ташкил этиш масалалари, кластерлар ва уларнинг аҳамияти ҳақидаги қараешлар акс эттирилган.

\* Рўзметов Д. Р. - Урганч давлат университети география кафедраси доценти.

*Калим сўзлар:* саноат, енгил саноат, кластер, ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиши.

### **Некоторые вопросы формирования кластера лёгкой промышленности республики**

*Аннотация.* В статье представлены взгляды о вопросах территориальной организации промышленного производства, о кластерах и их значимости.

*Ключевые слова:* промышленность, легкая промышленность, кластер, территориальная организация производство.

### **Some questions of formation of light industry cluster in the republic**

*Abstract.* In the article are given the views on issues of territorial organization of industry production, clusters and its importance.

*Key words:* industry, light industry, cluster, territorial organization of production

**Қириш.** Саноат ишлаб чиқариши мамлакатлар иқтисодиёти ва жамият тараққиётида муҳим ўринни эгаллайди. Иқтисодиёт тармоғининг тараққиёти сўнгги икки асрда жаҳон ҳамжамиятини иқтисодий ва ижтимоий муҳим ўрин тутиб келмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида Ўзбекистон Республикасида саноат тармоқларини ривожлантириш борасида катта ютуқларга эришилди. Мамлакат саноатининг, ёқилғи-энергетика, машинасозлик, металлургия, кимё саноати каби базавий соҳаларига йирик сармоялар жалб этилиб, автомобилсозлик, вагонсозлик ва оммавий машинасозликнинг кўплаб тармоқларига асос солинди. Саноат ишлаб чиқаришида янги қувватларнинг ишга туширилиши республика саноатининг ҳудудий таркибида ҳам ижобий ўзгаришлар ясалди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Андижон, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм, Жиззах вилоятларида янги қайта қувватларнинг ишга туширилиши уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрнини анча яхшилади.

**Асосий қисм.** 2002 йиллардан республикада саноат ишлаб чиқариши янги ривожланиш қадам қўйди. Иқтисодиёт тармоғининг йиллик ўсиш суръати йилига 8-9 фоизни ташкил этмоқда. Республикамиз раҳбарияти томонидан изчил оқилона иқтисодий сиёсат олиб борилгани боис 2008 йилда юз берган жаҳон молиявий инқирози ҳам мамлакат саноати ва иқтисодиётининг барқарор ривожланишига салбий таъсирини ўтказмади.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида республика иқтисодиётининг аънанавий тармоғи - енгил саноат ривожланишига ҳам республика раҳбарияти томонидан катта эътибор қаратилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А. Каримов «Енгил саноатнинг пахта тозалаш, тўқимачилик, ипак йиғириш соҳалари ва бошқа тармоқларини замонавийлаштириш, тугалланган технологик жараённи таъминловчи ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва дунё бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш лозим», деб таъкидлаган [1]. Тармоқда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 2 июлдаги «Республика енгил саноатини ривожлантириш ва бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 240-сонли қарори, 2005 йил 27 январдаги «Республика тўқимачилик саноатига инвестициялар жалб этиш чора-тадбирлари» тўғрисидаги 38-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 13 ноябрдаги «2006-2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида» ги ПҚ-510-сонли қарори, 2010 йил 15 декабрдаги «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида» ги ПҚ-1442-сонли қарори, 2015 йил 4 мартдаги «2015 — 2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида» ги ПФ-4707-сонли фармонлари асосида юзлаб хорижий сармоялар иштирокида қўшма инвестицион лойиҳалар амалга оширилди ва давом эттирилмоқда. Ушбу дастурлар республика енгил саноати тармоқлари ривожланиши, маълум даражада ҳудудий таркибини такомиллаштириши, аҳолини истеъмол

маҳсулотлари билан таъминланиши, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга ёрдам берди. Бироқ, республика енгил саноатининг ривожланишида ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам йўқ эмас. Хусусан, хом ашё, меҳнат ресурслари, маълум даражада қулай инфраструктура мавжуд бўлишига қарамасдан, бу борада талай муаммолар мавжуд.

Ишлаб чиқариш, ҳудудий, тармоқ кластерлар яратиш масалалари устида Европа кластер обсерваторияси (ЕИ), Гарвард бизнес мактаби (АҚШ), Самсунг иқтисодий тадқиқотлар маркази (Корея Республикаси), Россия кластер обсерваторияси (Россия Федерацияси), Хоккайдо университети, Китаюсю илмий тақиқот парки (Япония) каби етакчи илмий тадқиқот институтлари ва бошқа етакчи мамлакатлар олий ўқув юртларида чуқур тадқиқотлар олиб борилмоқда. Дж.Харрисон, Р.Сабела, М.Портер, С.Бекатти, Е.Бергман, Л.Янг, С.Соколенке каби қатор олимлар кластерлар ғоясини ҳаётга тадбиқ этишнинг фаол намояндалари саналади. Кластер ривожланиш моделини жорий этишнинг энг фаол тарафдори М.Портердир. Унинг фикрича, кластерлар географик жиҳатдан ўзаро боғланган компаниялар, фирмалар, ташкилотлар (корхоналар, агентликлар, марказлар, университетлар ва хоказо) нинг мужассамлашувидир. Ушбу ишлаб чиқариш модели яқин келажақда жамият ривожланишини таъминлаши лозим.

Кластерлар кўпчилик томонидан катта илмий янгилик сифатида талқин этилсада, у аслида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ҳақидаги назарий қарашлар ва амалиётнинг эволюцияси натижасидир. Хусусан, XIX аср ва XX аср биринчи ярмида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш штандортлари, район комбинатлари, энергия ишлаб чиқариш цикллари каби назарий қарашлар остида саноат ўсиш қутблари, саноат районлари, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил этилди. Ўтган асрнинг 70 йилларидан эса жаҳонда ишлаб чиқариш алоқаларида ўзаро боғланган турли бўғинларнинг юқори кооперацияси ва мужассамлашувини ўзида камраган кластерлар жорий этила бошланди. Дастлабки кластерлар илмий тадқиқот институтлари (Силикон водийси, Стенфорд университети (АҚШ)), коммуникация-ахборот (Nokia, Финляндия), автомобилсозлик (Toyota, Япония) каби ташкилотлар ва компаниялар базасида ўсиб чиққан. Ривожланган мамлакатларда ҳозирги кунда иқтисодиётнинг турли соҳаларида минглаб кластерлар фаолият юритмоқда.

МДХ мамлакатлари орасида Россия Федерациясида кластерлар ривожланишига давлат миқёсида эътибор қаратилмоқда. 2012 йилда Россия ҳукумати томонидан 25 та инновацион кластерни шакллантириш ҳақида қарор қабул қилинган. Енгил саноати соҳасида Иваново областида тўқимачлик кластери шакллантирилмоқда.

Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариши, транспорт соҳаларида “Ангрен” махсус индустриал зонаси, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Жиззах” махсус индустриал зоналари ташкил этилиши кластерлар ташкил этишдаги дастлабки қадамлар деб қараш мумкин. 2016 йил 26 октябрда Ўзбекистон Республикаси президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4853-сонли фармонни имзолади. Мазкур фармонда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналари номи бирхиллаштирилиб, “Навоий”, “Ангрен” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналар деб юритилиши белгиланган. Фармонда мамлакатимиз иқтисодиётининг моддий ишлаб чиқариш секторларига сармоя киритаётган хорижий инвесторларга янада қулай шароитлар яратиш, ягона ҳуқуқий тартиб, солиқ ва божхона имтиёзлари, преференцияларни белгилаш, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, шунингдек, замонавий инфратузилмани шакллантириш, олий, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида эркин иқтисодий зоналарнинг соҳа кадрларига бўлган ҳозирги ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларнинг эркин иқтисодий зоналарда жойлашган

корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташни назарда тутган ҳолда, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни ташкил этиш белгиланган.

**Хулоса.** Республика енгил саноати тармоқларида ҳам худудий кластерларни шакллантириш долзарб масалалардан саналади. Чунки, республика ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) 1/4 қисмига яқини аграр, унинг катта қисми енгил саноат хом ашёсини етиштиришга тўғри келади. Ҳозирги вақтда мамлакатда тайёрланаётган пахта толасининг 33-34 фоизи турли даражада қайта ишлашга тортилган, тикувчилик, кўн – пойабзал саноати, гиламчилик каби енгил саноат тармоқлари маҳсулотлари хом ашёсини ишлаб чиқариш имкониятлари катта бўлишига қарамадан кўп миқдорда хориждан келтирилган материаллар ҳамда бутловчилар асосида ишлаб чиқарилмоқда.

Республика енгил саноатининг худудий таркиби, мавжуд хом ашё ва меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Соҳа тармоқларини ишлаб чиқариш алоқаларини такомиллаштириш, минтақавий, таркибий, функционал, тизимли кластерини шакллантириш долзарб масалалардан саналади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Бизнинг келажагимиз ўз кўлимизда - Т.: «Ўзбекистон», 1999. – 400 б.
2. Портер М. Международная конкуренция. - М.: «Международные отношения», 1993. - 896 с.
3. Бекмуродов А.Ш., Янг Сон Бэ. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана: кластерный подход. - Ташкент: «Деловой партнер», 2006.- 112 с.
4. Martin R., Sunsley P. Conceptualizing Cluster Evolution Beyond the Life Cycle Model // Regional Studies. - 2011. - № 45 (10). - P. 1299-1318.
5. Европейская кластерная обсерватория, <http://www.clusterobservatory.eu>
6. Российская кластерная обсерватория, Территориальные кластеры, дайджест новостей-№1, <http://cluster.hse.ru>

**Абдуназаров Ҳ.М., Умарова М.Х.\***

### **ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ТАРКИБИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада мустақиллик йилларида республика хотин-қизларининг миллий иқтисодиёт тармоқларидаги бандлик даражаси, шунингдек, иш билан таъминланмаган хотин-қизларни ижтимоий меҳнатда бандлигини янада ошириш борасидаги тавсиялар ўрин олган.

**Калим сўзлар:** меҳнат ресурслари, бандлик даражаси, ижтимоий соҳа, ношиллаб чиқариш соҳаси, иқтисодий фаол аҳоли, саводхонлик даражаси.

#### **Место и роль женщин в структуре трудовых ресурсов Узбекистана**

**Аннотация:** В статье рассматривается степень трудовой занятости женщин в национальной экономической структуре в годы независимости Республики, а также даются рекомендации по обеспечению занятости женщин в общественном труде.

**Ключевые слова:** трудовые ресурсы, уровень занятости, социальная сфера, непроизводственная сфера, экономически активное население, уровень грамотности.

#### **Place and role of women in structure of labour force of Uzbekistan**

**Abstract:** This article examines the extent of the employment of women in the national economic structure in the years of independence, and provides recommendations to ensure the employment of women in social activities.

\* Абдуназаров Ҳ.М. - Термиз давлат университети география кафедраси доценти, г.ф.н.,  
Умарова М.Х. - Термиз давлат университети география кафедраси катта ўқитувчиси.

*Key words: labor, employment, social services, non-productive sphere, the economically active population, the level of literacy.*

**Кириш.** Республикамизда амалга оширилаётган бозор иқтисодиёти ислохотлари негизда, иқтисодиётнинг турли тармоқларида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш орқали, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Республикамизнинг меҳнат ресурслари таркибида аёллар, хусусан, хотин-қизларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга кенг жалб этилиши, уларнинг жамият тараққиётидаги фаолиятининг кенгайиб бориши ва келажакда хотин-қизлар меҳнатидан тадбиркорлик ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантиришда самарали фойдаланиш орқали уларнинг бандлигини ошириб бориш долзарб социал муаммолардан биридир.

**Ишнинг мақсад ва вазифалари.** Бозор иқтисодиёти шароитида республика меҳнат ресурслари таркибида хотин-қизларнинг тутган ўрни, аёлларнинг иқтисодиётнинг турли тармоқларида бандлик даражаси ва келажакда аёллар меҳнатидан самарали фойдаланиш хусусиятларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш ва таклиф, тавсиялар бериш ушбу ишнинг мақсади ҳисобланади. Мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар:

- Республикамиз хўжалигининг турли соҳалари бўйича хотин-қизларнинг ҳиссасини;

- Хотин-қизларнинг ижтимоий-ишлаб чиқаришга жалб этилиши ва бандлик даражаси;

- Келгусида хотин-қизлар меҳнатидан тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантиришда самарали фойдаланишни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш ва таклиф, тавсиялар белгиланди ва таҳлил этилди.

**Асосий қисм.** Меҳнат ресурслари аҳолининг ўз руҳий физиологик ва ақлий сифатлари билан моддий неъматлар ишлаб чиқаришга ёки хизматлар кўрсатишга қодир бўлган меҳнатга лаёқатли қисмидир.

Ўзбекистонда меҳнат ёшининг қуйи чегараси 16 ёш бўлиб, юқори чегараси аёллар учун 55 ёш, эркеклар учун эса 60 ёшни ташкил қилади. [2, 3]

*1-жадвал*

**Миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларида банд бўлганларнинг таркибида аёллар ҳиссаси (% ҳисобида)**

Миллий иқтисодиётнинг тармоқлари	Йиллар					
	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Саноат	7,74	7,12	7,07	8,06	8,51	8,37
Қишлоқ хўжалиги	28,3	27,85	25,10	19,86	17,89	18,30
Ўрмон хўжалиги	0,05	0,06	0,05	0,05	0,05	0,05
Транспорт	1,17	1,18	1,17	1,24	1,22	1,23
Алоқа	0,74	0,78	0,71	0,70	0,72	0,68
Қурилиш	0,97	0,93	0,91	0,95	0,94	0,86
Савдо, умумий овқатланиш	2,88	2,96	2,92	3,29	4,01	3,55
Маиший хизмат кўрсатиш	1,54	1,54	1,67	1,79	1,90	1,79
Соғлиқни сақлаш	17,08	17,00	17,93	19,29	19,80	20,06
Таълим	32,70	33,74	35,40	37,24	37,24	37,12
Маданият ва санъат	0,99	0,86	0,88	1,05	0,99	1,11
Фан	0,60	0,61	0,64	0,69	0,70	0,75
Молия, кредит ва суғурта	1,34	1,38	1,55	1,56	1,62	1,60
Бошқа соҳалар	3,90	3,99	4,00	4,23	4,41	4,53

*Жадвал ЎЗР статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.*



Ўзбекистон ҳозирги кунгача ҳам жуда юқори меҳнат ресурслари салоҳиятига эга бўлиб, ушбу меҳнат ресурслари аввалги ўн йилликларда туғилиш даражаси юқори бўлганлиги ҳисобига рўй бермоқда.

Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аёллар жами меҳнат ресурсларининг 50 % га яқинини ташкил этиб, ишчи кучи сифатида халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатадилар. Буни куйидаги жадвал маълумотлари орқали ҳам кўриш мумкин.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, республикамизнинг халқ хўжалиги тармоқларида банд бўлган хотин-қизларнинг асосий қисмини маориф, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш соҳалари ва саноатда банд бўлганлар ташкил қилади. Бироқ, иш билан бандлик даражасининг мазкур йиллар бўйича ўзгаришини таҳлил қиладиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа ва қурилиш соҳаларида фаолият кўрсатаётган аёллар улушининг камайиб бораётганини кўриш мумкин. Аксинча, маориф, соғлиқни сақлаш, молия, кредит ва суғурта идоралари каби ноишлаб чиқариш соҳаларида иш билан банд бўлган аёллар сонининг кўрсатилган йиллар бўйича ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Бу эса ҳозирги вақтда аёлларнинг саводхонлик даражасининг ортиб, уларнинг жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий тармоқларида фаол қатнашиши ва энг муҳими аёллар ўртасида олий маълумотлилар сонининг ўсиб бораётганлигидан далолат беради.

Ҳозирги вақтда Республикамизда аёлларнинг жамиятда тутган ўрни ортиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимиз иқтисодиётининг таълим-тарбия, маданият ва илм-фан соҳаларида меҳнат қилаётган ходимларнинг 73 фоизини, соғлиқни сақлаш тизимида 75 фоизни, ишлаб чиқариш соҳаларида 43 фоизни ташкил этмоқда. Биргина иқтисодий ислохотлар даврида мамлакатимизда кичик бизнес субъектларида 120 мингдан зиёд, фермер хўжаликларида 4 минг 550дан ортиғини хотин-қизлар самарали бошқариб келмоқда.

Мустақиллик йилларида ишга муҳтож меҳнат ресурсларини, айниқса, ижтимоий меҳнатда банд бўлмаган хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида миллий хунармандчиликни ривожлантириш (гилам тўқиш, каштадўзлик, кийим-кечак тикиш), тўқимачилик корхоналари, қишлоқ хўжалиги, полиз ва сабзаёт маҳсулотларини қайта ишловчи цехлар ҳамда комбинатларнинг ишга туширилиши меҳнатда банд бўлган аҳоли ўртасида аёллар салмоғининг ортишига олиб келди. Сўнгги йилларда аёлларнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаолияти ҳам кенгайиб бормоқда. Бу борада 2015 йилнинг Республикамиз тадбиркор аёллари учун 1 триллион 255 миллиард сўмлик кредитлар ажратилиб бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 130 фоизга ўсганлиги диққатга сазовордир.

**Хулоса.** Меҳнат ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш мамлакатимиз равнақи ва аҳоли бандлигини тўлароқ қондириш, уларнинг турмуш тарзини юксалтиришга хизмат қилади. Инфратузилмани ривожлантириш кўп меҳнат талаб этадиган кенг кўламли соҳа ҳисобланади. Бу янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, аҳолининг даромади ва фаровонлигини ошириш имконини беради.

Республикамизда хотин-қизларнинг ижтимоий меҳнатда бандлигини ошириш учун куйидаги асосий йўналишлари бажаришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тузилмасини янада такомиллаштириш, боғдорчилик, узумчилик, сабзаётчилик, полизчилик ҳамда чорвачиликни жадал ривожлантириш ҳисобига аҳолининг иш билан таъминланганлигини ошириш;
- Қишлоқ жойларда йирик саноат корхоналарнинг филиаллари ва цехларини ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари барпо этиш;
- Республикамизнинг қишлоқ туманларида арзон хом ашё (пахта толаси)ни қайта ишловчи ўртача қувватда ишловчи ип-йигирув ва тўқимачилик корхоналарини қуриб ишга тушириш орқали хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга эришиш [1] ;

• Маҳаллий қишлоқ хўжалиги хом ашёсидан тўлиқроқ фойдаланиш негизида аграр – саноат комплексини ҳар томонлама ривожлантириш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенгайтириш Бу қишлоқ жойларнинг меҳнатга лаёқатли аҳолисини кўпроқ даражада иш билан таъминлаш имконини беради;

• Маълумки, бозор иқтисодиёти шаклланиши шароитида хусусий тадбиркорликка, кичик бизнесга имкониятлар яратилади, бунинг натижасида аҳоли бандлигининг янги шакллари ва турлари пайдо бўлади ва ривожланади. Шунини инобатга олган ҳолда қишлоқ жойларда миллий хунармандчилик марказларини ташкил этиш орқали гилам тўқиш, каштадўзлик ва кийим-кечак тикиш каби касаначилик тармоғини янада кенгайтириш ҳамда бошқа кўплаб соҳаларни ривожлантириш орқали аёллар меҳнатидан самарали фойдаланиш эвазига халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир [1].

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари.-Т.: "Ўзбекистон", 2009.
2. Асанов Г. Р. Аҳоли географияси.-Т.: "Ўқитувчи", 1978.
3. Бўриева М., Тожиева З., Зокиров С. Аҳоли географияси ва демография асослари. Т.: "Тафаккур", 200 б.
4. Солиев А., Назаров М. Ўзбекистон қишлоқлари (Қишлоқ жойлар географияси) Т.; "Фан ва технология", 2007.

#### Халилова Х.Т.\*

### МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

**Аннотация:** Ушбу мақолада, қишлоқ хўжалиги ривожланиши ва мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар натижасида эришилган ютуқларга баҳо берилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** ер фонди, меҳнат ресурслари, миллий бойлик, модернизация, инновацион технологиялар.

#### **Реформы в сельском хозяйстве за годы Независимости**

**Аннотация:** В данной статье дана оценка развитию сельского хозяйства, а также успехам, достигнутым в результате поэтапного осуществления экономических реформ с начала независимости Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** земельный фонд, трудовые ресурсы, национальное богатство, модернизация, инновационные технологии.

#### **The reforms of agriculture in the years of independence**

**Abstract:** In article given estimation of the development and change to trends to efficiency rural facilities, as well as success reached as a result on step of the realization of the economic reforms with begin independence of the republic Uzbekistan.

**Key words:** land resources, human resources, national wealth, modernization, innovative technologies.

**Қириш.** Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги ўзининг мустақил тараққиёт йўлига ўтиб олиш учун бир мунча қийин ҳолатларни бошидан кечирди. Чунки, ишлаб чиқаришни бир тизимга солиб, иқтисодий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда давлат томонидан берилаётган маблағлардан тўғри фойдаланиш, техника таъминоти соҳасида мавжуд бўлган муаммоларга чек қўйиш муҳим масала эди. Мустақиллик йиллари қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган катта ишлардан бири - мулкка бўлган муносабатни

\* Халилова Х.Т. – ТМИ Минтақавий иқтисодиёт кафедраси доценти, г.ф.н.

тубдан ўзгартириш, хусусий ва шахсий мулкка ҳаққоний муносабатни шакллантириш бўлди.

Ўзбекистонни иқтисодий жиҳатдан юксалтиришда қишлоқ хўжаликдаги ислохотларнинг аҳамияти ниҳоят даражада юксак эканлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларига алоҳида тўхталиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди. “Ҳозирги вақтда айнан иқтисодиётнинг аграр секторида катта-катта заҳиралар мавжуд, уларни ишга солиш яқин вақт ичидаёқ сезиларли натижалар бериши мумкин. Бутун иқтисодий ўзгаришларнинг якуни - барқарорлик ва халқ фаровонлиги, кўп жиҳатдан туб ўзгаришлар жараёнлари аграр секторни қамраб олишга, қишлоқда ислохотлар қанчалик чуқур боришига боғлиқ бўлади” - дея таъкидлаганлар [1].


**Асосий қисм.** Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалик соҳасига жиддий эътибор берилиб, пахта навларни яхшилаш, ерни шўрланишини олдини олиш, захланган ерларни шўрини ювиш, фермер хўжаликларнинг фаолиятни мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигида малакали, тадбиркор ва ташкилотчи мутахассисларни танлаш, ёш тажрибали фермерлар мактабини шакллантириш, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг сифат ва самарадорлигини ошириш муҳим масалага айланди.

Эътиборлиси, жаҳондаги кўплаб давлатларда ҳали-бери молиявий-иқтисодий инкироз оқибатлари бартараф этилмаган бир шароитда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга йўналтириш имкониятлари тобора кенгаймоқда.

Бугун Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг ҳар томонлама барқарор ривожланаётган муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб ривожлантириш стратегияси соҳада янги иқтисодий муносабатларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш каби тадбирлар орқали мамлакат озиқ-овқат мустақиллигини таъминлашга қаратилган эди.

Қишлоқ хўжалигини ва саноатнинг қайта ишловчи тармоқларини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, жаҳон талаблари ва стандартларига жавоб берадиган замонавий юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш даражасини тубдан ошириш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш учун хорижий инвестицияларни, кенг жалб этиш мақсадида 2012-2016 йилларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури қабул қилинди.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимизнинг етакчи тармоқларидан бири сифатида нафақат аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда, балки иқтисодиётни бошқа соҳаларини ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин эгаллайди.



Расм 1. ЯИМ таркибда қишлоқ хўжалигининг улуши (%)


ЯИМ таркибида қишлоқ хўжалиги улушининг камайиш тенденцияси кузатилишига қарамадан, турли мулк шаклларига асосланган хўжалик юритиш шаклларида мавжудлиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида соғлом рақобат муҳити юзага келмоқда (1-расм). Шунинг учун республикада иқтисодий ислохотларнинг дастлабки бочқичлариданоқ мулкни давлат таъсаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, турли мулк шаклларида тенг ҳуқуқлигига таянувчи кўп укладли иқтисодиёт тизимини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикада қишлоқ хўжалигида вужудга келган янги хўжалик юритиш шакллари орасида деҳқон ва фермер хўжаликлари муҳим аҳамият касб этади. Деҳқон ва фермер хўжаликлари хўжалик юритишнинг шахсий манфатдорлик, ташаббускорлик ва мулкий жавобгарлик тамойилларига таяниб, қишлоқ хўжалигида мулк шаклларида тенг ҳуқуқлик ва соғлом рақобат асосида ривожланиб боришига асосланади. Улар ўзлари етиштирган маҳсулотларига эгаллик қилишга, ўзига тегишли мол-мулк, молиявий ва моддий ресурсларни мустақил тасарруф этишга, ерга бўлган эгаллик ҳиссига кўра, яъни мустақил хўжалик юритиши бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига мос тушади. Республика ҳукуматининг бир қатор қарорларида истиқболда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи асосий субъект бўладиган фермер хўжаликларини янада ривожлантириш назарда тутилган. 2000-2015 йилларда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулот таркибида фермер хўжаликларнинг улуши 72.2 фоиздан 98 фоизга етди (2-расм).

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида қуйидагиларга эришилди:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг таркибий тузилиши мамлакат аҳолиси, саноат тармоқлари ҳамда халқаро бозор талабларига мос равишда қайта ўзгартирилди, тубдан янги аграр муносабатлар шакллантирилди;

- қишлоқда мулкдорлар синфининг ўрта қатлами-тадбиркор ва ишбилармон фермерлар шаклланди, фермер хўжаликлари мамлакат қишлоқ хўжалигининг асосий буғинига айланди. Улар стратегик аҳамиятга молик бўлган ғалла, пахта ва бошқа маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурсларга эга бўлди. Шу билан қишлоқ хўжалигида барқарор ривожланишга эришиш таъминланди;



**Расм 2. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибида деҳқон ва фермер хўжаликларининг улуши (фоизда)**

- мамлакатимизда фермерларни қўллаб-қувватлаш, улар ривожини рағбатлантиришнинг молиявий иқтисодий механизмлари жорий этилди. Пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва ишлаб чиқариш барқарорлашди, бу қишлоқ аҳолисининг даромадлари кўпайиши, турмуш фаровонлигини ошишига олиб келди;

- фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилаётган деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари самарадорлигининг ошиши, фермерларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотларининг кенгайиши, истиқболда ишлаб чиқариш кооперациясига асосланган кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришга кенг йўл очиб берди.

Мамлакатимизда мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, фермер ва деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати ва омилкорлиги туфайли 2015 йил мўл ҳосил етиштирилди, жумладан 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта хом ашёси етиштирилди ва йиғиб олинди. Мева, сабзавотчилик, боғдорчилик узумчилик ва чорвачилик шунингдек, уларнинг маҳсулотларини саноат йўли билан қайта ишлаш янада ривожланмоқда. Бундай мўл ҳосил олиш, асосан, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, селекция ишларини яхшилаш, ғўза ва бошқа дон экинларининг районлаштирилган навларини жорий қилиш, замонавий агротехнологияларни ўзлаштириш эвазига таъминланди.

Қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тонна бўлиб, бу йил давомида нархларнинг мавсумий кескин ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ва ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш, нарх-наво барқарорлигини бир меъёردа сақлаш имконини бермоқда.

Бугунги кунда биз умумий қиймати қарийиб 5 млрд. доллар атрофида дунёнинг 80 давлатига 180 турдан ортиқ мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилмоқдамиз. Шу боис, турли витаминларга бой деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг камхарж усулларини йўлга қўйиш давримизнинг долзарб талабига айланиб бормоқда.

**Хулоса.** Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш, юқори технологияли ускуналарни жорий этиш, экспорт салоҳиятини ошириш, шу жумладан, ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг узвий қисми сифатида озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, юқори ишлаб чиқариш салоҳиятига эга агросаноат комплексини жадал ривожлантириш учун барча зарур шароитлар яратиш мамлакатимиз фаровонлиги ҳамда барқарорлиги учун хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йуналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2016 йил 16 январь, 11-сон.

2. 2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури.

#### **Сабирова Н.Т.\***

### **ЗАРАФШОН МИНТАҚАСИ ШАҲАРЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ.**

*Аннотация:* Мақолада Зарафшон минтақаси шаҳар аҳоли пунктларининг ретроспектив ҳолати таҳлил қилинган, шаҳарларни ривожланиши даврлари босқичларга ажратилиб, уларнинг ўтмиши ва бугунги ҳолати таққосланган ҳамда шаҳарларни ривожланиши муаммолари кўриб чиқилган.

\* Сабирова Н.Т.– Самарқанд Давлат университети Табиий фанлар факултети мустақил тадқиқотчиси.

*Калим сўзлар:* халқаро савдо йўли, марказ шаҳар, янги шаҳар, қадимий шаҳар, уезд шаҳар, вилоят шаҳарлари, агрошаҳарчалар.

### **Этапы формирования и развития городов Зеравшанского региона**

*Аннотация:* В статье произведен ретроспективный анализ развития городских поселений Зеравшанского региона, рассматриваются вопросы периодизации развития городов, выполнен сравнительно-исторический анализ проблемы.

*Ключевые слова:* международный торговый путь, центральный город, древние города, новые города, уездные города, областной город, агротowns

### **Improving urban and development stages of the Zeravshan region**

*Abstract:* The article analyzes the retrospective provision of urban settlements Zeravshan region, considered the separation of urban development, as compared to these terms of urban settlements, given the problems of urban development.

*Key words:* international trade route, the central city, the ancient city, the new city, the city of the county, a regional city, agrotowns.

**Кириш.** Дарҳақиқат, мамлакатимиз кишилик маданияти тарихининг энг қадимги масканларидан бири бўлиб, бу ерда маҳаллий аҳоли бир неча юз минг йиллар давомида яшаб келмоқда ва суғорма деҳқончиликни юзага келиши эса аҳолининг ўтироқлашувига, доимий аҳоли манзилгоҳларининг пайдо бўлишига ҳамда кишилар жамоасининг вужудга келишига олиб келган. Лекин, бу жамоалар ўша вақтларда шаҳар деб аталмаган. Шаҳарлар бу-ижтимоий меҳнат тақсимооти натижасида, яъни деҳқончиликдан хунармандчилик ва савдони ажралиб чиқишидан пайдо бўлган.

Зарафшон минтақасининг шаклланиши ва ривожланишида Зарафшон дарёсининг мавжудлиги ва ерларининг серҳосиллиги, қулай иклими туфайли инсониятнинг энг қадимги цивилизация ўчоқларидан бири бўлиб келган, географик жиҳатдан қулай ҳудудда жойлашганлиги сабаб шарқ ва ғарб мамлакатларини бирлаштиришга хизмат қилган.

Бугунги кунда Зарафшон минтақасида жойлашган шаҳарларнинг тарихий географик шаклланиш ва ривожланиш босқичларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилишдан мақсад, шаҳарлар ўтмиши ҳамда бугунги ҳолатини географик нуқтаи назардан баҳолаш, башорат қилиш, шаҳарларнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Ўтмишда шаҳарларнинг гоҳ юксалиши, гоҳида таназулга учраши ижтимоий ривожланишининг доимий йўлдоши бўлган ва ана шундай даврий нотекисликлар шаҳарлар ривожланишининг тарихий босқичларини белгилаб берган [4].

**Асосий қисм.** Зарафшон минтақаси шаҳарларининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини биз 4-босқичга бўлиб ўргандик.

*1-босқич.* Энг қадимги даврдан то «Буюк Ипак Йўли» мавжуд бўлган давр (мил.ав. II асрдан-XVI асргача)ни ўз ичига олади. Бу босқичда жуда катта даврлар жамлаган ва ушбу босқичнинг илк даврларида синфий жамият шаклланади ва мамлакатимизда дастлабки шаҳарлар Чуст, Далварзин, Айритош, Холчиён, шу билан бирга, Зарафшон минтақасида Афросиёб (Самарқанд) шаҳри вужудга келди. Бу шаҳар ўзининг илк даврдан халқаро савдо йўлидаги шаҳар сифатида шаклланади. Кейинчалик, маҳобатли мудофаа деворлари билан ўралган ва қадимги шарқ маданиятини ўзида мужассам этган Самарқанд мил.авв. VIII-VII асрларда қадимги Суғдиёнанинг пойтахти сифатида шаклланади. Минтақада шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланиши асосан эрамиздан аввалги IV асрларга бориб тақалади. Шу даврлар ичида Самарқанд шаҳри таъсири доирасида Зарафшон водийси бўйлаб 6 та шаҳар юзага келади. Бу шаҳарлар асосан харбий истехком, подшоҳлар қароргоҳи вазифасини бажаради [1].

Миллоддан аввалги II асрда «Буюк Ипак Йўлининг» Зарафшон минтақасидан ўтиши, ушбу шаҳарларнинг тараққиётига ривож қўшади ва кўплаб шаҳарларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Бу даврдаги шаҳарлар харбий истехком, подшоҳ қароргоҳи

вазифасини бажариши билан бирга, савдо ва хунармандчилик маркази сифатида ҳам шаклланади.

Юртимизга араблар келгунига қадар минтақада йирик Самарқанд ва Бухородан ташқари Кушония (*ҳозирги Иштихон шаҳри ўрнида*), Дабусия (*Самарқанд вилояти Зиёвуддин темир йўл станцияси ёнида*), Арқуд (*Бухоро вилояти Работ Малик чўлининг зарбида*), Ромтин (*Бухоро вилояти Ромитан шаҳри*) ва Пойканд (*Бухоро шаҳридан 44 км жануби зарбда Жондор ва Қоракўл туманлари ҳудудида*), Равинд (*Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридан 7 км зарбда*), Кўктепа (*Пойариқ тумани ҳудудида*), Кофирқалъа (*Самарқанд тумани ҳудудида*) ва бошқа бир қанча шаҳарчалар бўлган. Ўрта Осиёни араблар томонидан босиб олинганидан (VIII аср) кейин кўпгина шаҳар ва қишлоқлар вайрон қилинган. Бу даврдаги шаҳарларнинг вайрон этилишига табиий жараёнлар билан бирга, шаҳарлар аҳолисининг диний таркиби ҳам сабаб бўлган. Масалан, IX асрларда Самарқанд шаҳридан 12 км жануби-шарқда, Дарғом каналининг чап соҳилида оташпарастлар ва буддага сиғинувчилар шаҳри бўлган. Бу шаҳар араблар томонидан йўқ қилинган, кейинчалик маҳаллий аҳоли орасида бу шаҳар ҳаробаси Кофирқалъа (Кофирлар шаҳри) номи билан қолган.

Араблар истеълосидан кейин минтақада бир нечта шаҳарлар шаклланади. Бу шаҳарлар кўпроқ Бухоро (ўша даврда ислом динининг маркази) шаҳри атрофида (Кармана, Шарғ, Вардона, Борқад, Ромитан, Варахша) ва шаҳарча ҳаёт тарзи ривожланган йирик қишлоқлар (Нур, Иснажкат, Зандана, Афшина, Фароб) каби арк, шахристон ва работлар шаклланди ва ривожланди [3]. Бу вақтдаги шаҳарларнинг юзага келиши ва муқаддаслиги уларнинг қадамжойлари, мазор ва бозорлари билан боғлиқ бўлган [4]. Кейинчалик, шаҳарлар пойтахт, савдо, хунармандчилик маркази вазифаларини бажариш билан биргаликда диний марказлар сифатида шаклланди.

XIII асрда Мўғул босқинчилари томонидан минтақадаги барча шаҳарлар вайрон этилади ва ривожланишдан тўхтади.

Айниқса, XIV асрда, Темурийлар даврига келиб шаҳарлар (Самарқанд ўз ўрнидан жанубга кўчади) яна тикланиб, пойтахт, савдо ва хунармандчилик маркази вазифаларини бажаради. Бу вақтда минтақа шаҳарларида қоғоз, ипақдан матолар ва шиша буюмлари ишлаб чиқариш ривожланган ва ишлаб чиқарган маҳсулотларини бошқа мамлакатларга сотишган [5].

XVI асрга келиб, Шайбонийхон даврида, Бухоро шаҳрида хунармандчилик ва савдо-сотик ишлари яхши йўлга қўйилиб, бу ҳолат шаҳар атрофидаги шаҳарчаларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади ва уларни янада ривожланишига олиб келади.

Умуман, бу босқичда, юқорида кўриб ўтилган баъзи бир қадимий шаҳарлар ҳозирги кунда «ўлик шаҳар» номини олган. Муаммо шундаки, Зарафшон минтақаси ва унинг атрофидаги кўпгина шу номдаги шаҳарлар археологик ва географик жиҳатдан тўлиқ ўрганилмаган. Агар уларни археологик ва географик жиҳатдан тўлиқ ўрганиб чиқилса, келажакда бу ҳудудларга туристик маршрутлар ўтказиб, сайёҳлар учун бориб кўрадиган қизиқарли туристик объект сифатида фойдаланиш мумкин. Бу эса, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қилиши баробарида, унинг кўламини кенгайтиради.

*II-босқич.* Бу босқич 1865-1917 йилларни ўз ичига олади. Ўрта Осиёни Россия забт этгунига қадар феодал маъмурий-худудий бирликка мослашган бу даврда хонлик ва амирлик пойтахтлари, савдо-сотик марказлари фақат шаҳарлар ҳисобланган. 1865 йил Туркистон Россия томонидан забт этилгач, шаҳарлар мазмуни ўзгача ифодаланган, яъни «уезд шаҳар», «вилоят шаҳарлари» каби иборалар пайдо бўлган.

Темир йўл станциясининг ўтказилиши минтақанинг иқтисодий ва ижтимоий ривожига ривож қўшади. Унинг таъсирида (1868 йил) Каттақўрғон уезд шаҳри ва (1888 йил) Янги Бухоро (Когон) шаҳри (ўша даврда Янги Бухоро амирликнинг ташқи савдоси

учун хизмат қилган) [2] ва ҳали шаҳар мақомини олмаган йирик аҳоли манзилгоҳлари Вобкент, Ромитан, Қорақўл, Булунғур, Жума, Жомбой, Оқтош қабилар шаклланади. Ушбу, аҳоли манзилгоҳлари бу даврда қишлоқ жойлари билан марказ шаҳарларни боғловчи транзит тугунлар ҳисобланган.

*III-босқич.* 1917-1991 йилларни ўз ичига олади. Бу босқич минтақа шаҳарлари шаклланишининг асосий босқичи ҳисобланади. Янги ерларнинг ўзлаштирилиши, фойдали қазилма конларининг очилиши, гидроэлектрэнергетика ва гидрологик иншоотларининг қурилиши бу даврдаги шаҳарларнинг юзага келишига ҳамда шаклланишига таъсир кўрсатади.

Ундан ташқари, 1929 йил «Ўзбекистон ССРнинг шаҳар аҳоли пунктлари рўйхатини тузиш тўғрисида» қарор қабул қилинади. Шаҳарлар рўйхатига Бухоро, Когон, Каттақўрғон, Самарқанд, Ургут ҳамда ўша вақтда шаҳар типдаги посёлка ҳисобланган Ғиждувон, Кармана киритилган бўлиб, 1939 йилги аҳоли рўйхатидан кейин минтақада шаҳарлар тўри – Самарқанд, Бухоро, Когон, Каттақўрғон, Ғиждувон, Галлаосиё шаҳарлари ва Навоий, Конимех шаҳарчаларидан иборат бўлган.

1961 йилда Республика ҳудудида аҳоли пунктларини шаҳар ва шаҳар типдаги посёлка қаторига киритиш тартиб қоидаларини белгилаб бериш тўғрисидаги фармони ишлаб чиқилади. Мазкур фармонда шаҳарларнинг бўйсунушига кўра, аҳолиси қанча бўлиши кераклиги ҳам белгилаб қўйилади. Бунда республикага бўйсинувчи шаҳар аҳолиси 500 минг, вилоятга бўйсинувчи 40 минг, туманга бўйсинувчи 10 минг, шаҳар типдаги посёлкалар аҳолиси эса 2 мингдан кам бўлмаслиги қайд қилинади. Бу даврда Оқтош аҳоли манзилгоҳи шаҳар мақомини олади.

1972 йилга келиб Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳудудий бўлиниши борасидаги айрим масалаларни ҳал этишдаги қонун қоидаларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Ана шу қарорга мувофиқ вилоятга бўйсинувчи шаҳарлар аҳолисининг юқори чегараси 40 мингдан 30 мингга, туманга бўйсинувчи шаҳарлар эса, 10 мингдан 7 мингга туширилади. Мазкур қарордан кейин минтақада кўплаб шаҳарлар хусусан, Бухоро вилоятида Ғиждувон, Олот, Вобкент, Қорақўл, Қоровулбозор, Газли (ресурс шаҳар), Ромитан, Навоий вилояти ҳудудида Зарафшон (ресурс шаҳар), Нурота, Қизилтепа, Кармана, Учқудук, Самарқанд вилоятида Ургут, Булунғур, Жомбой, Иштихон, Нуробод, Жума, Иштихон, Челак шаҳарлари ривожланади.

Бу босқичда юзага келган баъзи шаҳарлар аҳолисининг асосий қисми русийзабон халқлардан иборат бўлган. Шаҳарларнинг русийзабон халқлар яшайдиган қисми «янги шаҳар», маҳаллий аҳоли яшайдиган қисми эса «эски шаҳар» деб номланган. Ўш вақтларда шаҳарнинг «янги шаҳар» қисмида йирик-йирик саноат корхоналари бетартиб жойлаштирилган.

Шаҳарлар аввал, подшоҳлар қароргоҳи, ҳунармандчилик ва савдо маркази, ислом дини маркази, муқаддас қадамжолар маркази, пойтахт вазифаларни бажарган бўлса, энди бу босқичга келиб вилоят маркази, туман маркази, саноат марказлари вазифасини бажарадиган шаҳарлар шаклланган.

*IV-босқич.* Бу босқич 1991 йилдан ҳозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига олади. Мустақилликнинг илк йилларида минтақада шаҳарларнинг шаклланиши бир оз сустроқ кечади. Чунки собиқ Иттифоқ салқитлари шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Шундай бўлсада, минтақада мавжуд 25 та шаҳарчалар қаторига, Самарқанд вилоятида Пайариқ шаҳри (1994 йил), Навоий вилоятида Янгирабод (1998 йил), Бухоро вилоятида Шофиркон (1995 йил) шаҳарлари туман маркази сифатида юзага келади ва шаклланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартда «Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ минтақада, шу жумладан, Навоий вилоятида 30 та,



Самарқанди вилоятида 76 та, Бухоро вилоятида 60 та қишлоқ жойлари шаҳарча мақомини олади.

Бундай вазиятнинг вужудга келишига янги шаҳарчаларга қўйилган аҳоли сони билан боғлиқ талаблар сабаб бўлган. Ташкил топган янги шаҳарчалар, асосан, табиий ва сунъий объектлар яқинида, суғорма деҳқончилик ривожланган ҳудудларда шаклланган. Муस्ताқиллик йилларида шаҳарлар функцияси қуйидагилардан иборат бўлди. Улар кўп функцияли, саноат, ресурс, туристик, транспорт марказлари ҳамда саноат, ресурс ва транспорт вазифасини бажарувчи шаҳарлардир.

Умуман, муस्ताқиллик йилларида юзага келган шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг ютуқлари жуда кўп. Жумладан, шаҳар ва шаҳарчаларда замонавий иморатлар, хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланган ва ҳоказолар. Шулар билан бирга, шаҳар аҳоли пунктларида муаммолар ҳам мавжуд, улар қуйидагилар: аҳоли сонининг тез ўсиши сабабли, уларни уй-жой билан таъминлаш; аҳоли бандлигини ошириш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш; транспорт қатновини тўғри бошқариш; аҳоли пунктлари экологиясини тоза сақлаш ва ҳ.к.

**Хулоса.** Зарафшон минтақасида қадимги даврдан то ҳозирга қадар шаҳарларнинг шаклланиши давом этмоқда. Лекин, уларнинг пайдо бўлишига турли хил омиллар таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, шаҳарлар турли ривожланиш босқичларида ҳар хил вазифаларни бажарган. Масалан, қадим замонларда шаҳар пайдо бўлишига географик меҳнат тақсимоти таъсир этган бўлса, ҳозирги вақдаги шаҳарларнинг пайдо бўлишига аҳоли пунктларида аҳолининг сони ва уларнинг машғулотлари, яъни халқ хўжалиги тармоқларида бандлиги ва ҳ.к. назарда тутилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Зоҳир Аълам. Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. - Т.: Юрист Медия Маркази, 2008. – Б.101-102.

2. Мавлонов А.И. Чўл шароитида шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланиш муаммолари (Бухоро вилояти мисолида). Геогр. фан. ном. дисс. - Тошкент, 2010. – Б.52-53.

3. Наршахий. Бухоро тарихи. - Т.: Камалак, - Б.95-105.

4. Солиев А.С., Қаршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари. - Т.: 1999. – Б.54-56.

5. Солиев А., Кадыров М. География населения и населенных пунктов Самаркандской области. - Самарканд, 1998. – С.23-24.

#### **Қодиров Р.Б.\***

### **ФАРҒОНА МИНТАҚАСИ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ДИНАМИКАСИ**

*Аннотация:* Мазкур мақолада Фарғона минтақаси меҳнат ресурслари динамикаси, унга таъсир этувчи омиллар, меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатлари ва ҳудудий тафовутлари баён этилган.

*Калит сўзлар:* аҳоли, меҳнат ресурслари, меҳнат ресурслари сони, динамикаси, таркиби, жойланиши, унинг динамикасига таъсир этувчи омиллар, меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатлари.

#### **Динамика трудовых ресурсов Ферганского региона**

*Аннотация:* В статье изложены факторы, влияющие на динамику, темпы роста и территориальные различия трудовых ресурсов Ферганского региона.

\* Қодиров Р.Б.– Андижон давлат университети География кафедраси доценти.

**Ключевые слова:** население, трудовые ресурсы, численность, динамика, состав, размещение трудовых ресурсов, влияющие факторы на динамику трудовых ресурсов, темпы роста трудовых ресурсов

### Dinamics of labour forces of Fergana region

**Abstract:** In this article presented labour forces, dinamics, faktor influese temp of growing labour forces and territorial differenses of Fergana region.


**Key words:** popilation, labour forces, number of labour forces, dinamics, kompozition, spread, factors influnce of dinamic of labour forces.

**Қириш.** Жамиятни модернизация қилиш даврида республикадаги мавжуд демографик вазиятни ҳисобга олиш, аҳоли, унинг динамикаси ва таркиби, меҳнат ресурсларининг шаклланиши, тақсимланиши ҳамда уларнинг иқтисодиёт тамоқларида бандлик даражаси ва таркибини ўрганиш, йилдан-йилга мутлақ миқдори ортиб бораётган ишчи кучидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган чуқур таркибий ўзгаришларни таҳлил этиш илмий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

Фарғона минтақасида аҳоли сонининг кўплиги, унинг ўта зич жойлашганлиги меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлигига оид муаммоларнинг мураккаблашувига олиб келаётган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Маълумки, Фарғона минтақаси аҳоли ва меҳнат ресурсларига бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Минтақада аҳоли ва меҳнат ресурслари сонининг кўплиги улардан самарали фойдаланиш муаммосини келтириб чиқарган. Аҳолини иш билан таъминлаш энг долзарб ва мураккаб масалалардан бири бўлган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда.

**Асосий қисм.** Фарғона минтақаси майдони 18,5 минг км<sup>2</sup> га тенг бўлиб, унга республика ҳудудининг атиги 4,1 фоизи тўғри келади. Минтақада майдони жиҳатидан Наманган вилояти (7,44 минг кв.км.) нисбатан юқори, Фарғона вилояти ўрта (6,76 минг кв.км.) ва Андижон вилояти қуйи (4,30 минг кв.км.) ўринларни эгаллайди. Маъмурий – ҳудудий бўлинишига кўра минтақа вилоятларида жами 40 та туман, 28 та шаҳар, шу жумладан, вилоятга бўйсунувчи шаҳар 7 та ва 395 та шаҳарчалар ажратилади. 2016 йил 1 январь маълумотига кўра, Фарғона минтақаси аҳолиси 9019,2 минг кишини ташкил этади. Шундан 5157,6 минг киши ёки 57,2 фоизи шаҳар аҳолисига ва 3861,6 минг киши ёки 42,8 фоизи қишлоқ аҳолисига тўғри келади[3].



### Расм 1. Фарғона минтақаси аҳолиси сони динамикаси (минг киши ҳисобида)


Минтақа ер майдонининг нисбатан кичиклиги ва, айти пайтда, табиий шароитининг қулайлиги, аҳолиси сони ва унинг зичлиги ортишига жиддий таъсир кўрсатган. Минтақада аҳоли зичлиги 1 км<sup>2</sup> га 487 кишидан ортиб кетди.

Меҳнат ресурслари жамият ривожланишида ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди. Меҳнат ресурсларисиз ишлаб чиқариш ҳам, унинг моддий маҳсули ҳам бўлиши мумкин эмас. Меҳнат ресурсларининг сони, динамикаси, таркиби, жойланиши ва бошқа

кўрсаткичларини таҳлил этганда, улар аҳолининг узвий бир қисми эканлигини чуқур англаш зарур. Кишилиқ жамиятида ижтимоий, иқтисодий, демографик жараёнлар кўп жиҳатдан моддий ишлаб чиқариш хусусиятларига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Ишлаб чиқариш моддий шакллари ривожланиши, фан-техника тараққиёти жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг асосларини белгилаб беради. У ўз навбатида, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳажми, ривожланиш суръатлари ва йўналишларини аниқлабгина қолмасдан, жамият ва уни ташкил қилувчи кишиларнинг моддий ҳаётини талабларини қондиришнинг шакллари ва даражасини ҳам кўрсатиб беради. Шундай қилиб, табиий ва тарихий ривожланиш жараёнида ўзгарувчан ижтимоий ишлаб чиқаришнинг характери меҳнат ресурслари такрор барпо этилишининг хусусиятларини аниқлаб берувчи моддий асос бўлиб хизмат қилади.

Аҳоли ва меҳнат ресурсларининг такрор барпо этилишида жуда кўп омиллар бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Булар қаторида иқтисодий, ижтимоий, демографик, географик омиллар алоҳида ўрин тутаяди. Бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар қаторида демографик омил алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур омил аҳолининг такрор барпо этилиш жараёнига аҳоли динамикаси, табиий кўпайиш коэффициентлари, ёш ва жинсий таркибдаги мавжуд фарқлар орқали таъсир кўрсатади.

Фарғона минтақаси меҳнат ресурслари 2000 йилда 3500,9 минг кишига тенг бўлган бўлса, уларнинг сони 2015 йилда 5202,7 минг кишидан ортиб кетди ва ўсиш суръати бу даврда 148,6 фоизни ташкил этди[2]. Шу ўринда айтиш мумкинки, бу даврда республика меҳнат ресурслари сони 5558,1 минг кишига ортиб, 12718,0 минг кишидан 18276,1 минг кишига ёки 143,7 фоизга кўпайган. Бундан кўринадики, минтақа меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатлари республика ўртача кўрсаткичига нисбатан юқоридир.



Расм 2. Фарғона минтақаси меҳнат ресурслари динамикаси, минг киши ҳисобида

Меҳнат ресурсларининг республика миёсидаги улуши кузатилаётган давр мобайнида ортиб борди. Агар унинг улуши 2000 йилда 27,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 28,5 фоизга тенг бўлди.

Меҳнат ресурслари сонига кўра, Фарғона минтақаси вилоятларининг республикадаги улуши нисбатан юқори. Жумладан, Фарғона вилоятининг улуши 10,9 фоизга, Андижон вилояти улуши 9,3 фоизга ва Наманган вилояти улуши 8,3 фоизга тенг. Таққослаш учун шуни айтиш мумкинки, минтақада меҳнат ресурслари сони энг кам

бўлган Наманган вилояти меҳнат ресурслари сони Жиззах вилоятига нисбатан икки баробарга кўп. Худди шундай ҳолат Фарғона билан Хоразм вилоятларида ҳам кузатилади. Андижон вилоятида меҳнат ресурслари Навоий вилоятига нисбатан 3 баробар кўп жойлашган. Шунинг учун ҳам Фарғона минтақаси меҳнат ресурсларига жуда масъулият билан қараш талаб этилади.

Ўз навбатида, минтақа меҳнат ресурсларининг ҳудудий жойлашувида ҳам ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Агар минтақада меҳнат ресурслари жами бўлиб 5202,7 минг кишини ташкил этса, шундан энг кўпи Фарғона вилоятига (38,4 фоиз), энг ками эса Наманган вилоятига (29,1 фоиз) тўғри келади. Андижон вилояти эса бу ерда (32,5 фоиз) ўртача ўринни эгаллайди [2].

**Хулоса.** Меҳнат ресурслари динамикаси таҳлили шуни кўрсатадики, республика ва Фарғона минтақасида аҳоли табиий ўсишига мос ҳолда сезиларли ўзгаришлар бўлиб ўтмоқда. Улар қуйидаги соҳаларда кўзга ташланади:

меҳнат ресурслари сони ва ҳиссасига кўра, республика минтақалари бўйича Фарғона водийси вилоятлари етакчи ўрин эгаллайди. Негаки, республика ҳудудининг атиги 4,1 фоиз майдонини эгаллаган мазкур минтақа ўзида мамлакат жами меҳнат ресурсларининг 28,5 фоизини мужассамлаштирган;

минтақа меҳнат ресурсларининг катта қисми Фарғона (38,5 фоиз) ва Андижон (32,5 фоиз) вилоятларига, нисбатан камроқ қисми Наманган (29,1 фоиз) вилоятига тўғри келади;

минтақа меҳнат ресурслари 2000-2015 йиллар оралиғида 148,6 фоиз ўсишга эришган, айти пайтда бу кўрсаткич республикада 143,7 фоиздан иборат бўлган;

минтақада меҳнат ресурсларининг энг юқори ўсиш суръати Наманган вилоятига тўғри келади (154,2 фоиз). Ўсишнинг бундай юқори суръатлари яқин келажакда ҳам сақланиб қолади. Негаки, Наманган вилояти меҳнат ресурслари сони аҳолининг юқори табиий ўсиши ҳисобига ортади, аксинча, Андижон вилоятининг улуши камайиб боради;

минтақада меҳнат ресурслари ўсишининг нисбатан паст суръатлари Фарғона (147,1 фоиз) ва Андижон (145,6 фоиз) вилоятлари учун хос бўлмоқда. Бу ҳолатни меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашда ҳисобга олиниши лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Қодиров Р.Б. Фарғона минтақаси аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Монография. – Т.: Наврўз, 2016. - 168 б.
2. Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. – Тошкент, 2016. – Б.93-95.
3. Ўзбекистон демографик йиллик тўплами. – Тошкент, 2016. – Б.7-17.

#### **Аллаберганов Х.А.\***

### **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АГРАР ИСЛОҲОТЛАРНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ**

*Аннотация:* Мақолада мамлакат қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотлар очиб берилган, қишлоқ хўжалигини ривожлантириши тенденциялари ва истиқболи нуқтаи назардан ўрганилган.

*Калит сўзлар:* модернизация, миллий иқтисодиёт, мелиорация, ялпи ички маҳсулот, агротехнология

#### **Роль и значение аграрных реформ в развитии сельского хозяйства**

*Аннотация:* В статье рассматривается процесс реформирования сельского хозяйства в Республике Узбекистан, который определяет основные тенденции и развития данной отрасли.

\* Аллаберганов Х.А. – Тошкент Молия институти ўқитувчиси.

**Ключевые слова:** модернизация, национальная экономика, мелиорация, валовой внутренний продукт, агротехнология

### **Role and importance of agrarian reforms in the development of agriculture**

**Annotation:** The article deals with the reform, tendency and perspectives of developing agriculture in the republic

**Key words:** modernization, national economy, melioration, GDP, agro technology

**Кириш.** Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда қишлоқ хўжалигининг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши доимо давлатимиз диққат - эътиборида бўлиб келган. Чунки қишлоқ хўжалиги аҳолини озиқ-овқат ва саноатни хом ашёси билан таъминлайдиган асосий бўғиндир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида дунё озиқ-овқат бозорларидаги кескин вазият ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий барқарорлиги баъзи давлатлар ички бозорининг номутоносиблигини кўрсатиб берди. Шунинг учун мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, унинг асосий ишлаб чиқарувчилари бўлган деҳқон ва фермер хўжалиklarини давлат тамонидан қўллаб - қуватлаш механизмларига боғлиқ. Бундан ташқари, дунё бўйича аҳоли сонининг ортиши, шунга мос равишда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган аҳоли эҳтиёжларининг ошиб бориши жаҳон қишлоқ хўжалигига янада кўпроқ эътиборни талаб этмоқда.

**Асосий қисм.** Ўзбекистон Республикаси ҳукумати тамонидан қишлоқ хўжалигининг тармоқ ва соҳаларини ривожлантириш борасида бир неча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Ушбу меъёрий ҳужжатларда қишлоқ хўжалигини модернизациялашнинг асосий йўналишлари белгиланган бўлиб, унга биноан: қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ишлов беришнинг янги етакчи агротехнологияларни жорий этиш; чорвачиликни модернизациялаш ва ривожлантириш; қишлоқ хўжалигини янги замонавий маҳсулдор ва ресурс тежамкор техника билан жиҳозлашни давом эттирилиши; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни модернизациялаш, сақлашни моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; ирригацион-мелиоратив ишлар самарадорлигини ошириш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Мустақиллик йилларида аграр соҳада босқичма-босқич олиб борилган изчил ислохотлар туфайли Республикаимизда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш миқдори барқарор ўсиб борди. Ўтган даврларда бу борада қурилган чоратадбирлар натижасида 1 миллион 700 минг гектар суғлориладиган ернинг мелоратив ҳолати яхшиланди, бу жами экин экиладиган майдонларнинг ярмидан зиёди демакдир. Ана шундай ишлар туфайли сизот сувлари энг оғир даражада, яъни 2 метргача юзада жойлашган ерлар қарийб 500 минг гектарга ёки учдан бирига камайди, кучли ва ўртача шўрланган ерлар эса 100 минг гектарга ёки 12 фоизга қискарди. Мелиорация тадбирлари амалга оширилган экин майдонларида пахта ҳосилдорлигининг гектарига ўртача 2-3 центнер, бошқоқли дон экинлари бўйича эса 3- 4 центнерга ошгани, бу борада эришган энг муҳим натижадир. Кейинги етти йилда 1 триллион 627 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 2 миллион 45 минг гектар ернинг мелоратив ҳолатини яхшилашга эришилган. Бу борада, яъни суғориладиган ерларни деҳқончилик учун яроқли ҳолатга келтириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишда Халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик тажрибаси ўзини тўла оқлади.

Жумладан, Жанубий Қорақалпоғистонда дренаж тармоғини ўтказиш бўйича лойиҳани амалга ошириш ва Марказий Фарғонадаги ерларнинг мелоратив ҳолатини яхшилаш учун Жаҳон банки ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг умумий қиймати

қарийб 70 млн долларга тенг бўлган имтиёзли кредити жалб қилинганини қайд этиш лозим. Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йиллари қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасида кўрилган чора-тадбирлар бу устувор тармоқда сезиларли натижаларга эришиш имконини берди. Таъбир жоиз бўлса, ернинг дардига малҳам кўйилди. Бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилаётган бундай ислохотларнинг самарасини кейинги икки йилда пахта ва ғалла бўйича ҳосилдорликнинг гектарига ўртача 4-5 центнерга ошгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Қишлоқ хўжалик маҳсулоти мамлакатга валюта тушумларининг 55 фоиздан ортигини таъминлайдиган муҳим экспорт йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатнинг нафақат қишлоқ жойларида истиқомат қиладиган аҳолиси, балки бутун Республика аҳолисининг турмуш даражаси, моддий фаровонлиги қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи, уни ривожлантиришнинг тезкорлиги ва самарадорлигига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги тубдан ўзгарди. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг асосий мақсади бўлган – қишлоқда хақиқий мулкдорларни, мулк эгаларини шакллантириш йўли билан ерга, мулкга, меҳнатга муносабатини ўзгартиришга эришилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда 1 миллион тонна ғалла етиштирилган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 7 миллион 500 минг тоннадан ошди. Ўзбекистон ғалла экспорт қиладиган давлатлар қаторидан жой олди.

Кейинги 4 йил давомида Ўзбекистонда пахта етиштириш 350 минг тоннага қисқартирилиши режалаштирилган. 2020 йилгача Ўзбекистонда пахта хом ашёсини етиштириш ва уни давлат тамонидан харид қилиш ҳажмини 3 миллион 350 минг тоннадан 3 миллион тоннага босқичма-босқич қисқартириш давлатимизнинг асосий мақсадларидан биридир. Пахта етиштириш ҳажмини камайтириш енгил ва тўқимачилик саноати эҳтиёжларини тўлиқ қоплаш баробарида, хомашёни ўзимизда чуқур қайта ишлаш ва жаҳон бозорларига юқори қийматга эга маҳсулотлар етказиб бериш имкониятларини кенгайтиради.

Пахтадан бўшаган экин майдонларига аввало, сабзавот ва картошка, озуқа экинлари ва бошқа ўсимликлар экилади, боғ ва узумзорлар барпо этилади. Пахта етиштириш ҳажмини 350 минг тоннага қисқартириш ҳисобидан 170 минг 500 гектар суғориладиган ер пахтадан бўшайди. Бу жараёнда ҳосилдорлиги 12-15 центнердан ошмайдиган паст бонитетли ерлар пахтадан бўшатилади ва шўрланган, шунингдек, пахта етиштиришга яроқсиз бўлган тоғ олди ерларига ғўза экилмайди. Хусусан, экин майдонларининг оптималлаштирилиши ва замонавий агротехнологияларнинг жорий этилиши натижасида 2020 йилда бошоқли дон етиштириш 16,4 % га оширилиб, унинг ҳажми 8 миллион 500 минг тоннага етказилади [1].

**Хулоса.** Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш жараёнларини чуқур таҳлил қилган, ўзимизнинг ресурс ва имкониятларимизни реал баҳоланган ҳолда, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги 2020 йилга бориб қуйидаги мақсадга эришиши лозим: мамлакатимизда ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 1,3 - 1,4 маротаба ўсиши; сабзавот ишлаб чиқаришнинг 1,4 - 1,5 маротаба ўсиши; мева ишлаб чиқаришнинг 1,5 - 1,6 маротаба ўсиши; экспорт салоҳиятини ошириш.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мўминов Н.Г. ва бошқ. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини модернизациялашнинг хусусиятлари // Иқтисодиёт назарияси муаммолари: талқини ва ечимлари. Респ. илмий-амалий конф. мат-лари. – Т., 2016. – 252 Б.

**To'rayev Q.T., Sattarov A.U.\***  
**SURXONDARYO VILOYATINING TURIZMI VA UNING**  
**ISTIQBOLLARI**

***Annotasiya:** maqolada Surxondaryo viloyati hududidagi betakror tabiat manzaralariga boy, qadimiy yodgorliklar va muqaddas qadamjolarga 2012-2015 yillarda tashrif buyurgan turistlar va bu sohani rivojlantirish masalalari korib chiqilgan.*

***Kalit so'zlar:** Arxeologik turizm, rekreasiya, diniy turizm, ichki, xalqaro, klassik, ekstremal, ekologik, piyoda sayohatlar.*

**Туризм в Сурхандарьской области и перспективы его развития**

***Аннотация:** в статье рассматриваются природные и историко-культурные рекреационные ресурсы Сурхандарьи, изучена динамика туристского потока в регионе за период 2012-2015 гг.*

***Ключевые слова:** археологический туризм, рекреация, религиозный туризм, внутренний, международный, классический туризм, экстремальный туризм, экологический туризм, пешие прогулки.*

**The tourism of Surkhondarya region and its future**

***Abstract:** in this article you can find lots of tourists' opinions who came during 2012-2015 as tourists about enrich for wonderful nature, historical and sacred places and also solves for developing this branch.*

***Key words:** arkheological tourism, recreation, religion tourism, inside, international, classic, extremal, ecological, walked tours*

**Kirish.** Hozirgi davrda turizm dunyoning ko'plab mamlakatlarida jadal sur'atlarda rivojlanib borayotgan iqtisodiyot sohaslaridan biriga aylangan. Birlashgan Millatlar Tashkiloti 2017 yilni "Xalqaro Turizm yili" deb e'lon qildi. Bu qaror xalqaro turizmning nechog'lik ahamiyatga ega ekanligi, davlatlar o'rtasidagi o'zaro hamkorlikka xizmat qilishi, millatlar bir-birining boy madaniy va tarixiy merosi haqida to'laqonli ma'lumotga ega bo'lishini ta'minlashga xizmat qiladi. Fransiya, Italiya, Misr, Malayziya, Tailand, Indoneziya kabi mamlakatlarning iqtisodiyotida turizm asosiy daromad manbai hisoblanadi.

**Ishning maqsadi va vazifalari.** Surxondaryo viloyatida hududning turistik salohiyatidan kelib chiqqan holda sohani oqilona hududiy tashkil qilish va rivojlantirishga oid takliflar ishlab chiqish ushbu ishning maqsadi hisoblanadi. Maqsaddan kelib chiqqan holda qo'yidagi vazifalar belgilandi: viloyat bo'yicha turistlar tashrifini yillar bo'yicha tahlil qilish, viloyat turistik salohiyatini baholash va undan foydalanish borasida taklif-tavsiyalarni berish.

**Asosiy qism.** Turizm sohasi Surxondaryo viloyatida ham rivojlanib bormoqda. Viloyatimiz azaldan turli mamlakatlar bilan savdo-madaniy aloqalarni yuksaltirishda o'ziga xos vazifasini o'tagan. Ilm-fan, madaniyat, me'morchilik, savdo va hunarmandchilik kabi sohalar keng rivojlangan. Eski Termiz xarobalaridan topilayotgan qimmatli manbalar shahar qadimda ham yirik madaniy-ma'rifiy, ilm-fan va savdo markazi bo'lganidan dalolat beradi.

Surxondaryo viloyatining tarixiy-madaniy meros ob'ektlariga sayohat, jumladan Hakim At-Termiziy majmuasi diniy turizm va Sulton Saodat, Kokildor Ota maqbaralari ichki va chet ellik sayyohlarning o'ziga xos ziyorat maskaniga aylangan.

Mamlakatimizda turizmni rivojlantirish borasida amalga oshirilayotgan islohotlar soha infratuzilmasini tubdan rivojlantirish uchun keng imkoniyatlar yaratayotir. Hududidagi qadimiy yodgorliklar va muqaddas qadamjolarini rekonstruksiya qilish, sayyohlar uchun yanada qulay sharoitlar yaratishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Viloyatda 20 dan ortiq tarixiy-madaniy meros

---

\* **To'rayev Q.T.** - Termiz davlat universiteti Geografiya kafedrasida o'qituvchisi,  
**Sattarov A.U.** - Termiz davlat universiteti Geografiya kafedrasida mudiri, g.f.n.


ob'ektlariga hozirgi vaqtda sayohatchilarga xizmat qilmoqda. Termiz – Denov, Termiz – Boysun va Termiz – Muzrabot marshrutlari bo'yicha yangi yo'nalishlar yo'lga qo'yilgan.

Betakror tabiat manzaralariga boy Boysun tumandagi Omonxona, Sariosiyo tumanidagi Sangardak sharsharasi, Sherobod tumanidagi Ho'jayikon, Zarautsoy yo'nalishlari bo'ylab ekoturizmni rivojlantirish ko'zda tutilmoqda.

2012 yil viloyatga sayyoramizning oltmishdan ortiq davlatidan 4483 nafar sayyoh tashrif buyurgan. Mustaqil davlatlar hamdo'stligi mamlakatlaridan 1273 O'zbekistonning turli shahar, viloyat va tumanlaridan 21844 nafar bo'lsa umumiy hisobda 27600 sayyoh viloyatning diqqatga sazovor joylarini qiziqish bilan tomosha qilgan bo'lsa bu jami 2013 yilda 33208 (yillik o'sish 120%), 2014 yilda 40259 (yillik o'sish 121%), 2015 yilda 42197 (yillik o'sish 104%) nafarga oshgan (1-rasm).

Shunga ko'ra, 2013 yilda sayyohlik xizmatlari eksporti 320,3 ming \$, 2,5 mlrd so'mdan ortiq (yillik o'sish 132%); 2014 yilda 338,8 ming \$, 3,3 mlrd so'mdan ortiq (yillik o'sish 105%); 2015 yilda eksport 380,3 ming \$, 4,2 mlrd so'mdan ortiq (yillik o'sish 127%) tashkil etdi.

Viloyatda 2012 yildan 2015 yilgacha 152,8% ga ko'rsatkichlari o'sgan, yillar davomida turistlar soni o'sib 14597 nafarga viloyatga keluvchilar ko'paygan.



**1-rasm. Surxondaryo viloyatiga 2012-2016 yillarda turistlarning tashrifi**

Yuqorida yillar davomida umumiy hisobda o'sish bo'lishi bilan birga salbiy holatlar ham bor. 2013 yilga nisbatan 2014 yil xorijiy davlatlardan turistlar kelishi biroz kamaydi, 2015 yilda ijobiy holat yana tiklangan.

“O'zbekturizm” milliy kompaniyasi sayohat qilish turiga qarab quyidagi turistik yo'nalishlarni ishlab chiqqan: klassik, ekologik, ekstremal, diniy, arxeologik va boshqa yo'nalishlari bor. Surxondaryo viloyatida ushbu yo'nalishlar qatorida arxeologik turizm turi bilan o'ziga xos ajralib turadi. Surxondaryo viloyatida arxeologik turizm bilan hamrohlikda ekologik turizm yo'nalishlarini rivojlantirish lozim.

**Xulosa.** Viloyatda yillar sayin turistlar soni oshib bormoqda, bu sohadan oqilona foydalanish kerak. Bu borada quyidagilarni taklif qilish mumkin:

- Tarixiy-madaniy meros obyektlarini qayta tiklash;
- Tabiat manzaralariga boy Boysun tumanidagi Omonxona, Sariosiyo tumanidagi Sangardak sharsharasi, Sherobod tumanidagi Ho'jayikon, Zarautsoy hududlariga ekoturistik marshrutlar ishlab chiqish;
- Tashqi turizmni rivojlantirish uchun zamonaviy infratuzilma obyektlarini ko'paytirish.



Алихўжаева Б.Э.\*

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Аннотация:** мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишидаги аҳамияти, фаолиятининг бугунги ҳолати ва уларнинг барқарор ривожланиши масалалари кўрилган.

**Таянч иборалар:** кичик бизнес, тадбиркорлик, давлат бюджети, модернизация, диверсификация, кредит, ялпи ички маҳсулот.

### Перспективы развития деятельности малого бизнеса и частного предпринимательства

**Аннотация:** в статье рассмотрено значение малого бизнеса и частного предпринимательства в устойчивом развитии национальной экономики нашей страны, изучено нынешнее состояние данного сектора и перспективы его развития.

**Ключевые слова:** малый бизнес, предпринимательство, государственный бюджет, модернизация, диверсификация, кредит, валовой внутренний продукт.

### Perspectivyes of developing activity of small business and private entrepreneurs

**Abstract:** The article examines the importance of small business and private entrepreneurs in the stable development of the economy today and in the future.

**Key words:** small business, enterprising, government budget, modernization, differentiation, credit, gross domestic product.

**Кириш.** Маълумки, иқтисодиётни юксалтириш, пировардида, обод ва фаровон турмушимизни янада мустаҳкамлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим омиллардан саналади. Истиқлол йилларида иқтисодиётимизнинг асосий сектори ҳисобланган мазкур йўналишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ва тадбиркорликка кенг эркинлик беришга доир изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада, тадбиркорлик субъектларига ер участкаларини ажратиш, уларни электр таъминоти тармоқларига улаш механизмларини янада такомиллаштириш, тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган қатор қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 8 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, уларга замонавий, чет эл бозорларида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ва уни экспортга чиқаришда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш, мамлакатимизнинг экспорт қилувчи тадбиркорларини ташки бозор конъюнктураси ўзгаришлари хавф-хатарларидан ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда ўта муҳим аҳамият касб этади [1].

**Асосий қисм.** Кейинги даврларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг ўзгаришларга тез мослашувчан соҳаси сифатида ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш, хизмат кўрсатишнинг янги ва замонавий турларини кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омил бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий қафолатлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов ушбу масаланинг муҳимлиги тўғрисида тўхталиб: “... кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

\* Алихўжаева Б.Э. – ТМИ “Минтақавий иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси.

иқтисодийнинг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб беришини таъминлайдиган замонавий тузилмаларини шакллантиришда, янги иш ўринларини ташкил қилишда ва аҳоли даромадларини оширишда қанчалик ўта муҳим роль ўйнашини албатта чуқур англаймиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, хомашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур” - деб таъкидлаган эдилар [2].

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали халқнинг турмуш даражасини яхшилаш, аҳолининг реал даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу боис, республикаимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилмоқда ва бу ишлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бу ҳақда И.А.Каримов мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишларимиз халқаро иқтисодий ташкилотларнинг рейтингларида ўзининг натижаларини бераётганлигини кўрсатиб, Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистон 2015 йилда бизнесни юритиш бўйича рейтингда 16 поғонага кўтарилганлигини алоҳида таъкидлади [3]. Зеро, бу ютуқлар республикаимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган жиддий эътибор самарасидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфи, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш орқали унинг ЯИМдаги улушини ошириш, аҳолини иш билан банд этиш, уларнинг реал даромадларини кўпайтириш ва турмуш фаровонлигини яхшилашда кредитлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаларида “кичик бизнес субъектларига кредит бериш” деб номланадиган кўрсаткич бўйича малакатимиз жаҳонда сўнгги уч йилда 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилди ва 2015 йилнинг ўзида рейтингини 63 позицияга яхшиланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар [3].

Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ялпи ички маҳсулотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етган ёки 1,8 фоизга ошган.

Ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда.

Шу сабабдан ҳам мазкур соҳага эътибор тобора ортиб бормоқда. Хусусан, 2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасида соҳа вакиллари молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида фақат банк тизимининг ўзида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2011 йил 11 мартдаги ПҚ-1501-сонли Қарори [4], “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли Фармони [5], “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2012 йил 26 мартдаги Қарори [6] ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун турли имтиёз ва қулайликлар берилди.

Ўзбекистон иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг ўсиб бориши ички бозорни сифатли ва рақобатбардош товарлар билан тўлдириш, замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, жаҳон бозори талабларига мос, экспортбоп маҳсулотларни кўпайтириш, янги иш ўринлари яратиш, аввало, ёшларни иш билан таъминлашнинг, шу асосда аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодий ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тараққиёти жамиятда ушбу соҳа учун ҳуқуқий-меъёрий базани изчил ва доимий равишда такомиллаштириб бориш билан боғлиқ.

**Хулоса.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида куйидаги вазифаларни амалга оширмоқ лозим:

-жойлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолиятига тўсқинлик қилаётган ёки қилиши мумкин бўлган муаммоларни мунтазам равишда ўрганиб бориш ва ўз вақтида бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш борасида ҳар бир ҳудуддаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва улардан келиб чиққан ҳолда барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш;

-ҳудуддаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолият йўналишлари жиҳатидан таркибини такомиллаштириш чора-тадбирларини кўриш, хусусан, саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг турли йўл ва чораларини излаб топиш;

-ҳудуддаги экспортга маҳсулот чиқарувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги иштирокени кенгайтириш.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар жорий этилишини рағбатлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокени кенгайтириш масалаларини тубдан ҳал этиш, уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, экспортга мўлжалланган маҳсулотини жаҳон ва минтақавий бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ахборот билан таъминлаш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларида уларга консултиватив кўмак бериш тизимини янада ривожлантириш мақсад қилиб белгиланган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 8 августда қабул қилинган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2022 сонли қарори. 2013.

2. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиқтинини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади // “Халқ сўзи”, 2011 йил 22 январь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси //“Халқ сўзи”, 2016 йил 16 январь.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1501-сонли Қарори. – Тошкент, 2011.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4354-сонли Фармони. – Тошкент, 2011.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. – Тошкент, 2012.

**ТОПОНИМИКА ВА ГЕОГРАФИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ****Нигматов А.Н., Абдуназаров Л.М.\*****ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**Аннотация:** давлат ва жамиятнинг экологик хавфсизлигини таъминлашда экологик таълим ва унинг методологик асослари алоҳида ўрин тутади. Мазкур мақолада экологик таълим методологиясининг мазмуни ва моҳияти очиб берилган.

**Калим сўзлар:** методология, методлар тизими, реал шароит, табиат, атроф-муҳит муҳофазаси, экология, тадқиқот объекти ва предмети, фанлар тизими, таълим.

**Методологические основы экологического образования**

**Аннотация:** в обеспечении государственной и общественной экологической безопасности особую значимость приобретает экологическое образование и её методологическая основа. В статье раскрывается содержание и сущность методологии экологического образования.

**Ключевые слова:** методология, система методов, реальное условие, природа, охрана окружающей среды, экология, объект ва предмет исследования, система наук, образование.

**Methodological fundamentals of environmental education**

**Abstract:** to ensure state and public environmental safety of particular significance, environmental education and its methodological basis. The article reveals the essence of the content and methodology of environmental education.

**Key words:** methodology, system methods, the actual condition, nature, environment, ecology, object wa research object, the system of sciences, and education.

Барча фан ва ўқув курсларига қўйиладиган асосий талаблардан бири қандай тадқиқот методологиясига эга эканлиги. Зеро таълим назариясининг бош масаласи унинг методологиясидадир. Шунинг учун бўлса керак файласуф ва педагогларнинг мунозара марказида айнан мазкур масала кўндаланг бўлиб туради ва, афсуски, ҳамма фанларда бу ҳақда ягона бир фикр йўқ.

Методология юнонча “metodos” – билиш ёки тадқиқ қилиш “logos” – таълимот деган сўзлар йиғиндисидан олинган. Уни умумлашган тарзда фанда **Методология** – илмий билиш методларига оид таълимотлар йиғиндиси, тўғривоғи бу ерда ҳам тизими, дейиш мумкин. Чунки методологиянинг куйида санаб ўтиладиган қисмлари, тадқиқот методлари айнан муайян бир кетма-кетликда ва иерархияда тизимлаштирилади.

Методология метод эмас ва ундан фаркли равишда шароит ва замонга қараб, ё эволюцион ёинки ноэволюцион тарзда ўзгартирилиши мумкин. Метод ўзгармайди, янгилари яратилади ва улар эскиларининг ўрнига илмий билишда қўлланилади, холос. Методларни тизимлаш эса муайян ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, экологик, маънавий-маърифий ҳолатдан келиб чиқади. Масалан, Собиқ иттифок даврида деярли барча фанлар, жумладан экологик фанлар таълими методологияси марксизм-ленинизмнинг утопик коммунизм қуриш ғоясига асосланган сиёсий тизимга мослаштирилган эди [1].

Режалаштирилган иқтисод, барча кишиларни бир хилда ижтимоий таъминлашга эришиш утопияси, табиий ресурс ҳисобига АҚШни орқасидан қолмасликка йўналтирилган экологик муносабат, ягона миллат ғоясини акс эттирувчи маънавий-маърифий тарғибот методологияси бунга яққол мисол бўла олади.

\* **Нигматов А.Н.** - ЎМКХТТКМОваУҚТИ Таълимда бошқарув кафедраси мудири, профессор, г.ф.д.,  
**Абдуназаров Л.М.** - Кўкон давлат педагогика институти “География ўқитиш методикаси” кафедраси катта ўқитувчиси.

Собиқ Иттифоқ парчаланиб, мустақил давлатлар пайдо бўлганидан сўнг экологик таълим қандай методологик асос билан қуролланган эди, деган ўринли савол туғилади. Ҳар бири ўз ривожланиш йўлига кирган мустақил давлатларда, хусусан Ўзбекистонда ҳам кўпгина фанларда бўлгани каби экологик таълимда “методологик вакуум” юзага келди. Чунки Иттифоқ тайзиқидан қутулган Ўзбекистон экологлари чуқур назарий ва фанларнинг методологик масалаларига оид изланишлар олиб боришди, деб айтолмаймиз. Ўзбекистон Республкасининг ибринчи Президенти Ислоҳ Каримов ўз вақтида бу борада шундай фикр билдирган эди. - *“Сиёсатда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам, фанда ҳам вакуум - бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик керак. Яъни, агар ўз гоёнг бўлмаса, сенинг юртингда четдан гоё келиб ҳукмронлик қилади. Шу маънода мустақил фикрлайдиган одамларимиз бўлмаса, ўз давлатимиз, халқимиз, миллатимиз тарихини ўзимиз тикламасак, ўзимиз холисона ёзмасак, уни бошқалар бошқача қилиб ёзади. Ёзиш билан чекланса майлику-я, бизни, ўсиб келаётган авлодни, ҳатто олимларимизни ҳам ўз йўригига солишига ҳаракат қилади”* [2, б.28]. Шундан келиб чиққан ҳолда экологик таълимнинг мавжуд методологик асослари яратиш зарурдир.

Фалсафада *табиат* деб, объектив борлиқни, яъни бизнинг онгимизга, ҳатти-ҳаракатимизга боғлиқ бўлмаган моддий дунёнинг хилма хил шакллари ва турларига айтилади. Амалиётда ёки табиий фанларда уни кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш манбаи бўлган объект сифатида қаралади. Табиатга нисбатан фалсафий қараш тўғрироқдир. Чунки космик объектлар – куёш, юлдузлар, планеталар, осмон ва унинг чексиз кенгликлари инсон иштирокисиз келиб чиққан ва табиийдир. Доимо ҳам инсон онги ва тафаккури унга илмий билиш объекти сифатида ета олмайди. Лекин, инсонлар ўзларининг кундалиқ ҳаётини фаолиятларида табиатдан бевосита ёки билвосита тарзда фойдаланадилар. Фойдаланиш ортган сари унинг янги-янги фан кирралари юзага келади.

Табиатшунослик – табиатни илмий билишга қаратилган фанлар тизими [3]. Унинг мақсади табиатда мавжуд бўлган, ўзгараётган ва инсон ҳаётига таъсир этаётган ҳодиса, воқеа ва жараёнларни тадқиқ қилиш. *Табиатшунослик – табиатда содир бўлган, кечаётган ва кечиши мумкин бўлган ҳолат, жараён ва ҳодисаларни мустақил ҳамда уларни инсон ҳаёти билан боғлиқ равишдаги қонунлари ва қонуниятларини илмий билишга қаратилган фанлар мажмуаси.* Фанлар тизими эмас, чунки табиатшуносликка оид тизимлашган фанлар ажратилмайди. “Табиатшунослик” мустақил фан эмас, балки ўқув курси сифатида таълим жараёнида иштирок этади. Табиатни илмий билишга тааллуқли фанлар эса – табиий фанлар гуруҳига ажратилади [4].

Аваллабор, фанларни фалсафий жиҳатдан гуруҳлаштиришда “Экология” табиий фанлар қаторига киритилади. Савол туғилади ижтимоий ёки инсон экологиячи? Улар ҳам табиий фанлар тизимида туради-ми? Ижтимоий фанлардан фарқли, ижтимоий экологик фанлар (“Шаҳар экологияси”, “Амалий экология”, “Инсон экологияси”, “Демоекология”, “Агроэкология”, “Соцгуруҳлар экологияси” ва ҳ.к.) – табиат ва кишилик жамияти ўртасидаги муносабатларни ижтимоий ҳодиса ва жараёнлар призмасида (ракурсда) талқин қилади. Агарда ижтимоий экологик фан олимлари атроф табиий муҳитдаги ҳолат, жараён ва ҳодисаларни ўз тадқиқотларида “асосий мезон” тариқасида инobatга олмас эканлар, уларнинг тадқиқотлари “соф ижтимоий фанлар” гуруҳига қўшилиб кетади, яъни экологик фанлар тизимини “тарк этади”. Ушбу масалани назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш замонавий ижтимоий экологик фанларнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Шу ўринда замонамиз яна бир қарра “Экология назарияси” ўқув курсини экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш йўналишдаги ўқув юртларига мустақил фан ва ўқув курси этиб киритиш зарурлигини исбот қилинмоқда.

Экологик фанларнинг объекти – табиий ёки антропоген ўзгарган экотизимлар, предмети эса уларни муҳофаза қилиш, оқилона фойдаланиш ва қайта тиклашдир.

Экологик тизимдаги фанлар (1-расм) ўртасидаги фарқ ё объекти, ё предмети ёинки иккаласида ҳам бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам, экологик фанлар унинг уч асосий тадқиқот предмети - экотизимлар доирасида кечган, кечаётган ва кечиши мумкин бўлган табiiй, ижтимоий ва табiiй-ижтимоий ходиса, жараён ва ҳолатларнинг турли жиҳатларини (табiiй, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий) акс эттирмоғи лозим. Ана шундагина тадқиқотлар экологик характерга эга бўлади.

Фалсафий таълимот нуқтаи назаридан олганда **экологик таълим методологияси** – *реал ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий, экологик вазиятда экотизимларда кечаётган табiiй, ижтимоий-табiiй ва табiiй-ижтимоий реаллик, жараён ва ҳодисалар ҳақида билим, кўникма ва малака беришга қаратилган методларни танлаш ва тизимлаштириш*. Методологиянинг кенгроқ фалсафий маъносига кўпроқ ёндошиш ва касбий экологик таълим методологиясида қуйидаги талабларни ажратиш мумкин:

✎ *экологик таълимга оид тадқиқотларни муайян экотизимлар доирасида олиб бориш;*

✎ *методларни танлашда амалдаги ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик, маънавий-маърифий ва технологик шароитлардан келиб чиқиш;*

✎ *республикани ҳудудий, кўпроқ маъмурий-ҳудудий фарқланиш хусусиятини инобатга олиш;*

✎ *табiiй, ижтимоий-табiiй ва табiiй-ижтимоий воқеа, жараён ва ҳодисаларни тадқиқ қилиш;*

✎ *экологик таълим тадқиқот методларини танлаш;*

✎ *илмий билиш методларини реал шароитдан келиб чиққан ҳолда тизимлаштириш.*

Экологик таълим методологиясида ижтимоий шароитни инобатга олишда тадқиқотларни ижтимоийлашувига, яъни инсон томонидан жамиятда яшаш имконини берувчи билимлар, нормалар ва кадрятлар тизимининг ўзлаштирилишини инобатга олиш керак [5]. Бу деган сўз "Фалсафа"нинг илмий билишдаги, "Социология"нинг ижтимоий уюшмаларнинг ривожланишдаги (масалан, халқлар ва мамлакатлар тараққиёти уларнинг экологик вазиятга қараб жойлашувига бевосита боғлиқлиги [6], "Психология"нинг инсонларнинг руҳий ҳолатидаги, "Тарих"нинг даврий ўзгаришдаги, "Этнография"нинг маҳаллий халқнинг турмушидаги қонун ва қонуниятларни инобатга олиш зарурлигини кўрсатади. Масалан, Қуйи Зарафшон агроэкотизимларини экологик жиҳатдан оптималлаштириш йўллари оид билимларни беришда тадқиқот методологияси:

- воҳа экотизимларининг реал экологик, иқтисодий, технологик, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий вазиятидан келиб чиққан тарзда методларни танлаш;

- танланган методларни амалий нуқтаи назардан иерархик поғоналаш;

- тадқиқот предмети фалсафий жиҳатдан аниқлаштириш;

- экологик чораларни тавсия этаётганда воҳа аҳолисининг экологик онги ва маданиятини инобатга олиш;

- ҳудуднинг тарихий-экологик анъанавий усулларига эътиборни қаратиш;

- аҳолининг экологик руҳий ҳолатини тадқиқ қилишга тўғри келади.

Акс ҳолда, экологик таълим тадқиқотлари ўз ижобий натижаларини, ва айниқса амалий самарасини бермаслиги мумкин. Масалан: амалдаги ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик, маънавий-маърифий шароитлардан ва, ҳаттоки, технологик имкониятлардан келиб чиқишдир. Ҳар бир тадқиқотчи ёки педагог экологик фанлардан илмий изланишлар ёки унга оид таълим жараёнини олиб борётганда давлат, жамият ва шахс талабидан келиб чиққан тарзда олиб боришни тақозо этади. Экологик фан ва таълимни муайян экотизимлар доирасида баҳолаш даражасида тадқиқотлар ўтказиш демакдир.

ЭКОЛОГИК ФАНЛАР ТИЗИМИ						
Умумий экология	Геоэкология	Биоэкология	Амалий экология	Иқтисодий экология	Ҳуқуқий экология	Ижтимоий экология
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Экспериментал экология</li> <li>• Кимёвий экология</li> <li>• Информацион экология</li> <li>• Аналитик экология</li> <li>• Функционал экология</li> <li>• Экологик тизим ва жараёнларни моделлаштириш ва ҳ.к</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Географик қобик экологияси</li> <li>• Ландшафтлар экологияси</li> <li>• Глобал экология</li> <li>• Миллий худудлар экологияси</li> <li>• Регионал экология</li> <li>• Маҳаллий (локал) экология</li> <li>• Табиий мажмуалар экологияси</li> <li>• Гидроэкология</li> <li>• Экзоэкология ва ҳ.к.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Зооэкология</li> <li>Фитоэкология</li> <li>• Аутэкология</li> <li>• Педоэкология</li> <li>• Синэкология</li> <li>• Популяциялар экологияси</li> <li>• Эволюцион экология</li> <li>• Биомажмуалар экологияси</li> <li>• Миркоорганизмлар экологияси</li> <li>• Наноэкология</li> <li>• Организмлар гуруҳлари экологияси ва ҳ.к</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Саноат экологияси</li> <li>• Агроэкология</li> <li>• Коммунал экология</li> <li>• Космос экологияси</li> <li>• Транспорт экологияси</li> <li>• Тиббиёт экологияси</li> <li>• Қурилиш экологияси</li> <li>• Биоресурслар экологияси</li> <li>• Муҳандислик экологияси ва ҳ.к.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Экологик менежмент</li> <li>• Экологик маркетинг</li> <li>• Экологик аудит</li> <li>• Макроиқтисодий экология</li> <li>• Микроиқтисодий экология</li> <li>• Иқтисодий худудлар экологияси</li> <li>• Минтақалар экологияси</li> <li>• Эркин иқтисодий худудлар экологияси ва ҳ.к</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Экология ҳуқуқи</li> <li>• Халқаро экология ҳуқуқи</li> <li>• Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи</li> <li>• Табиатни муҳофаза қилиш ҳуқуқи</li> <li>• Миллий экологик ҳуқуқ</li> <li>• Экологик ҳавфсизликни таъминлаш ҳуқуқи ва ҳ.к.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Инсон экологияси</li> <li>• Этник экология</li> <li>• Оила экологияси</li> <li>• Маҳалла экологияси</li> <li>• Социал гуруҳлар экологияси</li> <li>• Истеъмол экологияси</li> <li>• Урбоэкология</li> <li>• Тарихий экология</li> <li>• Демоэкология</li> <li>• Рекреациявий экология</li> <li>• Жамоат экологияси ва ҳ.к.</li> </ul>

1-расм. Экологик таълимга оид экологик фанлар тизими



Мустақил Ўзбекистоннинг ўзига хос равишда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг миллий моделидаги беш тамойил – иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги; давлатнинг бош ислохотчи ва демократик ўзгаришларнинг ташаббускори эканлиги; қонун устуворлиги; кучли ижтимоий сиёсат устуворлиги; бозор муносабатларига босқичма босқич ўтишининг устуворлигини санаб ўтиш кифоядир [7].

Эндиликда экологик таълим методологияси мустақил давлатимизнинг ички сиёсат соҳасидаги ўзига хос ривожланиш йўли Ўзбекистоннинг марксизм-ленинизм ғоясига таянганлиги, социалистик, режали, идеологиялашган ички сиёсатдан тубдан фарқ қилади. Эндиликда Қуйи Зарафшон агроэкологизмларини собиқ Иттифоқ меҳнат тақсимоотидаги “ресурс ўлка” сифатида фойдаланиш тамойилини инкор этиб, уни маҳаллий аҳолининг “яшаш макони” сифатида қарашга ундайди.

Табиий, ижтимоий-табиий ва табиий-ижтимоий воқеа, жараён ва ҳодисаларни илмий билишда экосферада кечаётган табиий, атропоген-табиий, антропоген-табиий жараёнларни инсон фаолиятисиз ҳамда инсон фаолияти натижасида ўзгаришини таққослашни тадқиқ қилиш.

Юқорида санаб ўтилган талабларни илмий билиш учун зарур ҳисобланган педагогик методларни танлаш ва уларни тизимлаштиришдан иборатдир. Зеро педагогик тадқиқот методлари ўз-ўзидан танланмайди. Аввалам бор экологик таълим методлари ҳуқуқий асос, сиёсий ҳолат, иқтисодий имконият, ижтимоий шароит, маънавий-маърифий даража ва экологик вазиятни инобатга олиши лозим.

Экологик таълим методларини танлашда тизимлаш ёки тизимли ёндашувни қўллашимиз лозим бўлади. Тизимли ёндашув илмий билиш жараёни гипотеза, концепция, режадан бошланиб, унинг назарий асосини ишлаб чиқиш ёки аниқлаштириш ҳамда амалий тадқиқига етиш методларини муайян иерархия (қисмлар зинопоёсида) олиб боришни талаб этади.

Экологик таълим тадқиқотлардаги мазкур методологик талаб, масалан, аввал Қуйи Зарафшон агротизимларига оид билимларни беришда ундаги ҳолатни аниқлаш, сўнгра таълим методларини танлаш ва сўнгра, аналитик-таҳлил методларни қўллашга ундайди.

Экологик таълим назариясида замонавий методологик асосни тўғри танлаш, уни касб беришда қўллаш, олинадиган натижаларнинг ҳаққонийлиги, асосланганлиги ва амалий аҳамиятлилигини билдиради. 1-расмда келтирилган экологик фанлар тизимидаги ўқув курсларини танлаш ва уларни иерархик поғонага жойлаштириш миллий касбий таълим тизимида қуйидагича амалга ошириш керак.

**Хулоса** қилиб айтганда, миллий экологик таълим методологиясининг мақсади Ўзбекистон ССРнинг марксизм-ленинизм ғоясига таянганлиги, социалистик, режали, идеологиялашган ички сиёсати ва “ресурс ўлка”дан фарқли равишда, мустақил Ўзбекистон Республикасининг ички сиёсатига, миллий қадриятларига, ижтимоий-иқтисодий ҳолатига, экологик вазиятга қараб, ўзбек халқининг “яшаш макони” сифатида тадқиқот методларини танлаш ва уларни иерархик поғонада тизимлаштиришдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Человек, общество и окружающая среда. Географические аспекты использования природных ресурсов и сохранения окружающей среды. - М.: «Мысль», 1973.- С.10-11.
2. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ / Тарихчи олимлар ва журналистлар билан суҳбат, "Мулоқот" журналининг 5-сон. 1998.
3. Нигматов А. Экология нима? –Т.: «ТДЮИ нашриёти», 2002. – 4 б.
4. Фанлар. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 9-жилд. – Б. 182.
5. Фалсафа. Қомусий луғат. –Т.: «Шарқ», 2004. – Б. 147.
6. Фалсафа. Қомусий луғат. –Т.: «Шарқ», 2004. – Б. 374.
7. Холбоев С. Тарихнинг методологик асослари ва тамойиллари масаласи. (И.Каримов асарлари мисолида) // Ижтимоий фикр – инсон ҳуқуқлари. 11-сон.- Т., 2004. Б. 140-146.

**Миракмалов М.Т., Авезов М.М.\***

## **АРИД ИҚЛИМЛИ ХУДУДЛАР ГИДРОНИМЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ РОЛИ (БУХОРО ВИЛОЯТИ ГИДРОНИМЛАРИ МИСОЛИДА)**

*Аннотация:* мақолада арид иқлимли ҳудудлар гидронимларининг шаклланишида табиий географик терминларнинг роли Бухоро вилояти мисолида очиб беришга ҳаракат қилинган. Вилоят гидронимлари таркибидаги ҳар бир топонимнинг улуши аниқланган.

*Калит сўзлар:* арид иқлимли ҳудуд, гидронимлар, географик ўринга боғлиқ номлар, объектнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ номлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан боғлиқ номлар, топонимлар.

### **Роль физико-географических терминов в формировании гидронимии аридных территорий (на примере гидронимов Бухарской области)**

*Аннотация:* в статье рассматривается роль физико-географических терминов в формировании гидронимов аридной зоны на примере Бухарской области. Определён удельный вес каждого топонима в структуре гидронимии области.

*Ключевые слова:* аридный климат, гидронимы, географические названия, связанные с географическим положением, особенностями, связанные с растением и животным миром, топонимы.

### **The role of physic-geographical terms in the formation of the hydronymy of arid areas (in example of hydronyms of Bukhara region)**

*Abstract:* This article touches on role of the physiographic toponyms in shaping hydronyms of arid zones, on the example of Bukhara region. Also as part of the share toponyms of hydronyms of the region.

*Keywords:* arid climate, hydronyms place names associated with geographic location, osebennno associated with the plant and animal world, toponymy.

**Кириш.** Географик жой номлари орасида гидронимлар ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Одатда, гидронимлар ҳам оронимлар сингари рельеф хусусиятига кўра нотекис, ўр-қирли ҳудудларда, аниқроғи, тоғли ҳудудларда кўп сонли бўлади. Чунки, тоғлар сув ресурсларига (айниқса ер усти сувларига) ва уларнинг захирасига жуда ҳам бой бўлади. Аммо, текисликларда, айнақса, Бухоро вилояти сингари арид иқлимли ҳудудларда ер усти сувлари ва уларнинг захираси чекланган. Лекин, чўлларда, ер усти сувлари тақчил ҳудудларда, жумладан Бухоро вилоятида ҳам чорва молларини суғориш, баъзан аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида бир қанча қудуқлар қазилган. Бу каби ҳолатни республикамизнинг бошқа ҳудудлари (Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Сирдарё ва қисман Қашқадарё вилоятлари) да ҳам учратиш мумкин. Ана шу қонуниятни ҳисобга олсак, Бухоро вилояти топонимлари орасида гидронимлар ҳам салмоқли ўринга эга эканлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. 1:200 000 масштаби топографик харитага асосан вилоят ҳудудида жами 460 дан ортиқ гидрографик объект мавжудлиги қайд этилган. Уларнинг аксариятини қудуқлар, кўллар ва сув омборлари, каналлар ташкил қилади.

**Асосий қисм.** Бухоро вилояти гидронимлари таркибида географик ўринга боғлиқ номлар кўп учрайди. Бундай номлар сирасига *Андакўл* (қудуқ, Шофиркон т.), *Баландеймоқ* (қудуқ, Қоракўл т.), *Бошонтепа* (қудуқ, Ёждувон т.), *Дарвоза* (қудуқ, Пешку т.), *Денгиликудуқ* (қудуқ, Олот т.), *Донақудуқ* (қудуқ, Жондор ва Қоракўл т.), *Марказий Бухоро* (коллектор, Жондор т.), *Номозгартена* (қудуқ, Бухоро т.), *Параллел* (коллектор, Бухоро ва Жондор т.), *Сарибулоқ* (қудуқ, Шофиркон т.), *Ўртақудуқ* (қудуқ, Қоракўл ва Жондор т.) кабиларни киритиш мумкин.

\* **Миракмалов М.Т.** - Мирзо Улугбек номидаги ЎЗМУ Геология ва география факультети География кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси, география фанлари номзоди, доцент,  
**Авезов М.М.** – мустақил тадқиқотчи, Тошкент ш. 278-умумий ўрта таълим мактаб география ўқитувчиси.

Вилоят гидронимлари таркибида географик ўринга боғлиқ номлар билан бир қаторда, шу гидрографик объектнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ номлар ҳам жуда кўп учрайди. Бундай гидронимларга *Аччи* (кудук, Ғиждувон т.), *Аччиқ* (кудук, Жондор т.), *Аччиққум* (кудук, Ромитан т.), *Ашиқоқ* (сув омбори, Қоракўл т.), *Ашишиқудуқ* (кудук, Пешку т.), *Денгизкўл* (кўл, Олот т.), *Ерқудуқ* (кудук, Ғиждувон т.), *Ёмонжар* (канал, Қоракўл ва Олот т.), *Жайлов* (кудук, Пешку т.), *Жўйзор* (арик, Бухоро т.), *Зарқум* (кудук, Пешку т.), *Захкаш* (коллектор, Ромитан т.), *Захқудуқ* (кудук, Ромитан т.), *Кенгсой* (кудук, Ғиждувон т.), *Кўлбеишқоқ* (сув омбори, Қоракўл т.), *Кўксув* (кудук, Пешку т.), *Кўрқудуқ* (кудук, Олот т.), *Ширинқудуқ* (кудук, Ғиждувон т.), *Шўрқоқ* (кўл, Қоракўл т.), *Солёное* (кўл, Қоракўл т.) кабиларни мисол қилиш мумкин.

Бухоро вилояти гидронимлари орасида ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан боғлиқ номлар ҳам талайгина. Бундай номлар фанда *фитогидронимлар* ва *зоогидронимлар* деб аталади. Бу каби топонимлар сирасига *Бошгужумди* (кудук, Шофиркон т.), *Дарахли* (кудук, Шофиркон т.), *Дўнгизтов* (кудук, Пешку т.), *Жинган* (артезиан кудук, Қоракўл т.), *Жонгелди* (кудук, Шофиркон т.), *Илонли* (арик, Қоракўл т.), *Мингчинор* (канал, Ғиждувон ва Шофиркон т.), *Писта* (кудук, Олот т.), *Сомонқоқ* (кудук, Олот т.), *Човқар* (канал, Ромитан т.), *Эчкилисой* (ташлама, Шофиркон т.), *Эшакқазган* (кудук, Шофиркон т.), *Қамисти* (кудук, Шофиркон т.), *Қамишбулоқ* (кудук, Ғиждувон т.), *Қамишлик* (кудук, Қоракўл т.) кабиларни киритиш мумкин.

Шунингдек, тополексемалар таркибида ранг билан боғлиқ номлар ҳам такрорланади: *Оқмўлла* (кудук, Ғиждувон т.), *Оқмурт* (кудук, Шофиркон т.), *Оқработ* (Жондор т.), *Оқсуяқ* (кудук, Шофиркон т.), *Оқтегелек* (артезиан кудук, Қоракўл т.), *Оқтепа* (кудук, Шофиркон т.), *Оқхона* (кудук, Қоровулбозор т.), *Оқчўка* (кудук, Пешку т.), *Оққум* (кудук, Қоракўл т.), *Қорасигир* (кудук, Ғиждувон т.), *Қорақир* (кудук, Пешку т.), *Қизилқоқ* (кудук, Ғиждувон т.), *Қизилқоқ* (сув омбори, Пешку т.), *Кўксув* (кудук, Пешку т.), *Кўкченгир* (кудук, Ғиждувон т.) ва ҳоказо (1-жадвал).

1-жадвал

**Бухоро вилоятидаги ранглар асосида вужудга келган гидронимлар**

«Оқ» компонентли гидронимлар	«Қора» компонентли гидронимлар	«Қизил» компонентли гидронимлар
<i>Оқмурт</i>	<i>Қорабой</i>	<i>Қизилбеш</i>
<i>Оқработ</i>	<i>Қорасигир</i>	<i>Қизилқоқ</i>
<i>Оқсуяқ</i>	<i>Қоратепа</i>	<b>«Кўк» компонентли гидронимлар</b>
<i>Оқтегелек</i>	<i>Қораўзбек</i>	<i>Кўксув</i>
<i>Оқтепа</i>	<i>Қорақир</i>	<i>Кўкченгир</i>
<i>Оқхона</i>	<i>Қорақалпоқ</i>	<i>Кўкчунгир-2</i>
<i>Оқчўка</i>	<i>Қорақалпоқаччиқ</i>	-

Вилоят гидронимларининг шаклланишида бир қанча табиий географик терминлар иштирок этган. Уларнинг вилоят гидронимлари таркибидаги улуши 38 % га етади, яъни вилоятдаги 460 та гидронимнинг 176 таси айнан табиий географик терминлар асосида вужудга келган. Булардан *тепа*, *қир*, *қудуқ*, *қоқ*, *сой*, *қум* каби терминлар айниқса аҳамиятлидир.

*Тепа* табиий географик термин бўлиб, «дўнглик», «тепалик», «чўққи», «бирон нарсанинг учи» деган маъноларни билдиради. Қадимги туркий тилда *törü* – «чўққи», «бошининг тепа қисми», «калланинг чўққиси» демакдир. Тепа термини туркий тилларда *тепа*, *дўбў*, *депе*, *тўбе*, *дўба*, *тўбу*, тожик тилида *теппа*, ўзбек шеваларида *тева*, *тўба* шаклларида талаффуз қилинади. Атоқли топонимист Э.М.Мурзаевнинг маълумотларига қараганда, бу термин турлича фонетик шаклларда Кавказда, Волгабўйида, Урал тоғлари атрофларида, Қозоғистонда, Ўрта Осиёда, Сибирда, Яқин Шарқда, Болқон яриморолида кўплаб топонимлар ҳосил қилган [2]. Айрим манбаларда бу термин «дўнглик», «тепалик»,

«баландлик» деб изоҳланган [1]. Шу билан бирга, *тепа* термини *тева* – туя шаклини ҳам олган (*Туябоши, Туягузар*); ёки уруғ-қабиланинг тармоқлари – *тўп* ёки *тўпа* ўзгариб *тепа* бўлиб кетган. Таниқли ўзбек топонимист олими С.Қ.Қораев этнонимлар ёнида келадиган *тепа* элементи асли *тўпа* бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Вилоят гидронимларининг 2,5 % и, аниқроқ қилиб айтганда 11 таси мазкур термин асосида вужудга келган (1-расм). Вилоятдаги *тепа* компонентли гидронимларга Бошонтёпа, Дармонтёпа, Жусантёпа, Моятёпа, Муллалитёпа, Номозгартёпа, Оқтёпа, Сеталонтёпа, Янги Жусантёпа, Қоратёпа каби жой номларини мисол қилиш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

**Бухоро вилояти гидронимларининг шаклланишига асос бўлган табиий географик терминлар ва улар асосида вужудга келган жой номлари**


«Тёпа» компонентли гидронимлар	«Қум» компонентли гидронимлар	«Қоқ» компонентли гидронимлар	«Қир» компонентли гидронимлар
<i>Бошонтёпа</i>	<i>Аччиққум</i>	<i>Ашиқоқ</i>	<i>Текёқир</i>
<i>Дармонтёпа</i>	<i>Бош Қорақум</i>	<i>Деволқоқ</i>	<i>Учқир</i>
<i>Жусантёпа</i>	<i>Жиндоқум</i>	<i>Дивалқоқ</i>	<i>Шодақир</i>
<i>Моятёпа</i>	<i>Зарқум</i>	<i>Ёмонқоқ</i>	<i>Қирлишон</i>
<i>Муллалитёпа</i>	<i>Оққум</i>	<i>Кўлбешқоқ</i>	<i>Қирқосиқ</i>
<i>Номозгартёпа</i>	<i>Оққум-2</i>	<i>Саматқоқ</i>	<i>Қирқулаш</i>
<i>Оқтёпа</i>	<i>Қумоқ</i>	<i>Сарашуқоқ</i>	<i>Қорақир</i>

Юқоридаги терминлар билан бир қаторда, *сой* термини ҳам вилоят гидронимларининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Сой термини Туркия ва Озарбайжонда *чой* шаклида қўлланилади. Фарбий Туркменистонда бу термин *сой* шаклида қўлланилиб, «*қуруқ ўзан*», «*ясси жар*», «*ўйқин*», «*кичик дарё*» деган маъноларни беради. Таниқли топонимист С.Қ.Қораевнинг таъкидлашича, *сой* термини «*кичик дарё*», «*оқар сув*», «*сув йўли*», «*водий*», «*сув оқадиган пастлик*» деган маъноларда мамлакатимизнинг бир қанча ҳудудларида жой номларини ҳосил қилади [5]. Айрим маълумотларга кўра, Республикаимизнинг баъзи вилоятларида эски ўзанлардан фойдаланиб очилган канал ҳам *сой* дейилади. Машҳур топонимист ва терминшунос Э.М.Мурзаевнинг таъкидлашича, *сой* (*сай, сайр, чай*) туркий сўз бўлиб, «*тоғ дарёчаси (кичик тоғ дарёси)*», «*водий*» деган маъноларни англатади [2]. Атоқли топонимистнинг маълумотларига кўра, Томск педагогика институтининг топонимлар картотекасида *сой* топотермини ёрдамида ясалган 406 та жой номлари сақланади. Қашқадарё топонимияси бўйича етук мутахассис Т.Нафасов эса *сой* сўзи (термини) га қуйидагича таъриф беради: «*сой* – икки томони қирсимон чўзиқ баландлик билан ўралган, ўртаси водий бўлган сайхонлик. Сой – баҳор ойларида ёгин сувлари оқадиган, ёзда қуриб қоладиган, кичик ўзанли оқар сув» [3, 4]. *Сой* термини асосида Бухоро вилоятида Кенгсой, Одилсой, Қулденесой, Эчкиликсой каби бир қанча гидронимлар вужудга келган. Уларнинг вилоят гидронимлари таркибидаги улуши 1 % га яқин, яъни вилоятдаги 460 гидронимнинг 4 таси мазкур термин асосида шаклланган (1-расм).

Вилоят гидронимларининг шаклланишида энг кўп қўлланилган табиий географик терминлардан яна бири *қир* термини бўлиб, у «*узунасига чўзилган катта тепалик*», «*баланд текислик*», «*сертёпа дашт*» каби маъноларни англатади. «Қадимий турк луғати»да *қир* сўзи «*ясси тоғ*» маъносини билдириши уқтирилади [2]. Қира – «*шудгор*», «*экинзор*» маъносида. Олтойда *қир* – «*тоғ*», «*тоғ тизмаси*» каби маъноларда келади. Бу сўзнинг *қиранг* – «*пастроқ тоғнинг қирраси*», *қират* – «*пастроқ супа тоғ*» каби вариантлари ҳам борлиги маълум. Қир сўзидан таркиб топган топонимлар Евросиё материгининг кўп жойларида учрайди, дейди атоқли топонимист Э.М.Мурзаев ўзининг «Словарь народных географических терминов» номли китобида [2]. Қир термини асосида

Бухоро вилоятида Текёқир, Учқир, Шодақир, Қирлишон, Қирқосиқ, Қирқулаш, Қирчашма, Қирған, Қорақир каби бир қанча гидронимлар вужудга келган (2-жадвал). Уларнинг вилоят гидронимлари таркибидаги улуши 2 % ни ташкил қилади, яъни вилоятдаги 460 гидронимнинг 9 таси мазкур термин асосида шаклланган (1-расм).

Бухоро вилояти гидронимлари таркибида кўп учрайдиган яна бир термин – бу **қум** терминидир. *Қум* – қаттиқ минераллар ва тоғ жинсларининг сочилувчан майда зарраларини билдиради [1]. Баъзан бу термин «қумли чўл», «қумли саҳро» маъноларида ҳам ишлатилади [2]. Қум термини асосида Бухоро вилоятида Аччиққум, Бош Қорақум, Жиндоқум, Зарқум, Окқум, Қумоқ каби бир қанча гидронимлар вужудга келган (2-жадвал). Уларнинг вилоят гидронимлари таркибидаги улуши 1,5 % ни ташкил қилади, яъни вилоятдаги 460 гидронимнинг 7 таси мазкур термин асосида шаклланган (1-расм).



**1-расм. Бухоро вилояти гидронимларини ҳосил қилган асосий табиий географик терминларнинг ҳудуд гидронимиясидаги улуши (%)**

Бундан ташқари вилоят гидронимларининг шаклланишида *қоқ* термини ҳам фаол иштирок этган. Топонимист С.Қ.Қораевнинг маълумотларига кўра, *қоқ* термини чўлларда баҳорги ёгингарчилик вақтида сув тўпланадиган саёз ботикни, кўлмакни англатади [4]. Мазкур термин асосида вилоятда Ашиқоқ, Деволқоқ, Дивалқоқ, Ёмонқоқ, Кўлбешқоқ, Саматқоқ, Сарашуқоқ, Сомонқоқ, Учқоқ, Чайлаирқоқ, Шўрқоқ, Юлдузқоқ, Қизилқоқ каби гидронимлар вужудга келган (2-жадвал). Уларнинг вилоят гидронимлари таркибидаги улуши 3 % ни ташкил қилади, яъни вилоятдаги 460 гидронимнинг 14 таси мазкур термин асосида шаклланган (1-расм).

Бухоро вилояти гидронимларининг шаклланишида *шўр* термини ҳам фаол иштирок этган. *Шўр* сўзи «*истеъмолга яроқсиз, туз моддалари меъёрдан ортиқ, аччиқ, талх (сув)*» деган маънони билдиради. Таниқли топонимист Т.Нафасовнинг маълумотларига кўра, бу сўз «*тупроқ таркибида туз ва шунга ўхшаш моддалар бўлганлиги боис ер, тупроқ устида ҳосил бўлган оқ доғ ва оқтупроқ*», «*фойдаланишига яроқсиз, шўр босган (ер)*» маъносида келади. Мазкур термин асосида вилоятда Шўрадоқ, Шўрбулоқ, Шўркўл, Шўрча, Шўрқоқ, Шўркудук, Қоронғишўр каби гидронимлар вужудга келган. Уларнинг вилоят гидронимлари таркибидаги улуши 2,5 % ни ташкил қилади, яъни вилоятдаги 460 гидронимнинг 11 таси мазкур термин асосида шаклланган (1-расм).

Умуман олганда Бухоро вилояти гидронимларининг шаклланишида табиий географик терминларнинг аҳамияти бекиёсдир.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Миракмалов М.Т. Халқ табиий географик терминлари. – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2009.
2. Мурзаев Э.М. Словарь народных географических терминов. – М.: «Мысль», 1984.

3. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати (Ўзбекистоннинг жанубий районлари). – Т.: «Ўқитувчи», 1988.
4. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. – Т.: «Муҳаррир», 2009.
5. Қораев С. Ўзбекистон топонимларини ҳосил қиладиган асосий терминлар ва бошқа сўзлар рўйхати. – Т.: «Ергеодезкадастр», 2001.

**Ҳақимов Қ.М.\***

## **ГЕОГРАФИК ОБЪЕКТЛАР НОМЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ ҲАҚИДА**

***Аннотация:** Мазкур мақолада географик объектлар номини муҳофаза қилишнинг мазмун-моҳияти, илмий ва ҳуқуқий асослари, тарихий номларнинг дахлсизлиги, уларни муҳофаза қилишнинг долзарблиги ва қонуний асослари аниқ мисоллар ёрдамида таҳлил қилинган.*

***Таянч иборалар:** Муҳофаза қилиш, илмий ва ҳуқуқий асослар, номлар дахлсизлиги, муҳофаза шартлари ва йўллари, давлат назорати.*

### **О необходимости защиты названий географических объектов**

***Аннотация:** В данной статье, на основе конкретных примеров, вопросы защиты топонимов, их научные и правовые основы, недопустимость изменений исторических названий, а также законодательные основы защиты географических названий.*

***Ключевые слова:** Научные и правовые основы защиты, принципы и основные направления, государственная защита географических названий.*

### **On the need to protect the names of geographical objects**

***Abstract:** This article is written about the reasons for protecting geographic objects scientific and specific principles, independence of the historical places names, the main ways of getting protected them and their clauses, naming and renaming them were given with evident examples.*

***Key words:** Reasons for protecting scientific and specific principles, independence of names, their clauses and ways, control of country.*

Географик номлар халқ тилининг улкан тарихий, миллий бойлиги сифатида муҳофазага муҳтожлик сезади. Чунки, улар табиат ва инсоният тарихи билан боғлиқ бўлган турли хил ахборотларни ўз бағрида сақлайди. Бинобарин, уларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, авайлаб- асраш давлат аҳамиятига молик бўлган тадбирлар сирасига киради. Кўпинча, географик номлар муҳофаза қилиниши керак деганда тарихий номлар тушунилади. Аслида муҳофаза қилиниши зарур бўлган номлар ҳақида гап кетганда ҳар бир жой номига алоҳида ёндашиш лозим бўлади.

Таъкидлаш жоизки, географик номларни муҳофаза қилишнинг муҳим омилларидан бири, кишиларни географик объектларнинг номига тўғри ва оқилона муносабатда бўлиш тушунилади. Бунинг асосий шартларидан бири топонимларни ўринсиз, етарли асосларсиз ўзгартирмаслик ҳисобланади. Жой номларини турғунлиги, тарихий номларни дахлсизлигини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида топонимларнинг стратиграфик (тарихий) қатламларини аниқлаш ва сақлаб қолишга ёрдам беради.

Жой номларини муҳофаза қилиш иши, ўтмишда турли сабабларга кўра, кўпинча топонимик зуғум туфайли истеъмолдан чиққан ва унутилган номларни қайтадан тиклашдек муҳим вазифани ҳам ўз ичига олади. Маълумки, ҳар қандай тарихий номни қайта тиклаш масаласи, бир вақтлар уни ўрнига келган номақбул номни бартараф қилишни талаб қилади. Собиқ шўролар даврида Ўзбекистондаги кўпгина географик

---

\* Ҳақимов Қ.М. - Жиззах давлат педагогика институти доценти, г.ф.н.

объектлар (шаҳар, қишлоқ, маҳалла ва бошқалар) ўша давр мафқурасига мос номлар билан алмаштирилган эди.

Мустақиллик йилларида ана шу салбий ҳодисанинг оқибатлари тугатилиб, тарихий номлар қайта тикланди. Профессор С.Қораевнинг маълумотларига кўра, 1990-2005 йиллар давомида, фақат Тошкент шаҳрининг ўзида мустақил номларга эга бўлган мингдан ортиқ кўчалар қайта номланган. Дунёдаги бирон шаҳарда кўча-кўйларни қайта номлаш соҳасида бунчалик катта ўзгариш ҳеч қачон бўлмаган, десак хато бўлмайди.

Мутахассисларнинг фикрича, географик номларни муҳофаза қилишни қуйидаги йўллар билан амалга ошириш мумкин:

*а) географик объект номини ўзгартириши ишига жиддий ва маъсулият билан ёндашиши ва марказлашган картотекасини тузиши;*

*б) жойларда азалдан мавжуд тарихий анъанавий номларни етарли асосларсиз ўзгартирмаслик;*

*в) топонимларга тарихий ва маданият ёдгорлиги мақомини бериши;*

*г) географик номларни давлат муҳофазасига олиши;*

*д) ҳар бир вилоят, туман, шаҳарлар ҳудудида мавжуд тарихий-миллий аҳамиятга эга номларнинг «Қизил китоби»ни тузиши.*

Шу билан бирга, илмий-маърифий муассасалар, жамоалар, уюшмалар, жамиятлар ва яқка шахсларнинг жой номлари ҳақидаги маълумотларини тўплаш, асраш ва ўрганишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат ва ташаббус ўз вақтида қўллаб-қувватланиши лозим. Кўшимча тарзда, жой номларини ўрганишга ва улар ҳақидаги билимларни тарғиб қилишга қаратилган илмий анжуманлар, амалий семинарлар, давра суҳбатлар, илмий мунозараларни ташкил қилиш яхши самара беради.

Географик номларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказишга хизмат қиладиган илмий-оммабоп китоблар, рисоалар, луғатлар, маълумотномалар, плакатлар, маркалар тайёрлаш ва нашр этишни йўлга қўйиш лозим. Радио, телевидения, оммавий ахборот воситалари ва ахборот технологиялари имкониятларидан оқилона фойдаланиб, кенг жамоатчиликда жой номларига ҳурмат билан қараш ва тўғри муносабатда бўлиш маданиятини шакллантириш зарур.

Ҳозиргача, географик объектлар кишилар номи билан аталаётганлиги, бир хил номларнинг кўплиги, шаклан ноқулай ва узунлиги, маъно-мазмунини саёзлиги, мафқура ва қарашлар билан алоқадор бўлган номларнинг мавжудлиги ҳали ҳам бу соҳада камчиликлар борлигидан далолат беради. Хусусан, номларни лотин алифбосида тўғри ёзишда йўл қўйилаётган хато ва нуқсонлар тез-тез кўзга ташланмоқда. Бундай салбий ҳолатларнинг такрорланмаслиги учун, географик объектларни номлашда ягона илмий дастурлар яратилиши, миллий топонимияни илмий асосга қурилиши, малакали мутахассислар тайёрланиши кун тартибидаги долзарб масала сифатида қаралмоғи лозим.

Географик объектларни номлашда яна бир масалага, яъни, топонимнинг ички хусусиятига ҳам эътибор қаратилиши лозим. Таниқли рус топонимисти А.В.Суперанская бу ҳақда шундай ёзган эди: “яхши меъмор ўз асарини яратаётганда иморатнинг ички имкониятларини, унинг ташқи киёфасига мос бўлиши учун ҳаракат қилади. Географик объектга ном танлаётганда ҳам худди шундай йўлни танлаш керак. Жой номида ҳам ортиқча, қалбаки ва кераксиз элементлар бўлмаслиги лозим, унинг ички тузилиши ташқи киёфасига ҳар доим мос бўлиши даркор”.

Бу масала Ҳ.Ҳасановнинг ҳам эътиборини тортган. Номшунос олим, ҳар бир географик объект номига жуда эҳтиёткорона ёндошиш кераклигига ишора қилиб, «ҳар бир жой номининг икки томони бор: сирти ва ичи. Сиртдан қараганда ҳар бир ном атоқли от бўлиб кўринади. Аммо, номнинг ички томони ҳам борки, уни кўриш учун «рентген»га солиш лозим, бу ном қаерда, нега шундай аталган, қайси тилдан олинган? Жойнинг бу ички хусусиятини ҳар ким билавермайди, у фақат мутахассисга муяссар бўлади» деб ёзган.

Таъкидлаш керакки, географик объектларнинг номлари (ойконим, этноним, гидроним, антропоним, ороним ва бошқ.) номинация принциплари жиҳатидан бири-биридан фарқ қилади. Маълумки, одамлар дастлаб ижтимоий эҳтиёж туфайли табиий географик объектларни номланган, аммо тарихий манбаларда кўпроқ ойконимлар қайд қилинганлиги сабабли, хронологик жиҳатдан уларни энг қадимий топонимлар десак хато бўлмайди. Чунки, бошқа топонимларга қараганда, ойконимлар муҳимроқ, чунки улар жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва хўжалик фаолиятида географик объект номи сифатида иштирок этади.

Географик объектларни номлаш ва уларни муҳофаза қилиш шартларини Х.Ҳасанов қуйидагича кўрсатган: «биринчи шarti шуки, номнинг аниқ маъноси бўлиши, юз, икки юз йилдан кейин ҳам жаранглаб, маъноси англашилиб туриши лозим. Иккинчидан, номда камситиш аломатлари, уят ва дағал сўзлар бўлмаслиги керак. Учинчидан, қўйиладиган ном тилнинг грамматик қоидаларига мос келиши зарур. Тўртинчидан, бир хилдаги номлар кўпайиб кетмасин. Чунки, бир вилоят, шаҳар ёки тумanning ўзида бир хил ёзиладиган ном иккита бўлса, чалкашлик туғилади».

Топонимларнинг муҳим ижтимоий функцияни бажаришини инобатга олиб, уларни реестри ва ягона электрон базасини яратиш, ёзилиш қоидаларини қатъийлаштириш, миллий ва халқаро миқёсда стандартлаш каби муаммолар соҳа мутахассислари олдида турган муҳим вазифалар ҳисобланади. Халқнинг ижтимоий эҳтиёж маҳсули бўлган географик объектларнинг номи илмий, амалий ва тарбиявий аҳамиятга эга. Шу сабабдан, бошқа тарихий ва маданий ёдгорликлар қаторида, улар ҳам қонун ва давлат ҳимоясига олинганлиги «Географик объектларининг номлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида (2011 йил 12 октябр № ЎРҚ-303) аниқ белгилаб қўйилган.

Мазкур Қонун ва қонун ости норматив ҳужжатларда географик объектлар номлари жамоатчилик ва давлат ҳимоясида эканлиги расман тасдиқланган. Зарур бўлиб қолган ҳолларда географик объектларни номларини ўзгартириш ёки қайта номлаш ким томонидан ва қайси миқдорда амалга ошириши ҳамда бу ишларга жавобгар ташкилот ҳам аниқ кўрсатилган. Мутасаддий ташкилотлар географик объектларни номлаш ва қайта номлашда тарихий анъаналарга қатъий риоя қилиб, ҳозирги замон талабларини ҳам унутмаслиги керак. Шу нуқтаи назардан, географик объектларни номлаш ва қайта номлаш ҳамда уларни кейинчалик муҳофаза қилишда қуйидаги талаб ва мезонлар қонунда белгилаб қўйилган:

- ном жойнинг маълум табиий ёки иқтисодий-географик хусусиятларини ўзида мужассам этиши шарт;

- қўйилаётган ном ўша ҳудудда яшовчи аҳоли тилининг лисоний хусусиятларига ёт бўлмаслиги, унда топонимик анъанавийлик, тарихийлик, миллийлик сезилиб турмоғи керак;

- ном шаклан содда, тушунарли, аниқ, қисқа, лўнда, кўпи билан икки ёки уч таркибий қисмдан (уларни бири қўшимча бўлиши мумкин) иборат бўлиб, мўлжаллик (ориентирлик) вазифасини бажарсин;

- янги ном ўша ҳудудда аввал мавжуд бўлган номларни такрорламаслиги, эсда осон сақланиб қоладиган, талаффузда енгил ва қулай бўлмоғи даркор;

- топоним иложи борича, мафкуравий қарашлардан холи бўлмоғи керак;

- вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ва бошқа хил йирик географик объектларга кишиларнинг номлари қўйилмаслиги лозим.

Юқорида қайд қилинганидек, географик объектларнинг номларини асраш ва муҳофаза қилиш ниҳоятда муҳим ва масъулиятли иш. Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикаси «Географик объектларининг номлари тўғрисида» ги Қонуннинг 18-моддасида географик объектларнинг номлари давлат томонидан муҳофаза қилинади ва номларнинг бирини бошқасига ўзбошимчалик билан алмаштиришга, географик объектларнинг бузиб кўрсатилган номлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди дейилган.



Мазкур Қонунда (19-модда) географик объектларнинг номларидан фойдаланилиши ва уларнинг сақланиши устидан назоратни белгиланган ваколатлар доирасида: давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари; республика комиссияси; Ўзбекистон Республикаси “Ергеодезкадастр” Давлат кумитаси; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари; корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади деган, норма киритилган. Хулоса қилиб айтганда, дастлабки кузатувлар шуни кўрсатадики, географик объектлар номига тарихий ва маданият ёдгорлиги мақомини бериш, уларни давлат муҳофазасига олиш учун, қонунда кўрсатилган барча талабларни тўла бажариш, марказлашган ягона электрон базасини яратиш ҳамда бу ишларга жиддий ва маъсулият билан ёндашиш талаб этилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2011 й. 12.10. № ЎРҚ-303).
2. Караев С. Топонимия Узбекистана с топонимическим словарем. -Т.; 2015.
3. Суперанская А.В. Что такое топонимика? -М., 1985.
4. Ҳасанов Ҳ. Географик номлар сири. -Т.; “Ўзбекистон”, 1985.
5. Ҳакимов Қ. Топонимика. -Т.; “Мумтоз сўз”, 2016.

**Ахмадалиев Ю.И., Отакулов П.С.\***

### ГЕОГРАФИК ОБЪЕКТЛАР НОМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ҲАҚИДА

*Аннотация:* мақолада “Географик объектлар номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши муносабати билан мазкур соҳадаги ҳуқуқ тизимида киритилган ўзгаришлар ҳақида фикр юритилган.

*Калит сўзлар:* географик объектлар номлари, ҳуқуқ тизими, маъмурий-ҳудудий тuzилиши

#### Об изменениях правовых систем использования названий географических объектов

*Аннотация:* в статье рассматриваются некоторые изменения в правовых основах топонимики в связи с принятием Закона Республики Узбекистан «О наименовании географических объектов».

*Ключевые слова:* названия географических объектов, правовая система, административно-территориальное устройство

#### On changing the law system of the usage of the names of geographical objects

*Abstract:* the article discusses the new changes adopted by the law system due to the Resolution of the Republic of Uzbekistan on Geographical objects.

*Key words:* names of geographical objects, law system, administrative- territorial structure.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 4 мартда қабул қилинган, Сенатда 2011 йил 26 августда маъқулланган “Географик объектлар номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни географик объектлар номлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий тизимидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишни янги поғонага кўтарди. Чунки мазкур қонун қабул қилиниши билан географик объектлар номларини тартибга солувчи барча қонун ва қонуности ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Шунинг учун географик объектларни номларига таълуқли ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар тахлилини мазкур ўзгаришларни ўрганишдан бошлаш мумкин.

Мамлакатимизда мустақилликга қадар (1989 йил 21 октябрда) қабул қилинган, географик объектларни номларини ёзилишини тартибга солувчи “Давлат тили

\* Ахмадалиев Ю.И.– ФарДУ география кафедраси профессори, г.ф.д.

Отакулов П.С.– ФарДУ география кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси.

ҳақида”ги қонунни 22-моддаси “Географик объектларнинг номлари давлат тилида акс эттирилади” деб ўзгартирилди.

Мазкур қонун қабул қилиниши муносабати билан асосий ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган “**Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида**” ги қонунига киритилди. Энг аввало қонуннинг номи ўзгартирилиб, ундан “топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш” сўзлари чиқариб ташланди. Бу қонун “**Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида**” қонун сифатида қолдирилди. Шунга мос равишда, қонундан географик объектларнинг номлари билан боғлиқ бўлган сўз, модда ва бўлимлар чиқариб ташланди. Жумладан, муқаддимадаги “маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмларига, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, физик-жуғрофий, геологик ва бошқа объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш” деган сўзлар, VI, VII ва VIII бўлимлар, IX бўлимнинг номидаги **биринчи жумла, 24, 25 ва 26-моддалар, X бўлим, 30-модданинг биринчи қисмидаги** “маъмурий-ҳудудий бирликлар ва аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш” деган сўзлар, **31-модда** чиқариб ташланди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган “**Геодезия ва картография тўғрисида**”ги қонуни **6-моддасининг ўн биринчи хатбошиси** “географик объектларнинг номларини белгилаш, нормаллаштириш, давлат рўйхатидан ўтказиш, улардан фойдаланиш ва уларни сақлаш” шаклида баён этилиши белгилаб қўйилди.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан айрим қонуности меёрий ҳужжатларга ҳам ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелдаги 232–I-сонли Қарори билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низомнинг 12-банди ўн иккинчи хатбошисидаги** “янги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритади” деган сўзлар “янги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тўғрисида таклифлар киритади” деган сўзлар билан алмаштирилди.

“Географик объектлар номлари тўғрисида”ги қонун аввало географик объектларга ном бериш, уларни қайта номлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш, фойдаланиш ва сақлаш муносабатларини тартибга солиши билан аҳамиятлидир. **У 4 боб, 24** моддадан иборат бўлиб, миллий қонунчилигимизнинг илғор тажрибаси ва замонавий халқаро ҳуқуқий нормалар уйғунлигига асосланган. Мазкур қонун географик объектларни номлаш ва улардан фойдаланиш борасидаги муносабатларни янада такомиллаштириш, халқимизнинг тарихи ва маданияти билан боғлиқ жой номларини муҳофаза қилиш, уларни асосиз ўзгартиришнинг олдини олишга хизмат қилади.

Қонунга кўра, “географик объектлар” дейилганда, ернинг ҳозирда ёки ўтмишда мавжуд бўлган ҳамда муайян ўрнашган жойи билан тавсифланадиган, келиб чиқиши табиий ёки сунъий бўлган яхлит ва нисбатан барқарор ҳосилалари тушинилади. Улар жумласига: маъмурий-ҳудудий бирликлар (вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар); аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмлари (маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонлар); транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектлари (темир йўл станциялари, автостанциялар, метрополитен станциялари, вокзаллар, аэропортлар, портлар, пристанлар, кўприклар, разъездлар, йўллар, каналлар, сув омборлари, тўғонлар, дамбалар); табиий объектлар (дарёлар, кўллар, музликлар, текисликлар, тоғлар, тоғ тизмалари, ғорлар, чўллар, водийлар, даралар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, ёнбағирлар, фойдали қазилмалар конлари) ва бошқа шу каби объектлар кириши қонуннинг 3-моддасида белгилаб берилган.

Қонуннинг 4-моддасида географик объектларнинг номларига доир талаблар аниқ кўрсатилган. Географик объектга берилган ном унинг ўзига хос бўлган белгиларини акс эттириши, мазкур географик объект жойлашган ердаги бошқа географик объектларнинг номларига мос тушиши, маҳаллий аҳолининг фикрини ҳисобга олиш, қоида тариқасида, кўпи билан учта сўздан иборат бўлиши каби талаблар мустаҳкамланди.

**Географик объектларнинг номларини ўзгартиришга доир талаблар 5-моддада** кўрсатилган. Яъни, географик объектнинг белгиланган мақсади жиддий тарзда ўзгарганда, унинг тарихий номларини тиклаш зарур бўлганда, агар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келмайдиган қисқартма сўз, рақам ёки сўз бирикмаси билан белгиланган ҳолатларда номлари ўзгартирилади.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати, географик объектларнинг номларини белгилаш тартибидир. Географик объектларнинг номлари ҳудудни картография қилиш, топонимик тадқиқотлар ўтказиш, тегишли давлат ҳокимияти, бошқарув органлари, маҳаллий аҳоли, ўлкашунослар, географлар, тарихчилар ва бошқа мутахассислар ўртасида сўровлар ўтказиш асосида белгиланади.

Табиий ёки инсон томонидан яратилган объектларнинг номлари қонунларда, ҳукумат қарорларида, бошқа расмий ҳужжатларда қайд этилади. Географик объектларнинг номларидан ҳамма соҳаларда кенг фойдаланилади. Масалан, аниқланиб, қатъийлаштирилган топонимлар халқаро шартнома, битим, халқаро алоқалар ва юк ташув ҳужжатларида, телеграфик алмашув маълумотномаларида ҳамда хариталар, атласлар яратишда фойдаланилади. Шу боис қонуннинг 4-моддасида вилоят, туман ва шаҳарларга бир хилда ном берилиши тақиқланган.

Қонуннинг 2-боби давлат органларининг географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартиришга доир ваколатлари ҳамда вазифаларига бағишланган. Жумладан, 7-модда туманлар, шаҳарлар, вилоятларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш, 8-модда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш, 9-модда шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш, 10-модда аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш, 11-модда табиий объектларга, транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартиришга ваколатли бўлган давлат органларнинг вазифалари белгилаб берилган. Қонуннинг 12-моддасида географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича комиссияларнинг асосий вазифалари батафсил кўрсатиб берилган. Улар қуйидагилардан иборат эди:

- Ўзбекистон халқининг тарихий-маданий қадриятлари ҳамда мероси билан боғлиқ географик объектларнинг номлари муҳофаза қилинишини таъминлаш, асоссиз ўзгартирилишининг олдини олиш;

- географик объектларга Ўзбекистон халқининг миллий анъаналари ва менталитетига ёт бўлган номлар берилишига ҳамда уларнинг номлари шу руҳда ўзгартирилишига йўл қўймаслик;

- географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш чоғида маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ҳолларини истисно этиш.

Ушбу Қонун 4-моддаси талабларининг ҳамда географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бошқа қоидаларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар комиссиялари томонидан бажарилиши устидан назоратни республика комиссияси амалга оширади.

Комиссияларнинг таркиби давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари ва ходимлари, фуқаролик жамияти институтларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, шунингдек

фан ва маданият арбоблари, экспертлар, мутахассислар ҳамда тегишли фаолият соҳаларида махсус билимларга эга бўлган бошқа шахслар орасидан шакллантирилади.

Республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар комиссиялари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар хокимликларининг раҳбарияти томонидан бошқарилади.

Республика комиссиясининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар комиссияларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

“Географик объектлар номлари тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши географик номлар “ҳимоясиз сўзлар” эмаслигининг исботидир. Қонуннинг 18-моддасида географик объектлар номларининг бирини бошқасига ўзбошимчалик билан алмаштиришга, уларнинг бузиб кўрсатилган номларидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги кўрсатиб ўтилган.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Қонуни Тошкент, 1996.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектлар номлари тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент, 2011.

**Ибрагимова Р.А., Ибраимова А.А.\***

### ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН Фойдаланиш

**Аннотация:** ушбу мақола география таълимида интерфаол методлардан фойдаланишининг аҳамиятига бағишланган. Асосий эътибор география таълимида қўллаш имкони бўлган айрим интерфаол методларга қаратилган.

**Калим сўзлар:** география, интерфаол метод, таълим, педагогик маҳорат, педагогик технология.

#### Использование интерактивных методов в географическом образовании

**Аннотация:** данная статья посвящена значению использования интерактивных методов в обучении географии. Основное внимание в ней уделяется на некоторых интерактивных методах, имеющих возможности использования в образовании географии.

**Ключевые слова:** география, интерактивный метод, образование, педагогическое искусство, педагогическая технология.

#### Using of interactive methods in the teaching of geography

**Abstract:** given article is devoted value of use of interactive methods in geography training. The basic attention in it is given on some to the interactive methods having possibilities of use in formation of geography.

**Key words:** geography, an interactive method, education, pedagogical art, pedagogical technology.

**Кириш.** Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча рухий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт мобайнида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгаллаган билим,

\*Ибрагимова Р.А. – ЎзМУ “География” кафедраси катта ўқитувчиси, г.ф.н,  
Ибраимова А.А. – ТАҚИ “Геодезия ва кадастр” кафедраси катта ўқитувчиси, г.ф.н.

кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

**Асосий қисм.** Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда ўқувчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи ҳамда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллаш борасида катта тажриба тўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда. Таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методларга интерфаол методлар деб аталади.

Ҳозирги кунда интерфаол методларнинг сони жуда кўп. Қуйида улардан таълим муассасаларида кенг тарқалганлари, география таълимида қўлланилиши мумкин бўлган баъзи педагогик технологиялар, интерфаол методларнинг моҳияти ва улардан фойдаланиш борасида сўз юритамиз.

**Ўйин технологияси.** Ўйинли технологиялардан фойдаланишнинг асосини талабаларни фаоллаштирувчи ва жадаллаштирувчи фаолияти ташкил этади. Ўйин, тадқиқотчилар натижаларига кўра, меҳнат ва ўқиш билан биргаликда фаолиятнинг асосий турларидан бири ҳисобланади. Психологларнинг таъкидлашларича, ўйинли фаолиятнинг психологик механизмлари шахснинг ўзини намоён қилиш, ҳаётда ўз ўрнини мустақамлаш, ўзини-ўзи бошқариш, ўз имкониятларини амалга оширишнинг фундаментал эҳтиёжларига таянади.

География таълимида кенг қўлланиладиган ўйин технологиялари ўзининг қизиқарлилиги, билим, кўникма ва малакаларнинг ўқувчилар томонидан осон ўзлаштирилиши билан ажралиб туради. Ўйин технологияси географик билимларни ўрганиш ва ўзлаштиришни фаоллаштиради. Мазкур технологияни қуйидаги мавзулар бўйича ишлаб чиқиш мумкин:

- Географиянинг ривожланиш босқичлари;
- Коинот, Қуёш системаси ва Ер;
- Ер билими асосларининг тадқиқот усуллари;
- Литосфера – Ернинг тош қобиғи ;
- Гидросфера – Ернинг сув қобиғи;
- Атмосфера – Ернинг ҳаво қобиғи;
- Биосфера – Ернинг ҳаёт қобиғи.

Юқорида келтирилган мавзуларнинг ҳар бири бўйича жуда кўп дидактик ўйинлар ва интерфаол методлар ишлаб чиқиш мумкин. Масалан, дарс жараёнида ўқувчиларни фикрлашга, нутқининг ривожланишига ўргатувчи **“тезкор маълумот”** методининг ўрни аҳамиятлидир. Шунингдек, ўқувчиларни ўтилган мавзуларни эслашга, мустақил равишда тўғри жавоб беришга, харитадан тез топишга ва тезкорликка ҳам ундайди. Бу методни гуруҳларда ва мустақил равишда боблар ёки ҳар битта мавзу бўйича қўллаш мумкин. Масалан, “Атмосфера” мавзуси асосида қуйидаги тарзда олиб борилади:

- *биринчи ўқувчи* – Атмосфера – Ернинг ҳаво қобиғи;
- *иккинчи ўқувчи* – Атмосфера 5 қатламдан иборат;
- *учинчи ўқувчи* – Атмосферанинг энг қуйи қатлами тропосфера;
- *тўртинчи ўқувчи* – Тропосферада атмосфера ҳавосининг 80% тўпланган ва ҳоказо.

“Тезкор маълумот” методини харита билан ишлашда ҳам қўллаш мумкин. Бунда ўқитувчи бирор бир географик объектга таъриф беради (масалан, энг катта пасттекислиги, энг баланд шаршараси бўлган материк, Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган чўл, Ўрта Осиёдаги пасттекислик ва б.) ва уларнинг номи ўқувчилар томонидан айтилади ҳамда харитадан топилади. Бу методнинг ўқувчи фикрлаш доирасини кенгайтиришдаги аҳамияти жуда катта.

## Ўзбекистоннинг географик ўрни ва табиий шароитининг “SWOT –таҳлили”

Strengths	Weakness
<p>1. Ўзбекистон худуди яхлит курукликдан иборат бўлиб, кўп қисми текислик, водий-воҳалардан ташкил топганлиги туфайли иқтисодий жиҳатдан ривожланиши ва районлараро алоқа қилиш учун қулай.</p> <p>2. Ўзбекистоннинг шимолий ва ғарбий қисми текисликлардан иборат бўлганлиги учун кўшни давлатлар билан иқтисодий алоқа қилишга қулай шароит яратилган.</p> <p>3. Қуёш йилига 2500-3100 соат нур сочиб туради.</p> <p>4. Турли фойдали қазилмаларнинг бой захирасига эга.</p>	<p>1. Ўзбекистон худудининг бир қисми океан ва денгизлар билан туташмаганлиги туфайли ташқи иқтисодий алоқа қилиш учун ноқулай шароит яратган.</p> <p>2. Аксинча, шарқий ва жанубий чегара баланд тоғлардан ўтганлиги туфайли иқтисодий алоқа қилишга ноқулай шароит яратилган.</p> <p>3. Йирик дарёларнинг манбаи кўшни давлатларнинг худудида жойлашган.</p> <p>4. Ўзбекистон Орол ва Оролбўйи муаммоси худуди доирасида жойлашган.</p>
Opportunities	Threats
<p>1. Водий-воҳаларда миллий иқтисодиёт тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантириш ҳамда районлараро алоқа қилиш имконини беради.</p> <p>2. Транспорт инфратузилмасининг ривожланишига ва кўшни давлатлар билан иқтисодий алоқа қилишга имкон беради.</p> <p>3. Ёз узоқ вақт давом этади ва қишнинг қисқа бўлишига имкон беради. Вегетация даврининг узоқ бўлишига сабаб бўлади. Турли қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш имконини беради.</p> <p>4. Хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш имконини беради.</p>	<p>1. Ташқи иқтисодий алоқа қилиш учун иккита давлат худудидан ўтиш керак.</p> <p>2. Ноқонуний савдонинг ривожланиши.</p> <p>3. Сув ресурслари муаммосини юзага келтириши мумкин.</p> <p>4. Туз-чанг тўзонларининг ёғишига, тупроқларнинг шўрланиши, ичимлик сувининг етишмаслиги ва аҳоли саломатлигининг ёмонлашишига олиб келади.</p>

**Пинборд методи.** Пинборд инглизча сўз бўлиб, “pin” – мустаҳкамлаш, “board” – доска деган маъноларни англатади. Бу методнинг моҳияти шундан иборатки, унда мунозара ёки ўқув суҳбати амалий усул билан боғланиб кетади. Бу метод худди “Ақлий ҳужум” методи сингари ўтказилади, фақат билдирилган фикр ва ғоялар оғзаки эмас, балки олдиндан тайёрланиб тарқатилган қоғозчаларга лўнда қилиб ёзилиб, доскага мустаҳкамлаб қўйилади. Шу боис уни ёзма “Ақлий ҳужум” деб ҳам аташади. Унинг “Ақлий ҳужум” методидан афзаллиги шундаки, биринчидан, билдирилган фикр ва ғоялар ҳаммининг кўз олдида туради, иккинчидан, фикр ва ғоялар турли хусусиятларига қараб, саралаш, даражаларга ажратиш имконини беради. Дунё океанининг қисмлари, курукликдаги сувлар мавзуларини шу метод орқали ўзлаштириб, мустаҳкамлаш мумкин. Буни амалга оширишда олдиндан қоғозчаларга географик терминлар, жой номлари ёзиб қўйилади ва ўқувчилар уларни саралаб қайси денгиз, қўлтиқ, бўғиз, дарё ва қўл эканлигини гуруҳларга ажратишади.

**SWOT–таҳлили.** SWOT – таҳлили жадвалидан фойдаланиш жараёнида ўқувчи мавжуд ҳолатни таҳлил қилади ва баҳолайди. Таҳлил ва синтез қилиш йўли билан бирор мантикий қарор қабул қилишга ўрганади.

S-кучли томони; W- кучсиз томони; O- имкониятлари; T- хавф-хатар.

SWOT – таҳлили 3 босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда жадвални тузиш қоидаси билан таништирилади. Иккинчи босқичда жуфтликда ёки кичик гуруҳлар ичида жадвал тўлдирилади. Учинчи босқичда фаолият натижаси тақдимот қилинади.

Ўқувчи мавзунини тўлиқ англаб етиши учун ўқув гуруҳи 4 та кичик гуруҳга ажратилади. Уларга Ўзбекистоннинг географик ўрни ва табиий шароитини “SWOT – таҳлили” бўйича баҳолаш топширилади (жадвал).

SWOT – таҳлилинини амалга оширишда ўқувчи кўп маълумотга эга бўлиши, ҳар бир жиҳатни ўзаро боғлай олиши лозим.

**Хулоса.** Умуман олганда, география таълимида интерфаол методлардан фойдаланиш имкониятлари кенг. Таълим жараёнида педагогик технологияларнинг мақсадли, ўринли, самарали қўлланилиши талабаларни фикрлашга, изланишга нутқининг ривожланишига, ўтилган мавзуларни эслашга, мустақил равишда тўғри жавоб беришга, таҳлил қилишга, харитадан тез топишга ва тезкорликка ундайди ҳамда педагог ва унинг фанига бўлган ҳурматини янада кучайтиради. Бунда педагог тажрибиси ва маҳоратидан келиб чиққан ҳолда, таълим методларини дидактик вазифаси, таълим олувчининг имкониятлари ва сони, таълимнинг давомийлиги ҳамда моддий техник шарт-шароитлари каби мезонлари асосида танлаши мақсадга мувофиқ.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Baratov P. O‘zbekiston tabiiy geografiyasidan amaliy mashg‘ulotlar. – Toshkent, 2005. – 142 b.
2. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши. Методик қўлланма. – Тошкент, 2013. – 116 б.

**Миракмалов М.Т., Эшбоев Б.Т.\***

### МИГРАЦИОН ТОПОНИМЛАР ВА УЛАРДАН ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШ

**Аннотация:** Мақолада “Жанубий Америка ва Кариб денгизи ҳавзаси мамлакатлари” мавзусини ўқитишда топонимларнинг аҳамияти, уларнинг пайдо бўлиши ва лингвистик таҳлили баён қилинган.

**Калит сўзлар:** Жанубий Америка, Кариб ҳавзаси, Лотин Америкаси, Колумб, Венесуэла, Галапагос ороллари, ҳиндулар.

#### Миграционные топонимы и их использования в учебном процессе

**Аннотация:** В статье изложена роль топонимов в изучении темы “Страны Южной Америки и Карибского Бассейна”, освещена история происхождения топонимов и проведен их лингвистический анализ.

**Ключевые слова:** Южная Америка, Карибский бассейн, Латинская Америка, Колумб, Венесуэла, Галапагосские острова, индейцы.

#### Migration toponyms and their usage in the lessons

**Abstract:** Significance of toponyms in teaching the countries of Caribbean Sea and Southern America, their appearance and linguistic is stated in this article.

**Key words:** South America, Caribbean basin, Latin America, Kolumb, Venezuela, Galapagos, indians.

**Кириш.** География фани ўқитувчиси ўқув дастурида кўзда тутилган мавзулар бўйича дарслик, ўқув атласлари ва қўлланмалар билан ишлар экан, бевосита турли хил жой номларига тўқнаш келади. Ана шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, мактаб география дарсларини ўтишда топонимлардан унумли ва методик жиҳатдан тўғри

\* **Миракмалов М.Т.** - Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ Геология ва география факультети География кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси, география фанлари номзоди, доцент,  
**Эшбоев Б.Т.** - Қарши давлат университети География кафедраси ўқитувчиси.

фойдаланиш ўқувчилар малака ва кўникмаси ҳамда дарснинг самарадорлигини оширишда катта аҳамият касб этади.

Ўқувчиларга география дарслари ўтилар экан, жой номларининг мазмуни ва моҳиятини ўқув дастурларининг талабларидан келиб чиққан ҳолда тўғри очиб бериш лозим. Топонимларни ўқувчилар онги ва тафаккурига тўғри етказиб бериш орқали уларнинг хотираларида ўтилаётган мазкур дарс мазмунини узоқ вақт мобайнида сақланиб қолиши учун илмий ва услубий асос яратган бўламиз. Чунки, ўтилаётган ҳар бир дарсда унга тегишли бўлган жой номларининг мазмунини билиш ҳар бир ўқувчида мазкур дарсга катта қизиқиш уйғотади.

**Ишнинг мақсад ва вазифалари.** Асосий мақсад, умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфида ўтиладиган “Жанубий Америка ва Кариб денгизи ҳавзаси мамлакатлари” мавзуни ўқитиш жараёнида қўлланиладиган топонимларнинг мазмун-моҳиятини ўқувчилар эътиборига ўқув дастурлари талаблари асосида етказиб беришдир.

Жанубий Америка ва Кариб денгизи ҳавзаси мамлакатлари худудидаги айрим макро, мезотопонимларнинг вужудга келиш сабаблари, номланиш қонуниятлари ҳамда лингвистик анализи орқали географик жой номлари хусусиятларини очиб бериш, уларга аниқ топонимик мисоллар келтириш ишнинг асосий вазифаси сифатида белгиланди.

**Асосий қисм.** Ҳар қандай ном ўз замонасининг маҳсули, тарих ёдгорлиги, аҳоли муайян тилида қолдирган эсдалик. Номлар, агар ўзгартирилмаса асрлар оша, ҳатто минг йил оша яшайверади [1]. Жанубий Америка ва Кариб денгизи ҳавзаси мамлакатлари географик номларининг тарихийлиги, этнографик хусусияти, табиий объектлар билан боғлиқлиги ва бошқа шунга ўхшаш жиҳатлари билан дунёнинг ўзга минтақалардан топонимик олами билан ажралиб турувчи ҳудуд сифатида ёрқин намоён бўлади. Мазкур мамлакатлар таркибига кирувчи давлатларнинг хариталарида берилган ранг-баранг жой номларини ўрганган кўплаб номшунос олимлар, уларнинг келиб чиқиш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда мазкур ҳудудларнинг жой номларини иккита гуруҳга ажратишни таклиф қилади [2].

1. Туб жой аҳолиси ҳисобланган ҳиндулар маълумоти асосида берилган жой номлари;

2. Европалик мустамлакачилар томонидан берилган жой номлари.

Бунинг учун ўқитувчи ишни энг содда оғзаки топонимик атамалар мазмунини очиб беришдан бошламоғи лозимдир.

Лотин Америкасининг туб жой аҳолиси ҳиндулар томонидан қўйилган номлар ҳудуд топонимикасида алоҳида ўрин ва аҳамиятга эга. Бундай номлар баъзи давлатлар топонимикасининг асосини ташкил этади. Бундай мамлакатлар сирасига Мексика (ацтек қабиласи номидан), Гватемала, Гайана, Куба, Никарагуа, Ямайка, Панама, Перу, Парагвайни киритсак, йирик шаҳарлардан Мехико, Гуаякил, Пернамбуку, Тегусигалпа қабилар қиради. Турли хил табиат объектларига масалан, Орисаба ва Попокатепетел вулқонларига, Маракайбо ва Титикака қўлларига, Парана ва Ориноко дарёларига, Юкатан ярим оролига, Атакама чўлига ҳам ҳинду халқлари томонидан ном қўйилган. Гватемала номини испанлар ҳинду тилидан “Ўрмон билан қопланган жой” деб таржима қилишган. Панама номи эса ҳиндулар тилида “Қапалак ёки балиқларга бой ер” маъносини англатар экан. Мексикадаги Попокатепетел вулкони ацтек қабилаларининг “попаканий” сўзидан келиб чиқиб, “Бурқсиган тутун ёки чекмоқ” ва “тепетл” - ”тоғ” маъносини англатади. Парана дарёси номи “Катта сув”, “Катта дарё” маъносига эга. Суринам – америкалик маҳаллий кўчманчи “Surinen” халқи номидан олинган.

Испан истилочилари томонидан Лотин Америкасидаги жой номларининг аксари буюк кашфиётлар асосчиси Христафор Колумб номи билан боғлиқ эканлигини таъкидлашган. Буюк сайёҳ биринчи экспедициясида (1492) Багама оролларида кашф қилди ва оролга Сан – Салвадор “Авлиё - Халоскор” номини беради. Жанубий Америкага испан тилидан кириб келган Сан – Карлос, Сан – Кристобал, Сан – Франсиско, Сан –



Хосе, Сан – Хуан, Санта – Анна, Санта – Барбара каби жой номларини узоқ давом эттириш мумкин. Биргина Венесуэлада бундай жой номлари 70 дан ортиқдир. Аргентина пойтахти Буэнос – Айрес номи “Майин шамоллар шаҳри” деган рамзий маънони англатади. Парагвай пойтахти Асунсьон испанча “эришилган” сўздан олинган. Полковник Хуан Бермудес шарафига Бермуд ерлари, Васко Нунес Бальбоа шарафига Панамадаги шаҳар номи берилган. Колумб номи билан боғлиқ давлат бу Колумбиядир. Бундан ташқари Колон тоғи (испанчада Колумб сўзи “Колон” деб юритилади) буюк сайёх номи билан боғлиқдир.

Португал мустамлакачилари ҳам ўзлари босиб олган жойларига ном беришда испанлардан қолишмаган. Бразилиядаги йирик шаҳар Сан-Паулу номи Авлиё Павел шарафига 1554 йил 25 январда қўйилган. Колумб кашф қилган Куба оролларида Испан шахзодаси шарафига Хуан номини беради. Ўз навбатида Гаити оролларида “Эспаньола” номини берди, бу ном испанчада “Испан аёли” деган маънони англатади. 1493 йилдаги иккинчи саёхатида Колумб Антил оролларида кашф этди. Испанчада Анти – “қарши”, “қарама-қарши” сўздан олинган. Архипелагдаги Доминика ороли испанчада “Якшанба” маъносини беради, аслида ҳам бу орол 1493 йил 3 ноябрда, якшанба куни очилган. Доминикадан сўнг очилган оролга испан маликасининг номи Санта-Мария-де-Гваделупа номи берилди. Ямайка оролига эса Колумб Сантьяго деб ном беради. 1498 йилдаги учинчи экспедициясида сайёх “Уч минг” маъносини англатувчи, Тринидад оролини очди ва бу ном оролнинг албатта ташқи кўриниши билан боғлиқ эди. Кема мачтасидан бу орол учта йирик кўтарилиб турган адир қиёфасига ўхшагани ҳақида сайёх ўз кундалигида ёзиб қолдирган. 1502-йил тўртинчи экспедициясида сайёх “Олтин қирғоқ”, кейинроқ эса “Бадавлат қирғоқ” номини англатган Коста-Рика ва Гондурасга ном беради. Колумб саёхатларидан сўнг ҳам диний ақида ва русумлар билан боғлиқ номлар Лотин Америкаси давлатларидаги кўпгина топонимларнинг ясалишига асос бўлди.

Жанубий Америкадаги баъзи жой номлари Фернан Магелланнинг дунё айлана саёхати ва номи билан ҳам боғлиқ. У материк ва унинг энг жанубидаги оролни бири-биридан ажратиб турувчи бўғиздан кечки пайтда сузиб ўтади. Ўша пайтда оролдаги маҳаллий ҳинду қабилалари тунда ўзларини йиртқич хайвонлардан ҳимоялаш учун оролнинг бир неча жойларида йирик гулханлар ёқишарди. Магеллан ва унинг экспедицияси бу ҳолатни вулқон оловларига тегишли деб ўйлашади ва унга Оловли Ер номини беришади. Аслида эса бу оролларда ҳеч қандай вулқонлар йўқлиги кейинчалик маълум бўлди. Улар сузиб ўтишган Оловли Ер оролини материкдан ажратиб турувчи бўғизга эса Магеллан номи берилди.

XIX асрнинг биринчи ўн йилликларида Испания ва Португалия мустамлакачиларига қарши қаттиқ зарба бериб, курашган ватанпарвар инсонлар жуда кўп бўлган. Улар Жанубий Америка топонимларида сезиларли из қолдирган. Йўлбошчи Симон Боливар шарафига Боливия давлатига ном берилди. Бундан ташқари, испан ва португал тиллари билан узвий чамбарчас боғлиқ бўлиб кетган, икки ном билан ҳам аталувчи топонимлар талайгина. Масалан: испанчада Рио – Гранде ва португалчада Риу – Гранди сўзи “Катта дарё” маъносини беради. Рио – Негро ва Риу – Негро сўзи “Қора дарё”, Рио – Бранко ва Риу – Бранку “Оқ дарё”, Баия – Гранди “Катта қўлтиқ”, Баия – Бланка “Оқ қўлтиқ” ҳам шулар жумласидандир.

Галапагос ороллари испанчада “galopoga” - “Тошбақалар макони” маъносини билдиради. Бразилия сўзи сандал дарахти пау – бразил билан боғлиқ. Бу дарахтдан қизил бўёқ олиш учун фойдаланилади. Бир неча жой номлари хато номланганлигини ҳам кўриш мумкин. Рио-де-Жанейро “Январь дарёси” деб номланган. 1502 йил январь ойида Португал денгизчилари дарёнинг куйилиш жойини Гуанабара бухтаси билан адаштирганлари бойис шу ном билан аталиб қолган. Ла-Плата номи ҳам хато номланган топоним тоифасига киритилади. 1527 йилда Себастьян Кабот Парана дарёси юқори оқими бўйлаб кумуш излаш саёхатини кўзлайди ва дарёга Рио-де-Ла-Плато яъни “кумушли” деб

ном беради, лекин йўлда ҳеч вако топа олмайди. Кабот юрти Испанияга қайтиб кетади, аммо у берган ном бу жойга мерос бўлиб қолаверади. 1826 йилда Янги Республика ташкил топди ва унга лотинча “Argentum” – кумуш номи берилди.

Венесуэла номининг келиб чиқиш тарихи ҳам жуда қизиқарли. 1499 йилда Охера бошчилигидаги испан экспедицияси Маракайбо қўлтиғига келишади. Улар сув устида тўсиқ ва чимлар устига қурилган ҳиндулар қишлоғини кўрадилар. Испанлар бу кўринишни сув устига қурилган шаҳар Венеция билан таққослаб бу қишлоққа Venezuela яъни “Кичик Венеция” деб ном берадилар. 1830 йилга келиб Венесуэла мустақил Республика мақомини олди.

Лотин Америкасидаги номи жуда кўп маротаба ўзгарган географик объектлардан бири бу Фолкленд оролидир. 1592 йилда инглиз денгизчиси Жон Девис бу оролга “Девис ери” деб ном беради. 1598 йилда голланд денгизчиси Себалд Ван Беерт бу оролга “Себалден” деб, яъни ўзининг исми билан аташ таклифини беради. Орадан 100 йил ўтиб оролга ташриф буюрган инглиз экспедицияси бошлиғи Ж.Стронг ушбу оролга Лорд – Фолкленд номини беради (1690). Ҳали ханузгача бу орол Фолкленд Малвин ороллари деб аталиб келинмоқда. Аргентиналиклар учун бу орол Малвин оролидир, бу ном XVIII асрда оролда савдо-сотиқ қилган француз савдогарлари номи билан боғлиқ. Инглизлар архипелагнинг икки бош оролини Ғарбий ва Шарқий Фолкленд деб атаса, аргентиналиклар эса Грант – Малвин “Катта Малвин” ва Соледад “кимсасиз”, “ёлғиз” ороллар деб ном қўйишган.

**Хулоса** ўрнида шуни қайд қилиш лозимки, жой номларидан мақсадга мувофиқ, меъёрида фойдаланиш дарсининг сифат ва самарадорлигини оширади, ўқитувчи ўзининг кўзлаган мақсадига эришади. Аммо, ҳар бир ўқитувчи шуни ҳам назардан четда қолдирмаслиги керакки, ҳаддан зиёд ортиқча бериладиган топонимик маълумотлар нақадар қизиқарли ҳамда уларни ўрганиш жуда керакли бўлмасин, бутун география дarsi мобайнида нуқул топонимика билан банд бўлиб қолмаслик лозим. Аксинча, дарс мобайнида тилга олинадиган топонимлардан бир нечтасининг этимологик мазмунини очиб бериш кифоя қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми? – Т.: Ўзбекистон, 1970. – 7 б.
2. Максаковский В.П. Экономическая и социальная география мира: учебник для 10 класса средних школ. - М.: Просвещение, 2009. – 174 с.

#### **Отақулов П. С.\***

### **ФИТООЙКОНИМЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ФУНКЦИЯЛАРИ**

***Аннотация:** Мақолада ўсимликлар билан боғлиқ бўлган жой номларидан фойдаланишининг амалий жиҳатлари кўриб чиқилган, ўсимликлар дунёси экологик функцияларининг айрим турларига эътибор қаратилган. Ҳар бир ўсимлик турининг тарқалиши мумкин бўлган экологик қулай ҳудудларни аниқлашнинг топонимик усуллари берилган.*

***Калит сўзлар:** амалий топонимика, фитоойконимлар, экологик функция, экологик топонимлар*

#### **Экологические функции фитоойконимов**

***Аннотация:** В статье рассматриваются практические аспекты использования названий местностей, связанных с растительностью. Обращено внимание на некоторые экологические функции растительного мира. Даны топонимические методы определения экологически благополучных ареалов распространения видов растений.*

\* Отақулов П.С.– ФарДУ география кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси.

*Ключевые слова:* прикладная топонимика, фитооиконимы, экологические функции, экологические топонимы.

### **Ecological functions of phitooiconomics**

*Abstract:* The article discusses applied aspects of the usage of placenames onnected with the names of plants. Certain ecological functions of the plant world have been taken into consideration. Toponymic methods of defining ecologically convenient territories where each type of plants are able to widespread have been presented

*Key words:* applied toponymy, phitooiconyms, ecological function, ecological toponyms

**Қириш.** Ўсимликлар дунёсининг инсоният моддий ҳаёти ва ҳўжалик фаолиятида муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўпчиликка маълум. Инсоният ўсимликлар дунёсидан кенг кўламда ва узоқ тарихий давр оралиғида ҳаётнинг моддий неъматлари сифатида фойдаланиб келганлар. Бироқ ўсимликларнинг кишилик жамиятидаги ўрни унинг моддий қимматга эга эканлиги билан баҳоланмаслиги маълум. Ўсимликлар ҳаётнинг номоддий жиҳатларида ҳам зарур, алмаштириб бўлмайдиган табиат унсури сифатида аҳамиятлидир. Айниқса, уларнинг ҳудудда экологик мувозанатни сақлашдаги ўрни бекиёсдир. Ўсимликларни мазкур йўналишдаги вазифаларини топонимик жиҳатдан таҳлил этишда қуйидаги учта жиҳатга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Биринчидан, ўсимлик олами тирикликнинг асоси бўлган фотосинтез жараёнида қатнашиш билан бирга ҳудуднинг сув режимини тартибга келтириш, ҳаво ҳароратининг кескин амплитудавий ўзгаришлари содир бўлиши олдини олиш, сув ва шамол эрозиясига йўл қўймаслик каби вазифаларни бажариши, шунингдек, атроф табиий муҳитни табиий ва антропоген ифлосланишини олдини олишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Иккинчидан, ўсимликлар оламининг кичик ҳудудларда микроклим ҳосил қилиши, у жойларни оромбахш ҳаво массалари билан таъминлашдаги роли халқимиз томонидан қадим-қадимдан таҳлил қилинган ва ўрганиб келинган. Ўсимликлар мазкур функцияни бажаришларида уларнинг ўзлари яшайдиган экологик муҳити ҳам яхши ўрганилган. Узоқ вақт давомида олиб борилган кузатишлар натижасида ҳар бир ўсимлик турини ўсиб ривожланиши учун қулай бўлган экологик ҳудудлар доираси ҳам аниқланган. Учинчидан, топонимик тадқиқотлар ўсимликларни юқоридаги эндемик, ўзига хос ҳудудлари чегарасини ўтмишда ва ҳозирда аниқлаш учун ҳам амалий ёрдам беради. Бу жиҳатдан қаралганда ўсимликлар дунёси ҳам экологик топонимлар гуруҳига кириб [3,4], бошқа экотопонимлар сингари муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

**Асосий қисм.** Ўсимликлар дунёси номи билан боғлиқ бўлган топонимларни фитотопонимлар деб аташ қабул қилинган. Уларни тадқиқ этишда топонимларнинг П.Отакулов [1] томонидан таклиф этилган экологик классификациясидан эмас, балки кўпчиликка тушунарли бўлиши учун Н.Охунов [2] томонидан таклиф қилинган дарахт ва ўсимликларнинг турига кўра, гуруҳларга ажратилган таснифдан фойдаланилди. Бунда ҳар бир гуруҳнинг тарқалган экологик ҳудудларини аниқлаш ва уларни ноқулай экологик ҳолатларни олдини олишдаги вазифаларини белгилаб бериш имконияти мавжуд бўлади.

Фарғона водийсида ўрганилган 2500 дан зиёд ойконимлар орасидан ўсимликлар дунёсини маълум турини англатувчи фитооиконимлар ўрганиб чиқилди ва уларнинг экологик функцияси ҳақида дастлабки маълумотлар берилди.

Таркибида мевали дарахт номлари бор бўлган ойконимларни ўрганиш орқали мазкур дарахтлар ўсиши учун энг қулай бўлган тупроқ, экологик ва иқлимий шароитга эга бўлган ҳудудлар аниқланади. Масалан, таркибида жийда сўзи қатнашган ойконимларга қуйидагилар киради: *Жийдали, Жийдақишлоқ, Жийдабулоқ, Жийдайўли, Жийдалик, Жийдакана, Жийдамазор, Каттажийда, Чилги жийда, Қоражийда* кабилар. Бу ойконимлар Фарғона водийсининг Бешарик, Косонсой, Мингбулоқ, Қўрғонтепа, Мархамат каби туманларида кенг тарқалган. Мазкур туманларнинг тупроқ, экологик ва геоморфологик шароитлари бир-бирига ўхшаш бўлган ҳудудларда мазкур ўсимлик турини тарқалганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, тут (*Бурамадут, Мингтут, Сертут,*

*Туттаги, Учтут, Яккатут, Қоратут), ўрик( Ўрикзор, Мингўрик), олма(Олма, Олмалиқ, Олмазор, Олмабел, Олмаота), узум( Узумзор, Узумчи, Узумбоғ), ёнғок, бодом, анор, анжир, беҳи( Ёнғоқлик, Ёнғоқзор, Конибодом, Бодомзор, Анорзор, Беҳизор) каби ойконимлар ҳам ўтмишда ва ҳозирда юқоридаги экологик омилларга мос ҳолда ҳудудий тарқалишга эга эканлигини таҳлиллар кўрсатади.*

Мевасиз ўсимликлар номи билан аталган ойконимларнинг шаклланиши ҳам юқоридаги қонуниятга боғлиқлигини кузатиш мумкин. Масалан, тол сўзи қатнашган ойконимларга қуйидагилар киради: *Толлик, Толқишлоқ, Толкўча, Толикалон, Толлиовул, Толмозор, Учтол, Тўртол, Бештол, Бахшитол, Мажнунтол, Сартол, Йўламотол, Яккатол, Қатортол, Қароқчитол, Қизилтол, Қоратол, Қутлугтол, Ўрмонтол* кабилар. Бу ойконимлар Фарғона водийсининг Мархамат, Улуғнор, Андижон, Кува, Олтиариқ, Мингбулоқ, Поп каби туманларининг серсув ёки ер ости сувлари ер бетига яқин ҳудудларида тарқалганлигини кўриш мумкин. Бундан ташқари терак (*Бештерақ, Жуфттерақ, Оқтерақ, Мингтерақ, Терақмозор, Терақтаги, Тўптерақ, Терақзор, Қатортерақ*), қайрағоч (*Қайрағоч, Қайрағочовул, Қайрағочтаги, Қайрағочгузар, Қуруққайрағоч, Қўшқайрағоч, Тўпқайрағоч, Найзақайрағоч, Муллақайрағоч*,) чинор (*Чинор, Чорчинор, Қўшчинор, Мингчинор, Чинортаги, Яккачинор*) каби ойконимларнинг ҳам тарқалган экологик ҳудудлари мазкур қонуниятга мос тушади.

Бундан ташқари ўсимликлар дунёсини акс эттирадиган гул, ўрмон, боғ сўзлари қатнашган топонимлар ҳам ҳудуднинг экологик функциясини бевосита очиб беради. Булар жумласига қуйидаги номларни келтириш мумкин: *Бешгул, Гул, Гулбаҳор, Гулдерма, Гулдиёр, Гулдирез, Гулзор, Гулистон, Гулқишлоқ, Гулмиён, Гулобод, Гулпиён, Гултикан, Қорагул, Янги гулбоғ, Ўрмон, Ўрмонбоғ, Ўрмонбек, Ўрмонзор, Ўрмонтол, Ўрмончилар, Боғ, Боғкўча, Боғ маҳалла, Боғиэрам, Боғибўстон, Боғигулистон, Боғистон, Боғишамол, Бешкарам, Бешқовоқ* каби.

**Хулоса.** Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, фитоойконимларнинг экологик функцияларини билган ҳолда, улардан, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги ишларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, маълум турдаги ўсимликларнинг экологик жиҳатдан энг қулай бўлган ареалларини белгилаш, боғдорчиликни жадал ривожлантиришда тарихан ташкил топган боғли ҳудудларни аниқлашда топонимик материаллардан фойдаланиш ҳам кутилган натижани беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Отакулов П. Экологик топонимлар ва уларни таснифлаш // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 46-жилд.-Тошкент, 2015. –Б.50-52.
2. Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. - Т.: Фан, 1989.
3. Ханмагомедов Х.Л. Географические направления прикладной топонимики // Вестник Удмуртского университета. Вып.3, 2011. – С. 123-131.
4. Ханмагомедов Х.Л., Махачева С.З., Гебекова А.Н. Экологическая топонимика Северного Кавказа // Тез.докл. конф. по итогам геогр. исследований в Дагестане. Вып. 24. Махачкала: Изд-во геогр. о-ва Дагестана, 1993. - С. 97- 98.

Абдуллаева М.Н., Нугманова А.А, Каракулов Н.М.\*  
**ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДА МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ**

*Аннотация:* мақолада география таълимида мустақил ишларни ташкил этиш ва уларнинг таълим тизимидаги аҳамияти ёритилган. Шунингдек, мустақил ишларнинг турлари ва уларни бажариш методикаси берилган.

*Калит сўзлар:* мустақил иш, мустақил таълим, педагогик технология, самарадорлик, инновацион технология.

**Некоторые аспекты организации самостоятельных работ в обучении географии**

*Аннотация:* в статье рассматривается организация самостоятельных работ в обучении географии и освещается их значение в системе образования. Кроме того, приведены виды и методика выполнения самостоятельных работ.

*Ключевые слова:* самостоятельная работа, самостоятельное образование, педагогическая технология, эффективность, инновационная технология.

**Some aspects of the organization of independent work in the teaching geography**

*Abstract:* This article discusses the organization of independent work in teaching geography and highlights their importance in the education system. Besides, here given the types and methods of independent works.

*Key words:* independent work, independent education, educationalb technology, the efficiency, innovative technologies.

**Қириш.** Бизга маълумки, таълим жараёни асосан таълим берувчилар ва таълим олувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар натижасида вужудга келади. Шундай экан, ўқувчи-ўқитувчи шахсига хос бўлган индивидуал психологик хусусиятлар ва бу хусусиятларнинг ўқув жараёнида намоён бўлиши таълимнинг ижобий мазмундорлигини оширади. Энг аввало, ўқитувчи педагогик фаолиятининг самарадорлиги, кўп жиҳатдан унда шахс хусусиятларининг шаклланганлигига, шахс йўналишининг аниқланганлигига ва касбий маҳоратнинг таркиб топанлигига боғлиқдир. Ўқув жараёнига илғор, инновацион педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш эҳтиёжларининг юзага келиши, ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятларини тубдан ўзгартиришига ҳамда изчиллик, ақл-заковат каби хусусиятларини, психологик билимларини ва педагогик маҳоратини ишга солган ҳолда, уларни таълим жараёнида намоён этишларини тақозо этмоқда.

**Асосий қисм.** Мустақилликка қадар ўқувчи ва талабаларга дарс бериш жараёнида анъанавий таълим шакли кўпроқ қўлланилиб келинар эди. Бу таълим шаклининг мазмуни, асосан тайер билимларни ўқитувчилар томонидан таълим олувчиларга етказиб беришда, уларнинг хотирасига таянади. Бунда билимларни эсда олиб қолишига, эсда сақлашига ва эсга туширишига катта эътибор берилар ва баҳолаш мезони ҳам хотира жараёнини кенглиги кўламига қараб амалга оширилари. Ҳозирги таълим тизимининг олдида қўйилаётган талаблар ўқитувчидан жуда катта педагогик маҳорат, билим, кўникма, малакаларни талаб этиб, таълим олувчилардан эса ўз тафаккурларидан кенг кўламда фойдаланишини, мустақил фикрга эга бўлиш, билимларга нисбатан ижодий, илмий нуқтаи назардан ёндашишни, ўзлаштираётган билимлар устида доим изланишда бўлишни, анализ, синтез, тизимли ва умумлаштириш каби тафаккурни амалга оширувчи операцияларидан фойдаланишни тақозо этади.

Замонавий география дарсига қўйиладиган асосий талаблардан бири ўқувчилар фаолиятини фаоллаштиришдан иборатдир. Фаоллик аввало таълимда, билим олишда

---

\*Абдуллаева М. - Низомий номидаги ТДПУ География ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси,  
Нугманова А.А. - Низомий номидаги ТДПУ География ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчи,  
Каракулов Н.М. - Низомий номидаги ТДПУ География ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчи.

намоён бўлиши лозим. Ўқувчиларнинг дарсларда фаоллиги билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришни яхшилаш омили саналади.

География дарсларида ўқувчилар фаолиятини фаоллаштириш улар олдида аниқ таълимий вазифаларни қўйишдан бошланади. Таълим вазифалари дарсда муаммоли вазият вужудга келтирувчи савол ва топшириқлардан иборат бўлиши ҳам мумкин. Муаммоли вазиятнинг яна бир тури — ўрганиладиган материални ҳаёт билан боғлашдан иборатдир.

География таълимида дарслик, турли адабиётлар, оммавий ахборот воситалари маълумотлари билан ишлашга ўргатиб бориш ўқувчилар фаолиятини фаоллаштиришда катта аҳамиятга эгадир. Ҳар бир география курсини ўрганишда дарслик ва унинг методик жиҳозлари, яъни дарслик матни, илова қилинган хариталар, иллюстрациялар, схема, карта-схема, жадваллар, савол ва топшириқлар кабилар билан таништириб, улардан фойдаланиш йўллари кўрсатиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчилар фаолиятини фаоллаштириш уларнинг мустақил ишларига алоҳида эътибор беришни талаб этади.

Ўқувчилар фаолиятини фаоллаштириш ва билимларни пухта ўзлаштиришнинг асосий воситаси — ўқувчиларнинг мустақил ишларидир.

К.Д.Ушинский фикрича, ўқувчилар мустақил ишлари туфайлигина билимларни пухта ўзлаштирадilar. Ўқувчи ўқув материални ўзлаштириш жараёнида мустақил ишламаса, билимларни расман эгаллаши мумкин, лекин кейинги амалий фаолиятда ундан фойдалана олмайди [1].

Б.П.Есиповнинг фикрича, ўқувчиларнинг мустақил ишлари таълим жараёнида қуйидаги вазифаларни ҳал этади:

1. Ўқувчиларнинг онглилиги ва ўзлаштирган билимнинг сифатини оширишга;
2. Уларда дастур талаб этган ўқув иш усулларига, шу жумладан билим манбалари билан мустақил ишлашга оид билим ва кўникмаларнинг шаклланишига;
3. Ўқувчилар эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини ҳаётда, ишлаб чиқаришда тадбиқ эта олиш;
4. Ўқувчиларнинг билиш қобилиятлари кузатувчанлик, синчковлик, мантиқий тафаккур, ижодий фаоллик ва билимларни тадбиқ этишни ривожлантириш;
5. Ақлий ва жисмоний меҳнат маданиятига, мустақил ишлашига, олдида қўйилган мақсадга эришишга одатлантириш;
6. Ўқувчиларни келгусида самарали ва мустақил ҳаётга тайёрлаш имкониятларини беради [2].

Айрим фикрларга кўра, ўқитувчининг топшириғи асосида, муайян ажратилган вақт мобайнида бажариладиган, ақлий фаолият талаб этадиган ишларни мустақил иш дейилади.

Юқорида қайд этилган фикрларни назарда тутиб, билим ва кўникмаларни ижодий тадбиқ этиб, янги билимларни эгаллашга ҳаракат қиладиган таълимни мустақил иш деб тушуниш мумкин.

Мустақил ишнинг асосий мақсади — ўқувчиларнинг мустақиллигини ривожлантириш, уларни мустақил билим олишга, ижодий фикрлашга тайёрлаш, айтилиши вақтда ёшларни ҳаётга тайёрлашдан иборатдир. Демак, мустақил ишни — янги билим ва кўникмалар эгаллаш, эгалланган билим ва тажрибаларни такомиллаштириш омили дейиш мумкин.

Демак, география таълимидаги мустақил ишнинг дидактик вазифаси — ўқув ишларининг ўзига хос усулларини эгаллаш, бинобарин фаннинг тадқиқот методларини эгаллашни таъминлашдан иборат.

География таълимидаги мустақил ишлар турли дидактик мақсадларни назарда тутиши мумкин. Мустақил иш асосан янги материални ўрганиш жараёнида ва мустаҳкамлашда, янги билим ва кўникмаларни ўзлаштириш мақсадида ташкил этилиши

керак. Дарсда ўқитувчи раҳбарлигида янги материалнинг муайян қисмини ўқувчилар мустақил ўрганишлари ҳам мумкин.

Янги материални ўрганиш жараёнидаги ўқувчиларнинг мустақил ишлари икки хил йўл билан олиб борилади:

а) ўқитувчи янги материални тушунтириб боради, ўқувчилар эса айна вақтда, ўқитувчини тинглаш билан бирга муайян мустақил иш бажарадилар. Масалан, ифода этилаётган янги материал асосида конспект олишлари ёки ўрганилаётган географик объект ва ҳодисаларни ёзувсиз харитага тушириб борадилар.

б) ўқитувчи мустақил иш учун ўқувчиларга топшириқ беради, сўнгра янги материални тушунтиради, кейин ўқувчилар мустақил иш бажарадилар.

Умуман мустақил ишлар катта таълим ва тарбиявий аҳамиятга эга. Мустақил иш ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини ривожлантиради, ўрганилган масалани чуқурроқ ўйлашга, унинг энг муҳим қисмини излашга, яқун ясаб хулосалар чиқаришга имкон беради. Мустақил ишсиз мустаҳкам ва онгли билим бериш, тегишли кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, мустақил билим олишни таъминлаб бўлмайди.

Мустақил ишлар ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларида, турли дидактик масалаларни ҳал этишда, назарий билимларни шакллантиришда, географик қонуниятларни аниқлашда, билим ва кўникмаларни эгаллаш ва амалда тадбиқ этишда олиб борилади.

Мустақил ишларни таълим жараёнининг барча босқичларида, ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини текширишда, янги материалларни ўрганишда, уни мустақкамлашда, такрорлашда, шунингдек экскурсияларда тадбиқ этилиши мумкин.

Мустақил ишлар аввало география ўқитувчисидан, шунингдек, ўқувчилардан муайян тайёргарлик талаб этади. Мустақил ишга ўқувчиларни дарс жараёнида оддий, элементар ишлардан, секин-аста мураккаблаштириб ўргатиб борилади. Ўқитувчи ўқувчиларни дастлаб дарслик матни, иллюстрациялари, топшириқлари билан ишлашга, картани ўқий олиш ва ундан мустақил фойдаланишга, расм ва чизмалар билан ишлашга, маълумотнома ва луғатлар, география атласлари охиридаги номлар кўрсаткичидан фойдаланишга, табиат ҳодисаларини кузатиш ва кузатиш натижаларини ишлаб чиқишга, бирон географик объектга режа асосида тавсиф беришга, конспект тузишга ўргатиб бориш лозим.

Агар ўқувчилар мустақил ишларни бажаришга оид етарли тайёргарликка, муайян кўникма ва тажрибага эга бўлмасалар, улар мустақил ишларни бажаришда қийналадилар, кутилган самарага эришишлари қийин бўлади.

Бажариладиган мустақил ишларга қуйидаги методик талаблар қўйилади:

1) мустақил иш таълим олувчилар қобилияти ва тайёргарлигига мос, улар уддасидан чиқа оладиган, айна вақтда уларнинг фикрлаш қобилиятини, ижодий ташаббусини ривожлантирадиган бўлиши керак.

2) мустақил ишлар илгари эгаллаган билим, кўникма, шунингдек тажрибалардан фойдаланишни тақозо этадиган ҳамда уларни янада ривожлантирадиган бўлиши лозим.

3) мустақил ишларнинг тури ва мазмуни таълим олувчиларнинг ёш хусусиятлари, имкониятлари, уларнинг тайёргарлигига ва индивидуал хусусиятларига мос келиши шарт.

4) мустақил ишлар мазмуни хилма-хил ва қизиқарли бўлишини назарда тутиш керак. Уларнинг натижаси таълим олувчиларга янгилик бериши шарт.

5) ҳар бир мустақил иш натижаси ўз вақтида таҳлил қилиниши муҳокама қилиб баҳоланиши, мустақил иш натижалари эса таълим жараёнида фойдаланилиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир география курсидаги мустақил иш топшириқлари қуйидаги йўналишлар бўйича ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир:

I. Билим компонентлари бўйича; II. Дидактик мақсадлар бўйича; III. Билим манбалари бўйича.

Мустақил ишларнинг санаб ўтилган турларидан, ўқитувчи ўз имконияти, таълим олувчиларнинг тайёргарлик даражаси, ўрганиладиган курснинг мазмуни ва ўқув моддий базаси, таълим воситаларининг мавжудлигига қараб фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Барча мустақил ишларни, мақсадларига кўра, асосан 3 гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Кўникмаларни амалга татбиқ этадиган ва ривожлантирадиган ишлар: адабиётлар билан ишлаш, ходисаларнинг асосий белгиларини ва географик объектларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, назарий билимларни ўқувчиларга хали маълум бўлмаган янги факт ва ходисаларга татбиқ этиш;

2. Ўқувчиларнинг фаолияти жараёнида уларнинг фаоллигини оширувчи ишлар, жумладан, ақлий ҳаракат усулларидан фойдаланувчи машқлар.

3. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантирувчи ва бу жараёнда янги билим, кўникма ва малакаларни шакллантирувчи ишлар.

**Хулоса.** Мустақил ишларни ўтказиш ўрни ва методлари ўқув материали, топшириқларни қайси мақсадда бажарилишига қараб ҳар хил бўлади. Масалан, таянч билимларни қайта тиклашга оид топшириқлар кўпинча янги материални ўрганиш олдидан бажарилади. Таянч билимларни қайта тиклашга оид топшириқлар янги материални ўрганиш жараёнида ҳам бажарилиши мумкин. Бунда илгари эгалланган билимлар янги ўрганилаётган билимлар билан узвий боғланиб боради.

География курсларида ўқувчилар жуда кўп мавзули хариталар билан ишлайдилар. Хариталар билан ишлаш ва уларни қиёслашда картографик тушунчалар, кўникмаларни улар хотирасида тиклаш талаб этилади. Объект ва ходисаларга харита асосида тавсиф бериш учун ўқувчилар билан дастлаб унинг режасини кўриб чиқиш ва режа бандларини бажариш бўйича методик кўрсатма бериш талаб этилади. Юқоридаги кўрсатмалар ва тайёргарликлардан, ўқув иш усулларини эгаллаганликларидан кейин ўқувчилар мустақил ишни бажаришга киришишлари мумкин.

Бир сўз билан айтганда, мустақил ишларнинг самараси, ўқувчиларнинг тайёргарлигига, ўқитувчининг ижодий фаолияти, маҳорати, тажрибаси ва қамров доирасига боғлиқ.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ваҳобов Х.В. География ўқитиш методикаси. Электрон ўқув қўлланма. - Т., 2007.
2. Мўминов О. География таълими методикаси. - Т.: "Ўқитувчи", 1986.



**ГИДРОЛОГИЯ, МЕТЕОРОЛОГИЯ ВА ИҚЛИМШУНОСЛИК****Камолов Б.А., Солиев И.Р.\*****ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ИЛИШИ ШАРОИТИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА  
ЁҒИН МИҚДОРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР**

*Аннотация:* ушбу мақолада глобал иқлим илиши шароитида Фарғона водийсида атмосфера ёғинлари миқдоридagi ўзгаришлар таҳлил қилинган.

*Калит сўзлар:* глобал илиши, иқлим ўзгариши, ёғин миқдори, йиллик ёғин миқдори, сув ресурслари, намлик, ҳарорат.

**Изменение количества осадков в Ферганской долине в условиях глобального потепления**

*Аннотация:* в статье излагаются результаты изучения изменений количества атмосферных осадков в Ферганской долине в условиях глобального потепления.

*Ключевые слова:* глобальное потепление, изменение климата, атмосферные осадки, годовая сумма осадков, водные ресурсы, влажность, температура.

**Changes in rainfall in the Ferghana valley in the period of global warming**

*Abstract:* The article presents the results of a study of changes in precipitation in the Ferghana valley in the period of global warming.

*Key words:* global warming, climate change, rainfall, annual rainfall, water, humidity, temperature.

**Кириш.** Сайёрамиз бўйлаб тобора авж олиб бораётган экологик муаммолар ичида иқлим ўзгариши ва сув ресурсларининг тақчиллиги ўзининг долзарблиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, қурғоқчил ўлкаларда бу муаммо яққол кўзга ташланади.

Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудининг катта қисми ана шундай қурғоқчил ҳудудларга тўғри келади. Бу эса ҳудуднинг табиий намгарчилик мароми билан боғлиқ. Намгарчилик маромининг шаклланишида атмосфера ёғинларининг аҳамияти катта.

Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, сўнгги йилларда ер усти сувлари деярли тўлиқ ўзлаштирилган. Сув ресурсларининг ўзгаришига сабаб бўлаётган омилларнинг бири - унинг истеъмолчилари бўлса, иккинчи томондан, сув ресурсларининг ҳосил бўлишидаги ўзгаришлардир. Ер усти сувларининг ҳосил бўлиши асосан ёғинлар, уларнинг тақсимланиши билан боғлиқ [1]. Шу маънода Фарғона водийсида ёғин миқдорининг ўзгаришларини ўрганиш ва таҳлил қилиш долзарб аҳамиятга эга.

**Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси.** Фарғона тоғ оралиғи ботиғида ёғин миқдоридagi ўзгаришлар турлича. Водий йиллик ёғин миқдорининг таҳлили глобал миқёсдаги иқлим ўзгаришлари даврлари бўйича бажарилди.

XX аср давомида Ер шарининг глобал ҳароратидagi ўзгаришларни 3 даврга бўлиш мумкин [3]: 1. 1921-1945 йиллардаги илиш; 2. 1946-1975 йилларда кузатилган бироз совуш даври; 3. 1976 йилдан кейинги кескин илиш даври.

Маълумки, ёғин миқдори ҳароратнинг илиб бориши натижасида кўпайиб бориши керак (муаллифлар фикрича). Иқлимдаги ўзгаришлар Фарғона водийси ёғин миқдорига турлича таъсир кўрсатган. Фарғона водийсининг Андижон шаҳрида иқлим илишининг дастлабки даврида ёғин миқдори камроқ бўлган, 1946-1975 йилларда ёғин миқдори бироз кўпайган, 1976 йилдан кейинги даврда ёғин миқдори бироз камайган. Худди шундай ҳолат Олтиариқда ҳам кўзга ташланади. Ёғин миқдоридagi ўзгаришлар эса унча катта эмас -10 мм дан кам. Умумий ҳолда бу ҳудудларда ўзгариш жуда кам эканлигини таъкидлаш мумкин (1- жадвал).

\* Камолов Б.А. - Наманган давлат университети профессори, география фанлари доктори.

Солиев И.Р. - Наманган давлат университети катта илмий ходим-изланувчиси.

Ўртача ёгин миқдорининг 3 даврда ҳам ортиб бориши водийнинг тоғли ва тоғолди худудларида кузатилади. Йиллик ёгин миқдорининг ортиб бораётганини Фарғона, Федченко, Шохимардон ва Косонсой метеостанцияларидаги маълумотлар тасдиқлайди (1-жадвал). Йиллик ёгин миқдори ортиб бориши Шохимардон ва Косонсойда жадалроқ кечмоқда.


Наманган, Поп ва Сарой метеостанцияларида иқлим илиши шароитида йиллик ёгин миқдори ортиб бормоқда. Бу, айниқса, Сарой метеостанциясида яққол кўзга ташланади.

1- жадвал

### Глобал иқлим ўзгариши шароитида Фарғона водийсида ёгин миқдоридаги ўзгаришлар

Метеостанциялар	Даврлар		
	1921-1945 йиллар	1946-1975 йиллар	1976-2010 йиллар
Андижон	237,6	243,2	235,6
Олтиарик	-	151,3	147,2
Фарғона	155,4	175,9	189,0
Федченко	184,6	187,2	206,6
Шохимардон	-	355,3	411,3
Косонсой	281,2	309,4	326,5
Наманган	182,91	168,31	194,28
Поп	-	159,3	179,7
Сарой	-	155,5	195,9

Йиллик ёгин миқдоридаги ўзгаришларнинг яна бир жиҳати серёгин ва камёгин йиллар давомийлиги ҳисобланади. Фарғона водийсининг турли метеостанцияларида кузатилган йиллик ёгин миқдорларининг хронологик графиклари 1-расмда, уларнинг таҳлили 2-жадвалда келтирилган. Жадвалдан кўришиб турибдики, камёгин йиллар серёгин йилларга нисбатан кўпроқ. Фақатгина Попда серёгин йиллар салмоғи кўпроқ. Бунининг асосий сабабларидан бири - Попда йиллик ёгин миқдорининг сўнгги йилларда ортиб бораётганлиги бўлиши мумкин (1-расм).



1-расм. Фарғона водийсидаги метеостанцияларда ўлчанган йиллик ёгин миқдорларининг хронологик графиклари

Косонсойда камёгин ва серёгин йиллар салмоғи тенг. Водий бўйича, умумий ҳолда, камёгин йиллар сони кўп ва уларнинг давомийлиги ҳам катта. Кўп ҳолларда серёгин йиллар давомийлиги бир йилни ташкил этади. Камёгин йиллар давомийлиги анча узок

давом этади. Андижон, Олтиариқ, Наманганда камёғин йилларнинг давомийлиги кетамакет 2-3 йил давом этаётганлигини кўриш мумкин.

Ёғин миқдоридagi ўзгаришларни таҳлил қилишни қулайлаштириш мақсадида юқоридаги метеорологик станцияларда кузатиш йиллик ёғин миқдорининг фарқли интеграл эгри чизиклар графиклари тузилди (2-расм). Расмдан кўриниб турибдики, Андижон ва Олтиариқда йиллик ёғин миқдоридagi ўзгаришлар бир - бирига анча мос келади ва улар ўртасидаги корреляция коэффиценти 0,79 ни ташкил этади. Ушбу хуудларда йиллик ёғин миқдорида 1947 йилга қадар унча катта ўзгариш бўлмаган. 1947 – 1960 йилларда ёғин миқдори бироз кўп бўлган. 1961-1986 йилларда ёғин миқдори кам бўлган. Аммо, 1969 йил, водийнинг барча хуудларида бўлгани сингари, ўта серёғин йил бўлган. Кейинги вақтларда ёғин миқдори ўртача атрофида тебранган (2-расм).


2-жадвал

## Ёғин миқдорлари хронологик графикларининг таҳлили

Метеостанциялар	Кузатиш йиллари сони	Ўртачадан кўп йиллар сони давомийлиги (йил)									
		Жами	1	2	3	4	5	6	9	13	
Андижон	85	39	9	5	3		1	1			
Олтиариқ	64	25	11	7							
Фарғона	90	36	12	7	2	1					
Косонсой	72	36	11	8	3						
Шохимардон	63	26	8	4	2	1					
Федченко	74	30	12	6	2						
Наманган	90	38	12	5	4	1					
Поп	63	32	12	2	1					1	
Сарой	69	26	10	2	1				1		
<b>Жами</b>	<b>596</b>	<b>288</b>	<b>97</b>	<b>46</b>	<b>18</b>	<b>3</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	
Метеостанциялар	Кузатиш йиллари сони	Ўртачадан кам йиллар сони давомийлиги (йил)									
		Жами	1	2	3	4	5	6	7	8	9
Андижон	85	46	7	6	2	2		1	1		
Олтиариқ	64	39	8	5	3	3					
Фарғона	90	54	7	7		4	1	2			
Косонсой	72	36	10	10	2						
Шохимардон	63	37	6	4	2	2				1	
Федченко	74	44	6	7	4	3					
Наманган	90	52	8	7	2		2		2		
Поп	63	31	6	7	1	2					
Сарой	69	43	3	4	2	2	2			1	
<b>Жами</b>	<b>596</b>	<b>382</b>	<b>61</b>	<b>57</b>	<b>18</b>	<b>18</b>	<b>5</b>	<b>3</b>	<b>3</b>	<b>1</b>	

Наманган, Сарой ва Попда йиллик ёғин миқдори 1945 йилларга қадар ўртача атрофида тебранган бўлса, 1945-1975 йиллар оралиғида камроқ бўлиб, Наманганда бу ҳолат 1989 йилларга қадар давом этган. Сарой ва Попда ҳам шунга ўхшаш ҳолат кўзга ташланади. 1989 йилдан кейинги йилларда ёғин миқдори кўпроқ бўлмоқда. Бу ҳолатни

иқлимдаги илишнинг таъсири ёғин миқдорига орадан маълум вақтдан кейин сезилиши билан изохлаш мумкин.



**2-расм. Йиллик ёғин миқдорларининг фарқли интеграл эгри чизиқлари**

Фарғона, Косонсой, Федченко метеостанцияларида йиллик ёғин миқдори 1950 йилларга қадар кам 1950-1955 йилларда эса бироз кўп бўлган. Фарғона, Косонсой, Федченко ва Шохимардон метеостанцияларида ҳам 1987 йилларга қадар ёғин миқдори кам, кейинги йилларда эса кўпроқ миқдорда кузатилмоқда (2-расм). Бунга асосий сабаб сифатида юқорида таъкидланган иқлимдаги илишни кўрсатиш мумкин.

Юқоридаги таҳлилларга таяниб, қуйидагиларни **хулоса** қилиш мумкин:

✓ Фарғона водийсининг барча худудларида ёғин миқдори бир хилда тақсимланмаган. Бунинг асосий сабаби сифатида водий рельефининг бир хил эмаслигини кўрсатиш мумкин;

✓ Фарғона водийсида серёғин йиллар давомийлиги қисқа, камёғин йиллар давомийлиги эса узокроқ, яъни кетма-кет 2-3 йилни ташкил этади;

✓ иқлимдаги совиш даврида Фарғона водийсида йиллик ёғин миқдори камроқ бўлиб, бу ҳолат 1989 йилларга қадар давом этган. Илиш даврида эса ёғин миқдори ортиб бормоқда ва бу ҳолат 1989 йиллардан кейинги йилларда бошланган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Камолов Б.А. Географияда математик методлар. - Наманган, 2012. -100 б.
2. Камолов Б.А., Хусанова Г.Х. Оценка реакции температуры воздуха Ферганской долины на глобальное изменение климата // «Молодой ученый», Россия, №10, 2012.-с.102
3. Камолов Б.А., Солиев Э.А. Оценка реакции стока крупных рек межгорных впадин на глобальное потепление климата // Метеорология и гидрология, №11, 2012.- С.67-74.

#### **Турғунов Д.М.\***

### **КАМ СУВЛИ ЙИЛЛАРНИНГ ЧОРБОҒ СУВ ОМБОРИ ГИДРОЭНЕРГЕТИК РЕЖИМИГА ТАЪСИРИ ҲАҚИДА**

**Аннотация:** мақолада Чорбоғ сув омборининг гидроэнергетик режимига унга қуйиладиган дарёларда кузатилган кам сувли йилларнинг таъсири ўрганилган.

**Калит сўзлар:** дарё, дарё оқими, сув омбори, гидроэлектростанция (ГЭС), сув энергияси, электр энергия, кам сувли йиллар.

#### **О влиянии маловодных лет на гидроэнергетический режим Чарвакского водохранилища**

**Аннотация:** В статье изучено влияние маловодья на реках, впадающих в Чарвакское водохранилище, на его гидроэнергетический режим.

**Ключевые слова:** река, речной сток, водохранилище, гидроэлектростанция (ГЭС), гидроэнергия, электроэнергия, маловодные годы.

#### **Influence of dry years to hydropower mode of Charvak reservoir**

**Abstract:** In the article studied about influence low water on river “Charvak” water repository in hydropower mode.

\* Турғунов Д.М. -ЎЗМУ, Геология ва география факультети, “Гидрология ва гидрогеология” кафедраси ўқитувчиси.

**Keywords:** *river, river discharge, reservoir, hydro power plant (HPP), water power, electric energy, low-water years.*

**Кириш.** Ўтган асрнинг 60-йилларида Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигини ривожлантириш, хусусан, Тошкент вилоятидаги суғориладиган ерларнинг сув таъминотини яхшилаш ва сув энергиясидан фойдаланишни ривожлантириш мақсадида Чирчиқ дарёсида Чорбоғ сув омборини куриш зарурати пайдо бўлди. Уни куриш учун Чирчиқ дарёси ўзанининг Тошкент шаҳридан 80 км узокликдаги (Бўстонлик тумани, Хўжакент кишлоғи) қисми танланди. Бу иншоот 1977 йил 27 октябрда тўлиқ фойдаланишга топширилди. Натижада, қуввати 600 минг кВт га тенг бўлган гидроэлектростанция (ГЭС) ва сув сиғими 2 млрд м<sup>3</sup> бўлган сув омбори билан Чорбоғ гидроузели курилиши ниҳоясига етказилди. Чорбоғ сув омборининг 1987 йил 11 апрелдаги сув сатҳи лойиҳадаги белгига етди ва унда 2 млрд 6 млн м<sup>3</sup> сув тўпланди. Шу йили иккинчи ва учинчи агрегатлар қайта таъмирланиб, Чорбоғ ГЭСнинг тўла қуввати 620,5 минг кВт га етказилди. Ҳозирги кунга келиб, станциянинг тўла қуввати 660 минг кВт дан ортди [2].


Чорбоғ ГЭСнинг гидроэнергетик режимини сув омборида тўпланган сув миқдори белгилайди. Кам сувли йилларда сув омборидаги сувнинг сатҳи МДС (меъерий димланиш сатҳи)га етмайди. Бу ҳолат, ўз навбатида, ГЭСда ишлаб чиқариш мумкин бўлган электр энергиясининг камайишига сабаб бўлади. Бу энергия миқдорини сув омборида тўпланган сув ҳажмига боғлиқ ҳолда аниқлаш гидрологияда долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Мазкур ишнинг **асосий мақсади** Чорбоғ сув омбори гидроэнергетик режимини ўрганиш ва бу жараёнга сув омборига қуйиладиган дарёларда кузатиладиган кам сувли йилларнинг таъсирини баҳолашдан иборат.

Белгиланган мақсадни амалга ошириш учун ишда сув омборида кузатишлар олиб борадиган Юсуфхона гидрологик постида 1978-2014 йиллар давомида қайд этилган кундалик сув сатҳлари ҳамда Чорбоғ ГЭСидан оқиб чиқадиган ўртача ойлик сув сарфлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаландик.

**Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси.** Тўпланган маълумотлар асосида сув омборида кузатилган максимал сув сатҳларининг йиллараро ўзгаришлари баҳоланди (1-расм). Графикдан кўриниб турибдики, ўрганилаётган давр давомида Чорбоғ сув омборида сув миқдори ҳамма вақт ҳам МДС баландлигига (890,0 метр) етмаган (1-расм, б). Сув омборига қуйиладиган дарёларда 1982 ва 1983 йилларда кам сувли бўлган [3, 4]. Шу йилларда сув омборида максимал сув сатҳлари ҳам мос равишда 860,63 ва 859,12 метрга тенг бўлган.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, сув омборида максимал сув сатҳи асосан июль ойида кузатилади. Жуда кам сувли 1982 йилда эса максимал сув сатҳи 2 январга тўғри келган (1-расм, а). Бу ҳолатни сув омборига қуйиладиган дарёлар оқимининг кутилаётган 1982 йилда кам бўлиши ва бошқа омиллар билан изоҳлаш мумкин. Масалан, сув омборига қуйиладиган йирик дарёлардан бири бўлган Чотқолда шу йилнинг тўлинсув давридаги оқим ҳажми йиллик оқим ҳажмининг 60,6 фоизини ташкил этган бўлса, ўта кўп сувли 1969 йилда эса бу миқдор 86,9 фоизга тенг бўлган. Сув омборида 1982 йилда тўпланмаган сув миқдори ундан кейинги 1983 йилга ўз таъсирини кўрсатган ва шу йили янада кам сув тўпланишига сабаб бўлган.



**1-расм. Чорбоғ сув омборида максимал сув сатҳи кузатилган сана (а) ва сув сатҳи мутлақ баландлиги (б)нинг йилларо ўзгариши графиги**


Ишнинг асосий мақсадидан келиб чиқиб, қуйида Чорбоғ ГЭСда ишлаб чиқарилган электр энергиянинг йилларо ўзгариши баҳоланди. Чорбоғ ГЭСда соатига 1 кВт электр энергияси ишлаб чиқариш учун сарфланадиган сувнинг кўп йиллик ўртача солиштирма миқдори  $3,1 \text{ м}^3$  га тенг [5]. Станцияда кам сувли 1982 йилда ишлаб чиқарилган электр энергия қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланди:

$$\begin{aligned} \mathcal{E}_x &= \frac{Q_{\text{ўрт}} \cdot T}{3,1} = \frac{147 \text{ м}^3/\text{с} \cdot 31,54 \cdot 10^6 \text{ с}}{3,1 \text{ м}^3 \cdot \text{соат}/\text{кВт}} = \frac{4639,27 \cdot 10^6 \text{ м}^3}{3,1 \text{ м}^3 \cdot \text{соат}/\text{кВт}} = \\ &= 1496,5 \cdot 10^6 \text{ кВт}/\text{соат} = 1496,5 \text{ млн.кВт}/\text{соат}. \end{aligned}$$

бу ерда:  $Q_{\text{ўрт}}$  - Чорбоғ ГЭСдан оқиб чиқаётган ўртача йиллик сув сарфи,  $\text{м}^3/\text{с}$ ;  $T$  - йилдаги секундлар сони бўлиб,  $31,54 \cdot 10^6$  секундга тенг. Шу каби ҳисоблашлар танлаб олинган барча йиллар учун давом эттирилди. Олинган натижалар асосида Чорбоғ ГЭСда ишлаб чиқарилган электр энергия миқдорининг йилларо ўзгариши таҳлил қилинди (2-расм).

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Чорбоғ ГЭСда ишлаб чиқарилган электр энергиянинг кўп йиллик ўртача миқдори 2119,45 млн кВт/соат га тенг бўлган. Чорбоғ сув омборида 1982, 1983 ва 1984 йилларда тўпланган сув сатҳи МДСга етмаган. Шу туфайли, станцияда меъёрга нисбатан кам электр энергия ишлаб чиқарилган. Масалан, жуда кам

сувлилик натижасида 1982 йилда йўқотилган электр энергия миқдори кўп йиллик меъёрнинг 29,4 фоизини ташкил этган бўлса, 1983 ва 1984 йилларда бу миқдор мос равишда 34,7 ва 22,7 фоизга тенг бўлган.



**2-расм. Чорбоғ ГЭСда ишлаб чиқарилган электр энергия миқдори (Эх) нинг йилларо ўзгариши**

Таҳлилни яқин ўтган йиллар мисолида давом эттирамиз. Сув омборига қуйиладиган дарёлар (Чотқол ва Писком)да 2011 ва 2013 йилларда кам сувли бўлганлиги сабабли, сув омборида кам сув тўпланган (1-расм, б). Шу йилларда йўқотилган электр энергиянинг йиғинди миқдори 714,82 млн кВт/соат га тенг бўлган. Сув омборини эксплуатация қилишда унга қуйиладиган дарёларда тез-тез такрорланиб турадиган кам сувли йиллар эътиборга олинганда, шу каби йўқотишларга барҳам берилган бўлар эди.

Бажарилган тадқиқот натижаларига таянган ҳолда, қуйидаги **асосий хулосаларни** қайд этиш мумкин:

Дарёларда кам сувлилик натижасида Чорбоғ ГЭСда 1982 йилда электр энергия ишлаб чиқарилиши 29,4 фоизга камайган;

Кам сувли 2011 ва 2013 йилларда йўқотилган энергиянинг йиғинди миқдори 714,82 млн кВт/соат га тенг бўлган. Шу йилларда 1 кВт электр энергиянинг истеъмолдаги ўртача нархи 130 сўмга тенглиги инобатга олинса, кам сувлилик туфайли 92 млрд 926 млн сўм миқдорда моддий зарар кўрилган;

Қайд этилган қийматлар, келажакда, сув омборлари қурилган дарёларда кузатилиши мумкин бўлган кам сувли йилларни гидрологик нуқтаи назардан янада чуқурроқ ўрганишни талаб этади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Никитин А.М. Водохранилища Средней Азии. –Л.: Гидрометеиздат, 1991. - 165 с.
2. Солиев А. Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси. – Тошкент: Университет, 2014. – 404 б.
3. Турғунов Д.М., Рахмонов К.Р. Определение маловодных лет на горных реках Узбекистана с учетом изменения климата // Региональные проблемы водопользования в изменяющихся климатических условиях. Международная научно-практическая конференция. – Уфа, 2014. – С. 72-76.
4. Турғунов Д.М. Дарёларда кам сувли йилларни ўрганишда қўлланиладиган гидрологик кўрсаткичлар ва атамалар ҳақида // Ўз ГЖ ахбороти. 46-жилд. –Тошкент, 2015. - Б. 169-173.
5. [www.energonazorat.uz](http://www.energonazorat.uz)

Трофимов Г.Н., Исакова А.Я\*

## КРАТКИЙ ОБЗОР ПУБЛИКАЦИЙ ПО СЕЛЕВЫМ ПОТОКАМ СРЕДНЕЙ АЗИИ

**Аннотация:** в работе рассмотрены публикации по селям Узбекистана и Средней Азии, проанализированы сведения о 1105 разноплановых работ по селевым потокам за период вплоть до 2008 года.

**Ключевые слова:** реки, водотоки, формирование селей, прохождения селей, селевые потоки, прогнозы селей, селевая опасность.

**Ўрта Осиё сел тошқинларига оид эълон қилинган мақолаларнинг қичқача шарҳи**

**Аннотация:** мазкур ишда Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда шаклланган сел оқимлари ҳақида 2008 йилгача давр оралиғида чоп этилган 1105 та ишларга қичқача шарҳи берилган.

**Калим сўзлар:** дарёлар, сойлар, селларнинг шаклланиши, селларнинг ўтиши, сел тошқинлари, селларни прогнозлаш, сел хавфи.

### Overview of publications in mudflows Central Asia

**Abstract:** The paper deals with the publication by mudflows in Uzbekistan and Central Asia, analyzed data on 1105 diverse works on debris flows for the period up to 2008.

**Keywords:** rivers, streams, formation of debris flows, mudflows, landslides, mudflows forecasts, mudflow hazard.

**Введение.** Полностью отдавая себе отчет в том, что далеко не все публикации по селям в Узбекистане и Средней Азии в целом были нами проанализированы, отметим, что ниже использованы сведения о 1105 разноплановых работ по селевым потокам за период вплоть до 2008 года. Видимо, самой ранней публикацией о наводнениях и селях в Узбекистане является статья Аверьянова П., опубликованная в 1880 году о наводнениях в Наманганском уезде, а первые сведения о селях на водотоках страны датируются 1874 годом [1].

**Результаты и их обсуждение.** Нами все проработанные публикации по селевым потокам Средней Азии условно разделены, как по научным дисциплинам, так и по вопросам исследования селей (рис.1). В рубрику «Общие вопросы» включены статьи, содержащие материалы по описанию причин и характера прохождения селей, по последствиям потоков и т.п. Отдельно выделены селевые потоки антропогенного происхождения, обусловленные, в основном, заилением каналов за счет транспорта и отложения наносов селей в каналах. Нужно также отметить, что часто взаимно пересекаются вопросы эрозии почв и разведения лесов, для улучшения водно-физических свойств почв, и вопросы защиты от селевых потоков.




Рис. 1. Распределение (%) публикаций по селевым потокам Средней Азии по научным дисциплинам

(1-гидрология, 2-лесо-мелиорация, 3-эрозиоведение, 4-геология, 5-защита от селей, 6-метеорология, 7-общие вопросы, 8-гляциология, 9-антропогенные сели)

\* Трофимов Г.Н. - НУУз, Геолого-географический факультет, профессор, д.г.н.,  
Исакова А.Я.-- НУУз, Геолого-географический факультет, преподаватель кафедры Гидрологии и гидрогеологии.



Если учесть публикации по селевым потокам, зарегистрированным на водотоках Средней Азии, включая Казахстан, то 50,4% публикаций посвящены Казахстану и 49,6% остальным странам региона (Узбекистану, Туркменистану, Киргизии и Таджикистану). Добавим, что самой ранней публикацией о селях Казахстана является серия статей (Н.Л.Корженевского, А.Безсонова, С.Машковцева, А.Лундина, В.Н.Милованова и А.Ф.Вержбицкого), посвященных селевому потоку 1921 года, значительно разрушившим г.Алма-Ата (ранее Верный) [7]. Вообще надо отметить, что публикации казахстанских селевиков в основном посвящены селям на рр.Большая и Малая Алмаатинка и защите г.Алма-Ата от селевых потоков (около 51% от общего числа публикаций).

В селеведении все научные труды по селевым потокам можно разделить на:

- публикации, посвященные общим вопросам этой отрасли науки;
- работы, изучающие причины возникновения и последствия селевых потоков в различных географических районах;
- материалы по исследованию транспорта потоков, их параметров и описанию состава селевых отложений;
- прогнозы селей;
- описание мер по борьбе с селями;
- публикации по региональным особенностям формирования селей и мерам борьбы с потоками.

С учетом приведенного разделения научных публикаций получено, что публикации общего плана (труды научных совещаний, справочные материалы, монографии и т.п.) составляют немногим более 6,4% от общего числа публикаций по селям Средней Азии, Казахстана и Кавказа. Работы по выяснению причин формирования селей и последствиям ими причиненными составляют 18,5% от общего числа. Материалы по составу селевых потоков, условиям движения и параметрам потоков помещены в 13,6% публикаций. Методы прогноза селей изложены в 1,8% работ. Наконец, мерам по борьбе с селями посвящено 21,7% от всех работ по селям.

Региональные особенности формирования селей, описание наиболее выдающихся потоков на водотоках Средней Азии и Казахстана изложены в 38,0% публикаций, причем число публикаций по обоим регионам почти равное (19,1 и 18,9% соответственно).

Наиболее известные и полные данные по общим вопросам селеведения приведены в монографиях: «Сели в СССР и меры борьбы с ними» под редакцией Г.В.Лопатина, 1964 г., Боголюбовой И.В. «Селевые потоки и их распространение по территории СССР», 1957 г., С.М.Флейшмана «Селевые потоки», 1951 г., А.И.Шеко «Закономерности формирования и прогноз селей», 1980 г., Ю.Б.Виноградова «Гляциальные прорывные паводки и селевые потоки», 1977 г., Е.Д.Дуйсенова «Селевые потоки в Заилийском Алатау», 1971 г., Б.С.Степанова и Т.С.Степановой «Механика селей», 1991 г. и др [3, 5, 8, 10-12, 15]. Нельзя обойти молчанием и публикацию Ю.Б.Виноградова «Этюды о селевых потоках», 1980 г., где несколько популярно, но довольно полно описываются практически все вопросы науки о селях и сведения о наиболее знаменитых селях Земли [6].

Большинство работ по селям содержат сведения о причинах формирования селей, особенностям транспорта потоков и деформациям русел рек, при этом, по составу отложений селевых потоков, делаются предположения о составе селевой массы. Много работ посвящено описанию особо катастрофических селей и причин их обуславливающих. Это - работы по селевому потоку на р. М.Алматинка в 1921 году, прорывному паводку на озере Иссык (Казахстан) в 1963 году и аналогичному паводку на р.Исфайрамсай при прорыве плотины озера Яшинкуль в 1966 году.

Нужно отметить, что особняком в ряду работ по селям стоят работы, посвященные анализу образования, транспорта, состава и т.п. искусственных селей, воспроизводимых в бассейне р.Чемолган (Заилийский Алатау) учеными - селевиками Казахского НИГМИ под руководством Ю.Б.Виноградова в 1978 году [4].

Возвращаясь к публикациям о селях Средней Азии, в целом, и Узбекистана в частности, нужно отметить, что, пожалуй, наибольшее число работ было опубликовано Ф.К.Кочергой – 48 работ. Для территории Казахстана наибольшее число работ по селевым потокам было опубликовано С.П.Кавецким – 17 работ.

Анализируя исследования по горным районам Кавказа, Средней Азии и Казахстана надо отметить, что для территории Грузии опубликовано немногим более 13%, Армении – 7%, Азербайджана – 21%, Казахстана – 29% и среднеазиатских стран – немногим менее 30% от общего по этим территориям публикаций по селям. Такое распределение работ по селям в первую очередь отражает число селеопасных рек в каждом районе, а во вторую - степень селеопасности этих стран. Добавим, что если для Казахстана и Средней Азии число публикаций примерно равное, то основное число публикаций для Казахстана посвящено селям на реках Большая и Малая Алмаатинка (более 48%). Судя по публикациям о селях на водотоках Средней Азии можно сказать, что большая часть публикаций по селевым потокам освещает ситуацию на водотоках Ферганской долины и в несколько меньше степени на водотоках Западного Тянь-Шаня, точнее селеопасную ситуацию в Чирчик-Ахангаранском бассейне и прилегающей территории. Видимо, нужно отметить еще один момент – практически нельзя обособить публикации по селям по территории Узбекистана, т.к. потоки, зарождающиеся в горных зонах Киргизии и Таджикистана, спускаясь вниз, попадают на территорию Узбекистана, причиняя основной вред объектам на этом пространстве.




Рис. 2. Изменение (а) числа селей (%) и (б) числа публикаций (%) за период 1874-2008 гг.

Очевидно, число публикаций по селевым потокам увеличивается в соответствии с селевой активностью водотоков на данное время и уменьшается в годы относительно спокойные по степени селеопасности. Это достаточно четко видно из рис. 2, причем «запаздывание» публикаций относительно времени прохождения селевого потока составляет от 1 года до 5 лет и более.

К настоящему времени для водотоков Узбекистана и соседних стран собран большой материал по селям, который опубликован в справочнике «Селевые потоки Узбекистана», 2007 г. (составители Трофимов Г.Н., Чуб В.Е., Меркушкин А.С.) и изданы карты селей в «Атласе поверхностных вод Узбекистана» и в «Экологическом атласе Узбекистана» [2, 13].

В последнее время особое внимание в публикациях по селям уделяется возможной динамике селей в связи с изменениями климата. Это- работы Г.Н.Трофимова, В.Е.Чуба и др. [14], где даются оценки изменения степени селеопасности на реках Средней Азии в будущем.

**Выводы.** В заключение необходимо отметить, что материалы, использованные нами по соседним странам, опубликованы до 1990-1995 гг. По Узбекистану использованы публикации до 2007-2008 гг. Завершая краткий обзор публикаций по селям отметим, что к настоящему времени общее число публикаций по селям превышает 2000-2200 названий, в данной работе использованы данные 1105 публикаций, изданные в различное время.

#### **Использованная литература:**

1. Аверьянов П. О наводнениях в Наманганском уезде - «Туркестанские ведомости», 1880, №37.- С.145-146.
2. Атлас «Оценка состояния окружающей среды Узбекистана по экологическим индикаторам».- Ташкент: ГНПП «Картография», 2008.-63 с.
3. Боголюбова И.В. Селевые потоки и их распространение по территории СССР.- Л.:Гидрометеиздат, 1957.- 152 с.
4. Виноградов Ю.Б. Искусственное воспроизведение селевых потоков на экспериментальном полигоне в бассейне р.Чемолган //Селевые потоки.- Сб. I, 1976.- С.3-7.
5. Виноградова Ю.Б. Гляциальные прорывные паводки и селевые потоки.- Л.:Гидрометеиздат, 1977.-143 с.
6. Виноградова Ю.Б. Этюды о селевых потоках.- Л.:Гидрометеиздат, 1980.- 144 с.
7. Власов А.Ю., Крашенинникова Н.В. Селевые явления на территории СССР и меры борьбы с ними (библиографический указатель).-М.:Изд-во МГУ, 1969 215 с.
8. Дуйсенова Е.Д. Селевые потоки», Алма-Ата: Изд-во «Казахстан», 1971.- 190 с.
9. Подготовка электронной версии и издания «Атласа поверхностных вод Узбекистана» с применением современных компьютерных технологий //Гойчиев Х.А., Хикматов Ф.Х., Трофимов Г.Н., Сирлибаева З.С., Айтбаев Д.П., Юнусов Г.Х., Магдиев Х.Н. материалы международной научной конф. «Актуальные проблемы современной географии».-Андижан, 2007.-с. 283-286.
10. Сели в СССР и меры борьбы с ними /под ред. Лопатина Г.В..-М.:Наука, 1964.- 282 с.
11. Степанова Б.С. и Степановой Т.С. Механика селей.-М.:Гидрометеиздат, 1991.-379 с.
12. Флейшман С.М. Селевые потоки.-М.:Географгиз, 1951.-96 с.
13. Чуб В.Е., Трофимов Г.Н., Меркушкин А.С. Селевые потоки Узбекистана.- Ташкент: Изд-во Узгидромета, 2007.-109 с.
14. Чуб В.Е., Трофимов Г.Н. Оценка селеопасности территории Республики Узбекистан при различных сценариях изменения климата // Информация об исполнении Узбекистаном своих обязательств по Рамочной Конвенции ООН об изменении климата. Бюллетень №.6. - Ташкент: НИГМИ, 2007.-С.66-70
15. Шеко А.И. Закономерности формирования и прогноз селей. - М.:Недра, 1980.- 296 с.

#### **Сулаймонова Н.Н.\***

#### **ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИНING ТАБИЙ ЧЎЛ ЯЙЛОВЛАРИ АГРОИҚЛИМИЙ ШАРОИТЛАРИГА ТАЪСИРИ**

*Аннотация:* мақолада Қизилқум чўл яйловларидаги агроиқлимий шароитларга иқлим ўзгаришининг таъсири масалалари кўриб чиқилган.

---

\*Сулаймонова Н.Н. - Ўзгидрометнинг Гидрометеорология илмий текшириш институти (ГМИТИ) катта илмий ходим-изланувчиси.

**Калит сўзлар:** агроиқлимий шароитлар, яйлов, иқлим ўзгариши, баҳорда ҳаво ҳароратининг 5°C дан турғун ўтиши саналари, тренд.

**Влияние изменения климата на агроклиматические условия  
естественных пустынных пастбищ**

**Аннотация:** в статье рассматриваются вопросы влияния изменения климата на агроклиматические условия пустынных пастбищ Кызылкума.

**Ключевые слова:** агроклиматические условия, пастбища, изменение климата, дата устойчивого перехода температур через 5°C весной, тренд.

**Influence of climate change on the agroclimatic conditions of rangelands**

**Abstract:** in article influence of climate change on agroclimatic conditions rangelands desert of Kizilkum is considered.

**Key words:** agroclimatic conditions, rangeland, climate change, dates of steady transitions of air temperature through 5°C in the spring, trend.

«Тез кўпаяётган ер юзи аҳоли сони ва уларнинг эҳтиёжлари ўсиши билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши орасидаги тафовут, биринчи навбатда, атроф-муҳитнинг экологик жиҳатдан бузилиши давом этаётгани, иқлим ўзгаришининг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлари ... туфайли чуқурлашиб бормоқда».

*Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов*

**Кириш.** Жорий 2016 йилнинг 7-18 ноябрь кунлари Марокашда 20 минг делегат иштирок этган БМТ нинг иқлим ўзгариши масалалари бўйича Бугунжаҳон Конференцияси - COP 22 жаҳон матбуоти диққат марказида бўлди. Сайёрамизда ўртача ҳаво ҳароратининг 2°C га ошганлиги, кўплаб давлат раҳбарлари томонидан халқаро битим сифатида имзоланган ўтган йилги ушбу форумда (COP 21, Париж) алоҳида қайд этилди. Унинг қатнашчиси, АҚШнинг Аризона университети мутахассиси Диана Ливерманнинг таъкидлаб ўтишича, иқлим ўзгариши бутун дунёда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, Д. Ливерман глобал миқёсда ҳаво ҳароратининг ошиши, асосий озуқа маҳсулотлари (ун, гуруч ва бошқалар) нархининг кимматлашишига олиб келишини ҳам қайд этиб ўтди.

Маълумки, мамлакатнинг барқарор ривожланишида 99 % озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириб берувчи қишлоқ хўжалиги сектори алоҳида аҳамиятга эгадир. Шу боис ҳам ўсиб бораётган аҳолини табиий ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда барқарор ва сифатли озуқа маҳсулотлари билан таъминлаш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Хусусан, Ўзбекистон 109 та дунё мамлакатлари ичида озиқ-овқат хавфсизлиги рейтинги бўйича 64 - ўринни эгаллаб турибди.

Республикамиз ҳудудининг 70 % дан ортиғини эгаллаган чўл ва яримчўл яйловларида жойлашган чорвачилик аҳолини 40 % гўшт ва 20 % сут маҳсулотлари билан таъминлайди. Чорвачилик учун асосий ва муҳими, энг арзон озуқа базаси бўлган табиий яйловларнинг маҳсулдорлиги иқлимий шароитларга чамбарчас боғлиқ бўлиб, об-ҳаводаги ўзгаришлар озуқа экинлари ҳосилдорлиги йиллараро тебранишига сабаб бўлади.


**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Бугунги кунда мутахассислар томонидан иқлим ўзгариши сабабларини ўрганишда турлича мунозарали қарашлар намоён бўлмоқда. Фанда ушбу йўналиш бўйича дуализм ғоялари, яъни иқлим ўзгариши сабабини антропоген таъсир натижаси деб баҳолаш ёки бу ҳолат иқлимнинг табиий ўзгарувчанлиги ёки табиий омилларнинг циклик ўзгариши туфайли юзага келмоқда, дея таъкидлаш пайдо бўлди. Тадқиқот ишимиздан мақсад бу каби сабабларни таҳлил этишдан истесно тарзда сабаб келтириб чиқарган натижаларни мавжуд фактлар асосида кўриб чиқиш, яъни иқлим

ўзгаришининг яйловлар маҳсулдорлиги ҳолатини белгиловчи агроиклимий шароитларга таъсирини баҳолашдан иборат.

Тадқиқот объекти - чўл яйлов ўсимликлари, предмети эса кузатилган агрометеорологик шароитлардир.

Табийий яйловлар ҳосилдорлиги иссиқлик ва намлик таъминоти белгилаб беради. Иссиқлик ва намлик етарли бўлгандагина ўсимликлар ўзининг вегетация даврини бошлайди. Баҳорда ҳаво ҳароратининг 5°C дан турғун ўтиши билан чўл яйлов ўсимликларининг вегетацияси бошланади. Шунинг учун ҳам ҳаво ҳароратининг 5°C, 10°C, 15°C дан турғун ўтиш саналарини аниқлаш муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб, бу каби агроиклимий кўрсаткичларнинг кўп йиллик ўзгариш тенденцияларига иқлим ўзгариши сезиларли таъсир кўрсатади. Хусусан, Ўзбекистон ҳудуди бўйича агроиклимий ресурсларга иқлим ўзгаришининг таъсири баҳор ва кузда ҳароратнинг турғун ўтиш саналарини кўп йиллик ўзгариши мисолида адабиётларда таҳлил қилинган [1].

**Асосий қисм.** Мазкур ишда Қизилқум чўл яйлов станцияларида сўнгги 45 йил давомида кузатилган маълумотлардан фойдаланиб, ҳароратнинг турғун ўтиш саналарини йиллараро тенденцияси аниқланди. Графиклар таҳлилидан ўртача ҳаво ҳароратининг 5°C, 10°C, 15°C дан турғун ўтиш саналари баҳорда қишга томон олдинга сурилганлиги микдорий жиҳатдан маълум бўлди. Қуйидаги 1 - а расмда 1969-2014 йиллар оралиғида Қизилқум чўл яйлов станциялари мисолида ўртача ҳаво ҳароратининг баҳорда 5°C дан турғун ўтиш саналарининг йиллараро ўзгариш графиги келтирилган. Ушбу тенденцияга ўтказилган тренд чизиғи ва унинг тенгламаси эса 1 - б расмда берилган бўлиб, бу тенглама ёрдамида кўрилган давр оралиғи учун ҳароратнинг 5°C дан турғун ўтиш муддати 17 кунга олдинга сурилганлиги аниқланди.




**1-расм. Қизилқум чўл яйлов станцияларида ўртача ҳаво ҳароратининг 5°C дан турғун ўтиш саналарининг йиллараро ўзгариши (а) ҳамда ушбу тенденцияга ўтказилган тренд чизиғи ва унинг тенгламаси (б)**

Бу агрометеорологик кўрсаткичнинг ўзгариши кўрилатган ҳар бири 23 йилдан иборат бўлган 2 та давр, яъни 1969-1991 ва 1992-2014 йиллар учун баҳоланди. Унинг ўртача қийматлари орасидаги фарқ Оқбойтал станцияси учун 7, Оёқоғитмада 5, Бузаубойда 6, Томдида 8, Мошикудукда 11 кунга тенг бўлиб, Қизилқум бўйича ўртача 7 кунни ташкил этди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, баҳорда ўртача ҳаво ҳароратининг 5°C дан турғун ўтиши билан яйловларда бошланган вегетация муддатлари Ўзгидрометга қарашли барча агрометеорологик станцияларда турли ўсимликлар учун кузатиб борилади. Жумладан, Қизилқум чўли ҳудудида жойлашган станциялар маълумотларини тўплаш орқали тадқиқотларимиз давомида, шувок, боялич, жузғун, ранг, каврак, ялтирбош ва

қўнғирбош каби чўл яйлов ўсимликларининг вегетацияси бошланиш саналарининг сўнги 24-йилликдаги йиллараро ўзгариши таҳлил қилинди. Натижалар, ўсимликларда, баҳорда вегетациянинг бошланиш муддатлари мос равишда 2 кундан 9 кунгача қишга томон, яъни олдинга силжиганини кўрсатди (1-жадвал).



2-расм. Каврак ва боялич чўл яйлов ўсимликларида баҳорда вегетация даврини бошланиш саналарининг йиллараро ўзгариш графиклари

Айрим натижалар куйидаги 2-расмда келтирилган бўлиб, ундаги графиклардан кўриниб турибдики, катта ўзгарувчанликка эга ушбу кўрсаткичга ўтказилган тренд чизиғи тенденциядаги пасайишни ифодаламokban. Бу эса эфемероид ўт кавракда баҳорги вегетация кўрилатган давр оралиғида 6 кун илгари бошланаётганлигини кўрсатади. Мос равишда боялич бутасидаги бу қиймат 9 кунгача етмокда, яъни бу ўсимликда баҳорда вегетациянинг тикланиши 9 кун олдин кузатилмокда.

1-жадвал

Турли яйлов ўсимликлари учун вегетация даврининг бошланиш муддатларини қишга томон силжиши (кунларда)

Яйлов ўсимликлари	Вегетация даври бошланиш муддатларининг силжиши
<i>Artemisia Krasch</i> (шувок)	2
<i>Salsola arbuscula Pall</i> (боялич)	9
<i>Calligonum leucocladum Bge</i> (жузғун)	4
<i>Carex pachystylis Gay</i> (ранг)	2
<i>Ferula assa-foetida L.</i> (каврак)	6
<i>Poa bulbosa L. var vivipara</i> (қўнғирбош)	4
<i>Bromus tectorum L.</i> (ялтирбош)	2

**Хулоса.** Ҳароратнинг турғун ўтиш муддатларидаги силжишлар ва ўсимликлар вегетацияси бошланиши саналарининг қишга томон сурилиши вегетация даври давомийлигинининг узайишига олиб келди. Бу эса яйлов ўсимликларининг иссиқлик таъминотига, агар ўсимлик остидаги тупроқ намлиги етарли бўлган тақдирда ижобий таъсир кўрсатади. Яйловларнинг ҳосилдорлиги учун уларнинг намлик билан таъминланганлик даражаси энг асосий индекси. Қизилкум шароитида худуднинг ягона намлик манбаи ёғинлар ҳисобланади. Унинг миқдори жуда оз – йилига ўртача 100 -150 ммни ташкил этади. Ҳарорат таъминоти етарли, лекин намлик билан таъминланмаган мавсумлар ҳосилнинг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Демак, ўзгарувчан об-ҳаво ва агрометеорологик шароитлар яйловлардаги ҳосил миқдорининг йиллараро тебранишига сабаб бўлади.

Тадқиқотнинг якунида қайд этиш лозимки, иқлим ўзгариши натижасида, Қизилқум чўлидаги агроиқлимий шароитларнинг ўзгариши иссиқлик ва намлик режимига боғлиқ равишда, яйловлар маҳсулдорлигига турлича таъсир этади. Шунинг учун ҳам, иқлим ўзгаришининг салбий натижаларини юмшатиш масаласига илмий ёндашган ҳолда амалга оширилаётган тадбирларда об-ҳаво ва агроиқлимий шароитларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

Спекторман Т.Ю., Плоцен М.А. Влияние изменение климата на агроклиматические ресурсы территории Узбекистана / Бюллетень «Изменение климата, причины, последствия и меры реагирования» Вып № 9. - Т.: 2015. – С.40-44.

#### Холбаев Г.Х.\*

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ СУҒОРИЛАДИГАН ХУДУДЛАРИДА КУЗАТИЛАДИГАН ҚОРА СОВУҚ ҲОДИСАСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

*Аннотация:* мақолада Тошкент вилоятининг суғориладиган ҳудудларида кузатиладиган қора совуқ ҳодисасининг йиллараро ўзгариши, қора совуқсиз кунлар давомийлиги ва уларнинг такрорланиши жадаллиги таҳлил қилинган.

*Калит сўзлар:* қишлоқ хўжалиги, ҳудуд, ҳодиса, қора совуқ, метеорологик станция, ҳарорат, жадаллик, давомийлик

#### Исследование заморозков, наблюдаемых на орошаемых территориях Ташкентской области

*Аннотация:* в статье проанализировано изменение годового хода, продолжительности безморозного периода и интенсивности повторяемости заморозков на орошенных территориях Ташкентской области.

*Ключевые слова:* сельское хозяйство, территория, явление, заморозка, метеорологическая станция, температура, интенсивность, продолжительность, повторяемость.

#### Study of frost observed on irrigated areas zones of Tashkent region

*Abstract:* The article analyzes the changes in the annual variation, the length of the frost-free period and the intensity of recurrence of frosts in the irrigated areas of Tashkent region.

*Key words:* agriculture, area, event, frost, weather station, temperature, intensity, duration, frequency of occurrence.

**Кириш.** Қишлоқ хўжалиги учун хавфли метеорологик ҳодисаларнинг асосийларига йилнинг илиқ даврида кузатиладиган қора совуқлар, қурғоқчилик, қуруқ иссиқ шамол-гармсел, чангли бўронлар, дўл, кучли жалалар кирса, қишда эса - қаттиқ совуқлар, яхмалак, муз қатқалоқлари, қорсизлик ёки қалин қор қоқлами ва бошқалар киради. Ушбу хавфли метеорологик ҳодисаларни ўрганиш ҳамда уларнинг ўсимликларга бўлган таъсирини баҳолаш долзарб масала ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ушбу ишимизда ғўза ўсимлиги учун хавфли метеорологик ҳодисалардан бири - қора совуқ ҳақида фикр юритишни лозим топдик. Қора совуқнинг кучи ва давомийлигига қараб унинг зарарли таъсиридан ўсимликлар қисман зарарланади ёки бутунлай нобуд бўлади. Қора совуқлар вақтида экинларни совуқ урушининг сабаби, ўсимлик хужайраси протоплазмасининг сувсизланишидир. Чунки, ҳарорат 0 °С гача ва ундан ҳам пасайганида ўсимлик хужайралари орасидаги сув музлайди ва хужайрадаги сувни шимиб олади. Хужайраларнинг зарарланиши пировард натижада ўсимликнинг қисман ёки бутунлай нобуд бўлишига олиб келади. Ўсимликни совуқ урганда, унинг барглари қорайиб қолади [1, 2, 4-7].

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун қора совуқлар энг хавфли ҳисобланади ва

\*Холбаев Г.Х. – Ўзбекистон Миллий университети “Астрономия ва атмосфера физикаси” кафедраси доценти, ГМИТИ катта илмий ходими.


улар баҳор охирида, ёз бошланишида ва кузда кузатилади. Бу ҳодисанинг бўлиши жойнинг рельефи билан боғлиқдир. Тупроқ ҳолати, ўсимликлар ва сув ҳавзалари қора совуқларнинг баҳорда тўхташи, кузда эса бошланиш муддатига, кучига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Қора совуқ ҳодисасини ўрганиш масалалари уларнинг қишлоқ хўжалиги ўсимликларига таъсири тўғрисида бир қанча илмий ишлар мавжуд [1, 2, 4, 5].

Мазкур ишнинг асосий мақсади бири Тошкент вилоятининг турли районларида кузатиладиган қора совуқ ҳодисаларининг такрорийлиги ва жадаллигини ўрганишдир. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда, баҳорда - охириги ва кузда биринчи қора совуқ саналарининг йилларо ўзгариши, такрорланувчанлиги ва таъсири миқдорий баҳолаш вазифалари муҳим ҳисобланади.

Ушбу ҳодисани ўрганиш мақсадида, ишнинг тадқиқот объекти сифатида Тошкент вилоятининг суғориладиган ҳудудлари ва предмети сифатида эса ушбу ҳудудда жойлашган метеорологик станцияларда қайд этилган қора совуқ ҳодисалари тўғрисидаги метеорологик кузатув маълумотлари асосида уларнинг намоён бўлиш қонуниятларини ўрганишдир.

Вилоят ҳудудида жойлашган агро- ва гидрометеорологик станциялар (Далварзин, Кўкорол, Янгийўл, Туябўғиз) да қора совуқ тўғрисидаги кузатиш маълумотлари таҳлил қилиниб уларнинг ишончлилиги баҳоланди.

**Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси.** Маълумки, вилоят ҳудуди ўзининг кескин континенталлиги, яъни баҳор фаслининг нотўғунлиги билан ажралиб туради. Бу фаслда илиқ ва совуқ об-ҳавонинг тез-тез ўзгариб туриши натижасида ҳароратнинг кескин тушиб кетиши, жала ёғинлар ёғиши кузатилади. Ҳаво ва тупроқ юзасидаги баҳорги қора совуқ дала ишларини бажаришда ноқулайлик келтириб чиқаради.




**1-расм. Далварзин станциясида баҳор ва кузда 2 м баландликда, тупроқ юзасида ҳароратнинг  $-0^{\circ}\text{C}$ ,  $-3^{\circ}\text{C}$  дан ўтиш саналарининг йилларо ўзгариши**

Шунинг учун 1-расмда Далварзин станцияси мисолида баҳор ва кузда метеорологик будкадаги ва тупроқ юзасида ҳароратнинг  $-0^{\circ}\text{C}$ ,  $-3^{\circ}\text{C}$  даражадан пасайиш



саналарининг 1991-2015 йиллардаги ўзгаришлари келтирилган. Расмдан кўришиб турибдики, 2 м баландликда  $-0^{\circ}\text{C}$  қора совуқ жадаллигининг ўзгариши 2007 йилгача апрель ойининг иккинчи ўн кунлигигача ўзгариб турган бўлса, ундан кейин март ойининг учинчи ўн кунлигида камайган. Худди шундай ҳолат тупроқ юзасида ҳам кузатишган. Ҳаво ҳароратининг  $-3^{\circ}\text{C}$  да баҳорда 2 м баландликда қора совуқ кузатилиш саналари февраль ойининг иккинчи ўн кунлиги ва март ойининг учинчи ўн кунлиги, тупроқ юзасида эса февраль ойининг иккинчи ўн кунлиги билан апрель ойининг биринчи ўн кунлиги оралиғида тебраниб турган. Умуман, қора совуқнинг кузатилиш саналари баҳорда олдинга, кузда эса орқага сурилиши юзага келиб, қора совуқсиз давр давомийлиги узайган. Бу эса иқлим ўзгариши, яъни илиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Ишда 1991-2015 йиллар давомида Тошкент вилоятининг суғориладиган ҳудудларида жойлашган станцияларда (Далварзин, Туябўғиз, Янгийўл, Кўкорол) кузатишган маълумотлар асосида ҳаво ва тупроқ юзасида баҳорги ва кузги қора совуқ жадаллигининг ( $-0^{\circ}\text{C}$ ,  $-3^{\circ}\text{C}$ ) ўзгариши ўрганилди (2-расм).



Метеорологик будкада

Тупроқ юзасида

## 2-расм. Тошкент вилоятининг суғориладиган ҳудудларида баҳорда ҳаво ва тупроқ юзасида қора совуқлар кузатилишининг йиллараро ўзгариши (1991-2015 йй.)

Расмдан кўришиб турибдики, 1991-2015 йиллар давомида баҳорда *метеорологик будкада*  $-0^{\circ}\text{C}$  дан ўтиш саналари абсолют максимал қиймати 2009 йил 23 апрель, абсолют минимал қиймати эса 2009 йил 23 февраль, кузда абсолют максимал қиймати 2006 йил 21 ноябрь, абсолют минимал қиймати эса 1995 йил 18 октябрь, *тупроқ юзасида* абсолют максимал қиймати 1999 йил 24 апрель, абсолют минимал қиймати 2013 йил 10 март, кузда абсолют максимал қиймати 2006 йил 17 ноябрь, абсолют минимал қиймати 2001 йил 30 сентябрда кузатишган. Умуман олганда, кейинги 15 йил давомида  $-0^{\circ}\text{C}$  дан ўтиш саналари баҳорда олдинга, кузда эса кейинроққа сурилган. Бу совуқсиз давр давомийлигининг ошганлини кўрсатади. Ҳароратнинг  $-3^{\circ}\text{C}$  дан ўтиш саналари (*метеорологик будкада*) абсолют максимал қиймати 2015 йил 31 март, абсолют минимал қиймати 2004 йил 6 январ, кузда абсолют максимал қиймати 2015 йил 11 декабрь, абсолют минимал қиймати

2011 йил 8 ноябрь, *тупроқ юзасида* абсолют максимал қиймати 1999 йил 14 апрель, абсолют минимал қиймати 2009 йил 7 февраль, *кузда* абсолют максимал қиймати 2015 йил 5 декабрь, абсолют минимал қиймати 2001 йил 11 октябрда кузатилган. Баҳорда, охирги 10 йилликда,  $-3^{\circ}\text{C}$  дан ўтиш санаси март ойининг учинчи ўн кунлигида кескин кўтарилиши, *тупроқ юзасида* эса унинг сезиларли даражада кейинга сурилиши кузатилган.

Умуман олганда, вилоятнинг суғориладиган ҳудудларида қора совуқ такрорланиши жадаллигининг ўзгариши  $-0^{\circ}\text{C}$  да метеорологик будкада 200-269 кун, *тупроқ юзасида* 175-246 кун,  $-3^{\circ}\text{C}$  да метеорологик будкада 237-332 кун, *тупроқ юзасида* 205-287 кун,  $-4^{\circ}\text{C}$  да метеорологик будкада 246-338 кун, *тупроқ юзасида* 217-299 кун оралиғида ўзгариб турган.

Юқорида қора совуқ такрорланиши жадаллигининг ўзгариши алоҳида метеорологик станциялар маълумотлари асосида вилоят миқёсида қараб чиқилди.

Қора совуқ такрорланиши жадаллигининг метеорологик будкада ва *тупроқ юзасида* кўп йиллик ўртача саналари ва давомийлиги масалалари ҳам кўриб чиқилди (1-жадвал).

1-жадвал

**Қора совуқ такрорланиш жадаллигининг ўртача ўтиш саналари  
ва оралиқ давр давомийлиги  
(1991-2015 йй.)**

Қора совуқдаги харорат, $^{\circ}\text{C}$	Метеорологик станциялар							
	Далварзин		Кўкорол		Янгийўл		Туябўғиз	
	<i>баҳорда</i> <i>кузда</i>	кун	<i>баҳорда</i> <i>кузда</i>	кун	<i>баҳорда</i> <i>кузда</i>	кун	<i>баҳорда</i> <i>кузда</i>	кун
<b>Метеорологик будкада</b>								
0	<u>20.III</u>	230	<u>22.III</u>	213	<u>19.III</u>	225	<u>15.III</u>	244
	<u>5.XI</u>		<u>21.X</u>		<u>30.X</u>		<u>14.XI</u>	
-0	<u>17.III</u>	233	<u>21.III</u>	215	<u>19.III</u>	225	<u>15.III</u>	244
	<u>5.XI</u>		<u>21.X</u>		<u>30.X</u>		<u>14.XI</u>	
-1	<u>13.III</u>	245	<u>19.III</u>	226	<u>12.III</u>	234	<u>11.III</u>	252
	<u>13.XI</u>		<u>31.X</u>		<u>1.XI</u>		<u>18.XI</u>	
-2	<u>4.III</u>	260	<u>10.III</u>	240	<u>10.III</u>	253	<u>3.III</u>	266
	<u>19.XI</u>		<u>5.XI</u>		<u>18.XI</u>		<u>24.XI</u>	
-3	<u>27.II</u>	277	<u>1.III</u>	262	<u>6.III</u>	261	<u>25.II</u>	280
	<u>29.XI</u>		<u>19.XI</u>		<u>22.XI</u>		<u>1.XII</u>	
-4	<u>21.II</u>	287	<u>28.II</u>	274	<u>27.II</u>	273	<u>20.II</u>	287
	<u>4.XII</u>		<u>27.XI</u>		<u>26.XI</u>		<u>3.XII</u>	
-5	<u>19.II</u>	287	<u>21.II</u>	287	<u>21.II</u>	285	<u>19.II</u>	289
	<u>7.XII</u>		<u>4.XII</u>		<u>2.XII</u>		<u>7.XII</u>	
<b>Тупроқ юзасида</b>								
0	<u>30.III</u>	212	<u>2.IV</u>	193	<u>4.IV</u>	197	<u>29.III</u>	204
	<u>27.X</u>		<u>12.X</u>		<u>17.X</u>		<u>19.X</u>	
-3	<u>9.III</u>	253	<u>14.III</u>	234	<u>19.III</u>	229	<u>13.III</u>	246
	<u>18.XI</u>		<u>3.XI</u>		<u>3.XI</u>		<u>14.XI</u>	

Жадвалдан кўриниб турибдики, вилоят ҳудуди бўйича жойлашган метеорологик станцияларда метеорологик будкада баҳорда ва *кузда*  $0^{\circ}\text{C}$  дан ўтишнинг кўп йиллик ўртача санаси 15 мартдан (Туябўғиз) 22 март (Кўкорол), *кузда* 21 октябрдан (Кўкорол) 14 ноябрь (Туябўғиз) оралиқда ўзгариб турган бўлса, давр давомийлиги 213-244 кунни ташкил этган. Хароратнинг  $-0^{\circ}\text{C}$  ли қийматларининг такрорланиш оралиғи 215-244 кун,  $-3^{\circ}\text{C}$  ли эса  $-261-280$  кунни ташкил этади. Умуман, Далварзин станциясида  $0^{\circ}\text{C}$  -  $-3^{\circ}\text{C}$

дан ўтиш даврининг давомийлиги 230-277 кун, Кўкорол – 213-262, Янгийўл – 225-261 кун ва Туябўғизда 244-280 кун оралиғида ўзгаради. Тупроқ юзасида баҳорда ва кузда 0 °С дан ўтишнинг кўп йиллик ўртача санаси 29 март (Туябўғиз) дан 4 апрель (Янгийўл), кузда 12 октябрь (Кўкорол) дан 27 ноябрь (Далверзин) оралиқда ўзгариб туради. Давр давомийлиги 193-212 кун оралиғини ташкил этган. Ҳароратнинг –0 °С дан ўтиш оралиғи – 195-216 кун, –3 °С дан ўтиш оралиғи эса – 229-253 кунни ташкил этади. Умумий қилиб айтадиган бўлсак, Далварзин станциясида 0° С - –3 °С дан ўтишнинг давр давомийлиги 212-253 кун, Кўкорол – 193-234 кун, Янгийўл – 197-229 кун ва Туябўғизда 204-246 кун атрофида ўзгариб туради.

**Хулоса.** Мақолада келтирилган маълумотлар ва уларнинг таҳлил натижалари Тошкент вилоятида ғўза етиштирувчи ҳудудларда қишлоқ хўжалиги соҳасига хизмат кўрсатувчи мутахассислар ҳамда Ўзгидрометнинг қишлоқ хўжалигига агрометеорологик хизмат кўрсатиш бўлими ходимларига, ишлаб чиқариш жараёнида ёрдам беради деган умиддамиз. Келажакда қора совуқ такрорланиши жадаллигининг қайси синоптик жараёнларда кузатилиши, ундан олдин ва кейин кузатиладиган об-ҳаво шароитлари ҳақида чуқур илмий изланишлар олиб бориш ва қора совуқ ходисасини узоқ муддатга прогнозлаш ишлари муҳим аҳамият касб этади. Ушбу муаммони ижобий ҳал этиш қишлоқ хўжалиги экинларини қора совуқ ходисасидан кўрадиган зарарини камайтиришга олиб келади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев А.К. Заморозки и растения // Сельское хозяйство Узбекистана. – № 6. – 1999. – С. 10-11.
2. Абдуллаев А.К., Рўзиева М.Б. Қишлоқ хўжалиги метеорологиясининг изоҳли луғати. II қисм, С-Ҳ. Тошкент, 2008. - 167 б.
3. Абдуллаев А.К., Холбаев Г.Х., Сафаров Э.Ю. Агрометеорологияда муносабатли тенгламаларни топишда математик статистикани қўллаш, ЭХМ ва Географик ахборот тизимларидан фойдаланиш учун кўрсатма. –Тошкент. НИГМИ. 2009. -150 б.
4. Абдуллаев А.К., Сафаров Э.Ю., Холбаев Г.Х., Рўзиева М.Б., Утарбаева К.А. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун хавфли қора совуқ ходисаси ҳақида / Материалы Республиканской научно-практической конференции. –Нукус, 2012. – Б. 103-104.
5. Муминов Ф.А., Абдуллаев Х.М. Агроклиматические ресурсы Республики Узбекистан. - Ташкент, 1997. – 176 с.
6. Смирнова Е.Н., Чанышева С.Г. Опасные метеорологические явления в Узбекистане. – Ташкент: НИГМИ, 2007. -151 с.
7. Чирков Ю.И. Агрометеорология – Л.: Гидрометеоздат, 1979. - 320 с.

#### Курбанбаев Р.Е., Толепбергенов М.Ж\*

### ИЗМЕНЕНИЕ ГЛУБИНЫ ГРУНТОВЫХ ВОД НА ОРОШАЕМЫХ ТЕРРИТОРИЯХ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН

*Аннотация:* в статье изучены вопросы изменения глубины залегания уровней грунтовых вод на орошаемых землях Республики Каракалпакстан.

*Ключевые слова:* грунтовые воды, глубина залегания, подземный сток, дренажный сток, водный баланс зоны аэрации.

---

\* Курбанбаев Р. - Қорақалпоқ давлат университети, Муҳандислик коммуникация қурилиши кафедраси мудири,

Толепбергенов М. - Қорақалпоқ давлат университети, География кафедраси ассистенти.

**Қорақалпоғистон Республикасининг сугориладиган майдонларида грунт сувлари сатҳининг ўзгариши**

*Аннотация:* мақолада Қорақалпоғистон Республикасидаги сугориладиган экин майдонларида грунт сувлари сатҳи жойлашиши чуқурлигининг ўзгаришлари таҳлил қилинган.

*Калим сўзлар:* грунт сувлар, жойлашиши чуқурлиги, ер ости сувлари оқими, дренаж оқими, сув баланси, аэрация зонаси.

**Change of depth of earth waters on irrigated of territory of the Republic of Karakalpakstan**

*Abstract:* the article studied issues of change the depth of groundwater level on the irrigated lands of the Republic of Karakalpakstan.

*Keywords:* groundwater, the depth, underground drainage, drainage flow, water balance of aeration zone.

**Введение.** Обычно под установившейся глубиной грунтовых вод подразумевается такая глубина, при которой достигается стабилизация приходной части (водоподача, осадки, фильтрация и подземный приток) с расходными (испарение, подземный отток и дренажный сток) при постоянной величине влажности в начале и конце расчетного периода [1].

**Целью работы** является изучение изменение глубины залегания грунтовых вод на орошаемых территориях Республики Каракалпакстан.

**Основная часть.** Повышение или понижение уровня грунтовых вод, т.е. уравнению баланса грунтовых вод в общем виде можно выразить в следующем виде:

$$\Delta W_{зр.} = \underline{\Pi} - \underline{O} + \Phi_k + q \pm p - D, \quad (1)$$

где:  $\Delta W$  – изменение запаса грунтовых вод;  $\underline{\Pi}$  – приток грунтовых вод;

$O$  – отток грунтовых вод;  $\Phi_k$  – фильтрационные потери оросительной воды из каналов;  $q$  – атмосферные осадки, выпадающие на поверхность орошаемой территории.  $\pm p$  – вертикальный водообмен балансового слоя с глубокими подземными водами.

В условиях Республики Каракалпакстан в приходной части баланса грунтовых вод основную роль играет объем поданной воды и фильтрационные потери. Величина атмосферных осадков, за исключением отдельных случаев, в режиме формирования грунтовых вод практически роли не играет [1].

В расходной части основным составляющим является суммарное испарение и дренажный сток. Учитывая незначительность уклона уровня грунтовых вод, величину подземного притока и оттока можно приравнять к нулю.


В подобном случае, режим формирования грунтовых вод может зависеть от следующих составляющих:

- водозабор в приходной части, 60%;
- фильтрационные потери в расходной части, 40%;
- суммарное испарение из грунтовых вод, 65%;
- дренажный сток, 35%.


Анализ многолетних данных по водозабору и соответственно по изменению уровня грунтовых вод показывает наличие прямой зависимости между ними. Как правило, в многоводные годы при неизменном положении с коллекторами и суммарного испарения наблюдается высокое положение уровня грунтовых вод (рис. 1 и 2).

Как видно из данных рис.1 в маловодные 2000 – 2001 годы, частично в 2002 году, а также в 2008 году уровень грунтовых вод опускался до 3,80 – 4,20 м от поверхности земли. В многоводные годы среднемесячные значения уровня грунтовых вод резко поднимались и находились на уровне 1,20 – 1,30 м. В остальные периоды, это годы средней водообеспеченности, грунтовые воды находились на уровне 1,5 – 2,2 м. В

принципе можно отметить, что в формировании уровня грунтовых вод основную роль играет водозабор на орошение. Для примера можно привести зависимость уровня грунтовых вод (Н) от режима водозабора системы канала Суенли (Q) (рис. 2). Хотя тут наблюдается большой разброс точек, однако, также видна определенная зависимость между водоподачей и уровнем грунтовых вод.



**Рис.1. Графики колебания среднемесячного расхода воды системы канала Суенли и среднемесячного уровня грунтовых вод Канлыккульского, Кунградского и Ходжейлийского районов Республики Каракалпакстан**



**Рис.2. Кривая зависимости УГВ (Н) от расхода воды Суенли**

В расходной части динамично меняется величина коллекторного стока, которая зависит от величины водозабора. Дренажный сток, в свою очередь, зависит от объема водозабора и от состояния и работоспособности коллекторно-дренажной сети.

На рис. 3 и 4 приведены изменения дренажного стока от уровня залегания грунтовых вод и кривая зависимости  $УГВ = f(D)$ .

Как видно из данных рис. 3 и 4, за исключением отдельных периодов, имеется определенная зависимость между дренажным стоком и уровнем грунтовых вод по системе коллектора ККС. Относительная стабилизация уровня грунтовых вод начинается с уровня залегания 160 – 165 см от поверхности земли. С этого предела начинается увеличение величины дренажного стока и тем самым прекращается подъем уровня грунтовых вод.

На основе вышеизложенного можно отметить, что в течении многолетнего периода стабилизированный (установившийся) уровень залегания грунтовых вод не был достигнут и, поэтому, можно выделить следующие периоды:

- период глубокого залегания уровня грунтовых вод до 1965 года;
- период систематического подъема уровня грунтовых вод, 1965 – 1970 гг.;
- период высокого положения уровня грунтовых вод, 1970 – 2006 гг.;

- период относительного спада УГВ, 2006 – 2012 гг.




Рис.3. Графики колебания среднемесячных расходов коллектора ККС и средних значений УГВ (Н) за период 1999-2012 гг.




Рис.4. Кривая зависимости уровня грунтовых вод (Н) от расхода воды коллектора ККС (среднемесячные данные за период 1980-2011гг.)

На рис. 5 приведены колебания уровня грунтовых вод по Республике Каракалпакстан за период 1980 – 2012 гг. Как видно из рис. 5, колебание уровня грунтовых вод имеет определенную зависимость от водности года.

В условиях почти без измененной мощности и параметров дренажа в маловодные годы, как 2000 – 2001, 2008 годы уровень грунтовых вод опускался до 4,0 – 5,0 м от поверхности земли, а в многоводные годы он находился на уровне 1,2 – 1,5 м.




Рис.5. График колебания среднемесячного уровня грунтовых вод по Республике Каракалпакстан за период 1980-2012 гг.

**Выводы.** В целом, можно отметить, что в условиях Республики Каракалпакстан уровень грунтовых вод имеет весьма нестабильный характер. Тем не менее, можно заметить некоторое снижение уровня в последние годы, что связано с реконструкцией коллекторно-дренажных систем. Такие, ярко выраженные понижения уровня грунтовых вод наблюдаются в 2000-2002, 2008-2009 годы, вызванные нехваткой воды для орошения. В дальнейшем, учитывая напряженность водохозяйственной обстановки в бассейне Амударьи, за исключением отдельных многоводных лет, которые могут повторяться 2 раза за 10 лет ожидается постепенное понижение уровня грунтовых вод, что требует подачи дополнительного объема воды (к сожалению его не будет). Поэтому, в настоящее время необходимо разработать новые подходы и научно-практических основ в целях поддержания благоприятного водно-солевого режима на орошаемых землях Республики Каракалпакстан.

#### Использованная литература:

1. Аверьянов С.Ф. Горизонтальный дренаж при борьбе с засолением орошаемых земель. - М.: Изд-во. АН СССР, 1959. - С.45-78.
2. Рахимбаев Ф.Р., Есинбеков А.Е. Влияние гидрогеологических условий на мелиоративное состояние орошаемых территорий Каракалпакии. – Нукус: Каракалпакстан, 1997.
3. Статические данные Каракалпакской гидрогеолого-гидромелиоративной экспедиции за 2000-2012 гг.

**Б.А.Камалов, С.Т.Абдурахманов\***

### К ВОПРОСУ О ФОРМИРОВАНИИ ПОЧВЕННОЙ ВЛАГИ

*Аннотация:* в статье в результате обсуждения экспериментального материала сделан вывод об осязаемой роли конденсации и адсорбции атмосферной влаги в формировании почвенной влаги

*Ключевые слова:* адсорбция, атмосферная влага, конденсация, лимниграмма, почвенная влага, приземный слой воздуха, суточный ход уровня воды.

#### Тупроқда намликнинг шаклланиши масаласига доир

*Аннотация:* мақолада тупроқ намлигининг шаклланишида атмосфера ҳавосидаги намнинг конденсацияси ва адсорбциясининг роли сезиларли эканлиги экспериментал материаллар асосида кўрсатилган.

*Калит сўзлар:* адсорбция, атмосферадаги нам, конденсация, лимнограмма, тупроқ нами, ер усти ҳаво қатлами, сув юзасининг суткалик ўзгариши.

#### About forming of humidity in the soil

*Abstract:* as a result of the discussion of the experimental material it was concluded about tangible role of condensation and adsorption of atmospheric moisture in the formation of soil moisture

*Key words:* Adsorption, atmospheric moisture, condensation, limnogram, soil moisture, surface air layer, the diurnal variation of the water level.

**Введение.** Водный баланс оконтуренного поля обычно выражают в виде:

$$V_1 - V_0 = y + q + u + o + k - b - t - q_1 - u_1 - o_1, \quad (1)$$

где,  $V_0$  - начальный запас влаги в почве;  $V_1$  - конечный запас влаги;  $y$  - сумма осадков;  $q$  - приток влаги из грунтовых вод;  $u$  - поверхностный приток влаги на данный участок;  $o$  - внутрипочвенный приток влаги на данный участок;  $k$  - количество парообразной влаги, поступающей из атмосферы и конденсирующейся в почве;  $b$  - испарение влаги с поверхности почвы;  $t$  - транспирация;  $q_1$  - отток влаги из почвы в грунтовые воды;  $u_1$  - поверхностный сток;  $o_1$  - внутрипочвенный сток.

\* Камалов Б.А. – профессор Наманганского Государственного университета, доктор географических наук, Абдурахманов С. – старший научный сотрудник-сосикатель Наманганского Государственного университета.

Если принять  $u = u_1$ ,  $o = o_1$  то уравнение (1) принимает следующий вид:

$$V_1 - V_0 = y + k + q - b - t - q_1. \quad (2)$$

В некоторых работах [7] приток влаги из грунтовых вод  $q$  и отток влаги из почвы в грунтовые воды  $q_1$  из уравнения водного баланса поля также опускается. Надо отметить, что  $u$ ,  $u_1$ ,  $o$ ,  $o_1$ ,  $q$  и  $q_1$  трудно поддаются измерению и их невозможно количественно учесть. Но, по отношению  $q$  и  $q_1$  этого, видимо нельзя допустить, поскольку в засушливый период при близости уровня грунтовых вод они могут существенно способствовать водообеспечению растений.

Таким образом, можно считать, что главными источниками формирования почвенной влаги могут быть инфильтрация атмосферных осадков, конденсация водяных паров, поступающих в почву из приземного слоя воздуха и приток влаги из грунтовых вод. Однако, по поводу конденсации водяных паров в научной литературе имеются различные точки зрения, отвергающие друг друга, хотя с античных времен водяной пар считали источником подземных вод.

Подробный обзор истории проблемы дан в монографиях А.Ф. Лебедева [4], А.А.Роде [6] и др. [9]. Роль конденсации и адсорбции в формировании почвенной влаги имеет мощное подтверждение в «висячих садах Семирамиды», в водоснабжении г. Феодосия в Крыму, во многочисленных экспериментах по изучению конденсации влаги в песках и более грубых материалах, в суглинистых и глинистых почвах. Ради справедливости надо отметить, что эти эксперименты порою давали незначительный эффект. В противоположность этому большое впечатление производят конденсаторы атмосферной влаги, снабжавших г.Феодосию в XIII-XIX веках, которые являются мощным аргументом для разработки способов использования конденсации влаги воздуха в хозяйственных целях.

Согласно сообщения Б.А.Аполлова [1], в ноябре 1903 г. Ф.И.Зибольд, после четырехмесячного периода засухи, измерил сток воды из двух Феодосийских труб, идущих от конденсаторов, установленных на горе. Из одной трубы сток составил  $1400 \text{ м}^3/\text{сутки}$ , из другой –  $720 \text{ м}^3/\text{сутки}$ . О роли конденсации в увлажнении почвы ещё можно судить по следующему примеру.

**Постановка задачи.** Как известно, суточный ход уровня и расхода воды в горных реках всегда объясняли изменением таяния снега и льда, связанного с колебанием температуры воздуха в течение суток. Однако наблюдения на горностоковой станции Кзылча, в бассейне р. Ахангарана, показали, что это не всегда так. Об этом свидетельствуют лимниграммы уровня воды рр. Четыксай и Головная [5].

Характеристики водосборов этих рек таковы: площади водосборов соответственно  $8,0 \text{ км}^2$  и  $10,2 \text{ км}^2$ , средняя их высота -1860 м и 2700 м, средний расход воды за период апрель-сентябрь  $0,10$  и  $0,33 \text{ м}^3/\text{сек}$ . Анализ лимниграмм показывает следующее.

По р. Четыксай 19, 23/II и 18/IV выпадали сильные дожди, которые резко увеличили сток реки, а весенний дождевой пик 18/IV дал длинный шлейф, указывающий на длительное стекание дождевой воды из-за подземного регулирования. Начиная с мая месяца суточный ход почти исчезает и появляется во второй половине июня. В июле и августе суточный ход стока реки имеет наиболее правильный вид с максимумом к полудню и с минимумом позже 19 часов, после чего начинается подъем уровня воды в реке. Это, возможно, связано с конденсацией ночью при понижении температуры. Здесь следует отметить то, что П.М.Машуков [5] такой суточный ход объясняет испарением с поверхности водотоков.

Однако, такое объяснение не соответствует времени добегания. Например, на р. Четыксай, снижение уровня воды начинается в первой половине дня и минимум уровня наблюдается в 19 часов, что не оставляет времени для добегания. А на р. Головной, как отмечает П.М.Машуков, минимум уровня воды по времени наступает на одни сутки позже, чем максимум суточного хода температуры воздуха, т.е. с задержкой на одни



сутки, что слишком много при скорости времени добегания 5 км/час, отмеченной автором. Кроме того, может ли испарение создать заметный на лимниграмме суточный ход. Площадь водной поверхности всех русел р. Головной по определениям П.М. Машукова составляет 15600 м<sup>2</sup>. Среднее испарение в августе на центральной метеорологической площадке, расположенной в низовьях р. Кзылча, составило в августе 6,6 мм/сутки. Если принять испарение по всему водосбору реки 4 мм/сутки, то это даёт объём испарения 62,4 м<sup>3</sup>, который при делении на число секунд в дневное время даёт всего 1,2 л/сек, что не может существенно влиять на суточный гидрограф со средним стоком 330 л/сек. Отсюда напрашивается вывод о том, что суточный ход этих рек формируется не только испарением с поверхности воды рек. Здесь должно внимание должно быть уделено и конденсации.

**Основные результаты и их обсуждение.** О роли конденсации и адсорбции в формировании почвенной влаги можно судить и по табл.1, где приведены данные о влажности почвы в начале вегетации и сумме осадков за период октябрь-март. Как видно, в большинстве случаев влажность почвы значительно превышает сумму осадков за октябрь-март, что указывает на наличие какого-то другого источника поступления влаги в почву. Такими источниками могут быть капиллярные воды.

Однако, для условий Узбекистана практически ощутимая высота капиллярного поднятия воды не превышает 2 м [2]. В агрогидрологии считается, что высота капиллярного поднятия не выходит за пределы 3 м [7]. Тогда остается только один источник дополнительного поступления влаги - конденсация (и адсорбция) атмосферной влаги в почве.

Таблица 1

**Влажность почвы на начало вегетационного периода и сумма осадков за октябрь-март, мм (данные по метеостанции Наманган)**

Годы	Влажность	Осадки X-III
2001	178	99,7
2002	176	134,5
2003	186	204,8
2004	192	253,2
2005	181	208,4
2006	196	101,5
2007	197	148,2
2008	176	78,2
2009	210	150,4
2010	173	135,4
2011	200	76,2
2012	193	189,7
2013	193	111,6
2014	199	103,5
2015	180	134,8

Что касается случаев большего количества осадков, чем влага в почве, можно отметить повышенную интенсивность осадков в 2003-2005 гг. Как известно, при интенсивности дождя менее 0,5 мм/мин на пару инфильтрация не наблюдается, все испаряется, а на пашне инфильтрация составляет 55%; при интенсивности 0,75 мм/мин и на пару, и на пашне -70-80%, при 1,0 мм/мин соответственно 19 и 29%, при 1,5 мм/мин – 15 и 28%, при 2,0 мм/мин – 12 и 22% [7]. Возможно, повышенная интенсивность осадков в эти годы ограничили инфильтрацию всех выпавших осадков в почву.

И так, можно сделать **заключение** о том, что в аридных условиях Ферганской долины к началу вегетации в метровом слое почвы за счёт атмосферных осадков,

конденсации и адсорбции накапливается довольно-таки солидная влага – 150-200 мм. Для того, чтобы максимально использовать эту влагу для выращивания сельскохозяйственных культур необходимо резко уменьшить расход этой влаги на испарение. Как известно, это можно осуществить путем мульчирования с помощью полиэтиленовой пленки, засыпанной 3-5 сантиметровым слоем почвы. Такие опыты нами были осуществлены в 2011-2013 гг. и 2016 г. в Чартакском районе Наманганской области Узбекистана с выращиванием некоторых овощных культур без орошения в аридных условиях, которые дали весьма положительные результаты [3, 8].

На основе вышеизложенного, можно сделать **вывод** о том, что конденсация и адсорбция атмосферной влаги вносит ощутимый вклад в формирование почвенной влаги. Это при мульчировании дает возможность выращивать сельскохозяйственные культуры в аридных условиях.

#### Использованная литература:

1. Аполлов Б.А. Учение о реках. - М.: Изд-во. МГУ, 1963. - 423 с.
2. Бабушкин Л.Н. Основы агрометеорологии в Узбекистане. - Т.: Узгидромет, 2004. -288 с.
3. Камалов Б.А., Абдурахманов С.Т. О возможности развития растениеводства в аридных условиях без ирригации // Устойчивое развитие горных территорий.- №1.- 2015. - С. 57-61.
4. Лебедев А.Ф. Почвенные и грунтовые воды. М.-Л.: Изд. АН СССР, 1936.
5. Машуков П.М. Суточный ход уровня на малых горных реках как новый источник гидрологической информации // Тр. САНИГМИ. -вып. 32(47).-1968. - С. 34-41.
6. Роде А.А. Водный режим почв и его регулирование. - М.: Изд-во. АН СССР, 1963. -112 с.
7. Роде А.А. Вопросы водного режима почв.- Л.: Гидрометеиздат, 1978. -213 с.
8. Kamalov B.A, Abdurahmanov S.T, Koriyev M. Possibility of crop in arid conditions without irrigation. European applied sciences.-№11.-2015. - p.13-17.
9. Kamalov B.A. The Ancient Methods of Water Enhancement from the Atmosphere and their use // Seventh WMO scientific conference on weather modification (Chiang Mai, Thailand, 17-22 February 1999), 1999, WMO/TD, № 936, Geneva. – P. 154-155.

**ГЕОДЕЗИЯ ВА КАРТОГРАФИЯ****Алланазаров О.Р., Сафаров Э.Ю., Пренов Ш.М.\*  
ГЕОИНФОРМАТИКАНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ВА АЛОҚА  
ОБЪЕКТЛАРИ ДАВЛАТ КАДАСТРИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ  
ҲАҚИДА**

*Аннотация:* Мақолада геоинформатика ва ГИС технологиялари таркиби, ташкил этилиши, уларнинг алоқа кадастри ҳамда таълим тизимида фойдаланилиши масалалари ёритилган, янги “Геоинформатика” магистратура мутахассислиги ўқув адабиёти мазмуни баён этилган.

*Калим сўзлар:* геоинформатика, кадастр, таълим, алоқа-ГИС, картография, геовизуализация, ArcGIS, маълумотлар базаси, ТЕМПУС дастури.

**Об использовании геоинформатики в системе образования и государственном кадастре объектов связи**

*Аннотация:* В статье изложены структура, организация геоинформатики и ГИС технологий, вопросы их использования в системе образования и кадастре объектов связи, приведено содержание учебной литературы по новой магистерской специальности «Геоинформатика».

*Ключевые слова:* геоинформатика, кадастр, образование, связь-ГИС, картография, геовизуализация, ArcGIS, база данных, программа ТЕМПУС.

**About use of geoinformatics in the education system and the state cadastre of objects of communication**

*Abstract:* In article the structure, the organization of geoinformatics and GIS technologies, questions of their use in an education system and a cadastre of objects of communication, the maintenance of the educational literature on new magisters, specialities "Geoinformatics" are stated.

*Key words:* geoinformatics, a cadastre, education, communication - GIS, cartography, geovisualization, ArcGIS, a database, program TEMPUS.


**Кириш.** Ҳозирги пайтда геоинформатикага — маълумотлар базаси, банки, уларни бошқариш, турли мақсадлар ва муаммоларни ечишга йўналтирилган геоахборот тизимларини (ГИСларни) тайёрлашни ўз ичига олувчи аппарат ҳамда воситали ва дастур маҳсулотларини тайёрловчи ишлаб чиқариш саноати сифатида қаралади. ГИС эса геоинформацион технологияларни амалга оширадиган дастурли қобик бўлиб намоён бўлади. Республикамизда ГИС технологиялари турли соҳаларда ишлатилмоқда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва кадастр давлат қўмитасида барча кадастр ишларини юритишда, меъморчиликда, биноларнинг уч ўлчамли моделларини яратишда, масофали астрономик кузатувларда, ерни масофадан туриб тадбиқ қилишда ва ҳ.к. Мутахассислар кўплаб тадқиқотларини геоахборот тизимларини қўллаб олиб бормоқдалар.

ГИС технологиялари нафақат давлат кадастр ишларини юритишда ишлатилмоқда, балки рақамли карталар яратиш, маълумотлар базасини шакллантиришда ҳам қўлланилади. Умуман олганда, ҳар бир кадастр соҳаси ўзининг ГИСини ташкил қилиш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда. Бу эса давлат кадастрлари ўз объектларини Давлат кадастр ягона тизимига тақдим этганда, уларни ўрганиш объектлари ҳақидаги рақамли карталари объектлари жойлашган координаталари устма-уст тушиши кераклигини

\* Алланазаров О.Р. - ЎзМУ Геодезия ва картография кафедраси катта ўқитувчиси,  
Сафаров Э.Ю. – ЎзМУ Геодезия ва картография кафедраси мудири, т.ф.д., профессор,  
Пренов Ш.М. - ЎзМУ Геодезия ва картография кафедраси КИХИ.


кўрсатади. Мазкур мақолада геоахборот технологияларини кадастр ва таълим тизимида қўлланилиши ҳақида сўз юритилган.

**Асосий қисм.** Алоқа объектлари кадастри қўйидаги объектларни рўйхатга олади ва уни ўрганиш объекти сифатида қарайди: халқаро, шаҳарлараро, вилоят ва туман аҳамиятига эга бўлган телефон-телеграф тармоқлари, турғун асбоб-ускуналар, магистрал линиялар ва ҳ.к. Юқоридагилар билан бир қаторда автомобиль ва темир йўллари ҳам кадастр объекти ҳисобланади. Соҳа кадастри маълумотларини киритиш ва кадастр тизимини юритишда “Алоқа-ГИС” геоахборот тизимини ташкил этиш жарёнини қўйидагича тасаввур этиш мумкин (1-расм).



1-расм. Алоқа кадастри географик ахборот тизимини ташкил этиш технологик чизмаси


Кадастр тизими вазифаларини амалга ошириш, ҳудудий маълумотларни тўплаш, сақлаш, қидириш, таҳлил қилиш ва тасвирлашда, маълумотлар базасини компьютер бошқарув тизими орқали идрок этиш учун ArcGIS тўла воситалар мажмуасини тавсия қилади.



2-расм. ArcGIS дастурида номенклатура квадратларига топографик картани жойлаштириш

ГИСга картографик хусусиятли маълумотларни жойлаш учун мавжуд қоғоз картадаги ҳар бир объект тури алоҳида қатлам сифатида рақамлаб чиқилади. Рақамлаш


ишлари олдидан топографик карталар танлаб олинади, улар 300 dpi ҳажмли TIF форматида рангли сканердан ўтказилади, компьютер хотирасига растр кўринишда жойлаштирилади. Сканерлаш хатоларини тузатиш учун, карта-схемалар Adobe Photoshope графикли муҳаррири ёрдамида тўғирлаб чиқилади, улар бир хил ўлчамга келтирилиб қирқиб олинади.



### 3-расм. Adobe Photoshop дастурида карталарни JPEG форматга ўтказиш

Қирқиб олиш ишлари яқунлангач, карталар ArcGIS дастурий таъминотига юкланади. ArcGIS дастурида иш, биринчи навбатда, таянч нуқталарни танлашдан бошланади, бунда топографик карта трапецияси бурчак координаталаридан фойдаланилади. Трапециялар топографик карта номенклатураси бўйича номланади.


ГИС дастурига ҳосил қилинган трапецияларга мос келадиган топографик карта варақлари жойлаштириб чиқилади ва уни ArcGISга юклаш “добавить” ускунаси ёрдамида бажарилади. Карта варақлари ўз ўрнига тушгандан сўнг қатлам ускунасида “қўшилган қатлам” танлаб олинади. “Пространственная привязка” бўлимида “подогнать к отображаемому экстенду” танлаиб кейинги, янги карталар олдинги картага қўшиб борилади. Бунда янги қатлам ўзининг трапецияси бўйича жойлаштирилиб, “трансформировать” амали бажарилади. Янги карта учун иш жараёни юқорида келтирилган тартибда қайта бажарилади.




### 4-расм. ArcGIS дастурида номенклатура квадратларини ҳосил қилиш

Топографик карталар трапециялари ҳосил қилингандан сўнг, карталардаги ҳар бир объект тури алоҳида қатлам сифатида рақамланади. Объектлар тури жойлашган қатламларни яратиш “Layers” орқали амалга оширилади, улар объект номи билан сақланади (4-расм). ArcGIS дастурида бажарилган ишлар натижалари, киритилган картографик, статистик ва матнли маълумотлар графикли ва жадвал кўринишида сақланади, мурожат этилганда қайта юкланади (5 ва 6-расмлар).

Ўтказилган тадқиқотлар, амалий ишлар тажрибаси шуни кўрсатадики, дастурда амалларни бажариш олдида тизимнинг алоҳида қисмлари бўйича тузилиши тавсифларига катта эътибор қаратиш талаб қилинади. Соҳа кадастри талабини тўла-тўқис таъминлаш учун ГИС дастурий маҳсулотлари, технологик ёндашувлари, архитектуравий тузилиши муҳим аҳамият касб этади. Эътиборсизлик, иш жараёнида йўл қўйиладиган хатоликлар жуда қимматга тушиши ва кейинги ишларда катта муаммоларни юзага келтириб чиқариши мумкин.



**5-расм. ArcGIS дастурида рақамли карта қатламларининг графикли кўриниши**



**6-расм. ArcGIS дастурида рақамли картанинг жадвал сифатида ифодаланилиши (маълумотлар базаси атрибутлари орқали)**

Ҳозирда геоинформатика фани таълими жараёнининг ривожланишида ЎЗМУ геодезия ва картография кафедрасида олиб борилаётган ишлар эътиборга лойиқ. Геоинформатика фан сифатида картография, масофадан туриб зондлаш, география ва Ер ҳақидаги бошқа фанлар ўрганадиган табиат ва жамият геотизимларини махсус восита ва методлар орқали тадқиқ қилади. Улардан энг муҳими - компьютерли моделлаштириш ва геоинформацион картага олишдир.

Кафедра аъзолари Темпус GE-UZ лойиҳаси доирасида 5A311502 - “Геодезия ва картография (геоинформатика)” мутахассислиги бўйича магистратура таълим тизимини ташкил этиш ишларида қатнашдилар. Ушбу магистратура таълим тизими учун ишлаб чиқилган янги ўқув режасига биноан "Картография ва геовизуализация" фани асосий курслардан бири деб ҳисобланган. Ушбу фанни талабаларга ўқитиш мақсадида кафедра аъзолари томонидан ўқув қўлланма ёзилди. Китобда визуаль коммуникация, карта дизайни, картографик моделлаштириш, карталарни лойиҳалаш ва тузиш, юзани визуаллаштириш, виртуал ва мавжуд реаллик, замонавий ГИС технологиялари асосида карталарни лойиҳалаш ва тузиш, моделлаштириш, маълумотлар базасини яратиш, 3D (dimension), геотасвирларни яратиш (визуаллаштириш) ва уларни ҳосил қилиш усуллари мукамал баён этилган. Ўқув қўлланмадан магистратура талабалари, катта илмий ходим-изланувчилар ва олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин. Ушбу қўлланма Геодезия ва картография кафедраси профессор-ўқитувчилари Э.Ю.Сафаров, Ш.М.Пренов, О.Р.Алланазаров, А.К.Сайидов, Д.Н.Рахмоновлар томонидан нашрга тайёрланди ва чоп этилди.

**Хулоса** ўрнида таъкидлаш жоизки, ГИС дастурларида картографик ва кадастр ишларни амалга ошириш ва уларнинг маълумотлар базасини шакллантириш мутахассисларга кенг имкониятлар яратади. Шу мақсадда алоқа объектлари давлат

кадастри бўйича ишлаб чиқилган ГИС технологиялари тажрибаси, бошқа соҳаларда фаолият олиб бораётган мутахассислар учун ҳам қизиқиш уйғотиши мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Алоқа объектларининг давлат кадастрини юритиш учун кадастр ахборотини йиғиш ва уни давлат кадастри ягона тизимига тақдим этиш тартиби тўғрисида услубий қўлланма. РН 45-087. - Тошкент, 2008.

2. Мухитдинов М.М., Сайфулин Р.Р. Система сбора и обработки кадастровой информации объектов связи. – Ташкент, 2007.

3. Мухитдинов М.М., Махмудов М.М., Сайфулин Р.Р. Свидетельство № DGU 01225 Программа. Система сбора и обработки кадастровой информации. Государственное патентное ведомство Республики Узбекистан. – Ташкент, 2007.

4. Макашарипов С. Программирование баз данных на Visual Basic5. - М., 1997.

5. Концепция системы по сбору, обработке и представлению отчетности с кадастровой информацией объектов связи. Узбекское агентство связи и информатизации. - Ташкент, 2006.

6. Сафаров Э.Ю., Пренов Ш.М., Алланазаров О.Р. ва б. Картография ва геовизуаллаштириш. – Тошкент: “Иқтисод-молия”, 2016.

**Мирмахмудов Э.Р., Кудратов С.\***

**ОБ УЛУЧШЕНИИ ТОЧНОСТИ КООРДИНАТ ПУНКТОВ  
ГЕОДЕЗИЧЕСКОЙ СЕТИ В ОКРЕСТНОСТЯХ АНГРЕН-  
АЛМАЛЫКСКОЙ ПРОМЫШЛЕННОЙ ЗОНЫ**

*Аннотация:* в статье приведены некоторые рекомендации по определению и проектированию точек геодезических сетей в окрестностях Ангрэн-Алмалыкской промышленной зоны. Рассмотрены методы, примененные на основе высокоточных международных геодезических сетей.

*Ключевые слова:* государственная геодезическая сеть, спутниковая геодезическая сеть, высокоточная геодинимическая сеть, Ангрэн-Алмалыкская промышленная зона.

**Ангрэн-Олмалиқ саноат зонаси атрофидаги геодезик тармоқ нуқталари  
координаталарининг аниқлигини ошириш ҳақида**

*Аннотация:* мақолада Ангрэн ва Алмалиқ саноат зоналари атрофидаги геодезик тармоқлар нуқталари координаталарини аниқлаш ва лойиҳалаш бўйича айрим тавсиялар келтирилган. Геодезик тармоқлар координаталарини аниқлашда қўлланиладиган халқаро геодезик усуллар муҳокамаси келтирилган.

*Калим сўзлар:* давлат геодезия тармоғи, спутник геодезия тармоғи, аниқлиги юқори бўлган геодинимик тармоқ, Ангрэн-Олмалиқ саноат зонаси.

**On the improvement of the geodetic network for Angren-Almalyk industrial zone**

*Abstract:* improvement of the geodetic network for Angren and Almalyk industrial zones a given in this paper. It is support to use international terrestrial reference frame for improving of geodetic network.

*Key words:* State geodetic network, geodetic satellite network, high-precision geodynamic network, Angren-Almalyk Industrial Zone.

**Введение.** В рамках данной статьи трудно описать весь процесс уточнения и проектирования геодезической сети. Поэтому ниже приведены рекомендации по уточнению геодезической сети на основе высокоточной геодинимической сети CATS (Central Asian Tectonic Science) и некоторые элементы проектирования спутниковой геодезической сети (СГС) на примере Ангрэн-Алмалыкской промышленной зоны (ААПЗ),

\* Мирмахмудов Э.Р. – кандидат технических наук, доцент НУУз,  
Кудратов С. – преподаватель ТУИТ

где государственная геодезическая сеть (ГГС) не обновлялась с 1985 года, а пункты этой сети частично пришли в негодность.

**Основная часть.** Проектирование геодезической сети - это выбор местоположения пунктов на поверхности с соблюдением определенных требований. Плотность пунктов должна соответствовать назначению сети, а форма сети должна обеспечить определение элементов сети с необходимой точностью.

СГС, построенная с помощью GNSS, отличается от обычной геодезической сети. Не менее важно обеспечить оптимальное расположение наземных пунктов и конфигурацию GNSS. Основой составления проектов является закономерности действий ошибок в такой сети и ее отдельных фигурах. Это относится к составу измерений и их точности, геометрической характеристике сети, распределению и точности исходных пунктов, выбору оптимального варианта построения сети при некоторых ограничивающих условиях. Результаты проектирования СГС могут быть выражены рядом числовых характеристик:

- ошибки элементов СГС таких как базисы ( $m_D$ ) <sub>ii</sub>;
- ошибки положения пунктов СГС ( $m_x, m_y, m_z$ ) <sub>i</sub>;
- среднее расстояние между пунктами или плотность пунктов;
- характер распределения наблюдаемых положений ИСЗ в зоне видимости пункта;
- расположение базисов и исходных пунктов ( в Спутниковой триангуляции );
- количество измеренных величин для определения одного пункта;
- количество исходных пунктов и базисов;
- частоту прохождения ИСЗ в зоне видимости пунктов;
- продолжительность сеансов наблюдений.

При составлении проекта придется решать различные задачи, в целях определения остальных характеристик. Наиболее типичным является априорное определение точности положения заданных пунктов СГС, т.е. произведено обращение матрицы нормальных уравнений поправок координат. Другая задача требует, исходя из заданных характеристик точности и положения пунктов СГС, определения остальных характеристик проекта. При ее решении может потребоваться определять, с учетом оптимальных условий построения фигур сети, возможность получения заданной точности положения пунктов при определенном количестве измерений и, может, дать рекомендации по необходимой точности измерений. При установлении возможности реализации проекта решением этой задачи должны стать установление количества наблюдений, их оптимального размещения в пространстве и времени.

Геодезическая сеть Республики Узбекистана входила в ГГС бывшего СССР, где исходным пунктом для плановой привязки был и есть центр зала Главной Астрономической обсерватории (ПУЛКОВО-42), а исходным пунктом высотной привязки был и есть Кронштадский футшток (Балтийская система высот 1977). После обретения независимости каждая республика создавала новую геодезическую сеть с использованием нового эллипсоида относимости или оставляла существующую ГГС, приведенную к референц-эллипсоиду Красовского. В настоящее время геодезическая сеть Республики Узбекистан опирается на ГГС (СК-42, БСВ-1977). Все топографические карты изданы в этой системе. Учитывая особенности географического положения и потребности топографическими картами промышленными организациями, в 1997 году был принят Закон Республики Узбекистан «О геодезии и картографии» (Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1997 г., № 4-5, ст. 122; Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2011 г., № 41, ст. 449). Позже вышли соответствующие законы, способствующие улучшению топогеодезических работ в Узбекистане. Однако геодезическую сеть следуют периодически переуравнивать раз в 5-10 лет с учетом физико-географических условий и техногенного процесса. Недостаточное субсидирование на выполнение этих работ привели к утере некоторых геодезических пунктов и к



снижению точности координат пунктов геодезической сети из-за срока давности их закрепления. Такая же ситуация оказалась с геодезической сетью ААПЗ.

Геодезическая сеть ААПЗ создавалась в соответствии с Основными положениями 1954-1961 гг., характеризуется высокой точностью определения взаимного положения смежных пунктов в местной системе координат. Местные системы координат устанавливаются для проведения топогеодезических работ при инженерных изысканиях, строительстве и эксплуатации зданий и сооружений, межевании земель, ведении кадастров. Обязательным требованием при установлении местной системы координат является обеспечение возможности перехода от местной системы координат к государственной системе координат за счет применения параметров перехода. Несмотря на это, геодезическая сеть ААПЗ менее точна из-за глобальных и локальных смещений. Значительные смещения возникают из-за глобальных и локальных движений земной коры. Последний раз геодезическая сеть в окрестности Алмалыка и Ангрена переуровнивалась в 1980г. главным управлением геодезии и картографии. В 2006 году Центральным аэрогеодезическим предприятием Республики Узбекистан было произведено GPS измерения на территории Алмалыкского региона, но окончательных результатов не было получено. Работы по дальнейшему развитию, модернизации и повышению точности геодезической сети ААПЗ должны продолжаться практически непрерывно. Это связано с тем, что в промышленной зоне плотность геодезических пунктов еще недостаточна и ежегодно по разным причинам утрачивается около 30 % пунктов, которые надо систематически восстанавливать. С течением времени геодезическая сеть постепенно «стареет», теряя при этом свою первоначальную точность, а требования к ее точности непрерывно возрастают. Необходимо не только систематически восстанавливать утрачиваемые пункты и постоянно заботиться о развитии и сохранности сети, но и непрерывно вести работу по совершенствованию и повышению ее точности.

Одной из ближайших задач уточнения геодезической сети ААПЗ является определение в ней при помощи GNSS положения необходимого числа пунктов с высокой точностью. Условно называемая Ангрено-Алмалыкская фундаментальная геодезическая сеть (ААФГС) должна быть с длинами сторон треугольников порядка 5-10 км с сантиметровой или более высокой точностью. Каждый пункт ААФГС должен стать стационарной фундаментальной геодезической станцией, на которой по определенной программе должен периодически выполняться весь комплекс точнейших измерений разного вида. В окрестности каждого пункта ААФГС целесообразно вести систематические измерения за изменениями уровня почв, вызывающих соответствующие изменения высоты пункта. Все пункты ААФГС следует связать между собой линиями высокоточного нивелирования, повторяемого через определенные интервалы времени.

Все перечисленные выше позволяют получать в результате их совместной обработки мгновенные координаты пунктов ААФГС на момент их определения  $t$ . Положение пунктов в плане и по высоте изменяется вследствие приливных деформаций земной коры, современных движений земной поверхности, а также из-за перемещений крупных масс в теле Земли и т. п. Следовательно, переход на более высокий уровень точности потребует выполнения математической обработки результатов измерений в прецизионной ГГС.

При решении практических задач оперировать мгновенными координатами, изменяющимися во времени, неудобно. Мгновенные координаты следует редуцировать на определенную эпоху и на определенный эллипсоид, и пользоваться ими до тех пор, пока не возникнет необходимость перехода к координатам другой эпохи вследствие накопления недопустимо больших их изменений. Благодаря созданию ААФГС и выполнению в ней повторных измерений по определенной программе появится возможность построить систему опорных пунктов, мгновенные координаты которых будут известны с наивысшей точностью на каждый момент времени. Приняв элементы ААФГС за основу и совместив с пунктами ГГС, можно будет периодически

совершенствовать геодезическую сеть, и, таким образом, в результате повторного уравнивания поддерживать точность этой сети на должном уровне длительное время.

Разработка и постепенная реализация конкретной схемы построения ААФГС, а также вопросов, связанных с последующим совершенствованием и дальнейшим повышением точности геодезической сети, является актуальной и для решения вышеперечисленных задач необходимо выполнить:

1. Рекогносцировку геодезических пунктов на территории ААПЗ.
2. Восстановление или обновление утраченных геодезических и GPS пунктов.
3. Разработку, оптимизацию конфигурации и предварительный расчет ААФГС.
4. Геодезические измерения на пунктах ААФГС.
5. Редукцию ААФГС к пунктам CATS.
6. Вычисление предварительных координат ААФГС с точностью 0.5 м.

В дальнейшем для ААФГС предполагается разработать цифровую модель рельефа с помощью геоинформационных систем. Модернизация сети зависит от взаимодействия всех заинтересованных сторон, связанных с решением топогеодезического обеспечения Республики Узбекистан.

#### **Использованная литература:**

1. Бойко Е.Г. и др. Использование искусственных спутников Земли для построения геодезических сетей. - М.: "Недра", 1977.
2. Reigber Ch. & the CATS-Team, (1999), GPS constraints on the distribution of deformation of the Tien Shan, N-Pamirs and behavior of the Tarim, 14th Himalaya-Karakorum-Tibet Workshop, Terra Nostra, 127.

**ЮБИЛЕЙЛАР****АГРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ФАНИ ФИДОЙИСИ***(профессор А.Қ.Абдуллаев 75 ёшда)*

Ҳозирги вақтда, жадал ривожланаётган техник тараққиёт шароитида, фаннинг турли йўналишларидаги илмий тадқиқотларни замонавий технологиялардан етарли даражада хабардор бўлмаган ҳолда олиб бориш бирмунча мушкул. Дехқончилик тармоқларини ривожлантириш ва улар самарадорлигини оширишда, метеорологик элементлардан тўғри фойдаланишнинг илмий асосланган йўлларини ишлаб чиқишда асосий ўрин тутадиган кишлоқ хўжалиги метеорологияси, яъни агрометеорология фани бундан мустасно эмас. Чунки метеорологик жараёнларни кишлоқ хўжалиги нуқтаи назаридан баҳолаш - турли жиҳозлар ёрдамида олинadиган маълумотларни таҳлил этиш ва бу борадаги ҳодисаларни башоратлаш билан боғлиқ ҳаракатлар тизимини ўз ичига олади.



Бу соҳада профессорлар Л.Н. Бабушкин, Ф.А. Мўминовлар томонидан бошланган ишларни давом эттириш ва ривожлантириш турли даврларда бажарилган илмий тадқиқот ишларида эришилган ютуқлар изчиллигини таъминлашни тақазо қилади. Ана шундай масъулиятли вазифани, аниқроғи, Ўзбекистонда кишлоқ хўжалиги метеорологияси фанининг кейинги ўн йилликлар мобайнида ривожланишига катта ҳисса қўшишни муваффақиятли уддалаб келаётган олимлардан бири – география фанлари доктори Аълохон Қаюмхўжаевич Абдуллаевдир.

Олим юқорида номлари зикр этилган устозларидан қолган илмий мерос ва анъанани нафақат асраб-авайлаб, балки кўп сонли шогирдлари ва ҳамкасблари билан муносиб давом эттирмоқдалар. Ҳозирги кунда улар Ўзбекистонда агроиклимий ресурсларни ва агроэкологик шароитларни, айниқса, уларни мамлакатимиз кишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи - пахтачилик нуқтаи назаридан баҳолаш бўйича амалий тадқиқотларни юқори даражада амалга ошириб келмоқдалар.

А.Қ. Абдуллаев 1941 йил 5 июлда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Ўрта мактабни муваффақиятли тамомлагач, 1958 йилда Тошкент гидрометеорология техникумига ўқишга кирди. Метеоролог сифатида талабалик вақтидаёқ шаклланган ёш мутахассис, 1961 йилда техникумда ўқишни тугатгач, Ўрта Осиё Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтида оддий ходим бўлиб ишлай бошлади. У ўзининг амалий фаолиятини Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти (ҳозирда педогогика университети) География факультетининг кечки бўлимида химия-биология мутахассислиги бўйича ўқиш билан биргаликда олиб борди. Илмга қизиқувчанлигининг исботи шуки, улар талабалик давридаёқ, аниқроғи, 1964 йилда ҳали олий маълумотга эга бўлмасдан туриб, собиқ Иттифоқ Гидрометеорология хизмати (Москва ш.) раҳбариятининг рухсати билан, кичик илмий ходим лавозимига ўтказилди, агрометеорология соҳаси бўйича илмий тадқиқотлар олиб борди. У 1966 йилда институтни тамомлагач, ёш мутахассис сифатида илмий ишларга шўнғиб кетди.

Кўп йиллар давомида Ўрта Осиё агрометеорология мактабининг таниқли вакиллари - профессорлар Л.Н. Бабушкин ва Ф.А. Мўминовлар ёш олимга мазкур фаннинг сир-асрорларидан сабоқ беришди. Устозлари унда дала ва лаборатория тадқиқотларига қизиқиш ва меҳрни уйғотиб, олинган натижаларни Ўзбекистон Гидрометеорология хизматининг тезкор кузатиш фаолиятида фойдаланиш ҳамда бу борада доимий илмий изланишда бўлишга ундашди.

Илмга чанқоқ ва интилувчан ёш олим - профессор Ф.А. Мўминов раҳбарлигида олиб борган илмий тадқиқотлари натижаларини умумлаштириб, А.А.Абдуллаев 1972 йилда “Пахта экин майдонларининг нам билан таъминланганлигини агрометеорологик

баҳолаш” мавзуидаги номзодлик ишини ҳимоя қилди. Унга 1985 йилда 11.00.09 «Метеорология, иқлимшунослик, агрометеорология» мутахассислиги бўйича катта илмий ходим унвони берилди. Изланувчи олим 2000 йилда “Ўзбекистонда пахта ҳосилдорлиги ҳолатини агрометеорологик баҳолаш ва башорат қилиш” мавзуида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Устозлари ишончини тўла оқлай олган А.Қ. Абдуллаев, мана кўп йилдирки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет)га қарашли Гидрометеорология илмий-текшириш институти (ГМИТИ) Агроиқлим ресурслари мониторинги ва агроэкология бўлимининг бошлиғи лавозимида мамлакатимизда қишлоқ хўжалик метеорологияси фани бўйича илмий-тадқиқотлар ривожига бошчилик қилиб келмоқда. Олим илмий изланишларни олиб бориш билан бир қаторда узок йиллар давомида тўпланган бой билим ва тажрибасини ёш авлодга ўргатиш билан ҳам фаол шуғулланиб, агрометеорология, агроиқлимшунослик ва экология соҳасида мутахассислар тайёрлаш ишига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Олимнинг ҳозирги замон қишлоқ хўжалик метеорологияси фани ривожига қўшган ҳиссаси қуйидаги муҳим йўналишларда амалга оширилган илмий-тадқиқотларда яққол кўзга ташланади:

- агрометеорология ва ўсимликлар физиологияси бўйича дала ва лаборатория тажрибаларини олиб бориш усуллари қатори кенгайтирилди;

- ғўза барги юзаси майдонини аниқлашнинг ўзига хос замонавий усули таклиф этилди;

- ҳаво ҳароратининг ғўза баргларида азотли бирикмалар миқдорининг тадрижий ўзгаришига таъсири тадқиқ этилди;

- турли даражадаги нам захирасига эга бўлган тупроқларда ғўза ҳосилдорлигининг шаклланиш қонуниятини аниқланди;

- фенологик кузатишлар ва ғўза ҳосилдорлигини белгилаб берувчи элементларни аниқлашнинг янги усуллари ишлаб чиқилди ва улар Ўзбекистон Республикасида пахтачиликнинг агрометеорологик хизмати таъминоти амалиётига, ҳозирги замон талабидан келиб чиққан ҳолда, жорий этилди;

- Ўрта Осиё республикаларида вилоят, туман ва, ҳатто, алоҳида дала миқёсида пахтанинг яқин келажакка мўлжалланган ўртача ҳосилдорлигини башорат қилиш ва узок муддатга мўлжалланган агрометеорологик башоратлари асосида республика миқёсида пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосил ҳажмини олдиндан аниқлаш методикаси ишлаб чиқилди.

Олим томонидан эълон қилинган илмий ишларнинг аксарияти Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантиришда агрометеорологик жараёнлардан илмий асосланган ҳолда фойдаланиш мавзуига бағишланган. Олим раҳбарлигида, муаллифлигида ёки ҳаммуаллифлар иштирокида «Ўзбекистон вилоятлари, ўлкалари ва иқтисодий районлари бўйича кузги ва баҳорги донли экинлар остидаги кўп йиллик ўртача намлик захираси», «Ўзбекистон ҳудудини агрогидрологик районлаштириш» деб номланган амалий маълумотномалар, «Ўзбекистон далаларидаги тупроқнинг музлаш чуқурлиги иқлим ўзгариши шароитидаги агроиқлимий кўрсаткич сифатида», «Ўзбекистон ҳудуди бўйича турли чуқурликдаги тупроқнинг иссиқлик режими ва кўп йиллик ҳарорат кўрсаткичлари» каби монографик тадқиқотлар тайёрланган ва чоп этилган. Шунингдек, олим «Ўзбекистон ҳудудида мумкин бўлган иқлим ўзгаришлари муносабати билан пахтачиликни қайта ташкил этиш стратегияси бўйича таклифлар»ни тайёрлашда фаол иштирок этди.

Олим узок йиллар мобайнида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиде талабаларга «Қишлоқ хўжалиги метеорологияси» фанидан маърузалар ўқиш билан бирга, олий таълим муассасалари ва ўрта махсус касб-хунар коллежлари талабалари учун қатор дарслик ва ўқув қўлланмаларини ҳам яратди. Жумладан, педогог-олим олий ўқув юртлири учун мўлжалланган «Агрометеорология» (2005, 2008), «Физика

ва агрометеорология» (2015) дарслиги, гидрометеорология ва қишлоқ хўжалиги коллежлари учун «Агрометеорология асослари» (2006), «Агрометеорологик кузатишлар» (2006) ўқув қўлланмалари, икки жилддан иборат «Қишлоқ хўжалиги метеорологияси бўйича изоҳли луғат» каби асарларидан ҳозирги вақтда мамлакатимизда гидрометеорология ва агрометеорология йўналишлари бўйича малакали мутахассислар тайёрлашда асосий қўлланмалар сифатида фойдаланиб келинмоқда. Таниқли олим А.Қ. Абдуллаевнинг кейинги йилларда олиб бораётган илмий фаолияти мамлакат ва минтақа миқёсидан чиқиб, дунё қишлоқ хўжалигининг метеорологик муаммоларига бағишланди. Олим томонидан мазкур йўналишга раҳбарлик қилиш ва ҳамкасблари билан ҳамкорликда «Дунё мамлакатларида шоли, буғдой ва пахта толаси» (2005), «Дунёнинг турли мамлакатларида пахта толаси ишлаб чиқариш» (2006), «Дунё мамлакатлари бўйича метеорологик элементларнинг кўп йиллик кўрсаткичлари» (2007) каби маълумотномалар ва «Агрометеорологик муаммоларни ҳал қилишда математик статистикадан фойдаланиш ва геoinформацион тизимни қўллаш усули» (2009) каби 10 дан зиёд монографик асарлари чоп этилди.

БМТ ҳузуридаги нуфузли Жаҳон Метеорологиясининг Халқаро ҳамкорлиги доирасида олим, ўзбек агрометеорологиясининг таниқли вакили сифатида, 1977 – 1978 йилларда Вьетнам, 1979 – 1982 йилларда Афғонистонда узоқ муддатли илмий-амалий сафарларда бўлган. У халқаро ҳамкорлар билан биргаликда мазкур мамлакатларнинг агрометеорология, иқлимшунослик ва агроиқлимшунослик масалаларига бағишлаб инглиз ва бошқа тилларда чоп этилган қатор илмий ишларнинг муаллифидир. Шунингдек, дунёнинг қирқдан ошиқ мамлакатлари мутахассисларининг агрометеорология соҳасида ўз билимларини оширишларида А.Қ. Абдуллаевнинг ҳиссаси катта бўлган.

Устоз Ўзгидрометнинг ГМИТИ ҳузуридаги ва Қирғиз-Россия Славян университети қошидаги докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимояси бўйича Ихтисослашган илмий кенгашларнинг аъзоси сифатида, шунингдек, ЎзМУ нинг география, физика факультетларида битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари ҳимоясида Давлат Аттестация Комиссияси (ДАК) раиси сифатида юқори малакали мутахассислар тайёрлашда ҳам фаол қатнашмоқда. Шулар қаторида устоз-олим мустақил мамлакатимиз география оламининг нуфузли илмий журнали ҳисобланган Ўзбекистон География жамияти ахборотининг таҳрир ҳайъати аъзосидир.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, агрометеорология соҳасида мамлакат, минтақа ва халқаро миқёсда олиб борган 55 йилдан ортиқ илмий-педагогик фаолияти давомида устоз-олим томонидан 200 дан зиёд илмий ишлар, шу жумладан, 10 та монография, кўплаб дарсликлар, ўқув қўлланмалар, услубий кўрсатмалар ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, чоп этилган.

Устознинг қишлоқ хўжалиги метеорологияси фани ривожига қўшган ҳиссаси нафақат Ўзбекистонда, балки халқаро миқёсда, дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳам тан олинган. Жумладан, 2011 йилда Буюк Британиянинг Кэмбриж университети дунё агрометеорология фанига қўшган ҳиссаси учун А.Қ. Абдуллаевни “Дунёнинг 100 та энг машҳур олими” фахрий клуби аъзолигига қабул қилган. Олим худди шу йили Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20-йиллиги нишони белгиси билан тақдирланган.

Мамлакатимизда табиий ва амалий фанлар билан шуғулланган олимлар талайгина. Аммо, улар орасида агрометеоролог олим - Аъло Қаюмхўжаевич Абдуллаевнинг номи нафақат мамлакатимиз ёки минтақа, балки бутун дунё метеорологларига жуда яхши маълум ва машҳурдир. Устоз – олим ҳозирда ҳам илмий-педагогик фаолиятини самарали давом эттирмоқдалар. Мазкур жабҳаларда уларга янада улкан зафарлар тилаймиз.

*Ўзбекистон география жамияти Президиуми аъзолари:  
Б. Камолов, Ф. Ҳикматов, А. Эгамбердиев*

**ВИКТОРУ АРТЕМЬЕВИЧУ ПОПОВУ 70 ЛЕТ**

География получила развитие на базе знаний, добытых учёными в многочисленных экспедициях, однако ныне внимание к полевым исследованиям в географии в силу разных причин существенно ослабло. Но и в наше время среди географов есть верные приверженцы классических экспедиционных методов. К числу таковых, безусловно, следует отнести кандидата географических наук Виктора Артемьевича Попова.

В.А.Попов родился 15 сентября 1946 года в Хавасте Сырдарьинской области. В 1969 году поступил на вечернее отделение географического факультета ТашГУ, которое успешно окончил в 1974 году. Уже дипломная работа В.А.Попова, которая была написана под руководством известного зоолога профессора Р.Н.Макленбурцева и посвящена трансформации животного мира Голодной степи под влиянием её освоения, обратила на себя внимание основательностью и глубиной эколого-географического анализа.

В 1972 году Виктор Артемьевич начал свою научную деятельность в Отделе географии АН Узбекистана. Он принял активное участие в разработке ряда карт 1-тома «Атласа Узбекской ССР»: «Растительность», «Пастбищно-мелиоративные мероприятия», «Территориальные комплексы современного населения млекопитающих и птиц» и других.

В 1976-1980 гг. он обучался в заочной аспирантуре Отдела географии АН Узбекистана. Многолетняя кропотливая работа по изучению ландшафтной структуры Южного Приаралья завершилась успешной защитой кандидатской диссертации в 1990 году на тему «Исследование морфологической структуры и динамики ландшафтов дельты Амударьи» под руководством профессора Б.В.Виноградова. Наиболее существенными достижениями тех исследований учёного можно назвать выявление морфологической структуры ландшафтов современной дельты Амударьи, обоснование размеров геосистем разного ранга, моделирование динамики ландшафтов Южного Приаралья с учётом экологического кризиса в регионе и редкий опыт подробного картографирования морфологической структуры ландшафтов крупного региона Узбекистана вплоть до фаций.

В середине 1990-ых годов В.А.Попов из Отдела географии перешёл на работу в систему Госкомгеодезкадастра, позже возглавлял лабораторию геоэкологии Геологического факультета НУУз. С этого времени и по нынешний день В.А.Попов постоянно принимает активное участие в различных проектах ПРООН в Республике Узбекистан по экологическому мониторингу ландшафтов в различных регионах страны, в частности, в Приаралье и на высохшем дне Арала.

В «Географическом атласе Узбекистана», изданном в 2013 году, 10 карт составлено при непосредственном участии В.А.Попова. Кроме того, он является научным редактором трёх разделов этого атласа – «Рельеф», «Растительность», «Ландшафты и физико-географическое районирование». Ныне готовится к выходу «Геологический атлас Узбекистана», в подготовке которого юбилей также сыграл немалую роль.

В самое последнее время В.А.Попов в сотрудничестве с ведущими биологами республики принял активное участие в подготовке коллективных монографий «Ботанико-географическое районирование Узбекистана» и «Рекомендации по оптимизации сети заповедников в Узбекистане». Некоторые предложения В.А.Попова по созданию новых охраняемых природных территорий, в частности, в Центральном Кызылкуме и Южном Приаралье, вошли в недавно утверждённую Кабинетом Министров РУз Программу по расширению сети природоохранных территорий республики в 2016-2020 гг.

Отрадно подчеркнуть, что привыкший познавать на практике природу нашей страны В.А.Попов, будучи автором около 200 научных работ, отмечает своё 70-летие новыми интересными результатами экспедиционной и научно-теоретической работы по разным актуальным проблемам географии и геоэкологии. Пожелаем же В.А.Попову крепкого здоровья и многолетней успешной творческой деятельности!

*В.Н.Федорко*

**МАҲАМАДАЛИЕВ РАВШАН ЙЎЛДОШЕВИЧ 60 ЁШДА**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети География факультетини кўп йиллар давомида декан лавозимида бошқарган география фанлари номзоди, доцент Маҳамдалиев Равшан Йўлдошевич 1956 йил 10 сентябрда Тошкент вилоятининг Зангиота туманида туғилган.

У меҳнат фаолиятини 1978 йилда Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) техниги, кейинчалик лаборанти лавозимларидан бошлаган. 1980 йилда Р.Й. Маҳамдалиев ТошДУни география факультетига ўқишга кириб, уни 1985 йилда географ-ўқитувчи мутахассислиги бўйича тугатди.

Ёш мутахассис Р.Й.Маҳамдалиев 1985 йилдан ўзи таҳсил олган факультетда катта лаборант вазифасида иш бошлади. Шу лавозимда ишлаш чоғида, Равшан Йўлдошевич ўзининг география илмига бўлган қизиқиши ва чанқоқлигини намоён этганлиги боис, “Иқтисодий география” кафедраси мудир, ёшларга доимо раҳнамо бўлиб келган кадрдон устозимиз, марҳум Абдусами Солиевнинг тавсиялари билан сиртқи аспирантурага қабул қилинди. А.С.Солиевнинг илмий раҳбарлиги остида Р.Й. Маҳамдалиев кишлоқ жойлар географияси йўналиши бўйича илмий тадқиқотларни олиб боришга киришди.

Аспирантурани тамомлагач, ёш тадқиқотчи 1989 йилдан “Иқтисодий география” кафедрасида ўқитувчи лавозимида меҳнат фаолиятини давом эттирди. У 1993 йилда профессор А.С.Солиевнинг илмий раҳбарлигида “Тошкент вилояти кишлоқларининг шаклланиши ва ривожланиши” мавзусида 11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география ихтисослиги бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Яратганнинг иродаси билан Р.Й.Маҳамдалиев профессор А.С.Солиевнинг 7-рақамдаги диссертациясини ҳимоя қилган шогирдидир. Айни пайтда у Устознинг диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқот иши натижаларини ўзбек тилида тайёрлаган илк шогирдидир.

Номзодлик ишини ҳимоя қилгач, Р.Й.Маҳамдалиев “Иқтисодий география” кафедрасининг катта ўқитувчиси, 1995 йилдан бошлаб эса доцент лавозимида ўз илмий-педагогик фаолиятини давом эттирди. Ёш олим 1998-1999 йилларда ТошДУ География факультети декани муовини лавозимида ишлади. ЎЗМУ раҳбарияти тавсияси билан доц. Р.Й.Маҳамдалиев 1999 йилдан бошлаб, 2014 йилгача, яъни 15 йил давомида Равшан Йўлдошевич География факультети декани лавозимида баракали фаолият олиб борди.

У факультет декани сифатида география таълимининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, ўқув жараёнини ташкил этиш ва унга янги педогогик технологияларни тадбиқ қилиш, таълим-тарбия сифатини ошириш бўйича намунали фаолият кўрсатди.

Доцент Равшан Йўлдошевич шахс сифатида окқўнгил, очиқ характерга эга, адолатли, зиммасига юкланган вазифаларни бажаришга ижодий ёндашади.

Маҳамдалиев Равшан Йўлдошевич ҳамкасбларига, талабаларга нисбатан ғамхўр, меҳрибон, шу билан бирга талабчан устоз ва мураббийдир. У 3 фарзанднинг меҳрибон отаси, 5 набиранинг суюкли бобоси сифатида катта оиланинг раҳнамосидир.

Ўзбекистон География жамияти ҳамкасбимиз Равшан Йўлдошевични қутлуғ 60 ёши билан табриклайди, унга мустаҳкам соғлиқ ва илмий-педагогик фаолиятида янгидан-янги муваффақиятлар тилайди.



*Ўзбекистон География жамияти раёсати,  
Ўзбекистон Миллий университети  
Геология ва география факультети ҳамда  
“География” кафедраси жамоалари*

## АСРОР НИЗОМОВ 60 ЁШДА



Асрор Низомов 1956 йилда Самарқанд вилоятининг Қўшрабат тумани Оғатепа қишлоғида таваллуд топди. А.Низомов Қўшрабат туманидаги 9-ўрта мактабда дастлабки билимларни олиб, 1973-1978 йиллар мобайнида Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг «География» факультетида таҳсил олди.

1976 йили Ўзбекистон ФА Геология ва геофизика илмий-тадқиқот институти гляциал геология лабораторияси томонидан Федченко музлигига ташкил этилган экспедиция ишида қатнашиш Асрор Низомовнинг илмий фаолиятининг дастлабки қадами бўлди. А.Низомовнинг меҳнат фаолияти 1979 йилдан Ўзбекистон геология қўмитаси қошидаги «ГИДРОИНГЕО» илмий тадқиқот институтида кичик илмий ходим сифатида бошланди.

Дастлабки илмий мақолалари бир неча дала экспедициялари давомида тўпланган материаллар асосида Ўзбекистоннинг тоғли худудлари карст булоқларининг табиий-географик хусусиятларига бағишланган эди. А.Низомов 1983 йилда «ГИДРОИНГЕО» илмий тадқиқот институтида мақсадли аспирантурага қабул қилинди. А.Низомов тадқиқотлик даврида г-м.ф.д., академик А.Султонхўжаев ва г.ф.д., профессор М.Маматкулов илмий раҳбарлигида «Карст правобережья р.Сурхандарья и его роль в формировании поверхностных вод» мавзусида номзодлик диссертация иши тадқиқотларини олиб бориб, уни 1989 йилда «ГИДРОИНГЕО» илмий тадқиқот институти қошидаги илмий Кенгашда муваффақиятли ҳимоя қилди.

А.Низомов карст сувлари ҳосил бўлиши, қадимги гидротехник иншоотлар географияси, топонимика борасида тадқиқотлар олиб бориб, кўплаб илмий ишларни чоп эттирган. «Чучук сув манбаи» (1985), «Ҳисор булоқлари» (1989) илмий-оммабоп рисоалари, «Ўзбекистоннинг қадимги гидротехник иншоотлари географияси» (2008), «Ўзбекистоннинг экотуристтик ресурслари ва йўналишлари» (2014) монографиялари, «Топонимика» (2013), «Табиий географик жараёнлар» (2015), «Ўзбекистон тоғ музликлари» (2016), «География ўқитиш методикаси» таълим йўналиши талабалари учун дала амалиёти» (2016) ўқув ва услубий қўлланмалари шулар жумласидандир.

А.Низомовнинг ташаббуси билан «Ўзбеккино» миллий агентлиги «Эси-эко-фильм» студияси томонидан «Сардоба - об-ҳаёт кўриқчилари» (2006), «Борсакелмас» (2007) ва «Чинк - сукунат салтанати» (2007) Устюрт платоси ҳақидаги илмий-оммабоп фильмлари туркуми, «Ўзбекистоннинг ички сув ҳавзалари» ўқув-услубий фильми (2011) тайёрланиб, ҳозирда улар ўқув жараёнида фойдаланилмоқда.

А.Низомовнинг кўплаб бадиий асарлари ҳам эълон қилинган. «Зулқарнайн қишлоғида» қиссаси (2013), «Қора йўрға» бадиий асарлар ва публицистик мақолалар тўплами (2015) шуларга мисол бўла олади.

А.Низомов нафақат дала тадқиқотчиси, балки педагог сифатида ҳам самарали фаолият олиб бормоқда. У 1994 йилдан ЎЗМУ «Умумий экология» кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида фаолият олиб борди. Низомий номидаги ТДПУ «География ўқитиш методикаси» кафедраси мудири профессор Х.Ваҳобов таклифига биноан А.Низомов педагогик фаолиятини 2003 йилдан мазкур кафедрада давом эттира бошлади. Устоз дарсларини ҳамиша ўзига талабчан ҳолда, замон талабида, илғор педагогик технологияларга таяниб ўтишга ҳаракат қилади. Шу боис талабалар ва устозлар ўртасида обрӯ-эътибор қозониб келмоқда.

Кафедра жамоаси номидан доцент Асрор Низомовни кутлуғ 60-йиллик юбилей ёши билан табриклаб, соғ-омонлик, узоқ умр, келгусидаги илмий ва ижодий ишларига улкан зафарлар тилаб қоламиз.

*Алимқулов Н.Р., Ходжиматов А.Н., Сафаров У.Х.  
Низомий номидаги ТДПУ «География ўқитиш методикаси» кафедраси номидан*



**БАХРОМОВ ҚАЮМ ҲУСАИНОВИЧ 60 ЁШДА**

Баҳромов Қаям Ҳусайнович 1956 йил 21 апрелда Бухоро шаҳрида зиёлилар оиласида таваллуд топган. Бухоро шаҳридаги 6-мактабни аъло баҳоларда ўқиб, уни “Олтин медаль” билан битирган. У 1974-1979 йилларда Бухоро давлат педагогика институти табиатшунослик факултетида география-биология мутахассислиги бўйича таълим олиб, уни “Имтиёзли” диплом билан тугатган. Ёш мутахассис 1979-1983 йилларда Когон шаҳридаги 8-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади.

Кейинчалик, 1983-2008 йилларда у Бухоро вилоят педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида география кабинети мудир, илмий педагогик ишлар бўйича проректор, табиий фанлар кафедраси мудир, ўқув бўлими бошлиғи лавозимларида ишлади. Устоз 1988 йилдан ҳозирги кунга қадар Бухоро давлат университети география кафедрасида ўриндошлик асосида ишлаб келмоқда.

У республикада география ўқитиш методикаси йўналишида фаолият кўрсатаётган кам сонли соҳадаги йирик мутахассис олим ва тажрибали педагог. Изланувчи олим 2003 йил 16 январда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ҳузуридаги Д.067.18.01. рақамли ихтисослашган илмий Кенгашда “Географик объект, ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш асосида таълим самарадорлигини ошириш” мавзuida 13.00.02 ихтисослиги бўйича педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияни муваффақият билан ёқлади.

Педогог-мутахассис сифатида у 1986 йил XIV Республика педагогик ўқувларида ва 1988 йил VIII Бутуниттифок педагогик ўқувларида қатнашиб, география шўъбасида фахрли I ўринни эгаллаган. У Халқаро ва Республика илмий-методик журналларда унинг 50 дан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган. Халқаро ва МДХ давлатлари микёсидаги анжуманларда 10 дан ортиқ ва Республика микёсидаги илмий анжуманларда 80 дан ортиқ илмий мақолалар билан қатнашган ва фаолияти давомида 50 дан ортиқ рисола, монография ва турли қўлланмаларни нашр эттирган. Ҳозирги кунда Қ.Х. Баҳромов Бухоро Давлат университети ҳамда БДТИ қошидаги I-сон академик лицейда география фанидан таълим бериб келмоқда.

Олим-педогог Қ.Х. Баҳромовнинг “Бухоро вилоят умумтаълим мактаблари география ўқитувчилари учун тавсиянома” (1988), “Бухоролик буюк географ-сайёҳлар” (1990), “Бухоро вилояти иқтисодий-ижтимоий географияси” (1994), “Бухоро вилояти табиий географияси” (1995), “Бухоро вилояти географияси” (1996), “Бухоро вилояти топонимикаси” (1994), “Бухоро бу илм, илм эса Бухородур” (2008), “Бухоро илму эътиқод ва маънавият ўчоғи” (2013), “Бухоро мадрасалари” (2013), “Қадимги Бухоронинг савдо марказлари” (2013), “Экологик тарбияда халқ тажрибасидан фойдаланиш” (2013) ва бошқа асарлари кўп нусхада чоп этилган. Устоз томонидан ёзилган кўпгина ўқув қўлланмалар Республика Олий таълим муассасаларида, соҳада эътироф этилган манбалар сифатида “География” мутахассисларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Устоз-олим “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси”, “Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги” ва “Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги” медаллари, “А.Авлоний таваллудининг 125 йиллиги” юбилей медали ва бир неча кўкрак нишонлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиқлари, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг I даражали дипломи, Россия педагогика фанлари Академиясининг фахрий ёрлиғи ва I даражали дипломи ва бошқа мукофотлар билан тақдирланган. Қ.Баҳромовга 2006 йилда Халқаро Илмий Академиянинг фан доктори илмий даражаси ва 2007 йил профессор илмий унвони берилган.

Устоз-олимга илмий-педогогик фаолиятларида улкан зафарлар тилаймиз.

*Ўзбекистон География жамияти раёсати,  
ЎзГЖнинг Бухоро вилояти бўлими*

**КОРИФЕЙ ОТЕЧЕСТВЕННОГО ЛАНДШАФТОВЕДЕНИЯ**

*(к 90-летию со дня рождения профессора Н.А.Когай)*

Ташкентская школа региональной физической географии и ландшафтоведения является одной из признанных научных школ в данном направлении на пространстве бывшего Союза. Огромную роль в становлении и развитии этой самобытной научной школы, в обретении ею широкого признания в профессиональном сообществе сыграл заслуженный деятель науки Узбекистана, профессор, доктор географических наук Николай Андреевич Когай. 14 сентября 2016 года исполнилось 90 лет со дня рождения этого корифея ландшафтоведения Узбекистана.

Н.А.Когай родился 14 сентября 1926 года на Дальнем Востоке, в Приморском крае. Детство Николая Андреевича, рано потерявшего отца, было нелёгким. В печально достопамятном 1937 году, в возрасте 11 лет, Н.А.Когай вместе со своей семьёй в составе многочисленной корейской диаспоры был депортирован с советского Дальнего Востока в Среднюю Азию. Здесь, в солнечном Хорезме Николай Андреевич обрёл свою вторую родину. С началом войны в 1941 году Н.А.Когай отправился на север, в Республику Коми для работы на лесозаготовках. Там юный Николай Андреевич отдавал свой долг сражающейся с врагом родной стране на тяжёлом участке трудового фронта.

Жизнь, побросавшая молодого Н.А.Когай по разным уголкам Союза, возбудила в нём интерес к географии и привела в 1946 году на географический факультет Среднеазиатского университета (ныне – Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека). Николай Андреевич успешно окончил географический факультет САГУ в 1951 году и как подающий надежды молодой учёный был принят на работу на кафедру физической географии. Надо сказать, что Н.А.Когай стал первым корейцем, принятым в штат университета, что в условиях отсутствия на тот момент полной политической реабилитации советских корейцев стало заметной вехой в истории всей диаспоры.

Первые две научные статьи Н.А.Когай были опубликованы в сборнике трудов САГУ ещё в бытность его студентом, в 1951 году. Под руководством основоположника отечественной школы геоморфологии профессора Ю.А.Скворцова в 1956 году Н.А.Когай защитил кандидатскую диссертацию, посвящённую комплексному физико-географическому исследованию хребта Султан-Увайс. Работа под руководством Ю.А.Скворцова задавала высокий уровень геологического, палеогеографического и геоморфологического контекста ландшафтных исследований Н.А.Когай.

В 1960-е годы Николай Андреевич исходя из своих научных интересов начинает сотрудничать с крупным агроклиматологом и физико-географом профессором Л.Н.Бабушкиным и приходит к главному направлению своего научного творчества – ландшафтоведению и физико-географическому районированию. Совместно с Л.Н.Бабушкиным и Ч.В.Гальковым в 1964 году Н.А.Когай публикует первую ландшафтную карту Узбекистана в масштабе 1:1000000, составленную на типологической основе.

В 1960-1970-е годы Л.Н.Бабушкин и Н.А.Когай последовательно разрабатывают проблему детального физико-географического районирования Узбекистана и сопредельных республик. Итогом этих изысканий становятся монографические труды «Физико-географическое районирование Узбекистана» (1964), «Описание физико-географических округов и районов Таджикской ССР» (1967) и «Физико-географическое районирование Туркменской ССР» (1971). Эти работы отличались комплексностью, системно-структурным подходом, выраженным в иерархичности районирования и делимитации границ на основе ландшафтно-типологического анализа, а также практической направленностью в виде агропроизводственной оценки ландшафтов.

Многолетняя работа над физико-географическим районированием Узбекистана и сопредельных республик привела Н.А.Когай к разработке таких крупных научных

проблем, как научное обоснование природной обособленности юго-западной (Туранской) части Средней Азии и анализ глубокого естественноисторического единства равнин и гор Средней Азии как целостной физико-географической страны. Эти фундаментальные научные проблемы стали стержнем и ключевым содержанием докторской диссертации Н.А.Когай «Туранская физико-географическая провинция», защищённой им в 1972 году. В ней он всесторонне обосновал физико-географическую целостность равнин и гор Туранской провинции Средней Азии на богатом климатическом, биогеографическом, геолого-геоморфологическом и палеогеографическом материале. Николай Андреевич опубликовал несколько монографий, посвящённых физической географии Турана.

Методологический концепт системного единства гор и равнин Турана нашёл широкое признание в научном сообществе географов бывшего Союза именно после докторской защиты Николая Андреевича Когай, на которой одним из официальных оппонентов выступал легендарный профессор МГУ Н.А.Гвоздецкий, в течение многих лет последовательно отрицавший рациональность рассмотрения равнин и гор Средней Азии в рамках единых таксонов природного районирования. Однако уже в 1979 году в ставшем классическом учебном пособии «Основные проблемы физической географии», в главе «Системный подход в географии», Н.А.Гвоздецкий называет идеи геосистемного единства гор и равнин Средней Азии крупным теоретическим достижением ташкентской школы географов, в которой к тому времени Н.А.Когай играл, безусловно, лидирующую роль.

1970-80-е годы стали временем научной зрелости, продуктивной педагогической и организационной деятельности Николая Андреевича. В 1977-1983 гг. он был деканом географического факультета ТашГУ, в течение ряда лет заведовал кафедрой физической географии и председательствовал в учёном совете по физической географии при университете. Многие диссертационные работы, защищённые тогда в ташкентском совете, удостоивались высокой оценки в научном сообществе бывшего Союза, поэтому он приобрёл межреспубликанское значение. В 1978 году Николаю Андреевичу Когаю было присвоено высокое звание «Заслуженный деятель науки Узбекистана».

Николай Андреевич Когай стал связующим мостом между основоположниками отечественных комплексных и отраслевых физико-географических школ и географами, пришедшими в нашу науку в 1960-е годы. Под его научным руководством в 1970-90-е годы были защищены несколько кандидатских диссертаций на оригинальные темы: Ш.С.Закировым (оценка природных комплексов Ахангаранской долины для сельского хозяйства, 1972), В.А.Гороховским (анализ влияния Алмалыкского горно-металлургического комбината на природную среду, 1980), А.Зайнутдиновым (роль неотектонического фактора в ландшафтообразовании Приташкентского района, 1990), А.Соатовым (оценка природных комплексов и физико-географическое районирование Узбекистана для целей градостроительства, 1993). Ученики Н.А.Когай обрели видное место в географической науке и образовании Узбекистана и достойно продолжили развитие идей и творческих традиций основанной им и Л.Н.Бабушкиным научной школы.

В начале 1990-ых годов Николай Андреевич Когай отошёл от научно-педагогической работы, а в 2000 году уехал из Узбекистана в Российскую Федерацию. К сожалению, о дальнейшей судьбе Н.А.Когай достоверных сведений мы не имеем.

Однако научное наследие и заслуги этого выдающегося учёного перед географической наукой Узбекистана сохраняют своё огромное значение по нынешний день, а теоретические идеи, методологические подходы и методические приёмы исследований, заложенные Николаем Андреевичем, давно стали классикой региональной физической географии и ландшафтоведения, гордостью географии Узбекистана и образцом её высоких научно-практических достижений, лицом отечественной физической географии в международном профессиональном сообществе.

*В.Н.Федорко*

## ХОТИРА

## ГЕОГРАФИЯ ФАНИГА БАХШИДА УМР

(профессор А.Н.Рўзиев таваллудининг 80-йиллигига бағишлаб)

Профессор, география фанлари доктори Абдимўмин Нормуродович Рўзиев 1936 йил Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги Сайрак қишлоғида хизматчи оиласида туғилди. У 1954 йилда Денов шаҳридаги Охунбобоев номи ўрта мактабни аъло баҳоларга тамомлаб, 1954-1955 йилларда Шўрчи туманидаги Э.Тельман номи ўрта мактабда бошланғич синф ўқитувчиси лавозимида меҳнат фаолиятини бошлади.

Устознинг ўқувчилик йилларидан география фанига бўлган қизиқиши у кишини ўрта Осиё давлат университетининг география факультети томонига етаклади. А.Н.Рўзиев ушбу даргоҳни аъло баҳоларга тугаллади ва университет йўлланмаси билан 1960-1963 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг география бўлимида кичик илмий ходим бўлиб ишлаб бора бошлади. Устоз фанлар академиясида меҳнат қилиш давомида иқтисодий география фанининг муҳим тармоқларидан бири бўлган қишлоқ хўжалиги географияси бўйича тадқиқот ишларини олиб бориб, мазкур соҳанинг етакчи олимлари А.Н.Ракитников, К.И.Иванов, З.М.Акрамовларнинг илмий ишларини чуқур ўрганди.

1960 йилларда республика минтақаларини тадқиқ этиш бўйича ташкил этилган экспедициялар олим ижодида янги даврни бошлаб берди. У киши география бўлими томонидан 1961-1962 йилларда Самарқанд, 1963 йилларда Фарғона, 1958 ва 1965 йилларда Сурхондарё вилоятига уюштирилган экспедицияларда фаол иштирок этиб мамлакатимизнинг мазкур минтақалари бўйича бой илмий материаллар тўплади. Кейинчалик олим ёзган асарларида ушбу экспедиция материалларидан кенг фойдаланди.

А. Рўзиев география фанлари доктори, профессор З.М. Акрамовнинг илмий раҳбарлигида 1967 йилда “Сурхон-Шеробод водийсида қишлоқ хўжалигининг жойлашиш ва ривожланиш муаммолари” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. У киши 1963 йилдан 1978 йилгача Ҳ. Олимжон номидаги Қарши давлат педагогика институтида самарали фаолият юритиб, жумладан, география кафедрасида катта ўқитувчи (1963), доцент (1971), кафедра мудири (1975) лавозимларида ишлаб талабаларга иқтисодий география, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш асослари курсларидан маърузалар ўқиди.

А.Н. Рўзиев 1978 йилдан 2001 йил 31 октябрь, яъни умрининг сўнгги кунигача Термиз давлат университети (олдинги академик М.Т. Ойбек номидаги Термиз давлат педагогика институти)да доцент (1978-1986 йй.), илмий ишлар проректори (1980-1983 йй.), география кафедраси мудири, профессор (1987 йилдан), Иқтисод – география факультети декани (1993 йилдан) лавозимларида самарали меҳнат қилиб келган.

Олим 1987 йилда Ленинград Давлат Университетининг Илмий кенгашида “Ўзбекистон агросаноат комплексининг ҳудудий системалари ва уни такомиллаштириш йўллари” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. У ўзининг 20 йиллик ижодий меҳнати самараси бўлган ушбу ишида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини агросаноат интеграцияси негизида ривожлантиришнинг ҳудудий системаларини кашф этди. Докторлик ишида қишлоқ хўжалик корхонаси билан саноат корхонасининг узвий ҳамкорлиги – технологик алоқасининг агросаноат интеграцияси асосида ташкил қилиниши ҳақида фан ва амалиёт учун жуда зарур бўлган ғоялар илгари сурилди ва илмий жиҳатдан асослаб берилди.

А.Н. Рўзиев серкирра ижод билан шуғулланиб, марказий матбуотда, турли хил нуфузли нашриётларда агросаноат комплексининг муаммоли масалаларига оид 200 дан ортиқ илмий мақола, асар, дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратди. Шунингдек, олим республикаимизнинг вақтли матбуотида география ва иқтисодиётнинг долзарб

муаммоларига бағишланган 160 дан ортиқ мақола чоп этди. А.Н.Рўзиевнинг бевосита раҳбарлигида 5 нафар фан номзодлари тайёрланди, 15 нафар докторлик диссертацияларига маслаҳатчи, ҳамда 100 дан ортиқ докторлик ва номзодлик диссертацияларига расмий тақриз ёзган.

Ўтган асрнинг 70-80 йилларида олим баракали ижод қилди. Ушбу йилларда А.Н.Рўзиев Москва Давлат Университетининг профессори К.И.Иванов билан ҳамкорликда ижод қилди. 1975 йилда К.И.Ивановнинг Москвада “Мысль” нашриётида “Территориальные системы общественного производства” монографияси чоп қилинди. Мазкур монографиядан А.Н.Рўзиевнинг узумчилик, пиллачилик ва пахтачиликнинг худудий системасига оид учта мақоласи ўрин олган эди. Бу асар эса 1977 йилда Д.А.Анучин номидаги мукофотга сазовор бўлди.

А.Н.Рўзиев ўз меҳнат фаолияти давомида талабаларга қизиқарли маърузаларни ўқиш билан биргаликда, олий ўқув юрти талабалари учун бир қанча дарсликлар, ўқув ва ўқув-услубий кўлланмалар ёзган, жумладан олимнинг “Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш асослари” (1990), “Сурхондарё вилояти” (1996), “Сурхондарё вилояти сув омборлари ва агросаноат мажмуини ривожлантириш мажмуини ривожлантириш масалалари” (1997), “Марказий Осиёдавлатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси” (2000), “Ўзбекистон иқтисодий географияси” (2001) дарслик ва ўқув кўлланмалари чоп этилиб, кенг китобхонларга етказилган.

У киши фақат ёшларга таълим тарбия бериш, етук малакали кадрлар тайёрлаш, илм-фан йўлида тинимсиз ижод қилиш билан машғул бўлиб қолмасдан, республика география жамоатчилиги ўртасида ҳам каттагина ишларни амалга оширди. Унинг ташаббуси билан 1971 йилда Ўзбекистон, Собиқ Иттифоқ География жамиятининг Қарши бўлими, 1989 йилда Термиз бўлими очилди ва А.Н.Рўзиев ушбу бўлимларнинг биринчи раиси бўлди. Олим Ўзбекистон География жамияти Илмий Кенгашининг аъзоси, Республика география жамияти барча съездлари, Собиқ Иттифоқ География жамияти VI (Тбилиси), VII (Фрунзе), IX (Қозон) съездларининг ҳамда Жаҳон географлари XXII Конгрессининг қатнашчисидир.

А.Н.Рўзиев 25 йил давомида Ўзбекистон Халқ таълим вазирлиги қошидаги ўқув-методик кенгаши (ЎМК) аъзо, 1990 йилдан бошлаб эса ушбу кенгаш раиси этиб тайинланди, шунингдек, олим вазирлик қошида Олий ва ўрта мактаблар учун ёзиладиган дарсликларни таҳлил қиладиган танлов комиссиясига ҳам раис сифатида фаолият юритди.

А.Н.Рўзиев Собиқ Иттифоқнинг турли регионларида (Россия Федерацияси, Болтиқбўйи ва Кавказорти мамлакатлари, Украина, Белоруссия) талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётларига раҳбарлик қилган. А.Н.Рўзиев 1974 йилда Франция, 1990 йилда Шимолий Европа (Дания, Буюк Британия) ва Скандинавия (Финландия, Швеция) мамлакатларида бўлиб қайтди. Абдимўмин ака Европага ўз саёҳати таасуротларини “Фан ва турмуш” журналида ёритган.

Абдимўмин ака география кафедрасига раҳбарлик қилган йиллари кафедра ҳар томонлама республика миқёсида ўз мавқеига эга эди. 1991 йилдан 2004 йилгача Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг буйруғига мувофиқ олий ўқув юртлари ўртасида “Талаба ва фан-техника тараққиёти” мавзусидаги география фани бўйича ўтказиладиган фан олимпиадасининг Республика босқичи Термиз давлат университетида ўтказилди. Ушбу фан олимпиадалари юқори савияда ўтказилди.

Абдимўмин Нормуродович Рўзиев 2001 йил 31 октябрь санасида, айна илмий ижод комиллиги чўққисига етган бир пайтда оламдан бевақт кўз юмди. Устознинг босиб ўтган илмий-педагогик фаолияти ва география фанидаги эришган ютуқлари ёш авлодга таълим-тарбия беришда ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади.

Илоҳим, устознинг жойлари жаннат, руҳлари шод ва охиратлари обод бўлсин.

*Абдуназаров Ҳ.М., А.У.Сатторов, Умарова М.Ҳ.  
Термиз давлат университети “География” кафедраси номидан*

**ПАМЯТЬ****МАРИЯ АЛЬФРЕДОВНА ГЛАЗОВСКАЯ (1912-2016)**

*В Москве 20 ноября 2016 года в возрасте 104 лет, не дожив двух месяцев до своего 105-летия, скончалась Мария Альфредовна Глазовская – доктор географических наук, профессор, старейший член Русского Географического общества и Общества почвоведов имени В.В.Докучаева, учёный с мировым именем в географии почв, геохимии ландшафтов, региональной физической географии и геоэкологии.*

Мария Альфредовна Глазовская родилась 26 января 1912 года в Санкт-Петербурге, в семье врача. В 1934 году она окончила геолого-почвенно-географический факультет Ленинградского государственного университета. В 1937 году (в 25 лет) под научным руководством профессора Б.Б.Полынова она защитила кандидатскую диссертацию на тему «Материалы к изучению почвенных комплексов Прикаспийской низменности».

С 1939 по 1952 годы М.А.Глазовская жила в Алма-Ате, была научным сотрудником Сектора географии и Института почвоведения АН Казахстана, преподавала в Казахском педагогическом институте. В 1952 году, защитив докторскую диссертацию «Внутренний Тянь-Шань как горная страна Центральной Азии», перешла на работу в МГУ. В 1956-1959 гг. она заведовала кафедрой физической географии СССР, а в 1959-1987 гг. – кафедрой геохимии ландшафтов и географии почв географического факультета МГУ. М.А.Глазовская подготовила 8 докторов наук и около 40 кандидатов наук.

М.А.Глазовской разработана оригинальная субстантивно-геохимическая классификация почв мира, проведено почвенное районирование суши, дан анализ макроструктур почвенного покрова континентов, осуществлён глубокий сравнительно-географический анализ процессов почвообразования и свойств почв в глобальном масштабе. Итогом этих работ стали учебники-монографии «Почвы мира» (1972-1973), «Общее почвоведение и география почв» (1981), «Почвы зарубежных стран» (1983).

Вместе с Б.Б.Полыновым и А.И.Перельманом М.А.Глазовская стояла у истоков новой науки – геохимии ландшафтов. Ею углублены теоретические основы этой науки, создана классификация геохимических ландшафтов, дан анализ функционирования ландшафтно-геохимических систем, развиты представления о каскадных системах и ландшафтно-геохимических аренах. В 1988 г. ею опубликован фундаментальный обобщающий труд «Геохимия природных и техногенных ландшафтов СССР».

Велик вклад М.А.Глазовской в становление ландшафтно-геохимического картографирования и в разработку учения о технопедогенезе – трансформации почв под воздействием техногенных факторов. В 1997 г. вышла её монография «Методологические основы оценки эколого-геохимической устойчивости почв к техногенным воздействиям».

М.А.Глазовская воспитала двух сыновей-географов: А.Ф.Глазовского (родился в 1940 г.) – крупного гляциолога и Н.Ф.Глазовского (1946-2006) – известного во всём мире почвовед-геоэколога. Н.Ф.Глазовский (1946-2006) был одним из пионеров изучения проблем опустынивания, в частности Аральского кризиса, в Советском Союзе.

М.А.Глазовская с 1987 года и до последних дней жизни была профессором-консультантом кафедры геохимии ландшафтов и географии почв МГУ. В 2009 году, в возрасте 97 лет она опубликовала монографию «Педолитогенез и континентальные циклы углерода», которая вызвала большой интерес среди почвоведов и геохимиков новыми оригинальными идеями. В 2013 г., когда М.А.Глазовской исполнился 101 год, увидела свет её книга воспоминаний «События моей жизни на фоне войн и революций XX века».

Долгая, насыщенная плодотворной трудовой деятельностью жизнь Марии Альфредовны Глазовской является уникальным примером преданного служения географической науке, в которой она нашла творческое и человеческое счастье, реализовала своё призвание, талант и целеустремлённый характер.

*В.Н.Федорко*

**“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журнаliga тақдим этиладиган  
мақолаларга қўйилган талаблар**

“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” журнаliga *долзарб, тугатилган илмий тадқиқотларнинг натижалари ва муаллифларнинг улардаги шахсий ҳиссаларини акс эттирадиган, олдин чоп этилмаган* илмий мақолалар қабул қилинади.

Журнал қўйидаги бўлимлардан иборат:

- Табиий география, геоэкология ва табиатдан фойдаланиш;
- Иқтисодий ва ижтимоий география;
- Топонимика ва география ўқитиш методикаси;
- Гидрология, метеорология ва иқлимшунослик;
- Геодезия ва картография;
- Юбилейлар, хотиралар, тадбирлардан лавҳалар, тақризлар.

Мақолалар журнал тахририятига электрон ва қоғоз шаклларида топширилади. Мақолаларнинг тавсия этиладиган ҳажми *5 бетдан 15 бетгача*. Мақолалар *Microsoft Word 2003-2007* матн муҳаррирларида *фақат Times New Roman* шрифтида терилади. Агар мақола *Microsoft Word 2007* матн тахририда бажариладиган бўлса, *“Без интервала”* регистри ёрдамида терилиши шарт. *Юқоридан 2 см, пастдан 2 см, чапдан 3 см, ўнгдан 1,5 см* қолдирилади.

Мақоланинг *биринчи сатрига* муаллифларнинг исми-шарифи келтирилади. Мақоланинг *биринчи бетининг остида ҳавола тарзида 10 кегл* билан муаллифнинг тўлиқ фамилияси, исми ва отасининг исми (тўқ рангда), иш жойи ва лавозими, электрон почта манзили берилиши шарт. Мақоланинг *кейинги сатрида катта ҳарфлар* билан унинг номи ўрта қисмига жойлаштирилади.

Мақолаларда *ўзбек, рус ва инглиз тилларида аннотация ва калит сўзлар* матн бошида келтирилиши шарт. Мақоланинг бу қисмлари *12 кегл, курсив шрифтида, 1,0 интервал* билан терилади.

Асосий матн *14 кегл, 1,5 интервалда* терилади.

Мақоланинг матни куйидаги бўлимларга ажратилиши лозим:

- **Кириш;**
- **Ишнинг мақсади ва вазифалари;**
- **Асосий қисм (натижалар ва уларнинг муҳокамаси);**
- **Хулоса.**

Мақолалар матнига расм, график, харита, жадваллар киритилиши мумкин. Расм, график, хариталар *рақамланиши ва номланиши шарт*, номлари *тагида* алоҳида кўринадиган тарзда *12 кеглда* ёзилиши лозим. График маълумотлар *фақат \*.jpg* форматида бўлиши керак. Жадваллар *рақамланиши ва номланиши шарт* бўлиб, рақами (*1-жадвал* ва ҳ.к.) ҳамда номи жадвалларнинг *устига 12 кеглда* ёзилади. Жадвал рақами *ўнг томонга*, номи эса кейинги қатордан *ўрта қисмига* ёзилади. Расм ва жадваллар бошқа адабиётлардан олинган тақдирда, уларнинг *манбаи* пастда чап томонга ёзилиши шарт.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати мақоланининг матнидан сўнг келтирилиб, *12 кеглда, автоматик рақамланмасдан* терилади ва **Фойдаланилган адабиётлар** деб номланади. Манбалар *алифбо тартибда*, аввалига кирилл ёзувидагилар, кейин эса латин ва бошқа ёзувлардаги адабиётлар жойлаштирилади. Адабиётларнинг библиографик маълумотлари *белгиланган стандарт тартибда* келтирилиши лозим. Рўйхатдаги *ҳар бир манбага мақола матнида [1]* кўринишида *ҳавола қилиниши* талаб этилади, *ҳавола қилинмаган адабиётлар библиографик рўйхатга киритилмаслиги керак*. Агар мақола матнига бирор манбадан олинган жумла тўлалигича **цитата** тарзида киритилган бўлса, уни қўштирноққа олиб, *ҳаволани [3, б.65]* кўринишида берилади.

**Изоҳ:** *Жамиятнинг вилоят бўлимлари раҳбарлари ва таниқли олимлар томонидан тавсия этилиб, чоп этишига қабул қилинган мақолаларга айрим тахририй ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган, география фани соҳасига бевосита алоқадор бўлмаган, “Антиплагиат” дастуридан ўтказилиб, салбий хулоса олинган, пухта тахрир қилинмаган мақолалар нашрга тавсия этилмайди ва муаллифга қайтарилмайди.*

**“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журнали тахририяти манзили:** 100174, Тошкент – 174, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ бош ўқув биноси. Геология ва география факультети. **Телефонлар:** (94) 642-52-44 (А.Эгамбердиев, масъул котиб); (90) 323-08-52 (Ш.Қурбонов, техник котиб).

**Қурбонов Ш.Б\*.**  
**КИЧИК ҲУДУДЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ**  
**ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Аннотация:** мамлакат ёки минтақалар ривожланиши, аҳоли турмуш даражасини белгилашда ижтимоий соҳалар алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу мақолада аҳолига хизмат кўрсатиши тармоқларининг шаклланиши ва ривожланишига бевосита таъсир кўрсатувчи географик омиллар кичик ҳудудлар – қишлоқ туманлари мисолида кўриб чиқилган (2-3 жумла).

**Калит сўзлар:** қишлоқ жойлар, кичик ҳудуд, ижтимоий соҳалар, аҳолига хизмат кўрсатиши, ижтимоий-иқтисодий омиллар, номоддий соҳалар, индикатор (8 тагача)

**Экономико-географические особенности развития малых территорий**

**Аннотация:** в определении уровня развития страны и отдельных регионов важное значение имеет состояние социальной сферы. В данной статье рассматривается влияние географических факторов на формирование и развитие сферы обслуживания населения малых территорий (2-3 предложения).

**Ключевые слова:** сельская местность, малая территория, социальные сферы, сферы обслуживания населения, социально-экономические факторы, непродуцирующие сферы, индикатор (до 8 слов).

**Economic and geographic features of the development of small areas**

**Abstract:** in determining the level of development of individual regions and important state of the social sphere. This article examines the impact of geographical factors on the formation and development of services for the population of small areas.

**Key words:** countryside, small area, social sphere, the sphere of services to the population, socio-economic factors, non-productive sphere, the indicator.

**Кириш.** Матн. Матн. Матн. Матн. Матн [1].

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Матн. Матн. Матн. Матн.

**Асосий қисм.** Матн. Матн. Матн. Матн. Матн [2,3].

Расм

1-Расм. Расм номи

1 -жадвал

**Жадвал номи**


Жадвал ЎЗР статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

**Хулоса.** Матн. Матн. Матн. Матн. Матн. Матн.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997. - 267 б.

2. Солиев А. Иқтисодий география: назария, методика ва амалиёт. - Т: Камалак, 2013. – 184 б.

3. Қурбонов Ш.Б. Кичик ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий географияси. – Т.: “MUMTOZ SO’Z”, 2010. – 160 б.

\*Қурбонов Шухрат Бекметович - Ўзбекистон Миллий университети География кафедраси ўқитувчиси.  
 E-mail: qurbonov1977@mail.ru



## МУНДАРИЖА:

<b>Федорко В.Н.</b> <i>Географические аспекты труда И.А.Каримова «Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса»</i> .....	3
<b><u>ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯ, ГЕОЭКОЛОГИЯ ВА ТАБИАТДАН</u></b>	
<b><u>ФЙДАЛАНИШ</u></b>	
<b>Абдуназаров У.К., Крахмаль К.А.</b> <i>Палеочовы в хроностратиграфии четвертичного периода бассейна реки Чирчик</i> .....	8
<b>Расулов А.Б.</b> <i>Барқарор ривожланиш индикаторлари ва уларни амалда қўллаш муаммолари</i> .....	12
<b>Нигматов А.Н., Камолов Б.Х.</b> <i>Барқарор ривожланишда экотуризм мустақил фан, таълим ва амалиёт йўналиши сифатида</i> .....	16
<b>Бекмухамедова М.Х., Шарипов Ш.М.</b> <i>Оҳангарон ҳавзаси геотизимларининг геокимёвий шароити ва унинг аҳоли саломатлигига таъсири</i> .....	22
<b>Қаландарова Д.Д., Забиева Р.С., Назаров И.Қ.</b> <i>Ер табиати: географик қонуниятлар ва амалиёт (даврийлик қонуни)</i> .....	24
<b>Шамуратова Н.Т., Салиева Н.Ш.</b> <i>Экотуризм принциплари</i> .....	27
<b>Эгамов Б.Ю.</b> <i>“Адибус Соний” дарслигида гидрология ва иқлимшуносликка оид қарашлар</i> .....	30
<b><u>ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ГЕОГРАФИЯ</u></b>	
<b>Азимов Ш.А.</b> <i>Худудий ривожлантириш стратегиялари</i> .....	33
<b>Федорко В.Н., Курбанов Ш.Б.</b> <i>Методика рейтинговой оценки уровня экономического и социального развития регионов Республики Узбекистан</i> .....	39
<b>Усманов З.К.</b> <i>Ўзбекистонда транспорт тизимининг ривожланганлик даражаси ва унинг худудий хусусиятлари</i> .....	48
<b>Янчук С.Л.</b> <i>Механизм формирования полюсов, линий и коридоров роста</i> .....	52
<b>Абдалова З.Т.</b> <i>Минтақавий сиёсат бўйича хорижий давлатлар тажрибаси</i> .....	58
<b>Комилова Н.Қ., Шомуродова Ш.Ф.</b> <i>Абу Али Ибн Синонинг илмий меросида тиббий-географик гоялар</i> .....	62
<b>Жумаханов Ш. З.</b> <i>Давлат чегаралари даҳлсизлигини белгиловчи халқаро ва миллий ҳуқуқий-меърий ҳужжатлардаги географик ёндашувлар ҳақида</i> .....	65
<b>Турдымамбетов И.Р., Уразимбетова Ю.Х.</b> <i>Социально-экономические и демографические факторы нозогеографической ситуации в Республике Каракалпакстан</i> .....	69
<b>Қаюмов А.А., Усманов З.К.</b> <i>Янги ипак йўли иқтисодий коридорини шакллантиришда Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлиги</i> .....	72
<b>Юлдашев З.Х., Файзуллаев М.А.</b> <i>Қишлоқ хўжалиги экин майдонларини ажратилиш ва уларга ресурсларни тақсимлашнинг математик модели</i> .....	77
<b>Абдуллаев С.И., Жанкабилов И.Х., Назаров М.Г.</b> <i>Сакрал география - янги интеграл илмий йўналиши</i> .....	81
<b>Эгамбердиева У.Т.</b> <i>Ўзбекистонда енгил саноатни ривожлантириш истиқболлари</i> .....	86
<b>Намозов Ж.А.</b> <i>Самарқанд вилоятида фермер хўжаликлари фаолияти ва уларнинг ердан фойдаланиш динамикаси</i> .....	90
<b>Гопиров М.О.</b> <i>Воздействие развития автомобилестроения на региональные сети образовательных учреждений в Узбекистане</i> .....	94
<b>Ражабов Ф.Т.</b> <i>Қишлоқ хўжалигида янги мулкчилик шакллари ривожланиши ва худудий ташкил этилишининг назарий масалалари</i> .....	98
<b>Эсанов Б.А.</b> <i>Иқтисодий районлаштиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси (Мексика, Индонезия ва Япония мисолида)</i> .....	102

<b>Калонов Б.Х.</b> Зарафшон минтақасида пахтачилик мажмуасини такомиллаштириш масалалари.....	105
<b>Рўзметов Д.Р.</b> Республика енгил саноати кластерини шакллантиришнинг айрим масалалари.....	108
<b>Абдуназаров Х.М., Умарова М.Х.</b> Ўзбекистон меҳнат ресурслари таркибида хотин-қизларнинг тутган ўрни.....	111
<b>Халилова Х.Т.</b> Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислохотлар.....	114
<b>Сабирова Н.Т.</b> Зарафшон минтақаси шаҳарларининг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари.....	117
<b>Қодиров Р.Б.</b> Фарғона минтақаси меҳнат ресурслари динамикаси.....	121
<b>Аллаберганов Ҳ.А.</b> Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришида аграр ислохотларнинг роли ва аҳамияти.....	124
<b>То'раев Q.Т., Sattarov A.U.</b> Surxondaryo viloyati turizmi va uning istiqbollari.....	127
<b>Алихўжаева Б.Э.</b> Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш истиқболлари .....	129
<b><u>ТОПОНИМИКА ВА ГЕОГРАФИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ</u></b>	
<b>Нигматов А.Н., Абдуназаров Л.М.</b> Экологик таълимнинг методологик асослари...	133
<b>Миракмалов М.Т., Аvezов М.М.</b> Арид иқлимли ҳудудлар гидронимларининг шаклланишида табиий географик терминларнинг роли (Бухоро вилояти гидронимлари мисолида).....	138
<b>Ҳакимов Қ.М.</b> Географик объектлар номларини муҳофаза қилишнинг зарурияти ҳақида.....	142
<b>Аҳмадалиев Ю.И., Отақулов П.С.</b> Географик объектлар номларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий тизимидаги ўзгаришлар ҳақида.....	145
<b>Ибрагимова Р.А., Ибраимова А.А.</b> География таълимида интерфаол методлардан фойдаланиш.....	148
<b>Миракмалов М.Т., Эшбоев Б.Т.</b> Миграцион топонимлар ва улардан география дарсларида фойдаланиш.....	151
<b>Отақулов П. С.</b> Фитооиконимларнинг экологик функциялари.....	154
<b>Абдуллаева М.Н., Нугманова А.А., Каракулов Н.М.</b> География таълимида мустақил ишларни ташкил этишнинг айрим жиҳатлари .....	157
<b><u>ГИДРОЛОГИЯ, МЕТЕОРОЛОГИЯ ВА ИҚЛИМШУНОСЛИК</u></b>	
<b>Камолов Б.А., Солиев И.Р.</b> Глобал иқлим илиши шароитида Фарғона водийсида ёгин миқдоридаги ўзгаришлар.....	161
<b>Турғунов Д.М.</b> Кам сувли йилларнинг Чорбоғ сув омбори гидроэнергетик режимида таъсири ҳақида.....	164
<b>Трофимов Г.Н., Исакова А.Я.</b> Краткий обзор публикаций по селевым потокам Средней Азии.....	168
<b>Сулаймонова Н.Н.</b> Иқлим ўзгаришининг табиий чўл яйловлари агроиқлимий шароитларига таъсири.....	171
<b>Холбаев Г.Х.</b> Тошкент вилоятининг сугориладиган ҳудудларида кузатиладиган қора совуқ ҳодисасини тадқиқ этиш.....	175
<b>Курбанбаев Р.Е., Толепбергенов М.Ж.</b> Изменение глубины грунтовых вод на орошаемых территориях Республики Каракалпакстан.....	179
<b>Камалов Б.А., Абдурахманов С.Т.</b> К вопросу о формировании почвенной влаги.....	183

**ГЕОДЕЗИЯ ВА КАРТОГРАФИЯ**

- Алланазаров О.Р., Сафаров Э.Ю., Пренов Ш.М. *Геоинформатиканинг таълим тизимида ва алоқа объектлари давлат кадастрида қўлланилиши ҳақида*..... 187
- Мирмахмудов Э.Р., Кудратов С. *Об улучшении точности координат пунктов геодезической сети в окрестностях Ангрэн-Алмалыкской промышленной зоны*..... 191

**ЮБИЛЕЙЛАР**

- АГРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ФАНИ ФИДОЙСИ (профессор А.Қ.Абдуллаев 75 ёшида)..... 195
- ВИКТОРУ АРТЕМЬЕВИЧУ ПОПОВУ 70 ЛЕТ..... 198
- МАХАМАДАЛИЕВ РАВШАН ЙЎЛДОШЕВИЧ 60 ЁШДА..... 199
- АСРОР НИЗОМОВ 60 ЁШДА ..... 200
- БАХРОМОВ ҚАЙОМ ҲУСАИНОВИЧ 60 ЁШДА..... 201
- КОРИФЕЙ ОТЕЧЕСТВЕННОГО ЛАНДШАФТОВЕДЕНИЯ (к 90-летию со дня рождения профессора Н.А.Когая)..... 202

**ХОТИРА**

- ГЕОГРАФИЯ ФАНИГА БАХШИДА УМР (профессор А.Н.Рўзиев таваллудининг 80-йиллигига бағишлаб)..... 204
- МАРИЯ АЛЬФРЕДОВНА ГЛАЗОВСКАЯ (1912-2016) ..... 206
- “Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журнаliga тақдим этиладиган мақолаларга қўйилган талаблар ва мақолаларни расмийлаштириш намунаси ..... 207